

ХАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ
ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ОЙЛИК ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ НАШРИ
ВА ИҚТИСОД № 11 (29) 1990 йилнинг июль ойидан
чиқа бошлаган

Бош муҳаррир
Исмаи ХУШЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Абдувоҳид АБДУҒАНИЕВ

(иқтисод фанлари доктори,
профессор)

Қаландар АБДУРАҲМОҒОВ

(иқтисод фанлари доктори,
профессор)

Рустам АЗИМОВ

(иқтисод фанлари номзоди,
доцент)

Абдурафиқ АҲАДОВ,

Қудрат АҲМЕДОВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Лерик АХМЕТОВ

(иқтисод фанлари доктори,
профессор)

Саидахрор ҒУЛОМОВ

(Ўзбекистон Республикаси ҒА мухбир
аъзоси)

Тоҳиржон ИМИНОВ

(иқтисод фанлари доктори,
профессор)

Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ

(Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси академиги)

Эркин МУРОДОВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Геннадий МАРА-НОВИК

(бош муҳаррир ўринбосари)

Ўлат НОСИРОВ

(Ўзбекистон кишлқ хўжалиги
фанлари Академияси академиги)

Оқил ОБИДОВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Леонард ПЕТРЕНКО

(«Жизнь и экономика» ойнамасининг
масъул котиби)

Содиқ САҒОЕВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Абдумўмин ТИЛОВОВ

(«Хаёт ва иқтисод» ойнамасининг
масъул котиби)

Нурислом ТУХЛИЕВ

(иқтисод фанлари доктори,
профессор)

Мавлон УМУРЗОҚОВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Эркин ХУЖАЕВ

(иқтисод фанлари номзоди, доцент)

Шухрат ХОЖИМУРОДОВ,

Қобилжон ХАСАНЖОНОВ

(Ўзбекистон кишлқ хўжалиги
фанлари Академияси мухбир аъзоси)

Мурод ШАРИФХУЖАЕВ

(Ўзбекистон Республикаси ҒА мухбир
аъзоси)

Эркин ШАЙХОВ


(Ўзбекистон кишлқ хўжалиги
фанлари Академияси академиги)

МАЗКУР СОНДА:



Одил ЕҚУБОВ:

Бир кило пахтамизга Олой бозорида ярим кило бод-ринг беришмайди. Пахтакорларимизнинг аҳволи Америка плантацияларида ишлаган занжиларнинг аҳволдан ҳам ёмон. Ҳатто илгариги рус савдогарлари ҳам бир пуд пахтага ўн олти пуд галла беришган...




Нутфилло ХУЖАЕВ:

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтаётганлиги, мулкчиликнинг турли-туман шакллари ривожланиши ва республикаимизнинг мустақилликка эришганлиги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш кераклигини кўрсатиб турибди.



Мавлуда БҮРИЕВА:

Ҳозирги кунда кўёш энергиясидан уйлари иситишда, қудуқлардан сув тортиб чиқаришда, меваларни қуритишда, гелиотеплицаларда ўсимликларни ўстиришда, ҳорелла ўстиришда ва ҳатто одамларни даволашда фойдаланилмоқда.



Раҳимжон ҚОДИРОВ:

Туркия моделининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритиладиган бўлса биринчи навбатда чет эл капитал маблағининг жалб этилишини айтиб ўтиш лозим. Улар учун мамлакат иқтисодиётининг барча эшиклари очиб қўйилди, фойдани чет элга ўтказишдаги барча чалқашликлар олиб ташланди.



Мажид ҲАСАНОВ:

Фитрат томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий Комитет тасдиқлаган ислохотлар лойиҳаси жуда галати эди. Заруратдан программа-минимум бўлган бу лойиҳа конституция масаласини олдиндан ҳал қилмай, мамлакатни бошқаришнинг монархия формасини ўзгартирмай, иккита асосий мақсадни кўзлайди.

ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари билан танишасиз.



ОДИЛ ЕҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҲАВО ЙЎЛЛАРИДАГИ МУЛОҚОТ

Мен Шароф аканинг вафотидан кейин жумҳуриятимизга қузғундай ёпирилиб келган «десантчилар» ҳақида кўп ўйлардим. Лекин улар билан қураш нақадар оғир кечгани ҳаво йўлларидаги мана шу суҳбат чоғидагина аён бўлди менга. Ахир, Марказдан ўзимиз сўраб олган

(сўраб олган тилгинамиз кесилгай!) бу корчапонларнинг кирдикорларини фош қилишга журъат этилганда уларнинг тиргаклари ҳали мустаҳкам эди-ку! Ҳали Горбачеву Лигачевлар бутун мамлакатни зир титратиб туришган эди-ку!

Россия билан шартнома тузгани Москвага ташриф буюрган ҳукумат делегацияси таркибида камини ҳам бор эди. Сафардан қайтган қуиларим газеталардан телефон қилишиб, таассуротларимни ёзиб беришимни илтимос қилишди. Мен: «Шартнома ҳақида иқтисодчи олимлар ёзишсин», десам, улар: Биз сизга ёзувчи сифатида мурожаат қилияпмиз,

дейишди.— Сафар ҳақида ўз таассуротларингиз бўлса керак. Балки, яхши суҳбатлар, қизиқ, ибратли гаплар бўлгандир, дейишди. Дўстларим ҳақ: одамлар бош раҳбар тўғрисида кўпроқ билгиси келади. Лекин юрт оғаси тўғрисида нимани биламан. Ҳикоя қилишга арзигулик бисотимда нима бор! Мен ўйла-ниб қолдим.

Собиқ СССР халқ депутатларининг биринчи съезди. Охириги кун. Мажлис бошланишидан сал олдин залга кириб борсам, олдимдан Ислом Абдуғаниевич чиқиб қолдилар. Юзимга тикилиб:

— Ҳа, Одил ака,— дедилар,— нега жуда хомуш кўринасиз?

У пайтларда Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёда ишлар, биз фақат салом-алигимиз бор эди, холос. Лекин тўлиб турган эканман, ёрилдим:

— Нега хомуш бўлмай, Ислом Абдуғаниевич? — дедим.— Кечалари уйқу йўқ. Тошкентдан ҳар куни телефон қилишади: ҳамма депутатлар ўз халқининг дардини ошқора айтишяпти, ёлғиз сизлар оғиз-

ларингизга талқон солиб ўтирибсизлар, дейишяпти... Бу ёққа келишимизда бизни бир халқ кузатиб қўйган бўлса, эртага қайтиб борганимизда бошқа халқ кутиб олади. Телевизор ҳаммининг кўзини очди. Биз сайловчиларимизга нима деймиз, кўзларига қандай қараймиз? Назаримда, раҳбарларимиз буни тушунмаяптилар.

Ислом Абдуғаниевич «тўғри», деган маънода бош ирғадилар.

— Биз ҳам, бир нечта обком котиблари кечаси шу ҳақда гаплашдик. Ҳақиқатан, биронта жиддий нутқ бўлмади. Агар сир бўлмаса, агар сизга сўз берилса, нима ҳақда гапирасиз?

— Нима ҳақда бўларди? Бир кило пахтамызга Олои бозорида ярим кило бодринг беришмайди. Пахтакорларимизнинг аҳволи Америка плантацияларида ишлаган занжиларнинг аҳволидан ҳам ёмон. Ҳатто илгариги рус савдогарлари ҳам бир пуд пахтага ўн олти пуд ғалла беришган...

Ислом Абдуғаниевич бир дақиқа хаёлга толғач: — Ҳўп,— дедилар гапимни маъқуллаб.— Мен ҳозир Нишоновга бориб айтаман. Бугун сўз олиб берсин сизга.

У киши қаёққадир кетдилар-у сал ўтмай қайтиб келдилар:

— Сизга сўз бериладиган бўлди. Фақат илтимос: гапнинг пилигини кўтарасиз.

Бир одамни ҳурмат қилиш учун нима керак? Баъзан ўша одамнинг бир оғиз илиқ гапи-ю қийин вазиётда қўл чўзиши кифоя!..

* * *

Тўқсон биринчи йил. Жазирама ёз. Ёзувчилар боғида бўлғуси қурултойимизда қилинадиган маърузани ёзаяпман. Тўсатдан телефон жиринглади. Трубкани олсам... Президент! Салом-алиқдан кейин дабурустан:

— Кечаги... «Комсомольская правда» даги хабарни ўқидингизми? — деб сўради овози титраб.— Гўё Эркинжонга суиқасд бўлганмиш?.. Эркинжонни кўрмадингизми? Кўрган бўлсангиз нима деди?

— Эркинжон айтдики, Горький майдонидан ўтаётганимизда машинамызга бир нима тегиб даранглаб кетди. Биз тош тегиб деб ўйлаб тўхтамай кетавердик. Эртасига гараждаги шофёрлар кўриб, тош эмас, ўқ теккан, дейишибди. Мен нима ҳам дердим. Экспертиза аниқлар, деяпти Эркинжон.

Орага бир дақиқа жимлик чўкди. Сўнг Президент хиёл ранжиган овозда:

— Бунақа экан, нега Бобожонов деган ходимингиз экспертизанинг хулосасини кутмасдан бу ёмон гапни дунёга овоза қилади? Ахир, наҳот биз халқимизнинг севиқли шoirига суиқасд бўлишига йўл қўйсак?

Мен нима дейишимни билмай сукут сақладим.

— Мана, биз бу ерда бир гуруҳ олимларни тўплаб, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида одамларнинг оғирини қандай қилиб енгил қиламиз, деб эрталабдан бери бош қотириб ўтирибмиз,— деди Президент ҳамон ўша ранжиган овозда.— Сизлар эса... Халқимизнинг ишонган тоғлари, ёзувчилар эса... Кишининг жонини қақшатадиган гапларни тўқийсизлар?..

Жавоб бериб улгурмадим. Трубкада гув-гув овоз эшитилди.

Агар янглишмасам эртасига шанба эди. Бу воқеалардан кўнглим ғаш, бир-икки ёр-биродарлар билан сал ёзилиб келгани «дала»га чиқиб кетдим. Кечроқ қайтсам... чорбоғимиз ёнида ўғлим кутиб турибди. Чехрасида ҳаяжон, ташвиш аломатлари.

— Қаёқларда юрибсиз, дада?

— Ҳа, тинчликми, болам?

— Тинчлик. Президент келдилар...

Ҳайратга тушдим.

— Президентни танийсанми, ўзинг?

— Қизиқмисиз, дада.

— Бир ўзлари келдиларми, ё...

— Бир ўзлари... Ёнларида ҳатто соқчилари ҳам йўқ. Аввал Эркин аканинг боғларини сўрадилар (Эркинжон билан боғларимиз ёнма-ён). Ярим соатлардан кейин чиқиб сизни йўқладилар. Мен, шаҳарга тушиб кетдилар, дедим. У киши:

— Дадангизга салом айтиб қўйинг, дедилар. Кейин Эркин акани машиналарига ўтқазиб бирга кетдилар. Чамаси уйда бўлганингизда сизни ҳам олиб кетардилар.

«Бир дардларимизни айтадиган пайт келган экан, фурсатни бой берибман-да!» — дедим ичимда. (Ҳақиқат ҳам кейин билсам Эркинжон билан яхши суҳбат қуришибди). Айни замонда бир кун аввал қаттиқ ранжиб гапирган раҳбарнинг эртага гина-қудуратни унутиб суҳбатлашгани келгани жуда ёқди менга (Бировни ранжитса ҳам ўз гапидан қайтмайдиган раҳбарлардан асрасин худо).

Бултур баҳорда Туркменистон билан шартнома тузгани Ашгабадга бордик. Ҳукумат делегацияси таркибида профессор Азиз Қаюмов ҳам бор эди. (Туркменистон пойтахтида буюк бобомиз Навоийга бағишланган катта адабий кеча бўлиши кутилди).

Самолётга киришимиз биланоқ Президент ҳаммамизни ўз салонига таклиф қилиб, Азиз акадан Навоий ижодидан гапириб беришларини илтимос қилдилар. Азиз ака ҳам шуни кутиб турган эканлар, бобомиз ижодидан гап бошлаб, бора-боргунча ҳазратларининг шеърларини ёддан ўқиб кетдилар. Манзилга қандай етиб борганимизни билмай қолибмиз. Самолётдан тушар эканмиз, Ислом ака ярим ҳазил, ярим чин оҳангда:

— Лекциянгиз учун раҳмат, Азиз ака,— дедилар кулиб.— Навоий асарларини бошдан-оёқ ўқиб чиққандек бўлдик.

Тўғриси айтсам, у кишининг адабиётга қизиқиши, улуг бобомиз шеърларини бора-боргунча катта эътибор билан эшитиб бориши яхши аломат бўлиб туюлди менга.

* * *

Бу сафар Москвага учганимизда ҳам, самолётимиз осмонга парвоз қилиши биланоқ, Ислом Абдуғаниевич делегация аъзоларидан бир-икки кишини ўз «хона»ларига таклиф қилдилар.

Аввал бошда мамлакатдаги иқтисодий танглик, Россия билан тузилажак шартнома ва унинг моҳияти ҳақида гап кетди-ю, кейин Ислом Абдуғаниевич менга юзланиб, Машраб юбилейи қандай ўтганлиги тўғрисида сўраб қолдилар.

Мен тўй яхши ўтганини, Тошкентда Навоийга қандай боғ қилинган бўлса, Наманганда ҳам худди шундай катта боғ яратилганлигини гапириб бердим. Бу боғнинг очилишида мингларча одам иштирок этганини, маросим катта тўйга айланиб кетганини, хуллас, бобомизнинг руҳини шод этиб, буюк савоб иш қилганимизни сўзлаб бердим. Бобомиз Шоҳ Машраб:

«Намангандан кетар бўлсам, мени йўқлар кишим борму? Ғариблик шаҳрига борсам, мени йўқлар ки-

шим борму?», деган эканлар, мана, бутун ўзбек халқи йўқлади, дедим мен. Шундан кейин даврадагилар Машраб ижодига қизиқиб қолишди.

Мен, гарчи Машраб ижодининг билимдони бўлма-самда, билганимча «лекция» ўқидим. Шоҳ Машраб тасаввуф руҳида ижод қилган буюк бобомиз Аҳмад Яссавий йўлини давом эттирганини сўзлай бошлаган эдим, Ислому Абдуғаниевич:

— Ҳа, айтгандай, — дедилар гапимни бўлиб. — Москвадан қайтганимиздан кейин Қозоғистон билан ҳам шартнома тузамиз. Яқинда Нурсултон Абишевич билан гаплашдим. Биз Туркистонга бориб, Яссавий бобомиз қабрини зиёрат қиладиган бўлдик, дедилар. — Амир Темир қурдирган мақбарани бирга кўришга қарор қилдик...

Президент шундай деб, кастюмининг чўнтагидан ён дафтари олдилар. Унда бобомиз ҳикматларидан битта тўртлик кўчириб олинган экан, шуни ўқиб бердилар. Тўртлик инсоф ва адолат ҳақида эди.

Эҳтимол, туркистонлик бўлганим учундир, ҳикматлар ёдимга тушиб юрагим жигиллаб кетди.

Сухбат мавзуи ўзгаради. Машрабдан «бир сакраб» ҳозирги адабиётга, унинг муаммоларига, қийинчиликларига ўтдик.

— Ҳозир ҳаммамизга ҳам қийин, — деди Ислому Абдуғаниевич. — Лекин кекса санъаткорларимизни эҳтиёт қилайлик, уларга кўпроқ ёрдам берайлик, кўнгилларига озор бермайлик, эъозлайлик. Инсон тириклигида кўриши керак яхшилигимизни.

У киши шундай деб тўсатдан Шароф Рашидов ҳақида сўраб қолдилар. Шу йил ноябрь ойида Шароф ака таваллудининг етмиш беш йиллиги кенг нишонланиши ҳақида гапириб кетдилар.

— Биз Шароф акага қилинган тухматларни рад эдик. Мана, юбилейни ўтказаямиз. Езувчилар бунга қандай қарашаяпти?

Мен: «Езувчилар ҳам маъқуллашмаяпти. Битта-иккита адиб бўлмаса, кўпчилик бу савоб ишдан хурсанд», дедим.

Президент секин хўрсиниб:

— Шу битта-иккиталарига ҳам айтиб қўйинг, тушунтиринг, — дедилар. — Биз ҳам Шароф акани фаришта деб билмаймиз, аммо у кишининг катта хизматлари бор, уларни инкор этиш ҳам адолатдан эмас. Энг муҳими — оламдан ўтган одамга тош отмаслигимиз керак. Бошқа маданиятли халқларга ўхшаб биз ҳам халқимизга хизмати сингган одамларни эъозлашга ўрганайлик...

Дилимни ғамгин бир туйғу чулғаб олди. Ҳа, биз юртимизнинг кўп азиз фарзандларини кўзлари тиригида, эъозлай олмадик. Узоқ ўтмишни қўя қолайлик, куни кеча Ҳабиб Абдуллаевни нима қилдик? Шайхзодани-чи? Иброҳим Мўминовични-чи? Амир Темур ҳақидаги биттагина мақоласи учун бошига қанча маломатлар ёғдирдик. Яна ким ёғдирди бу маломатларни? Ўзимиз! Уларнинг баъзиларига ҳозир ҳам, оламдан кўз юмганларидан кейин ҳам бот-бот тош отаямиз...

Мен марҳум Шароф ака билан чорак аср бирга ишлаганман. 1958 йили Осие ва Африка езувчилари конференциясига ҳозирлик қўрилаётган мавридда мен у кишига олти ой котиблик қилганман. Яшир-

майман, орамизда кўп яхши гаплар ҳам бўлган, совуқлик тушиб, йироқлашиб кетган пайтларимиз ҳам. Ҳеч бир катта шахс, катта раҳбарнинг ҳаёти зиддиятсиз, сип-силлиқ ўтмайди. Мен марҳум Шароф аканинг ошиғи олчидан келган қувончли кунларини ҳам, қандайдир ички ташвишлардан ҳам нигоҳига ғам чўккан қайғули онларни ҳам кўрганман. Бу ҳақда кундаликларимда ёзиб қўйганман, яна ёзаямман...

— Яхши, — дедилар Ислому Абдуғаниевич. — Биз ҳеч кимга у кишини фақат мақтаб ёзинг, деяпганимиз йўқ. Аммо марҳум ҳаёт вақтида ҳамду сано ўқиб, оламдан ўтганларидан кейин мағзава тўккан баъзи адиблар йўлидан бормангизлар. Ҳақиқатни ёзсаларингиз бўлди бизга...

* * *

Шундан кейин сухбат мавзуи Шароф аканинг вафотидан кейин халқимиз бошига тушган мусибатлар, мингларча юртдошларимиз бағрини қон қилган «Ўзбек иши»га, ундан «Пахта иши» туфайли хор бўлган кўп яхши кадрларимиз уларнинг ўрнига Марказдан юборилган «десант»чиларга кўчди.

Ҳаммамиз ҳам бу ишлардан озми-кўпми хабардор-миз, аммо ҳақиқатни тиклаш нақадар қийин бўлганини, айниқса энг юқори мартабаларга ўтириб олган Анишчев, Сатин, Огарок ва уларнинг этакларига ёпишиб келиб, тузимизни ичиб, тузлигимизга туфлаган ашаддий шовинистлар билан курашиш нақадар оғир кечганини мен шу сухбат чоғида билдим. Ислому Абдуғаниевич самолёт ойнаси тагидан ғизиллаб учиб ўтаётган паға-паға булутларга ўйчан тикилиб, бу курашнинг тафсилотларини гапириб берганларидангина «тилда пок, ишда нопок» бу «десант»чилар билан ошқора курашиш ўзи бўлмаганини англадим. Курашиш учун юрак керак эди, кимдир жонини тикиб, белини маҳкам боғлаб, майдонга чиқиши керак эди. Ахир Марказдан ўзимиз сўраб олган (сўраб олган тилганимиз кесилгай) бу қорчалонлар билан кураш бошланганида уларнинг тиргақлари ҳали мустаҳкам эди-ку. Ҳали Горбачеву Лигачевлар бутун мамлакатни зир титратиб туришган эди-ку...

Йўқ, мен ҳеч кимни илоҳийлаштирамоқчи эмасман. Бенуқсон парвардигор, дейди халқимиз. Виламан, мақтов, айниқса ортиқча мақтов ҳеч кимга, ҳеч қачон фойда келтирган эмас. Зотан, улкан шахслар ҳамду саноларга муҳтож бўлмайдилар. Аммо осий банда, ҳаммамиз ҳам қилган ишларимизга адолатли баҳо берилса деймиз, яхши гапнинг гадосимиз.

Мен Шароф аканинг ўлимидан кейин халқимиз шаънига тўқилган тухматларни фош этиш, паймол этилган ғуруримизни тиклаш йўлида бўлиб ўтган жангу жадаллар ҳақида кўп ўйлайман. Бу савоб ишни амалга ошириш учун қанча куч, қанча ирода, асаб, жасорат талаб қилинганини тасаввур этаман. Шу боисдан бўлса керак, бу ҳақдаги хиёл ғамгин ҳиқояни эшитар эканман, дилимда бир нарсага иқрор бўлдим: биз кўп нарсани билмас эканмиз, билмай туриб ҳукм чиқарар эканмиз.

Ё тавба! Бошқа «десант»чиларни қўйиб турайлик, ҳатто: «Нега Тошкент олий ўқув юрларида ўзбек талабалари сони эллик фоиздан ортиқ, нега ТошМИ-

да кафедра бошлиқларининг кўпчилигини ўзбеклар ташкил этади» дея зиёлиларимизни шафқатсиз қувғин қилган ашаддий миллатчи Сатинни олайлик. Уни жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилган юртдошларимиз бўлган эди-ку! Зотан, биз аҳил бўлганимизда, инсоний ва миллий гуруримиз устивор турганида, арзимаган низолар сабаб, доим бир-биримизнинг оёғимиздан тортиб келмаганимизда, юксак лавозимларни эмас, заҳматкаш, меҳнаткаш халқимизнинг тақдирини ўйлаб иш тутганимизда, бунчалик оёқ ости бўлармик?

Афсус — надоматлар бўлғайким, биз туркийлар, агар қисқагина давом этган Амир Темур даврини ҳисобга олмаганда, узоқ тарихимизда доим ноаҳил бўлиб келганмиз. Агар бу машъум «анъана»га чек қўёлмасак, мустақил бўлиб қаёққа ҳам бора оламиз? Келажагимиз, тинчлигимиз, тақдиримиз, фарзандларимиз қисмати нима бўлади?

Президент худди кўнглимдан ўтган гапларни ўқийтгандек:

— Ҳа, қийинлашиб кетди ишлар,— дейди ҳануз ўша хаёлчан сал ўксик овозда.— Баъзан ҳар хил гапларни эшитиб, хафа бўламану яна ўзимга ўзим тасалли бераман. Ким нима демасин, тилимизга давлат тили мақоми берилди, халқимиз асрлар давомида орзу қилган мустақилликка эришдик. Шу ишларда озми, кўпми, хизматинг бор-ку, худога шукр қил, дейман ўзимга. Лекин ҳозирги мустақиллик — энди туғилган чақалоқ-ку! Уни ҳали йўрғаклаб олишимиз, кўкрак бериб, бешигини тебратиб, оёққа турғизишимиз керак-ку! Менинг энг катта армоним — шу. Бу армоним ушалса бас, кейин...

Ислом Абдуғаниевич гапини охирига етказмади, тўсатдан кўзларида шўх учқунлар ўйнаб:

— Сиз, мана, ёзувчисиз,— дейди кулимсираб.— Ростингизни айтинг-чи, мен ҳақиқатан ҳам қаттиқ-қўлманми? Чиндан ҳам танқидни бўғяпманми?

Жиддий гапни ҳазилга буришга уринаман:

— Подшоҳларга ҳақиқатни айтиш хатарли, Ислом Абдуғаниевич.

Президентнинг кўзларидаги шўх учқунлар сўнади, хаёл суриб, пешонасини ишқайди:

— Бултур қурултойларинг олдидан катта бир гуруҳ ёзувчиларни қабул қилганим эсингиздами?

— Эсимда...

— Ушанда... Подшоҳга ҳақиқатни айтиш хатарли демасдан кўп жиддий гапларни айтдиларинг-ку. Демократия ҳам қолмади. «Эрк»-ка эрк бериш керак, «Бирлик»-ка йўл бериш керак, деган гаплар ҳам, сўз эркинлиги ҳам... Хуллас, айтилмаган гап қолмади-ку ўшанда. Мен бу гаплардан хафа бўлмадим-ку. Имкон даражасида «Эрк»-ка ҳам йўл очдик, «Бирлик»-ни ҳам рўйхатга олдик. Ё нотўғримми?

Митингга чиқамиз деб, боши ёрилган бир-иккита ёзувчи ёдимга тушади. Чамаси, ҳуқуқ-тартибот органлари ўз ҳуқуқларини сунистьемол қиляптиёв, дейман Президентга.

— Сунистьемол қиляяпганлар бўлса... айтинглар, ёзинглар. Катта юрт. Қаерда нима бўляпти — ҳаммасини билолмайман-ку мен.

Ёзувчига теккан касал, «фалсафа сўқиш» истаги гимирлайди дилимда:

— Демак, Сизга бериладиган ахборот тўғри бўлиши керак экан-да. Биласизми, қадимда ақлли подшоҳларнинг девонаи ростгўйлари бўлган. Улар ҳар қандай аччиқ ҳақиқатни кўрқмасдан айтаверишган...

— Ҳай қайдамов! — деб кулади Ислом Абдуғаниевич.— Ё сиз ҳам девонаи ростгўй бўлмоқчимисиз?

— Йўк, менга жон керак! — дейман мен ҳам кулиб.

— Ҳар қалай бошқалар шикоят қилса ҳам, ёзувчилар шикоят қилмаса бўларди. Жуда кўп аччиқ гапни айтдиларинг-ку, сабр билан эшитяпмиз-ку...

— Вақти келади,— давом этади Президент гўё бирор билан баҳслашаётгандай қизишиб.— Митингларга ҳам рухсат берилади, бошқасига ҳам. Аммо ҳозир... кўшни республикаларда бўлаётган митинглар халққа нима берди? Фақат қон тўкилди. Мен ана шундан, қон тўкилишидан чўчийман. Ким нима деса десин, мен бир нарсага аминман: ҳозир халққа митинг эмас, ҳатто демократия ҳақидаги шиорлар ҳам эмас, нон керак, осойишталик керак. Ишқилиб, худо қирғинбаротлардан асрасин, қирғин бўлса аввалам ёшлар кетади. Оталар кўз ёшини кўрмайлик, оналар фарёдини эшитмайлик.

Президентнинг қизишиб айтган гапларига қулоқ соларканман, мен ҳам нон ҳақида, сўнги пайтларда ҳаммамизни ташвишга солаётган тирикчилик тўғрисида ўйлайман. Тўрт ўғлим бор, ҳаммаси зиёли. Топганлари қора қозонни қайнатишга аранг этади. Аҳвол шундай давом этаверса эртанги кунимиз нима бўлади? Боз устига эл орасида ташвишли гап кўп. Шаҳарликлар: «Деҳқон моли бор, боғ-роғи бор, бир кунини кўряпти, қийин бўлганда бизга қийин бўлди», дейишса, қишлоқдан келганлар, аксинча: «Сиз шаҳарликларда қиммат бўлсаям ҳамма нарса бор, биз бўлсак маош ҳам ололмаёпмиз»,— деб арз қилишади-ю, инсофли одамлар, яна ўзлари: — «Майли, худо қирғинбаротлардан асрасин ишқилиб»,— деб қўшиб қўйишади.

— Очиғини айтсам,— дейди Президент,— Елдин билан тузадиган шартномадан мақсад ҳам шу — аввалам бор осойишталик. Қолаверса — иқтисод.

Қизиқ: Елдиннинг номини эшитишим билан хаёлим тамом бошқа томонга кетади. Самарқандда, самолёт пиллапоёсида турганча, икки қўлини кўксига қўйиб, шаҳар аҳлига қайта-қайта таъзим қилаётган Борис Елдин кўз олдимга келади. Унинг ўша ҳаракати, Самарқанд аҳлига қўл қовуштириб қайта-қайта таъзим қилгани, тўғрисида айтсам, мени жуда-жуда қувонтирган эди. Чунки бу самимий таъзимни кузатар эканман, Навоийда ўзини собиқ империя губернаторидай тутган Ефимов жаноблари эсимга тушади, унинг «Ҳой ўзбеклар, қачон қулларга хос қўл қовуштириб салом бериш одатларингни қўясанлар, қачон бошларингдаги дўппиларингни ташлайсанлар?», деган ҳақоратомуз гаплари қулоқларим остида қайта янграйди.

Хаёлимни яна Президент бўлади.

— Ҳа,— дейди у, салмоқлаб.— Ким нима демасин — Россия буюк давлат. Ҳатто мустақиллигимиз

мустақамланиб, орамизда чегаралар ўрнатилган тақдирда ҳам — у бизга қўшни бўлиб қолади. «Қўшнингга қовоғингни солма», «Гилям сотсанг ҳам қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан», дейди халқимиз...

Гап билан бўлиб, манзилга етиб келганимизни билмай қолибмиз. Аэропортга қўнар-қўнамасданоқ ойнадан ташқарига қарайман. Кутиб олувчилар орасида Борис Елцин борми, йўқми? Йўқ! Пастда Бурбулис ва унинг ёрдамчилари туришибди... Хаёлимдан: «Бу қанақаси? Яна ўша эски беписандликми?», деган гап ўтади. Лекин шу заҳотиёқ буларда давлат раҳбарларини аэропортда кутиб олиш расм эмаслиги, ҳатто Жорж Буш ва Франсуа Миттеранлар ҳам Кремлда, Георгиевск зали остонасида кутиб олингани эсимга тушади-ю, кўнглим таскин топади.

* * *

Кечаси алламаҳалгача имзо чекилажак шартнома лойиҳасини варақлаб ётаман. Ун тўрт бетлик улкан ҳужжат! Салкам ўттизта модда. Ишқилиб, илгариги мафкуравий тазйиқларнинг шабадаси бўлмасин-да, дейман ичимда. Олога шукр, бунақа совуқ шабаданинг аломати ҳам йўқ. Ҳамма моддалар — тенг ҳуқуқли дўстона алоқа, иқтисодий ҳамкорлик, савдосотик, олди-берди, илмий-маданий ва ҳоказо ва ҳоказо муносабатлар мажмуасидан иборат. Вақти келар, билимдон иқтисодчилар, кескир ҳуқуқшунослар, доно файласуфлар шартноманинг ҳар бир моддаси ҳақида биттадан китоб ёзишар, тарихий аҳамиятларини шарҳлаб беришар. Мен ғариб эса... яна эртага бўладиган учрашув, тантанали расм-русумлар, тарихий нутқлар ва... худо ўзи кечирсин — бериладиган зиёфат, тўғрироғи зиёфат бериладими, йўқми? Осий банда, шуларни ўйлаб уйқуга кетаман...

* * *

30 май. Москва вақти билан кундуз соат уч ярим. Имзо чекиш маросими тўртта бошланади. Лекин биз, делегация аъзолари Кремлга ҳукуматимиз раҳбарларидан ярим соат олдин бордик, қирмизи гилямлар тўшалган тик зиналардан юриб машҳур Георгиевск залига кўтарилдик.

Бир-бирларига тутатиб кетган, қуббадор шифтларига, мрамар деворларига рус подшоларининг суратлари, ғолиб лашкарбошилар, музаффар қўшинларнинг номлари олтин ҳарфлар билан битилган ўнларча улугвор, мухташам заллар. Мен депутатлик чоғимда ҳам, ҳатто ундан олдин ҳам бу хиёл совуқ, сокин, муаззам қасрда кўп бўлганман. Лекин ҳар сафар унга қадам қўйганимда: «Бу ерлардан кимлар ўтмаган, олтин тахтларда кимлар ўтирмаган, бевафо тож учун кимларнинг бошлари кетмаган?», деган фикр хаёлимдан кечади-ю, беихтиёр этим жимирлашиб кетади...

Мана, ашқол-дашқолларини кўтариб, телевизорчилар ҳам кириб келишди, жой таллашиб, бир-бирларига мингашиб олишди.

Соат ропша-роса тўрт. Икки Президент ўз командалари қуршовида икки томондан Георгиевск залига кириб келишади. Ҳамон кузатаман: Елциннинг бўйи

узун, овози баланд, дўриллаб гапиради, аммо Президентимизнинг ўзини тутишида қатъият ва ишонч бор. Улар делегация аъзолари билан битта-битта кўришадилар сўнг, президентлар чамаси суҳбат учун ён хонага қўлтиқлашиб кириб кетишади-ю, сал ўтмай қайтиб чиқишади. Суҳбат яхши ўтган бўлса керак — кайфиятлари чоғ. Телевизор чироқлари ёнади, қадимий мухташам залнинг олтин безаклари ложувард ранглар касб этиб, ярқираб кетади.

Ниҳоят, шартномага имзо чекиш билан боғлиқ ҳамма расм-русумлар тугайди, шампань тўла қадаҳлар кўтарилади-ю президентлар нутқ сўзлайдилар.

Шунда Борис Елциннинг бир гапи мени жуда мамнун қилди. Шартноманинг ҳар иккала мустақил давлат учун аҳамиятини таъкидлаб ўтгандан сўнг, Елцин айтдики, Рус империяси ва ҳаттоки 75 йил ҳукм сурган Совет ҳокимияти даврида Россия тасаруфидаги бирорта миллат, бирорта халқ билан бундай тенг ҳуқуқли шартнома тузилганмиди? Бугун иқдор бўлишимиз керак: биз бошқа миллат ва бошқа жумҳуриятларни фақат қороздагина тан олганмиз, аслида эса ҳаммаша камситиб келмаганмизми? Мана, энди бутун дунё тан олган Ўзбекистон ҳақиқий мустақил давлат сифатида Россия билан баробар туриб гаплашяпти. Шу дақиқалардан биз бу мустақил давлатнинг ҳурматини бажо келтиряпмиз ва мен бундан хурсандман.

Ислол Абдуганиевич ҳам ана шундай илиқ, самимий руҳда жавоб берди.

Нутқлар тугагач, Борис Ельцин Президентимизга мурожаат этиб:

— Ислол Абдуганиевич, аҳволимиз оғир, тўқима-чилик саноатимиз қар ёқасида турибди. Иванова-Вознесенскда ишсиз жолан тўқимачи аёллар ҳурмати бизга пахтадан ёрдам беришингизни илтимос қиламан, — деди.

Хаёлимдан: «Хўш, Президентимиз бу гапга нима деркан, ўзини қандай тутаркан?», деган фикр ўтди.

Ислол Абдуганиевич ҳеч иккиланмай жавоб бердилар:

— Майли, илтимосингизни ерда қолдирмаймиз, лекин сиз ҳам бизнинг аҳволимизга тушуниб, пахтанинг нархини қайта кўриб чиқсангиз. бу биринчидан. Иккинчидан, ёқилгининг нархини жуда ошириб юбордингиз, унинг нархини қайта кўриб чиқмасангиз бизга ҳам оғир бўлади.

Елцин, тушунаман, деган маънода бош ирғаб: — Жуда яхши. Бўлмаса нариги ҳафтада Сиз ўз мутахассисларингизни юборинг, — деди ва Егор Гайдарга юзланди: — Сиз ўзбекистонлик мутахассисларни дарҳол қабул қилинг, масалани зудлик билан ечиб, натижасини менга айтинг, — деди.

Мен бу гапларни эшитиб туриб, ўзимча ички бир мамнуният билан ўйладим: бундан 20—30 йил муқаддам, Никита Хрущёв ёки Леонид Брежнев ҳукмронлиги даврида улар собиқ раҳбарларимиздан «ёрдам бер», деб сўрармидилар, башарти, сўраганларида ҳам бошлиқларимиз ҳозиргидек уларга шарт қўя олармидилар?

Йўқ, ҳар қалай аста-секин бўлса-да, сўзимизни айтаяпмиз, қаддимизни тикляпмиз.

Хом сут эмган банда, мана, ниҳоят тунда ўйлаган олиймақом зиёфатни кўриш ва кузатиш бахтига ҳам муяссар бўлдим.

Хайрият, кечаси кўнглимга келган шубҳаларим чипакка чиқди. Бизни Жорж Буш ва Франсуа Миттеранларга зиёфат берилган, не-не рус подшоҳлари буюк ажнабий давлатлар раҳбарларига дастурхон ёзган машҳур Екатеринбург залига таклиф қилишди. Гулгун шароблар ҳам бўлди. Рус миллий таомларини ҳам тортишди, ҳатто «шчи» деган қадимий рус шўрваси ўрнига ўзбекча мастава қилишибди... Таомлар орасида эса ўзбек ва рус халқлари шарафига кўп яхши, дилбар, самимий қадаҳлар янгради.

Ўша куни эрталаб ҳукумат аъзоларидан Шавкат Йўлдошев, Абдулҳошим Муталов ва Раҳим Ражабовлар Москва бозорларидан бирига боришган экан. Бозордаги нарх-наводан хайратга тушишибди. Бир кило гилос 400 сўм, қулупнай уч юз сўм, сабзи юз сўм, картошка эллик сўм экан.

Зиёфат вақтида мен Борис Николаевичнинг ёрдамчиси билан ёнма-ён ўтириб қолган эканман, яхшигина суҳбатлашдик. Мен шуларни Ельциннинг ёрдамчисига гапириб бердим, сўрадим:

— Гилос билан қулупнайни ўстириш рус деҳқони учун қийин бўлса қийиндир. Лекин сабзи-пиёз-чи, картошка-чи? Бор-йўғи ерни ҳайдаб, уруғ сепиб қўйишса бас, сабзи-пиёз деган нарса ўзи бўлаверади-ку?

Президент ёрдамчиси маъюс бош ирғади:

— Ҳа, ишлашмай қўйишди одамлар.

Беихтиёр юрагимда ифтихор туйғуси жўш урди:

— Бизнинг деҳқонларимиз эса ердан бош кўтармай ишлашяпти. Бозорларингизда гилосу қулупнай, сабзи, пиёз сотиб ўтирганларнинг аксарияти ҳам бизнинг деҳқонларимиз экан, ўзбеклар экан. Ишқилиб, ҳақорат қилишмаяптими ҳамшаҳарларингиз?

— Йўқ, «Ўзбек иши» деган тухматлар даври ўтди, — деди Президент ёрдамчиси. — Ўзбек деҳқонлари ўз меҳнатлари билан бутун мамлакатнинг ҳурматини қозонди...

Биз бошқаларга билдирмай халқларимиз бахти учун секин қадаҳ уришгирдик...

Шанба куни йўлга чиқдик. Москва жим-жит, кўчаларда одам сийрак, митингчилар кўринмас эди. «Шояд одамлар чорбоғларида сабзи, пиёз экишаётган бўлса», дедим ичимда.

Ҳақиқатан, Россияда аҳвол оғир. Лекин минг йиллик тарих шуни кўрсатадики, Россия бундай мушкул вазиятларга минг марта тушиб, минг марта чиққан. Дунёга Пушкин ва Толстойдек бошқа халқларга меҳр қўйган ёзувчиларни берган ҳам шу эл. Улар мазлум халқларни ўз ҳукмдорларидан, бешавкат генералларидан ҳимоя қилиб, «Кавказ асири» ва «Ҳожимурод» каби исён ва изтиробга тўла буюк асарлар яратганлар. XX асрда бу юртдан Андрей Сахаров ва Александр Солженицин каби ҳақ ва адолат курашчилари чиқди. Улар орзу қилган буюк, аммо бошқа халқлар ҳуқуқини поймол қилмайдиган, инсоф ва ҳақиқат асосига қурилган демократик мамлакат барпо бўлишига ишонгим келади.

Самолётимиз ердан узилиб, юртимиз томон парвоз қилганида Ислом Абдуғаниевич ўз «хона»ларидан

чиқиб, ҳаммамиз билан битта-битта кўришиб чиқди. Аммо бу сафар ҳеч кимни «ичкари»га таклиф қилмади. Унинг чарчаганлиги ҳорғин чеҳрасида шундоқкина муҳрланган эди...

* * *

Улкан шахс ва уларнинг фаолиятига фақат тарих баҳо бера олади. Менинг вазифам эса сафарлардан олган таассуротларим билан ўртоқлашишдангина иборатки, буни бошдаёқ айтдим. Билиб турибман: гап келганда отаси уёқда турсин, президентларни ҳам аямай гапириш одат тусига кирган ҳозирги бетакаллуп замонда каминанинг бу номукаммал ҳикояларини ўқиган баъзи дўстларим: «Чуқур таҳлил йўқ-ку. Танқид йўқ-ку», деб таъна қилишлари ҳам мумкин. Бунга ҳақлари ҳам бор. Жумҳуриятимизда катта ишлар бўлаяпти, лекин хато ва нуқсонлар ҳам оз эмас. Улкан шахсларнинг улкан ишлари ҳам, хатолари ҳам элга кафтдагидек кўриниб туради. Битта қизиқ тафсилот: Москвадан қайтганимиздан кейин бир яхши олим билан учрашиб қолдим. У Россия билан шартнома тузилганидан норози экан.

— Нима керак эди бизни юз йилдан буён тепкилаб келган шу империя билан шартнома тузиш? — деди у ранжиб. — Аввал мусулмон давлатлари билан яқинлашиш керак эди, кейин... кейин ҳам керак эмас бизга бу империя!..

Мен эътироз қилдим. Аввалам бор, биринчи шартномалар мусулмон давлатлари билан тузилди-ку. Мен дўстимга Қирғизистон, Туркменистон, Туркия билан тузилган шартномаларни эслатдим, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистонига қилинган сафарларни ёдига солдим. Қолаверса... олимимиз ранжиб гапирган ўша юз йил давомида Россия билан шундай чамбарчас боғлиқ қолганмизки, бу ришталарни шартга кесиб ташлаш биз ўйлаганчалик осон эмас. Россия ҳозир яраланган айиқни эслатади. Шунга яраша муомала зарур.

Москвадан кейин Президент бошлиқ ҳукумат делегацияси Жанубий Қурияга сафарга отланди. Қуриядан кейин яна икки мусулмон давлати: Малайзия билан Индонезияга ўтди. Мана сафар чарчоқлари ёзилмасдан туриб, қардош қозоқ элига йўл олинаяпти. Ўша кунлари юқоридан хабар қилишди: шартномага Олмаотада эмас, ўз бағрида буюк бобомиз Аҳмад Яссавий суягини эъвозлаб асраётган кўхна Туркистонда имзо чекиладиган бўпти. Бу муқаддас шаҳарда туғилиб, катта бўлганимни ҳисобга олишиб, мени ҳам делегация таркибига қўшишибди. Шу баҳона Бобом қабрини яна бир бор зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлишимдан бошим осмонга етди. Дарҳақиқат, «Туркистон» сўзида фақат шаҳарнинг номигина эмас, балки теран рамзий маъно ҳам бор... Туркистон сўзида минг йиллар давомида бирлашиш орзусида юрган бутун турк элларининг энг олий мақсади ўз ифодасини топгандир.

ТОШКЕНТ — МОСКВА — ТУРКИСТОН



ИШ БИЛАН БАНДЛИК

(ЕКИ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН
ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҲАҚИДА)

Иқтисодийнинг бозор муносабатларига ўтаётганлиги, мулкчиликнинг турли-туман шакллари ривожланиши ва республикамизнинг мустақилликка эришганлиги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш кераклигини кўрсатиб турибди. Бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари лойиҳаси бундан бирмунча йил аввал жумҳурият матбуотида эълон қилинган эди. Шу ҳужжатда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига бозор муносабатларини жорий этишнинг самарадорлиги ҳар бир кишининг кўнгилли равишда меҳнат қилиш ҳуқуқини, иш жойини, меҳнат қиладиган ерини эркин танлаш, мулк шакллари, меҳнат, касб-кор ва республиканинг меҳнат имкониятларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш учун шарт-шароит яратадиган иш режими эркин танлаш ҳуқуқини таъминлайдиган омиллар ҳамда тегишли қонун ҳужжатларининг қай даражада ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқдир.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунда таъкидланганидек, ушбу қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шакллари тенг ҳуқуқлилиги шарафига инсоннинг ишли бўлиш ҳуқуқларини рўйга чиқаришнинг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгилаб беради. Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари ва халқаро қоидаларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Олиб борилган кузатиш ва тажри-

балар шундан далolat бермоқдаки, махсус тадбирларсиз Ўзбекистонда бозорга ўтиш даврида ишсизлар сони анча кўпайиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий тусдаги тадбирлар мажмуини рўйга чиқариш назарда тутилмоқда. Шунинг учун аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосий ҳужжат сифатида қабул қилинди. Унда фуқароларнинг хоҳлаган ишларини танлаш, ишга кириш ёки профессионал қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқларини рўйга чиқаришда — давлат кафолати, шунингдек, ишсизнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми, унга тегишли нафақа тўлаш шартлари ва миқдорлари белгилаб қўйилди.

Қабул қилинган қонунда таъкидлаб ўтилганидек, иш билан таъминлаш одамларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир. Меҳнат қилишга маъмурий йўл билан бирон-бир шаклда мажбур этишга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Одамларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг ёлланиб ишлайдиган, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишга эга бўлган, лекин бегоблиги, отпуска, ишлаб чиқаришнинг вақтинча тўхтатиб қўйилганли-

ги муносабати билан вақтинча ишда бўлмаган фуқаролари, ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган фуқаролари, шу жумладан тадбиркорлар, ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари, шахсий томорқа хўжалигида ва деҳқон (фермер) хўжалигида ишлаб, махсулотни жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари ва матлубот кооперацияси ташкилотларига топширувчи ҳамда бозорда сотувчи фуқаролари ва ҳоказолар иш билан таъминланган аҳоли жумласига киради.

16 ёшдан бошлаб то пенсияга чиқиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларига кўра ишга ва иш ҳақи (меҳнат даромади)га эга бўлмаган, ҳақиқатда иш қидираётган, меҳнат қилишга, касб-кор тайёргарликдан ўтишга тайёр шахс сифатида иш билан таъминлаш давлат хизматларида рўйхатга олинган ва шу хизматлар мақбул келадиган ишни тақлиф қилмаган, лекин меҳнатга лаёқатли шахслар ишсизлар деб ҳисобланадилар.

Шундай экан, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги асосий масала — халқ турмушининг бугунги даражаси ва сифатини мумкин қадар тўла сақлаб қолишдир. Иккинчи масала — бу халқ томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлигини ҳимоя қилиш ва келажакда уни иқтисодий, сўнгра сиёсий, ҳамда ривожланган мустақил жумҳурият даражасига олиб чиқишдан иборат.

Бозор муносабатларига ўтиш гоят мураккаб вазифа бўлиб, унинг ҳамма

муаммоларини бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун бу масалага ҳар томонлама комплекс ёндошиб, системали, кетма-кетлик билан таҳлил қилиш ва амалга ошириш асосида қараш керак.

Қишлоқ хўжалигида техника та- раққиётини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини оширишга умид боғлашимиз керак. Меҳнат салмоғи унумдорлигини ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ҳозирги кун аграр сисёатимизда муҳим ўрин тутади. Бу нарса, энг аввало, меҳнат ресурслари муаммоси кескинлашиши билан боғлиқдир. Биз қўшимча ишчи кучи жалб этишга эмас, балки фақат меҳнат унумдорлигини оширишга умид боғлашимиз керак. Қўл меҳнати салмоғини кескин камайтириб, ишлаб чиқаришни комплекс механи- зациялаш ва автоматлаштириш иқтисодий юксалишнинг зарурий шартини бўлиб қолиши керак.

Қишлоқ хўжалик тармоқларини, айниқса чорвачиликнинг энг муҳим соҳаси бўлган қорақўлчиликни жадал суръатлар билан ривожлантириш меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга кенг йўл очиб беради. Ўзбекистон шароитида қишлоқ аҳолиси, жумҳуриятдаги бутун аҳолининг ярмидан кўп қисмини ташкил этади. Бу эса қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш муаммосининг нақадар долзарб масала эканлигидан дарак беради. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қишлоқ жойларда саноат корхоналари, аҳолига хизмат кўрсатиш ва қўшимча тармоқларни ташкил этиш кенг авж олдирилиши керак.

Бу тадбирлар қишлоқ жойларнинг ҳам саноат салмоғини юксалтиришга, пировард натижада қишлоқ шароити шаҳар шароитларига тенглаштириш жараёнини жадаллаштиришга, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўрасидаги тафовутни йўқотишга, қишлоқ аҳолисининг баркамол бўлиб ўсишига имкониятлар яратиб беради.

Жумҳуриятимизда ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш учун анчагина қўшимча кучлар мавжуд. Аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан шугулланади. Шунини изоҳлаб ўтиш керакки, қишлоқ аҳолисининг табиий кўпайиши анча юқори бўлганлиги сабабли жумҳурият миқёсида аҳоли сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Мана шуларни ҳисобга олиб аҳолининг ҳаракати, жойлашиши, жумҳурият қишлоқларида меҳнат ресурсларининг шаклланиш шароитлари ва улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари топиш, иш жойи билан таъминлаш масалаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Иш билан таъминлаш ва жумҳурият халқ хўжалиги тузилмаларини қайта қуриш муаммосини ҳал этиш доирасида иккита бир хил масалани ечиш керак бўлади:

— Ҳозирги замон техникавий даражасида ўзгарувчан ишлаб чиқаришга эга бўлган бозордаги аҳволни тез эътиборга оладиган ва жумҳурият учун зарур рақобат қобилиятига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган чоғроқ корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш;

— мазкур корхоналарда ишлаш қобилиятига эга бўлган моҳир мутахассислар тайёрлашни уюштириш ва уларни бошқариш, бунинг учун жумҳуриятимизда ҳам, мамлакатимизнинг етакчи марказларида ҳам, хорижда ҳам кадрларни ўқитишнинг барча имкониятлари ишга солиниши лозим.

— Иш билан таъминлаш дастурини ешларга ҳунар таълими беришни ташкил этишни яхшилаш, кадрлар тайёрлаш тузилмаларини такомиллаштириш ва уни халқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали ишчилар ҳамда мутахассисларга бўлган эҳтиёжи билан мослаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Бу эса иқтисодий жорий этиш жараёнини анча тезлаштириш ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

Ҳозирги кунда бизнинг жумҳуриятимизда бир миллиондан ортиқ кишилар ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашмай, балки ўзининг шахсий хўжалик ишлари билан шугулланиб келмоқда. Буларнинг кўпчилигини эса кўп болали оналар ташкил этади. Бу эса меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан бўлиб турибди. Жумҳуриятимизнинг қишлоқ жойларида очилган саноат корхоналарининг филиалларида икки ва уч сменали ишларни жорий қилиш керак. Йўл қурилишини, транспорт ва инженерлик системаларини кенгайтириш керак. Колхоз ва совхозларда парник ва теплица хўжаликларини кенгайтириш қатта аҳамиятга эга. Айниқса қишлоқ хўжалигида ердан унумли фойдаланиш мақсадида айрим қишлоқ хўжалик экинларидан икки-уч мартадан ҳосил олиш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалигида кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ривожлантириш қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан кўпроқ иш билан таъминлашга йўл очиб беради.

Бунинг учун маиший, савдо ишлари ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш керак.

Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ва уларни бошқаришнинг форма ва методларини такомиллаштириш учун ҳамда қишлоқнинг социал хўжалигини саноат асосида ташкил эттириш учун, тўлиқ хўжалик юритиш принципи ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш ҳамда ўз-ўзини бошқариш учун шарт-шароитлар яратиш, ижара, оилавий ва бригада пудратларидан фойдаланиш, якка ва кооператив хўжалик юритиш формаларидан, деҳқон (фермер) хўжаликларидан фойдаланиш муҳим касб талаб этади.

Узоқ йиллар давомида авлод-аж-

додларимиз ишлатиб ва фойдаланиб келган, ҳозир эса унутилиб кетган касблар: темирчилик, тақачилик, мисгарлик, заргарлик, кулолчилик, косиблик, ҳолвагарлик, отбоқарлик, тегирончилик ва ҳоказолар тикланса яхши бўларди.

Хотин-қизлардан ташкил топдиган меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш учун биринчидан, колхоз ва совхозларда хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланилмаётган резервларни, болалар сонини, ҳар бир оилада болаларга қараб турадиган кексалар сонини, хотин-қизларнинг соғлиқ жиҳатидан ишга яроқчилигини ўрганиб чиқиш керак.

Хотин-қизларнинг ихтиёрига қараб бир қисмини қисқа иш ҳафтасига ўтказиш, беш ва ундан ортиқ бўлган болали хотинларни эса ишдан озод қилиш керак, уларга нафақа тўлаб туриш керак. Айниқса, хотин-қизларни ҳисоб-китоб ишларига жалб қилиш, улардан кўпроқ иқтисодчи кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, қишлоқ меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

— аҳоли сони тез ўсиб бораётган қишлоқ аҳолиси учун қўшимча иш жойи яратиш муҳим аҳамиятга эгадир, бу эса қўшимча пул маблағларини талаб этади. Шу масалани тез кунда ҳал қилишга тўғри келади;

— аҳоли бандлиги масаласини ҳал қилиш учун, биринчи ўринда республикада содир бўлаётган социал-иқтисодий муаммоларни ечишга тўғри келади. Бунинг учун иш билан банд бўлмаган аҳоли қисмини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш, халқ хўжалиги структурасини қайтадан тузиш, шу муносабат билан меҳнат ресурсларини халқ хўжалик тармоқлари бўйича қайта тақсимлаш, ишга жалб қилиш даражасини ошириш;

— бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг асосий йўлларида бири ишга яроқли аҳолининг иш билан таъминлаши, бандлигини бошқаришни такомиллаштириш керак бўлади;

— ишга яроқли аҳоли билан унга тўғри келадиган иш жойи балансини тузиш мақсадга мувофиқдир. Янги иш жойини яратишда мулкчиликнинг хусусийлашадигани ҳам ҳисобга олишга тўғри келади;

— Республикаимизнинг келажак таъминлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига қатта аҳамият бериш талаб этилади;

— социологик кузатишлар ва изланишлар олиб бориш орқали одамларимизнинг кайфиятини, ҳис-туйғуларини, келажакка бўлган ишончини аниқлаб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Нутфило ХУЖАЕВ,
Тошкент давлат иқтисодий
дорилфунуни профессори,
иқтисод фанлари доктори.



ФЕРМЕРЧИЛИК

ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республика иқтисодиётини барқарорлаштириш, аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан талаб даражасида қондириш бозор иқтисодиёти шароитида турлича шаклдаги корхоналарни, хўжаликларни ташкил этишни, уларнинг фаолиятларини ривожлантиришни объектив ҳолда тақозо этади. Бу муаммо сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эгадир. Уни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Президенти, ҳукумати республика ҳудудида деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиши, ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб фармонлар, қарорлар қабул қилмоқда. Уларда ташкил этилаётган деҳқон хўжаликларига имтиёзли равишда қарзлар бериш, уларни ер, техника ҳамда ем билан таъминлаш солиқ тўлашдан 2 йилгача озод этилиши алоҳида таъкидланган. Шу тadbирлар республикамиз қишлоқ хўжалигида деҳқон хўжаликларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Натижада 1992 йилнинг май ойига келиб 9980 дан ор-

тиқ деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилган. Улар асосан гўшт, сут, сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланмоқдалар. Уларнинг ихтиёрида 81 мингга яқин ер майдони, 82,7 минг бош йирик шохли қорамол шундан 33,4 минг боши сигирлар, 18,2 минг бош қўйлар, 5,7 минг бош чўчқалар, 13,5 минг бош парранда мавжуд. Шу деҳқон хўжаликларидан 20,7 мингдан ортиқ фуқаро фаол меҳнат қилиб, сут, гўшт, сабзавот маҳсулотларини етказиб бериб халқимизнинг талабларини маълум миқдорда қондиришга ҳисса қўшмоқдалар. Улар ўзларининг фаолиятларини самарали эканлигини исботламоқдалар. Бу ҳолни Қашқадарё вилояти Қарши районидagi «Қарши» давлат хўжалигида яшовчи деҳқон-иқтисодчи Дўстмурод Удаев томонидан 1990 йил ноябрда ташкил этилган фермер хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин. Унинг деҳқон хўжалиги район ижроия комитетида рўйхатга олинганидан сўнг Қарши рай-

он Агробанкида ўзининг ҳисоб счётини очган. Деҳқон хўжалиги фаолиятини юритиш мақсадида Қарши давлат хўжалиги билан шартнома тузиб ундан 5 гектар суғориладиган ер олган, ҳар 1 гектарига 300 сўмдан ижара ҳақи тўлаш шarti билан. Шунингдек, айрим муносабатларни амалга оширишни ҳам келишиб олинган. Сўнгра агробанкдан 80 минг сўм миқдорида қарз олган, шундан 10 минг сўми узоқ (5 йил), қолгани қисқа муддатли. Бу оилавий деҳқон хўжалиги сут ва гўшт етиштиришга ихтисослашганлиги муносабати билан олган маблағига ўртача вазни 400—450 кг дан 10 бош маҳсулдор сигирларни 20 минг сўмга, 250—300 кг дан 15 бош новвосларни 30 минг сўмга, 40—50 кг дан 20 бош қўйларни 6 минг сўмга, ҳамда 1 донга отни 3 минг сўмга бозордан сотиб олган. Деҳқон хўжалигини ем-хашак билан таъминлаш мақсадида Қарши тумани ҳокимияти фондидан ҳар кварталда 5 тоннадан камбикорма ҳамда шелуха ажратиб берилган.

Удаев ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида 10 минг сўмга барча турдаги ем-хашаклар ҳамда Қарши давлат хўжалигидан бир дона ишлатилган Т-28 тракторини сотиб олган. 10 минг сўмга оиласи билан молхона қурган. Унинг оиласи 7 кишидан иборат, улардан 5 нафари мактаб ёшидаги фарзандлари. Лекин улар ҳам оилавий деҳқон хўжалиги фаолиятида имкониятлари борица фаол қатнашганлар. Оилавий деҳқон хўжалигига Қарши давлат хўжалиги ҳам айрим ишларни бажаришда шартномага кўра ёрдам кўрсатган чунончи қурилиш материалларини, ем-хашакларни, сутни, гўштга топширадиган молларни, ерни ҳайдашга, етиштирилган ҳосилни йиғиб олишга ёрдамлашган. Бажарган ишларига Дўстмурод ҳақ тўлаган, масалан Газ — 53 маркали бортли юк ташиш машинасидан, МТЗ — 80 маркали трактордан фойдаланганлиги учун соатига 4,5 сўмдан, Газ — 53 ўзитўкар машинасидан ДТ — 75 тракторидан фойдаланганлиги учун эса соатига 5,10 сўмдан тўлаган. Деҳқон хўжалиги чорва ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлаш мақсадида ижарага олган 5 гек. ерига арпа экиб, ҳар гектаридан 20 цдан арпа, 30 цдан сомон етиштириб олиб, ўз эҳтиёжига ишлатган. Хўжалик мавжуд бўлган чорва ҳайвонларини йил давомида белгиланган рацион асосида боқиш, қолган барча ишларни ўз вақтида сифатли бажарилиши натижасида 1992 йилнинг бошида, яъни бир ишлаб чиқариш йилида ҳаммаси бўлиб, 45 тонна сут етиштирган, бир бош сигирдан ўртача 4500 кг сут соғиб олинган бу рақам республикадаги эришилган ўртача (2578 кг) даража 1922 кг ёки қарийб 75 фоиз ортиқдир. Шунингдек, 5,5 тонна мол ва қўй гўшти етиштириб давлатга сотган, новвосларни суткалик семириши ўртача 630 гр.ни ташкил этган.

Бундан ташқари 10 бош бузук олинган. Уларни келажакда гўштга топшириш мақсадида боқмоқда. Деҳқон хўжалиги 1 кг сутни 65 тийиндан, гўштни 1 кг.лик вазнини даставвал 5 сўмдан, баҳоси ошгандан сўнг эса 16,30 сўмдан сотган. Натижада бир йил ичида 75650 сўм пул даромадига эга бўлган. Шу маблағдан 5400 сўмини Агробанкка пеня тариқасида, 60000 сўмини қисқа муддатли қарзини қоплаш учун топширган, 1500 сўмини ер учун ижара ҳаққи сифатида Қарши давлат хўжалигига ўтказган. Бу операциялар Агробанкдаги ҳисоб счётида акс эттирилган. Натижада пул даромадларидан бир йил ичида деҳқон хўжалигини ўзига қолган сўммаси 7750 сўмни ташкил этган. Бу хўжаликни фойдаси ҳисобланади. У ўзини сут, гўшт билан йил давомида тўлиқ таъминлаган. Оқибатда бу деҳқон хўжалиги йирик шахсий мулк эгаси ҳам бўлиб олди. Чунки у 1 та тракторга, молхонага, 10 бош сигирга, 5 бош ғунажинга, 5 бош хўқизга, 35 бош қўйга ва 1 та отга эгалик қилади. 1992 йил ҳамда келгуси йилларда чорвачилик маҳсулотларини етиштириб сотиши натижасида улар камида йилига 50—60 минг сўмдан фойда олиши мумкин.

Дўстмурод Удаевнинг оилавий деҳқон хўжалиги бир йил ичида етиштирган сути билан Қарши туманидаги 123 кишини медицина нормативи бўйича (365 л) сут билан, 55 кишини эса гўшт (86 кг) билан таъминлаган. Бу жуда юқори кўрсаткич. Шундай натижаларга эришиш учун Удаевнинг оила аъзолари самарали меҳнат қилганлар. Шунингдек, Дўстмуроднинг иқтисодий билими ҳам катта ёрдам кўрсатган.

Шундай самарали фаолият қилаётган деҳқон (фермер) хўжаликлари бошқа вилоятларда ҳам мавжуд. Чунончи, Тошкент вилояти Занги ота

туманидаги «Қорасув» номли давлат хўжалигида, Самарқанд вилояти Посдарғон туманидаги «Прогресс» номли давлат хўжалигида, Бухоро вилояти Свердлов туманидаги Ҳамза номли жамоа хўжалигида, Жиззах вилояти Октябрь туманида ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолияти яққол далил бўлади. Лекин юқорида қайд этилган хўжаликлар бутун жумҳуриятимиз бўйича фермерчилик жуда яхши ривожланаяпти, деган гап эмас. Ҳали бу соҳада ҳам ўз ечимини кутаётган муаммолар кўп.

Бу долзарб муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш учун даставвал деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги барқарор қонунни яратиш зарур, қолаверса, давлат ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари уларга унумдор ерларни, республика ҳукумати, район ҳокимияти ссудалар (қарзлар) миқдорларини кўпайтиришлари, уларнинг имтиёзлилигини таъминлашлари, ишлаб чиқариш воситалари, қурилиш материаллари, емлар билан муттасил, зарур бўлган миқдорда таъминлашлари, солиқлар миқдорини, ҳажмини камайтиришлари, баҳоларнинг такомиллаштирилишини ҳамда билимдон деҳқон хўжаликларининг раҳбарларини тайёрлашга, уларнинг малакаларини доимо ошира боришга амалий ёрдам беришлари мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги муаммолар тўғри ҳал этилса, мустақил Ўзбекистонда деҳқон (фермер) хўжаликлари ривожланиши, самарадорлиги юксалиши муқаррар. Бундай ажойиб натижалар эса жумҳуриятимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришда муҳим рол ўйнайди.

Абдулатиф АБДУҒАНИЕВ,
иқтисод фанлари доктори,
Тошкент давлат иқтисодий
университетининг профессори.

ТУРКИЯ ТАНЛАГАН ЙЎЛ



Хурматли тахририят! Бугунги кунда Туркия билан Ўзбекистон ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда алоқалар тобора кучайиб бораётти. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўлини белгилаб олганлиги, бу йўлда Туркия модели жумхуриятимизга намуна бўлиб хизмат қилаётганлиги ҳам кўриқчилик кўриб-билиб турган ҳодисадир. Шу муносабат билан қуйидагича савол туғилади: Нима учун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг Миср ёки Эрон моделини эмас, айнан Туркия моделини танлади? Ўзбекистон ҳукумати Туркия билан алоқаларни ҳар томонлама мустақамлашга қатта эътибор бераётганлигининг асл сабаблари нимада? Ойнома саҳифасида шу мавзуда мақола босилишини истар эдик.

Нозимбек ҚОСИМОВ,
Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги 43-ўрта мактаб.

Дарҳақиқат, Туркия давлати бугунги кунда тараққиётнинг кенг йўлига тушиб олган мамлакатдир. Бу ердаги бугунги турмуш даражаси халқнинг тадбиркорлиги ва серҳафсалалиги, шунингдек ғарбнинг илғор технологияси ва сармоясига бир авлод ҳаёти мобайнида нималар қила олиши мумкинлигининг ёрқин далилидир.

Биз «порлоқ истиқбол», «ривожланишнинг социалистик йўли», «коммунистик жамият қуриш режалари» ҳақида кўп гап сўтган пайтларимизда, турк қардошларимиз ортиқча гап-сўзсиз, кунт ва қатъият билан халқ хўжалиги механизмини қайта курдилар. Ҳўш, бу қандай юз берди?

Туркиядаги иқтисодий инқилоб анча бурун, Камол Отатурк даврида амалга оширила бошланган эди, лекин у бу ишни ниҳоясига етказмади. Отатурк иқтисодчи эмасди, у вафот этганидан кейин иқтисодиётни назорат қилишни ўз қўлига олган ворислари эса мустақил тараққиётнинг имкониятларига ишониб, импортдан бош тортидилар ва бош-

қариладиган саноатга таянадилар. Собиқ Совет Иттифоқи ҳам қарийб худди шундай йўлдан борди. Туркияда бу аҳвол 1980 йилгача — сиёсат ва иқтисодиётдаги қийинчиликлар эски тасаввурларга танқидий кўз билан қарашга мажбур қилмагунча давом этди.

Ҳа, кескин бурилиш яшаш зарурати бирдан ҳаёлга келиб, амалга оширилгани йўқ. Буни шафқатсиз зарурат тақозо этди. Гап шундаки, давлат секторининг устун даражада бўлишига ва давлат ташкилотларининг ҳал қилувчи ролига асосланган илгариги шароит ижтимоий-иқтисодий таназзулга дош беролмай қолди. Бироқ энг қаттиқ, шу пайтгача юз бермаган таназзул иқтисодий ислохот арафасида — 1978-80 йилларда юз берди.

Мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари кескин пасайиб кетди. Товар ҳажмининг қисқариши пул кадрезиланишининг авж олиб кетишига сабабчи бўлиб, ташқи қарз иқтисодиётнинг елкасидан оғир тош бўлиб боса бошлади. Шаҳарда ва қишлоқда миллионлаб кишилар ишсиз қолди. Миллионга яқин турк Олмониядан иш излашга мажбур бўлди. Қарзга ботган ва уларни тўлаш имкониятига эга бўлмаган мамлакат ўзининг чет эллардаги мижозларини ҳам бирин-бирин йўқота бошлади. Бутун дунёга машҳур турк тамақисини ишлаб чиқарувчилар чайқовчилик ва контрабанда авж олган шароитда сигаретсиз қолдилар.

Айнан ижтимоий-иқтисодий таназзул мамлакат ҳукмрон доиралари олдига истиқбол йўлини тубдан ўзгартириш, эскирган иқтисодий моделни янгилаш вазибаларини қўйди.

Туркиянинг янги тараққиёт йўли ўша пайтдаги бош вазир Демиррелнинг маслаҳатчиси бўлган Тургут Озал томонидан белгиланди. 1980 йил 24 январда у Халқаро Валюта Жам-

Раҳимжон Қодиров Тошкент Давлат дорилфунунининг шарқшунослик факультетини тугатган. Хорижий шарқ мамлакатлари иқтисоди бўйича мутахассис. 1977 йилда Москва Шарқшунослик институти аспирантурасини битирган. Ироқ, Сурия, Марокаш, Ливия каби қатор серқуёш ўлкаларда хизмат сафарларида бўлган.

Тарих фанлари номзоди, доцент. Ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик институтида тарбия ишлари бўйича профессор.

фармаси ва Бутунжаҳон банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган, ташқи дунёга чиқишни мақсад қилиб олган мутлақ янги иқтисодий дастурни жамоатчиликка тавсия этди. Бу дастур ишлаб чиқариш манбаларини қайта қуриш ва модернизациялашни, очик иқтисодиётга ўтишни, ички ва ташқи бозорда миллий-хусусий мулкчиликнинг рақобатлаштириш имкониятларини ошириб, экспортга саноат маҳсулоти чиқаришни тинмай кўпайтириб боришни кўзда тутар эди.

Бундан ташқари йирик капиталнинг ташаббускорлигини, рентабеллигини ошириш мақсадида давлат корхоналарини, айниқса зарар кўриб ишлаётганларини дарҳол хусусийлаштиришни, хусусийлаштирилган корхоналарни бозор иқтисодиёти йўлига ўтказишни, оғир саноат тармоқларини ҳам кўпроқ хусусий капитал қўлига беришни (давлат секторининг энергетика, қайта ишловчи ва қазиб олувчи саноат тармоқларидаги устунигини тугатишни) кўзда тутарди.

Ушанда, бундан ўн икки йил бурун мамлакатда шундай шиор ташланган эди: «Ёки экспорт, ёки ҳалокат!», Шубҳасиз, бу иқтисодиётда туб бурилиш бўлиб, мамлакатни ларзага солиши мукаррар эди.

1980 йил январда Тургут Озал бошлаган ислохот ҳадеганда ўз натижасини кўрсата бермади, бу эса мамлакатда фуқароларнинг норозилигини кучайтириб юборди. Оқибатда 1980 йилнинг кузида армиядаги катта офицерлар давлат тўнтариши қилиб, ҳукуматни ўз қўлларига олдилар.

1982 йил ноябрида Туркияда янги Конституция қабул қилинган, 1983 йил май ойда яна сиёсий партиялар тузила бошлади, Тургут Озал ва унинг Ватан партияси сайловолди курашида галабага эришди. Ватан партияси фаолият бошидан миллий яраш сиёсатини юргиза бошлади. У ўз сафига илгариги партиялар ва оқимлар вакилларини қабул қила бошлади. Бошқа партиялар билан ҳам яхши муносабатларни йўлга қўйди. Бундан қутилган мақсад эса улар иштирокида янги тартиб ўрнатишдан иборат эди.

Тургут Озал фуқаролар ҳукуматида бошчилик қилган, илгари бошлаган йўлни қатъият билан давом эттирди, ўз дастурини ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тугал системаси сифатида расмийлаштирди, ҳозир у бутун дунёга «Туркия модели» сифатида маълумдир.

Туркия моделининг муҳим жиҳатлари ҳақида сўз юритилганда бўлса, биринчи навбатда чет эл капитал маблағини жалб этилишини айтиб ўтиш лозим. Улар учун мамлакат иқтисодиётининг барча эшиклари очиб қўйилди, фойдани чет элга ўтказишдаги барча чеклашлар олиб ташланди. Ҳукумат биринчи навбатда қўшма корхоналар ташкил этиб, мамлакатга замонавий техника ва технологияни жалб этган, меҳнатни ва бошқарувни ташкил этишнинг энг янги шаклларини жорий этган фирмаларга яхши имтиёзлар белгилади.

Импорт режимига эркинлик берилганлиги туфайли ички бозор эшигидан чет элнинг арзон моллари катта оқим билан кириб кела бошлади. Бу турк саноатчиларини сергажландирди, истиқболда ички бозордаги рақобатга дош бериш билан бирга, ташқи бозорга чиқиш учун ҳам интилиш керак эди. Мамлакатдаги экспортга маҳсулот чиқара оладиган корхоналарни ҳукумат ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Туркия лираси мунтазам қадрсиланаётган шароитда бу чоралар молларнинг чет эл бозорига чиқишига имконият яратди.

Янги партиянинг иқтисодий сиёсати Туркияни инқироздан чиқишга ва раван ривожланиш йўлига тушиб олишига имкон берди. Ҳукумат нархларни назорат қилишни бекор қилиб, импортга эрк берган ва янги алмашув курси белгиланганда жамоатчиликда бу тадбирлар нархларнинг ўсишига ва чет элдаги қарз берувчиларга қарз тўлаш зарурати тўлов балансида дефицитнинг ортиб кетишига олиб келади, деган хавфсирашни пайдо қилган эди. Лекин ундай бўлмади! Бозорда аста-секин мувозанат юзага келди. Бозор қонуни қандай ишлаётганлигини одамлар ҳайратланиб кузатиб турдилар. Турк ишбилармони чегарадан ўтиб, Урта Шарқ бозорига чиқди.

Ҳўш, янги шароитда кичик корхоналар ўзларини қандай ҳис этишди? Улар экспортга маҳсулот чиқарадиган йирик фирмалардан хом ашё учун буюртма олиб, амалий алоқа-

лар ўрнатишга мажбур бўлишди. Баъзилари янги маҳсулотлар, чет эл туристлари сотиб оладиган совга буюмларини ишлаб чиқаришга иқтисослаштишди.

Айни вақтда кичик корхоналарнинг асосий қисми арзон, лекин керакли буюмлар етказиб бериб, аҳолининг камбағал табақаси эҳтиёжини таъминлай бошладилар. Ҳар ким сотиб олиши мумкин бўлган молларни ишлаб чиқариш натижасида давлат шу пайтгача ички бозорда мавжуд бўлган танқисликни бартараф этди.

ҚИТ. Туркиядаги оммавий ахборот воситаларида бу қисқартма сўзни кўп ўқиш мумкин. Бу инглизча қурмоқ, ишлатмоқ, топширмоқ сўзларининг бош ҳарфларидир. Бугунги кунда Туркиянинг иқтисодий зоналаридаги инвестицион режим шундай шиор билан бутун дунёга маълум. ҚИТ барча харажатларни, шу жумладан, чет эллик шартномачиларга усуналар етказиб беришни ҳам қўшган ҳолда маблағ билан таъминлашни, Туркия пудратчи фирмалари иштирокида иншоотлар қурилишини, барча харажатларни қоплаш ва шартлаштирилган фойдани олиш учун иншоотларни чет эллик шериклар эксплуатация қилишини кўзда тутди. Шундан сўнг иншоот Туркия томонига берилади.

Туркия қурувчилари энг қулай шартномаларни тез-тез тузиб, жаҳон бозоридан АҚШ, Франция қурилиш гигантларини суриб чиқаришга япти.

АҚШ, Япония, Франция, шунингдек Саудия Арабистони, Қувайт, Ливия билан ўрнатилган ҳамжиҳатлик фаияти Туркия компаниялари учун халқаро бирлашмаларга қўшилиш имконини берди. Бу Туркия сармоядорларига фантехника инқилобининг энг янги фойдаланиш, янги мижозлар топиш имконини берапти.

Очлик имконни йўқ қилади, дейди турклар. Тургут Озал ҳукуматининг хизмати шундаки, у нисбатан қисқа вақт мобайнида озиқ-овқат дастурини ҳал қилди.

Бошқа соҳаларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам энгил обрў келтирадиган сиёсатдан воз кечди. Мамлакат ичида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳоси жаҳон бозоридаги нарх даражасида белгиланади. Фермер хўжаликларида давлат томонидан ёрдам тариқасида бериладиган маблағ камайтириди. Бу тадбирлар натижасида деҳқонлар даромадининг камайиши экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг ўсиши эвазига қопланади.

Технологик илгарилаш қишлоқ хўжалиги экинлари, асосан озиқ-овқат экинлари (бугдой ва шол)нинг гибрид навларини яратишда ўз ифодасини топди. Уларни самарали жорий этиш эса материаллардан, заҳарли нимёвий моддалардан, сувдан, машина-механизмлардан фойдаланишнинг ўсиб бориши ва ишчи кучлари малакаси оширилган шароитда мумкин бўлди.

Фақат кейинги ўн йил мобайнида тракторлар, культиваторлар, ёмғир усулида сугориш жиҳозлари ва бошқа техника воситалари икки баравар кўпайди. Сугориладиган майдонлар қарийб тенг ярмига кенгайди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кимёлашга, уни электрлаштиришга муҳим аҳамият берилди. Бугунги кунда Туркия қишлоқларини электрлаштириш қарийб тугалланди. Харажатлар ўзини оқлапти. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ўртача 30-50 фоиз ортди.

Қишлоқ хўжалигида умумий ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга мамлакатда ички жамғарилган маблағ ҳам кўпайди. Масалан, бу кўрсаткич 1980 йилда 16 фоиз ўсган бўлса, 1987 йилда 23 фоиз ўсди. Илгари Туркияга яширин олиб кирилган чет эл сигаретларига солиқ солишдан тушган даромад эвазига ҳар йили 150.000 квартира қуриш мумкин бўлди.

Мавжуд ишлаётган тўғонлардан келаётган даромаддан олинадиган янги солиқлар системаси эвазига янги тўғонлар ва шу каби иншоотлар қуриш тезлашди.

Раҳимжон ҚОДИРОВ,
Тошкент шарқшунослик
институтини проректори, тарих
фанлари номзоди.

(Давоми бор).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ САРИ

(ёки Хоразм вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш хусусида баъзи мулоҳазалар)



Мулкнинг 99 фоиздан кўпроғи ижтимоий мулк шаклида умумлаштирилиб, режа механизмига таяниб, ўта марказлашган асосда маъмуний буйруқ-бозликка, қўшиб ёзишга, кўз бўямачиликка ва манманликка таянган ҳолда бошқаришга асосланган ривожланган социализм деб ном олган жамият кейинги йилларда кундан-кунга ўзининг иқтисодий таназулга қараб кетаётганлигини намоён қила бошлади. Собиқ Совет Иттифоқи ҳар бир аҳоли жон бошига шахсий истеъмол моллари ишлаб чиқариш жиҳатидан 1985 йилда дунё мамлакатлари ичида 77 ўринга тушиб қолган бўлса, бу кўрсаткич 1990 йилга келганда бундан ҳам баттарлашди. Ўзбекистон республикаси аҳолига шахсий истеъмол моллари саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб беришда кейинги ўринлардан бирини эгаллаб келган бўлса, Хоразм вилоятининг иқтисодий аҳволи бундан ҳам оғир эди.

Халқнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва вилоятни, республикани иқтисодий таназулдан чиқариб, иқтисодий ривожлантириш учун энди дунё мамлакатлари тажрибасида ўзининг иқтисодий ва ижтимоий афзалликларини исботлаб келаётган «бозор иқтисодиёти» деб ном олган иқтисодий муносабатлар тизимидан фойдаланишга тўғри келди.

Бозор иқтисодиётига ўтган давлатлар тажрибаларидан маълумки, у ҳар бир инсоннинг ўз имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради, меҳнат ва хўжалик активлигини оширади, илмий-техника ва фан ютуқларидан самарали фойдаланишга олиб келади.

Вилоятимизда ва республикамизда ҳам бозор иқтисодиёти кишиларнинг моддий манфаатдорлигига асосланганлиги сабабли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб, товар камёблигини камайтириши; товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолчилар талабидан келиб чиқишга, ундаши дунё бозори билан чамбарчас боғланишга олиб келиши керак.

Бозор иқтисодиётига жадал ўтиш ҳаддан ташқари ижтимоийлашиб кетган мулк шакллари ўзгартирмасдан туриб амалга ошириш қийин. Олдин мулкнинг давлат-умумхалқ мулки ва колхоз кооператив мулки шаклида ижтимоий мулк ва шахсий мулк мавжуд бўлган бўлса, энди мулкнинг 18 хилдан ортиқроқ шакллари вужудга келтириш вазифалари турибди. Бу мулк шакллари қайси бирлари вилоятимиз учун қулай бўлади. Олдин уни аниқлаш ва унинг иқтисодий ва ҳуқуқий чегараларини белгилаб олишимиз лозим.

Бунда бирданига ижтимоий мулкни тарқатиб юбориб, унинг мавжуд имкониятларидан ҳам маҳрум бўлмаслик учун босқичма-босқич ишни амалга ошир-

моқ лозим. Биринчи навбатда майда савдо корхоналарини, умумий овқатланиш шохобчаларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхона ва муассасаларидан ишни бошлаш лозим. Бу корхона ва муассасаларни хусусий мулк сифатида бутунлай сотиш мумкин. Шунингдек, колхоз ва совхозлар ерларини, ер давлат мулки бўлиб қолгани ҳолда, узоқ йилларга, ҳеч бўлмаганда ўн йилга қатъий белгиланган шартлар асосида берилиши лозим.

Бозор бирданига жадал ривожланиб кетмайди, уни жадал ривожлантириш учун бозор инфраструктурасини вужудга келтириш ва ривожлантириш лозим. Яна бозор учун ҳар хил хизматлар кўрсатувчи банклар, биржалар, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, солиқ ундирувчи маҳкама-инспекциялар, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотик уюшмалари, концертлар, концерциумлар ва бошқаларни вужудга келтириш лозим.

Бозорлар системасида истеъмол бозори системасини алоҳида ажратиб олиб уни ривожлантиришни биринчи даражали қилиб қўйиш лозим. Бунинг учун мавжуд мулк шаклларига тўла эркинлик берган ҳолда мавжуд давлат савдоси ва кооператив савдо системаларини бозор иқтисодиётига мослаштириш лозим. Иккинчидан, деҳқон бозорини ривожлантириш асосида чайқов бозори имкониятларини камайтириш лозим.

Давлат ўзининг молия, солиқ, пул, кредит ва бошқа иқтисодий дастаклари билан бозор иқтисодиёти тизимига раҳбарлик қилиб туриши, унда қимматбаҳо қоғозлар бозорини, валюта бозорини, есуда капитали бозорини вужудга келтириш ва жонлантириш лозим.

Шунингдек, вилоятимиз инвестицион сиёсатида мавжуд моддий ва меҳнат, хом ашё имкониятларидан келиб чиқиб кўп меҳнат, кам сув, кам капитал маблағ, кам энергия талаб қилувчи кичик ва ўрта корхоналар қуришдан бошлаш ва аста-секинлик билан тўпланган капитал маблағлар асосида йирик саноат корхоналари қуришга ўтишимиз керак. Жумладан:

1. Узум, мева ва бошқа полиз маҳсулотларидан бўладиган хом ашё манбаларини, ишчи кучларини, табиий ва иқлим шароитларини ҳисобга олиб катта даромад манбаи бўлган алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликлар тайёрлайдиган заводларни вужудга келтиришимиз керак.

2. Вилоятимизда, жумҳуриятимизда, шунингдек қўшни давлатларимизда тамаки ва папироснинг

ниҳоятда камёблиги, бозори чаққонлиги, катта даромад манбаи эканлигини ҳисобга олиб тамаки ва папирос заводлари қуришимиз керак.

3. Хом ашё учун зарур бўлган қум барханларининг етарлилигини ҳисобга олиб консерва маҳсулотларини, алкоколли ва алкоколисиз ичимликларни ва бошқа маҳсулотларни жойлаш имконини берадиган шиша заводларини уришимиз керак.

4. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар этикеткаларини сифатли ва бозорбоп қилиш учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган кичик типографияларни ишга тушириш лозим.

5. Шарбат, мураббо, джем ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи консерва заводлари, кондитерлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи заводлар учун ва аҳолининг кенг истеъмоли учун зарур бўлган қанд, шакар ишлаб чиқарувчи заводларни қуриш керак.

Виз энди олдинги хом ашё ишлаб чиқаришдан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришгача бўлган узиб қўйилган занжирни бир-бирига боғлашимиз керак. Яна пахта ва толадан ип йигиришни, газлама тўқишни ўз қўлимизга олиб, ишлаб чиқариш жараёнини тўлдиримиз зарур.

Келгусида вилоятда тола йигириш, газлама тўқиш ва тайёр кийимлар тикишни бир жойга тўплаб йирик бир фабрика солиш асосида эмас балки, ҳар бир районда, район марказларида, шаҳар марказларида вужудга келтиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Тола йигириш, газлама тўқиш учун хом-ашё манбалари вилоятда мавжуд, ишчи кучи етарли, бинолар учун зарур бўлган жойлар дастлабки даврда ҳар бир районда мавжуд ва ҳозирги даврда пахта ялпи ҳосилининг камайиши натижасида ўз имкониятларидан тўла иш топиб бера олмайётган пахта заводларидан фойдаланиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг кенг табақалари ижтимоий ҳимояланишга муҳтож бўлмоқда. Собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши иқтисодий алоқаларнинг бузилишига олиб келди. Натижада аҳолининг ойлик маоши, умумий даромади миқдорининг ўсишига қараганда маҳсулотларнинг баҳоси ўсиб бормоқда, аҳолининг реал даромадлари камайиб бормоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда вилоятнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш муҳим манба эканлигини аҳолига тушунтиришимиз керак. Ҳар бир киши ишлаб чиқаришда вужудга келтирилган ҳар бир тармоқ, соҳа, ҳар бир корхона ва муассаса унинг даромад манбаи эканлигига, ҳар бир сотилаётган товар унинг чўнтагига тушиши мумкин бўлаётган пул эканлигига, ҳар бир айрибошланаётган товар ўзи дастурхони мўл-қўллигининг муҳим манбаи бўлаётганига ишонсин. Бундай ишончга сазовор бўлиш учун биринчи навбатда ишлаб чиқаришни кризис босқичини тўхташи ва турғунликдан жонланишга ўтиши биланоқ аҳолини тўла таъминлаш мумкин бўлган товарлар рўйхатини тузиб телевидение, радио ва матбуотда эълон қилиниши лозим, токи аҳоли бундай товарларни ошиқча олиб уйини омбор қилиб юрмасин. Иккинчидан, ўз даромадларини ўлик аҳволга келтириб, ишлаб чиқаришга сарфлашдан маҳрум бўлиб қолмасин.

Бозор иқтисодиётига жадал ўтиш халқ хўжалигининг барча тармоқларида етук мутахассис кадрларнинг сон жиҳатидан ва билим ва малакаларининг етарлилиги билан боғлиқ. Бунда республикада олий ва ўрта махсус таълим системасини қайта қуришга

ўтилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Энди ҳар бир вилоятдаги махсус университетлар мавжуд имкониятлардан ва заруриятдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлайдилар. Шунинг учун бир университетда тайёрланаётган мутахассисларнинг билим ва савияларини мустақкамлаб яхши кадрлар тайёрлаш учун уларнинг моддий техника базаларини вужудга келтириш билан профессор ва ўқитувчиларининг етарли бўлишлигига ҳам эътиборни қаратиш лозим. Бунда биринчи навбатда республикада мавжуд университетлардаги айрим фанлар бўйича тузилган энг кучли кафедраларни ажратиб олишимиз ва шу кафедраларга таянч ва намуна бўладиган даражада моддий, яхши имконият яратиб беришимиз лозимки, бу кафедралар олий ва ўрта махсус таълим министрлиги раҳбарлигида ушбу фанга оталиқ қилсин. Дастур ва дарсликлар чиқаришга раҳбарлик қилсин, ҳар бир олий ўқув юртларидаги етук талабаларни танлаш ва магистрликка ўқиш руҳсатини берсин, магистуралар ушбу кафедралар қошида ташкил қилинсин ва унда етук мутахассислар махсус билим асослари бўйича кенгайтирилган дастурлар асосида дарс беришсин, Магистураларни битказгандан кейингина олий ўқув юртларида дарс бериш, аспирантурада ўқитиш, докторантурада ўқитиш ҳуқуқлари ҳам шу кафедраларга берилсинки, бу кафедралар ҳатто кандидатлик ва докторлик диссертацияларига диплом бериш ҳуқуқига эга бўлсинлар. Ана шундагина кичик бир республикада катта фан асосларини вужудга келтиришимиз мумкин.

Ушбу таклифлар амалга ошадиган бўлса Урганч университети биринчи навбатда математика, ўзбек тили ва адабиёти, тарих фанлари бўйича кафедралар ташкил қилишга ҳақарат қилади.

Бозор иқтисодиётига жадал ўтишда вилоятимизда туризмни ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир. Туризмдан келадиган катта даромад узоқ йиллар давомида марказда қолиб кетгани учун бу тармоқни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий асосларини етарли даражада ўрганиш имкониятлари бўлмади.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ажралиб чиққач туризмдан келадиган даромад энг асосий даромад манбаларидан бириси бўлиши турган гап.

Туризмни ривожлантириш учун мустақил республикамизнинг эшикларини туристлар учун кенг очиб қўйишимиз мумкин. Чет давлатлар билан бордикелди қилиш шартномаларини тузишимиз, четдан келадиган туристлар учун ёдгорлик совғалари тайёрловчи кичик корхоналар, типографиялар, киоскалар, магазинлар очишимиз ва улар билан савдони яхши йўлга қўйишимиз керак.

Бозор иқтисодига ўтишни биз кунма-кун белгиламадик, балки унинг муҳим асослари ҳақида тўхталдик. Ўтиш олдинга қўйилган муҳим вазифаларни қай даражада амалга оширилиши суръатларига боғлиқ.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жадал ривожлантириш йўлини танлаб ишга киришиш халқимизни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бақувват бўлиб дунё давлатлари қаторида яшашга олиб келади.

Мақсуд МАТКАРИМОВ,
Урганч дорилфунуни проректори,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент.

МАРКЕТИНГДА БАҲО СИЁСАТИ

(Ёки баҳо сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида)

(Иккинчи мақола)

Баҳо сиёсатида энг муҳим масала баҳо стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Баҳо стратегияси — бу маълум шароитда товарларга (хизматларга) маълум мақсадга эришишни таъминловчи нарх белгилаш усуллари ва тартиби. Нархнинг асосига қараб уч хил баҳо стратегияси қўлланилади: харажатларга асосланган стратегия; талабга асосланган стратегия; рақобатга асосланган стратегия. Уларнинг ҳар бирини қуйида кўриб чиқамиз.

Харажатларга асосланган баҳо стратегияси. Хомашё, материаллар, ишчи кучи, реклама, транспорт ва бошқа харажатлар кўпинча корхонага боғлиқ бўлмай, товар нархига катта таъсир кўрсатади. Буларнинг баҳоси ва ҳажми ўсиб бораётган шароитда корхоналар турлича йўл тутишлари мумкин: товарни ўзгартирмай нархни кўтариб, харажатларнинг ўсишини бутунлай ёки қисман истеъмолчиларга юклаши, харажатларни қисқартириш ва нархни оширмаслик учун товарга ўзгаришлар киритиши, истеъмолчилар эътироз билдирмайдиган даражада юқориқ нарх қўйиб товарларни яхшилаши, фойда келтирмайдиган маҳсулот чиқаришни тугатиши мумкин. Харажатлар камайганда эса корхона товар нархини пасайтиради ёки фойда ҳиссасини кўтаради. Мазкур баҳо стратегияси ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) харажатлари ва қўзда тутилган фойдага асосланган бўлади. Бу ҳолда фойда олишни таъминлайдиган нархнинг энг қуйи поғонаси белгиланади ва корхона умуман фойдали ишлаши мўлжалланганда қўлланилади. Харажатларга асосланган баҳо стратегияси нарх белгилашнинг қуйидаги усулларида фойдаланади.

Ўртача харажатлар билан фойда йиғиндиси асосида нарх белгилаш. Бу энг оддий усул кенг қўлланилади. Ишлаб чиқариш корхонаси товарнинг таннархига фойданинг ўртача нормасини устама шаклида қўшиб, сотиш нархини чиқаради. Савдо корхоналари эса товарни сотиб олган нархига ўз харажатлари ва фойдасини таъминлайдиган устама қўшиб, чакана нархини аниқлайдилар. Товар турларига қараб устамалар ҳар хил бўлади. Мазкур усулнинг анчагина қулай томонлари бор. Нархнинг харажатларга асосланиши нарх белгилаш ишларини осонлаштиради ва талаб тебранишига қараб, уни ўзгартириб туришдан халос қилади. Маълум соҳадаги ҳамма корхоналар шу усулдан фойдаланганда нарх бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлиб, баҳолар рақобатини пасайтиради. Бу усул билан нарх белгилаш харидорлар учун адолатли бўлиб, талаб ўзгарганда ҳам доимий қолаверади.

Доимий (стандарт) нарх белгилаш. Тақсимлаш қанали иштирокчилари узоқ вақт давомида нархни ўзгаришсиз сақламоқчи бўлганда доимий нарх бел-

гилайдилар. Бундай пайтда харажатлар ошганда ҳам, нархни оширмай, уларнинг ўсиши бошқа томонлардан тежаш ҳисобига қопланади. Истеъмолчилар учун нарх ўсишидан кўра, товарга ёки унинг ўрамага айрим ўзгаришлар киритилгани маъқул бўлади.

Ўзгарувчан нарх белгилаш. Корхона харажатлар ўзгаришига қараб, нархларни ҳам ўзгартириб бориши мумкин. Нархни доимий сақлаш учун товар сифати, ўрама ва бошқа кўрсаткичлари ўзгартирилмай, фақатгина харажатлар ортиши ёки камайишига мослаб нарх ўзгартирилади. Лекин доимий ва ўзгарувчан нархлар биргаликда ҳам қўлланиши мумкин.

Зиёнсиз ишлаш ва мўлжалланган фойдани таъминлаш асосида нарх белгилаш. Корхоналар ўзи истаган ва мўлжаллаган фойдани таъминловчи нарх белгилайдилар. Чунки айрим ҳолларда фойда нормаси чегараланган бўлиши мумкин. Бундай нарх белгилаш зиёнсиз ишлашни чизма таҳлил қилишга асосланган. Унда товарни ҳар хил миқдорда сотишга қараб умумий харажатлар ва тушадиган даромад таҳлил қилинади. Маълум нархда умумий харажатларни қоплаш, яъни зиёнсиз ишлаш билан бирга яна мўлжалланган фойда олиш учун ҳаммаси бўлиб сотилиши керак бўлган товар миқдори аниқланади.

Талабга асосланган баҳо стратегияси. Товар нархи истеъмолчилар истаклари ва уларга маъқул тушадиган баҳо аниқлангандан сўнг белгиланади. Бу стратегия истеъмолчилар талаб ва истакларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилишга асослангандир.

Умумий нарх белгилаш. Корхона бир хил шароитда ҳамма истеъмолчилар учун ўз товарларига ягона, умумий нарх белгилаб қўяди. Товар сотиб олиш миқдори, вақти, кўрсатиладиган хизматларга қараб нарх ўзгариши мумкин. Лекин ҳамма харидорлар бир хил нархда товар сотиб олиш имкониятига эга бўладилар.

Табақаланган нарх белгилаш. Бундай ҳолда корхона (сотувчи) ҳар хил истеъмолчилар гуруҳи, бозор бўғини учун товарни (хизматни) турли нархларда ҳавола этади.

Бундан ташқари бозорни жуғрофия принциплари асосида бўғинлаб, ҳар қаерда жойлашган бўғини (истеъмолчилар) учун ҳар хил нарх белгиланади.

Сирғанма нарх белгилаш. Талаб ва таклиф мутаносиблигига қараб, товарга (хизматга) мувозанат нарх белгиланади ва бозорнинг тўйиниш даражаси кўтарилган сари, у нарх пасайтириб борилади.

Юмшоқ нарх белгилаш. Бу нарх ҳам ҳақиқий бозор нархи бўлиб, ҳар бир харидор учун ҳар хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолда харидор товарни олиш пайтида талашиб-тортишиб нархни аниқлашда ўзи

бевосита иштирок этади. Шунинг учун ҳам товар нархи харидорнинг савдолашиш қобилиятига боғлиқ бўлади.

Яхлитланмаган (психологик) нарх белгилаш. Товар нархлари кўпинча яхлит рақамлардан сал озроқ қилиб қўйилади. 98 тийин, 2 сўм 97 тийин, 9 сўм 95 тийин, 109 сўм ва ҳоказо. Бундай нархлар истеъмолчиларда товар баҳоси яхши асосланган, аниқ ҳисобланган деган тасаввур ҳосил қилади ва шу товар ҳамда корхонага ишончини кучайтиради.

Чегиримли нарх белгилаш. Кўпчилик корхоналар, истеъмолчиларнинг маълум харажатларини тақдирлаш мақсадида турли хил чегиримлар орқали бошланғич нархни туширишлари мумкин. Масалан, пулини олдиндан тўлагани, нақд пулга сотиб олгани, кўпроқ миқдорда олгани учун харидорларга, айрим ишларни ўз зиммасига олгани учун эса воситачиларга, (савдо корхоналарига) функционал чегиримлар, ҳамда мавсумий ва бошқа чегиримлар қўлланилади.

Рағбатлантирувчи нарх белгилаш. Корхоналар айрим ҳолатларда сотиш миқдорини ошириш мақсадида вақтинча прейскурант баҳосидан, ҳаттоки таннархидан ҳам паст қўйиши мумкин.

Етакчи товарларга нарх белгилаш. Корхона ўз ассортиментидан энг асосий товарга одатдагидан пастроқ нарх белгилайди. Бундан чакана савдо учун мақсад — харидорларни савдога жалб этиш бўлса, ишлаб чиқарувчилар учун истеъмолчиларнинг бутун ассортимент гуруҳига катта қизиқишини қозонишдир.

Товар ассортименти доирасида нарх белгилаш (баҳо тизимини қўллаш). Бу ҳолда товарлар нархи маълум диапазонда белгиланиб, ҳар қайси нарх товар сифатининг маълум даражасини акс эттиради. Корхона товарнинг бир ассортимент турини бир хил нархда чиқармай, сифати билан фарқ қиладиган бир неча турини ҳар хил нархда чиқариб сотади.

Баҳо тизимининг афзаллиги шундан иборатки, бозорга товар ассортименти таклиф қилинади, ҳар хил нарх билан бир неча бозор бўғинини жалб этиш мумкин бўлади. Бу усулнинг камчилиги шундаки, истеъмолчилар товарлардаги нархлар фарқини жуда катта деб ҳисоблашлари мумкин. Харажатлар ўсиши натижасида нарх нисбатини сақлаш қийинлашади, ҳар хил чегиримлар қўллаш ҳам нархлар тизимидаги мувозанат бузилишига олиб келади.

Рақобатга асосланган баҳо стратегияси. Истеъмолчилар мойиллиги, кўрсатиладиган хизматлар даражаси, товар қиёфаси (образи), товарлар фарқи, рақобат муҳитига қараб товарлар (хизматлар) нархига тенг, ундан паст ёки юқори бўлиши мумкин. Бу стратегия ўхшаш товарларга ва айрим хизматларга нарх белгилашда қўлланилади ва рақобат муҳитини таҳлил қилишни тақозо этади.

Рақобат нархли ва нархсиз бўлади. Нархли рақобатда сотувчилар нархни ўзгартириш, асосан пайсайтириш орқали талабга таъсир қилиб, уни ўзига оғдиришга ҳаракат қиладилар. Бундай ҳолда сотувчилар талаб чизигини силжитмасдан, шу чизиқ бўйлаб нархни силижитишга интиладилар. Товар баҳоси маркетингнинг энг осон ўзгарувчи воситаси ҳисобланади. Лекин у рақиблар учун нусха кўчиришга ҳам қулайдир. Ҳар бир рақиб бу воситадан фойдаланиб, ўхшаш товарларни паст нархда сотишга интилса, баҳолар урушига олиб келиши мумкин.

Нархсиз рақобат товарларни етказиб бериш, тақдим этиш, қадоқлаш, ўраш, танлаш ва сотиб олишда

қулайликлар яратиш, бошқа маркетинг воситалари ёрдамида уларни алоҳида ажратиб кўрсатишга асосланган бўлади.

Рақобатга асосланган баҳо стратегияси нарх белгилашнинг қуйидаги усулларини қўллайди.

Товарларнинг қадр-қийматига асосланган нарх белгилаш. Бундай пайтда баҳонинг асосий омили харидорлар идроки ҳисобланади ва товар нархи унинг истеъмолчилар учун қадр-қийматига мос қилиб белгиланади.

Амал қилаётган нархларга асосан нарх белгилаш. Бу усулни қўллашда баҳонинг асосий омили сифатида рақиблар нархи олинади. Корхона ўз товарлар нархини бозордаги вазиятга қараб рақибларнинг ўхшаш товарлари нархидан пастроқ ёки баландроқ қилиб қўйиши мумкин.

Епиқ савдо асосида нарх билгилаш. Бундай ҳолда ҳам нарх белгилаш юқоридаги усул сингари рақиблар таклиф қилиши мумкин бўлган нархга асосланади. Корхона қулай (манфаатли) шартномани ёки буюртмани қўлга киритиш мақсадида ўз маҳсулотига рақиблардан пастроқ нарх таклиф қилади. Албатта у нарх маҳсулот таннархидан паст бўлмаслиги кўзда тутилмоқда.

Янги товарларга нарх белгилаш. Баҳо стратегияси товарнинг ҳаётий даври босқичларига ҳам боғлиқ Янги товарни бозорга чиқаришда унга нарх белгилаш анча мураккаб. Бу масалада икки хил ёндашишдан бирини танлашга тўғри келади. Биринчиси, бозор «қаймоғини териш» усули бўлиб, корхона бозорнинг қаймоғини териш учун янги товарига энг юқори нарх белгилайди. Юқори нархли товар бозорнинг, истеъмолчиларнинг бир қисмини, асосан юқори қатламларини жалб қилади. Товарни сотиш секинлаша бошлагандан сўнг, унинг нархини пасайтириб ёки нархи пастроқ турларини чиқариб, истеъмолчиларнинг қуйи қатламларини ҳам қамраб олишга ҳаракат қилади. Бозор «қаймоғини териш» усули қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: 1) Истеъмолчиларнинг талаби катта бўлса; 2) товарнинг ишлаб чиқариш харажатлари унча юқори бўлмаса; 3) товарнинг баланд баҳоси унинг юқори сифатли қиёфасини (образини) қўллаб-қуватлайдиган бўлса ва ҳоказо.

Иккинчиси, бозорга мустаҳкам ўрнашиш усулидир. Корхона кўпроқ истеъмолчиларни жалб қилиш ва катта бозор ҳиссасини қозониш учун янги товарига пастроқ нарх белгилайди.

Истеъмолчиларнинг товардан фойдаланиш кўрсаткичларига асосланиб нарх белгилаш. Бу усул кўпинча узоқ муддатга хизмат қиладиган товарларга нарх белгилашда ишлатилади. Бунинг учун бутун хизмат даврида товарни сотиб олиш ва ишлатиш харажатларининг умумий миқдори ҳисобланиб, рақиблар ўхшаш товарларнинг ана шундай кўрсаткичлари билан таққослаш натижасида нархи аниқланади.

Шунай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида товар (хизмат) нархлари умуман олганда уч даражада бўлиши мумкин. Нархнинг энг паст даражаси — маҳсулот таннархи, ўртача диапазон — рақобат ва энг юқори даражаси — талаб билан белгиланади. Асосий мақсад — товарларга (хизматларга) ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини қоплаб, қилинган ишлар ва таваккал учун оқилона фойда нормасини таъминловчи нарх белгилаш бўлиши керак.

Х. ҲАМРОЕВ,

Самарқанд кооператив институти
доценти, иқтисод фанлари номзоди.



ҚАРВОН ЙЎЛЛАРИ

(XIX асрнинг иккинчи ярмида
Ўрта Осиё хонликларининг
савдо алоқалари)

Ўрта Осиё хонликлари ҳаётида ўзаро савдо алоқалари ва қўшни мамлакатлар билан қарвон йўллари муҳим роль ўйнаган. Бу йўللардан тўхтовсиз савдо қарвонлари қатнаб турган. Ўзаро низолар ва тож-тахт учун курашлар маълум муддат бу алоқаларни сусайтирган бўлса ҳам, яна қарвон йўлларида ҳаракат қайта жонланган. Шу тариқа хонликларда йўқ моллар четдан келтирилган бўлса, харидор-гир маҳаллий моллар четга чиқарилган, кўп ҳолларда ана шу савдотик даражаси жамият ва халқ ҳаётининг инъикоси бўлган.

Агар XIX асрнинг биринчи ярмида савдо алоқалари асосан шарқ мамлакатлари билан олиб борилган бўлса, секин-аста хонликлар бозорига Россия моллари оқими кўпая борган. Хонликлардан, асосан, пахта, жун, тери, қоракўл, қуруқ мевалар олиб чиқилган бўлса, Россиядан мато, мўйна ва саноат моллари келтирилган.

Ўрта Осиёнинг истило этилиши билан ташқи савдода Россиянинг нуфузи ортиб кетган. Азалдан Ўрта Осиё арзон хом ашё манбаи сифатида Россия ҳукмрон доираларининг эътиборини жалб этиб келарди. Рус истилосининг дастлабки йилларидан бошлаб Россиянинг хонликлари билан савдо

Эштўхтар Тўхтамишев Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ районида туғилган. 1986 йилда Қарши давлат педагогика институтининг тарих факультетини тамомлади. Ҳозирги даврда Тошкент давлат дорилфунуни тарих факультетини аспиранти.

Айни пайтда «Ўрта Осиёда қарвон йўллари» иқтисодий ва сиёсий томонлари мавзусида илмий иш қилаяпти.

алоқаларини ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланган. Маълумки, Оренбург шаҳри ана шу савдо йўли марказида жойлашган. Ўрта Осиёдан келадиган моллар Россияга шу шаҳар орқали тарқалган, Рус савдогарлари ҳам бу шаҳардан чиқиб Орск, Тўрғай, Туркестон ва Чимкент орқали Тошкентга келганлар. Хива ва Бухоро шаҳарларига эса Орск ва Казалинск орқали борилган. Албатта бу йўллاردан ўтиш осон кечмаган. Оренбургдан Тошкентгача 1705 қақирим, Бухорогача 1660, Хивагача 1490 қақирим йўлни босиб ўтиш лозим бўлган. Туя қарвонлари бир кеча-кундузда ўртача 25 қақиримга яқин йўл босган. Вотоқ ва қумли саҳролардан ўтиш керак бўлган. Уч ойга яқин давом этадиган сафар давомида савдогарлар кўплаб қийинчиликларга, йўлтўсарларга дуч келганлар. Уларнинг моллари ҳам баъзида ёгин-сочин ва қуёш нурлари остида ўз сифатини йўқотган. Шунинг учун ҳам савдо йўлларидаги ҳаракатни тезлаштириш бўйича бир қатор таклифлар ўртага ташланган. Улардар бири сув йўлларидан фойдаланиш эди. Волга дарёси, Каспий денгизи, Амударё орқали кемаларда юк ташишни йўлга қўйиш масаласи кўтарилган. Кейинчалик темир йўллارнинг қурилиши билан бу таклиф қисман амалга ошди.

Хонликларнинг энг йириги бўлган Бухоро савдо соҳасида ҳам ўзига хос марказ эди. У қўшнилари ўз маҳсулотларидан ташқари, рус, инглиз ва ҳинд моллари билан таъминлаб турарди. Қирғиз ва қозоқлар ҳам ўз молларини Бухорода сотар эдилар. Улар ўз отарларини ҳайдаб май ойида йўлга чиқсалар, июнь ойининг ўрталарида Бухорога етиб келар эдилар. Бухоро амираи ҳар қирқ қўйдан

бирини закот сифатида оларди. Асосий савдо Ғиждувон яқинида бўлиб ўтарди. Бир ёшли қўйлар бир тиллага сотилса, каттароқлари икки тиллага сотиларди. Бухорога Шаҳрисабз, Самарқанд, Қарши сингари шаҳарлардан харидорлар келиб, 500—1000 тагача қўй сотиб олиб кетардилар. Қирғиз ва қозоқлар бу ердан ғалла, турли хил матолар, этик ва чопонлар, темир буюмлар олиб кетишарди.

Хива хонлиги, асосан, Бухоро ва Эрон билан савдо қилган. Эроннинг машҳур шаҳри — Машҳаддан келган савдогарлар ранг-баранг гулли читларни сотишган. Бундан ташқари, эронлик қуллар ҳам бозорга киритилган. Бухорога эса Хива, Астрахан орқали олинган темир буюмлар, шу жумладан, рус қозонларини етказиб берган. Россиядан олинган териларни, ўзида етиштирилган пилла, қунжут, бошқа молларни сотган. Бухоро эса ўз навбатида тамаки, калава иплар, кигиз, тўнлар етказиб берган. Қоракўл терилар эса Хива сингари туркманлар ва қорақалпоқлар томонидан севиб харид қилинган. Бухоро Қашқардан оладиган кўк чойнинг ортиқчасини ҳам сотган. Бухоронинг Эрон билан савдосида қоракўл терилари алоҳида ўрин тутган. Бухоро амираи 1844 йилда савдогарларга инглизлар билан пулга савдо қилишни таъқиқлагач, бу савдо Эрон орқали амалга оширила бошлади. Инглизлар эронлик савдогарлардан қоракўлга турли молларни алмаштириб олардилар. Савдогарлар Эронга нил бўёғи, Кашмир рўмоллари, рус читлари, қозонлари ва сандиқларни жўнатиб турганлар. Эроннинг Бухорога чегарадош минтақалари эса бу молларни инглиз матолари, форс гиламлари, рўмоллар, феруза, қалампирмун-

чок, ширинликлар ва сақичга алмаштиришган.

Яқин кўшни сифатида Бухоро Афғонистон билан ҳам донимий савдо алоқалари олиб борган. Афғонистондан писта, кунжут, инглиз читлари, кашмир рўмоллари, ҳинд кимхоблари, нил бўёғи, дока, сайгоқ терилари, атторлик моллари олиб келинган. Бухородан эса ипак, эчки тивити, бўз, кигиз, қайчи, рус молларидан — мис қозонлари, сандиқлар, игналар, пичок ва устаралар, турли хил матолар Қобулга олиб борилган. Россиянинг терилари, шакар ва читлари Қобул бозорида ўтмаган. Чунки бу моллар Пешовар орқали инглизлар ва пуштунлар томонидан таъминлаб турилган.

Қўқон хонлиги Бухоро, Россия ва Шарқий Туркистон билан савдо алоқаларини олиб борган. Бухородан Қўқонга пахта, қоракўл, дока, читлар ва бошқалар ётказиб берилган бўлса, Қўқон ипак матолари, мевалар ва Қашқардан олиб келинадиган молларни сотган. Қўқонлик савдогарлар Қашқарга ўз молларидан ташқари Россиядан олинаётган темир, чўян, матолар, тери олиб бориб сотганлар, қайтишда эса қора ва кўк тахта чойлар, чинни идишлар, шойи матолар олиб келганлар. Икки ўртада баланд тоғлар бўлишига қарамадан карвонлар қатнови бир дақиқа бўлсин тўхтамаган. Асосий савдо Шарқий Туркистондаги Гулжа, Чугучак, Қашқар шаҳарлари билан олиб борилган. Икки ўртада юк ташишга эшак, от, туядан фойдаланилган. Қўқон билан Фарғона ўртасида эса баъзида икки гилдиракли Қўқон араваларидан фойдаланилган. Карвон йўлининг ҳолати арава қатновига мос бўлган. Карвон йўлларидаги қатнов турли сабабларга кўра ҳафталаб ва ойлаб давом этган. Масалан, Хивадан Бухорога 10—15 кун йўл юрилган, юк ташиш киймати ҳар туя учун 1—1,5 тилло бўлган. От билан эса бу йўл 4—5 кунда, йўрға отларда эса 3 кеча-кундузда босиб ўтилган. Бухородан Самарқандга молларни ётказиб бериш вақтида ҳар туя учун 5—8 танга пул тўланган. Бухородан Қобулга йўл доволар орқали ўтгани учун юклар асосан отларда ташилган. Бу йўл 30 кунда босиб ўтилган, ҳар от учун 2—3 тилладан ҳақ олинган. Машҳаддан Бухорогача йўл 22 кунда босиб ўтилган ва ҳар туя учун 3 тила ҳақ олинган. Шу тариқа туя карвонлари Тошкентдан Бухорога 13—15 кунда, Бухородан Қўқонга 20—22 кунда, Тошкентдан Қўқонга 5—7 кунда етиб келган. Карвон йўллари машаққатли бўлишга қарамадан ва савдогарларнинг кўп вақти йўлда ўтса ҳам улар бу ишдан воз кечишмаган. Фидойи бу инсонлар халқларни тижорат воситасида бир-бирларига яқинлаштириш йўлида беминнат хизмат қилганлар.

Эштўхтар ТУХТАМИШЕВ.
Тошкент давлат дорилфунуни аспиранти.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ

БЕҚАРОР НАРХЛАР

(Ёки Фарғонада уларни ислоҳ қилиш зарурияти)



Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаёпти, нархлар ислоҳ қилинаёпти. Бундай тадбирларни амалга ошириш-

Сотволди Рустамов 1937 йилда Марғилолда туғилган. 1955 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кирган. Меҳнат фаолияти давомида банк ва педагогика соҳасида ишлаган. Бугунги кунда Фарғона давлат дорилфунунининг иқтисод кафедрасида доцент.

дан асосий мақсад, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, моддий неъматлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш халқнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир.

Жумладан, чет мамлакатлар иштирокида қўшма корхоналар барпо қилинмоқда, савдо-сотик алоқалари йўлга қўйилмоқда, колхоз ва совхоз майдонларининг бир қисми деҳқонларга берилмоқда, якка тартибда уй-жой қуриш учун меҳнаткашларга чеклар берилмоқда. Шахсий хўжаликлар учун колхоз-совхозлар томонидан ем-хашак, дон маҳсулотлари ажратилмоқда, қисман бўлса-да, мол боқувчиларга давлат ем-хашаклар сотмоқда. Бундай тадбирларнинг барчаси озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга қаратилган. Юқоридаги тадбирларнинг амалга оширилишига қарамадан, ҳали ҳам етиштирилаётган гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулот-

ларига бўлган халқ талаби етарли даражада қондирилмаяпти, уларнинг бозор баҳоси кундан-кунга кўтарилиб бормоқда. Ана шу муаммо сабаблари бизни қизиқтираётгани, шубҳасиз.

Маълумки, етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг каттагина қисми баъзи сабабларга кўра, истеъмолчиларга етиб келмасдан нобуд бўлмоқда. Масалан, баъзи бир маҳсулотлар бир вақтнинг ўзиде пишиб қетиши оқибатида уларни ўз вақтида йиғштириб олиш имконияти бўлмапти. Ундан ташқари, идишларнинг, юк ташиниш воситаларининг етишмаслиги оқибатида ҳам маҳсулотлар далаларда узоқ вақт туриб қолиши, сифат ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчилар қўлига юқори баҳоларда етиб келмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, бизнинг фикримизча, маҳсулотларни қабул қилиш, ташиниш, қайта ишлаш, сақлаш, аҳолига етказиб бериш тармоқларини ташкил этишдаги номуаносибликдир. Ҳозирги кунда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб сотиш ишлари билан турли ташкилотлар шуғулланмоқда. Жумладан, давлат тайёрлов корхоналари, кооператив чаканулгуржи корхоналар, колхоз ва совхозларнинг ўз дўконлари ҳамда деҳқонларнинг ўзлари бозорларга олиб келиб сотиш билан шуғулланмоқдалар. Шундай қилиб маҳсулот етиштирувчи биргина деҳқонлар бўлса, унинг маҳсулотига харидор бўлувчилар бир қанча ташкилотлардир. Оқибатда, деҳқон томонидан етиштирилган маҳсулотнинг баҳоси истеъмолчига етиб келгунга қадар бир неча баробар қимматлашиб кетмоқда. Чунки, юқорида айтиб ўтилган барча корхоналар маҳсулотларни ташиниш, сақлаш, юклаш, тушириш, сотиш каби ха-

ражатларни амалга ошириш каби харажатлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳосига қўшилади. Ундан ташқари, магазинлар, омборхоналар қуриш учун харажатлар ҳам маҳсулот баҳосига қўшилади. Шуниси ачинарлики, кооператив савдо ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирилаётган далалардан олиб келиб сотиш ўрнига, осонгина шаҳар бозоридан харид қилиб, унинг устига қўшимча нарх қўйиб, ўз дўконларида аҳолига сотиш билан шуғулланмоқдалар. Натижада бозордаги баҳо арзонлашиш ўрнига юқорига кўтарилиб кетмоқда.

Ҳозирги кунда гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қиладиган ходимларнинг сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Натижада бозордаги моллар баҳоси ҳам тобора ўсиб бормоқда. Масалан, Марғилон шаҳридаги ҳайвон бозорида бир мол ёки қўйни сотиб олиш учун бир неча қассоблар кимосди савдосида иштирок этмоқдалар, буни кўрган сотувчи оғзига сиққан баҳони айтиди. Ўз-ўзидан қимматга олинган ҳайвоннинг гўшти ҳам қимматбаҳога тушади.

Матбуотда эълон қилинишича, гўштининг энг қиммат нархи фақат Фарғона водийсидаги шаҳар ва қишлоқларда мавжуд экан. Бу юқоридаги маҳсулотлардан кўриниб турибдики, баъзи кишилар ишлаб чиқаришдаги меҳнат билан шуғулланиш ўрнига, мўмай пул топиш мақсадида (айниқса ёшлар) гўшт дўконларига ўрнашиб олмоқдалар.

Демак, Фарғонанинг шаҳар ва ноҳия раҳбариятлари, бошқа вилоятлардан ўртак олиб, ўз ҳудудларида гўшт маҳсулотларининг баҳосини тартибга келтириш тадбирий чораларини кўрсалар, фойдадан холи бўлмас эди. Бундан бутун меҳнаткаш халқ манфаат кўрган бўлур эди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш борасида биз ўзимизнинг баъзи бир фикр-

ларимизни ўртага ташламоқчимиз.

1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини колхоз-совхозлардан, шахсий хўжаликлардан қабул қилиб олиб, истеъмолчиларга етказиб беришни вилоят матлубот жамиятларининг шаҳар ва ноҳиялардаги савдо ташкилотлари зиммасига юклатилса. Бу билан баҳолар ошиб кетишига чек қўйилган бўлар эди.

2. Шаҳарга яқин бўлган колхоз ва совхозларнинг ўз фирма дўконларини бозорлар қошида ҳамда аҳоли зич жойлашган жойларда ташкил этиб, унда ҳам колхоз-совхознинг, ҳам шахсий хўжаликларнинг ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш амалга оширилса айни муддао бўлар эди.

3. Гўшт дўконларини камайтириб, 70-йиллардаги миқдорга келтирилса, қассоблар сони ҳам шунча камайтирилиб, ҳайвон бозоридаги нарх-наво кўтарилишига чек қўйилса. Натижада ёш ҳайвонларни сотиб олиб, уларни боқиб, сўқим тайёрлайдиган шахсий хўжаликлар ривожланишга катта имконият яратилган бўлур эди.

4. Гўшт сотиш дўконларини бозор ихтиёрида ҳамда аҳоли зич яшайдиган шаҳарчаларда, мавзеларда марказлаштирилган равишда ташкил этилса, уларни назорат қилиш имконияти ҳам яратилган бўлар эди.

Сотволди РУСТАМОВ,
Фарғона давлат дорилфунуни
ўқитувчиси, иқтисод
фанлари номзоди.



ФИТРАТНИНГ «ИСЛОҲОТЛАР ЛОЙИҲАСИ» ХУСУСИДА



«ҲАЕТ ВА ИҚТИСОД» ҚУТЛОВИ

Мажид Ҳасанов 1932 йили Ленинобод вилоятининг Ўзбек қишлоғида туғилган. Дастлаб иш фаолиятини журналистлик билан бошлаган Мажид ака кейинроқ илмий иш билан шуғуллана бошлади. Ҳозир 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг ўзбек тили кафедрасида меҳнат қилади. Тиниб-тинчимас олим ва ёзувчининг кўплаб китоблари чоп этилган. Биз қуйида М. Ҳасановнинг «Фитрат лойиҳаси» ҳақидаги мулоҳазаларини бериш билан бирга муаллимизни таваллудининг 60 йиллиги билан қутлаймиз.

Фитрат томонидан ишлаб чиқилган ва Марказий Комитет тасдиқлаган ислоҳотлар лойиҳаси жуда ғалати эди. Заруратан программа-минимум бўлган бу лойиҳа конституция масаласини олдида ҳал қилмай, мамлакатни бошқаришнинг монархия формасини ўзгартирмай, иккита асосий мақсадни кўзлайди. Конкрет таклифлар мана шу мақсадларни амалда рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бухорода ҳуқуқ асосига қурилган давлатчиликни жорий қилиш ўрта асрдан қолган Шарқ деспотизмининг европача маърифатли монархия билан алмаштириш ҳамда Бухоро меҳнаткашлар оммасининг фаровонлиги ва маданийлигини ошириш негизда Бухорони иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан мустақкамлашдан иборат эди.

Сиёсий ва ижтимоий соҳада жуда эҳтиёткор бўлган бу лойиҳа маданий ва иқтисодий янгиликларни жорий қилиш соҳасидаги талабларни ғоят қатъиятсизлик билан қўйди.

Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалиги масалаларига лойиҳада жуда кўп ўрин берилади, ислоҳотларни баён қилиш давлат тузилишидан эмас, балки мана шу масалаларнинг ўзидан бошланади. Лойиҳага биноан, ҳайдаладиган ерларнинг ҳаммаси уч категорияга: вақф ерла-

рига, хусусий мулк бўлган ерларга ва давлат ерларига бўлинади. Давлатники бўлган (амлок) ва давлат тасарруфида турган ерлар «хирож» деган ном билан бирлаштирилади (бу ерлар давлатники бўлиб, алоҳида шартлар билан ижарага берилади). Хусусий мулк бўлган ерлар эгаларининг тўла тасарруфида қолдирилади, бундан хирож ерлар мустасно. Вақф ерларини бошқармоқ учун алоҳида бошқарма таъсис этилади.

Лойиҳада солиқ солиш тартиби қатъий қилиб кўрсатилган, солиқ ундиришнинг бир қанча қоидалари ишлаб чиқилган. Ўзбошимчалик ва тартибсизлик ҳукм сўрган соҳа жадиждарнинг раҳбарларини айниқса қизиқтирганлиги мана шунинг ўзидан кўриниб турибди. Лойиҳада меҳнаткашларга ва давлатга тегишли ерлар учун солинадиган солиқнинг миқдорини камайтириш кўзда тутилади.

Лойиҳага биноан, жамоат деҳқончилик қиладиган ерлардан ва «мулки хирож»¹ ерлардан олинadиган солиқлар миқдори камайтирилади, шу билан бир вақтда бир қанча эгри солиқлар, чунончи: «кафсан»² «атайти»³, «ускуна пули»⁴, «чўп пули»⁷, «кўтара боқи» деб номланган «ҳашар» чиқимлари тугатилади.

Айни вақтда, лойиҳада «мулк ерлар» (хусусий мулк ерлар) ва «мулки хирож» ерларнинг бир қисми учун солинадиган солиқни анча кўпайтириш кераклиги айtilган. Давлат мулки бўлса ҳам, аммо амир томонидан хусусий кишиларга бириктиб қўйилган ерлар «мулки хирож» деб аталади.

Ердан солиқ олиш тартибига, лойиҳада айтилганидек, киритилadиган мана шу ўзгаришларнинг ҳаммаси меҳнаткаш халқ оммаси учун солиқ тўлашда енгилликлар бериш ва катта ер эгаларининг ерларига солинадиган солиқларни кўпайтириш тўғрисидаги фикрни амалда рўёбга чиқаришдир.

Лойиҳанинг ерга эгалик ва қишлоқ хўжалик масалаларига доир қисмидаги иккинчи, асосий мақсад қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кў-

пайтириш, экин майдонларини кенгайтириш ва деҳқончиликни интенсивлаштириш тўғрисида гамхўрлик қилишдан иборатдир.

Лойиҳада таклиф қилинган конкрет чоралар қуйидагилардан иборат: экин экилган ва экилмаган ерларга солинадиган солиқ миқдорини бараварлаштириш: шундай қилинганда, ерларга кўпроқ экин экишга ёки ўз қўлларидаги ерларнинг ҳаммасини ишлашга қодир бўлмаган хўжаликларнинг ердан воз кечиш, уни сотишларига йўл очиларди. Шунингдек, лойиҳада ирригация тадбирлари, Зарафшон суғориш системасини тартибга солиш — унинг сувини Бухоро билан Самарқанд вилояти ўртасида одилона тақсимлаш тадбирлари кўрсатиб ўтилди.

Лойиҳада Амударёдан ирригация мақсадларида фойдаланиш ҳам таклиф қилинди. Шу билан бирга, лойиҳа ўзининг бутун прогрессив либерал руҳига тўла мувофиқ равишда ҳашарни бошқа ишларда тақиқлаб қўйишни таклиф қилса ҳам, лекин ирригация мақсадлари учун ҳатто ҳашардан фойдаланиш кераклигини ҳам кўрсатиб ўтди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш учун кўриладиган чора тариқасида қишлоқ хўжалик кредитини ва деҳқончилик ишларини механизациялашни таклиф қилади. Бу масалада лойиҳа кўрилиши лозим бўлган ҳамма чораларни муфассал баён қилади. Бу масалада лойиҳа шу қадар кескин ва амалий қилиб тuzилганки, унда Бухорода қишлоқ хўжалик банки ташкил этиш ва унинг бўлимларини вилоятларда кўпайтириш (бундай банк Бухоро деҳқонларини қишлоқдаги кўп сонли судхўрларнинг чангалидан озод қилиши лозим), шунингдек, Бухорога қишлоқ хўжалик машиналарини олиб келиб деҳқонларга бериш ва уларга бу машиналарни ишлатишни ўргатиш кераклиги кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалик мактаблари очиш, агрономия билимларини омма орасига ёйиш — мана шуларнинг ҳаммаси лойиҳада кўзда тутилганди. Булар устидан таъсис этиладиган ер ишлари вазирлиги назорат ўрнатиши лозим.

Лойиҳада вақф ерларга жуда кўп ўрин берилган. Лойиҳада вақфларнинг аҳамияти, уни сақлаб қолиш зарурлиги, шунингдек вақфлардан фойдаланиш методларини мутлақо ўзгартириш кераклиги уқтириб ўтилган.

Бошқа вилоятларга нисбатан Бухоронинг ўзида илм-фанни ривожлантириш учун махсус таъсис этилган вақфлар жуда кўп. Вақфлар тўғри ташкил этилса, уларнинг маблағлари Бухородаги маориф ва илм-фанга тўғри сарфланса, бу нарса тараққиётга катта ёрдам берган бўлур эди. Лекин вақфларнинг ўша вақтдаги аҳволи жуда ёмон эди. Вақф мулкларидан келадиган даромадларнинг ярмидан кўпроғи шу мулкларни ижарага олиб фойдаланаётганларнинг чўнтагига тушар эди.

Вақфларни бошқариш учун вақфлар нозир-

лиги таъсис этилиши, шунингдек, дўконлар, кутубхоналар ва шунга ўхшаш барча вақф мулклари мана шу министрлик қўлига топширилиши лозим.

Келаётган даромадларнинг ҳаммаси вақфлар нозирлиги ҳузуридаги вақфлар хазинасида тўпланиши лозим. Шу хазинани капиталларидан келадиган фойда ҳисобига янги мактаблар, мадрасалар, халқ кутубхоналари, етимхоналар, камбағаллар учун ошхона, касалхона ва шу кабилар очилиши лозим. Вақф харажат ва даромадлари қатъй равишда ҳисобга олиб борилиши ва эълон қилиниб турилиши лозим. Вақф ерлари деҳқонларга одилона равишда ижарага берилиши лозим.

Лойиҳа вақфлардан самарали фойдаланиш йўли билан халқ маорифи ва ижтимоий таъминот иши учун моддий негиз вужудга келтирилиши ва юқорида айтиб ўтилган чоралар билан Бухоро деҳқонларининг фаровонлиги ва қишлоқ хўжалиги унумдорлигини ошириш керак, деб уқдириб ўтгандан кейин ҳарбий ва молия ишларини ташкил этиш масалаларини баён қилади, шунингдек, агар бундай қилинмаса, лойиҳа муаллифлари кутганидек, кучли мустақил давлат бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаб ўтади.

Лойиҳа, армия сонини кўпайтириш масаласига тўхталиб ўтади. Эски рус ҳукумати билан тузилган, бироқ Бухоро амири фойдаланмаган шартномада кўрсатилганидек, армия 12 минг кишига етказилиши зарур.

Армия сафини тўлдиришда европача методлар жорий қилиниши керак: «Ҳарбий бурчни бажариш ҳамма учун мажбурий бўлиши лозим».

Армия сафига чақирилувчи кишилар врачлар томонидан кўриб чиқилиши, беморлар ва инвалидлар ҳарбий хизматдан озод қилиниши лозим. Ҳарбий хизматни ўташ мuddати икки йиллик бўлади. 22 ёшга етган кишиларнинг ҳаммаси ҳарбий хизматга чақирилиши керак.

Сўнгра, қўшинларни сақлаб туриш ва уларга таълим бериш тўғрисида қилинадиган ишлар баён этилади. Лойиҳа кенг казармалар қуришни, Бухорода командирлар состави учун ҳарбий мактаб очишни, қўшинларни овқат ва кийим-кечақлар билан давлат ҳисобидан таъминлашни, шунингдек, солдатларга, гарчи озроқ миқдорда бўлса ҳам, ойлик маош тўлаб туришни талаб қилади.

Лойиҳа армияда ўзбошимчаликни мутлақо йўқотиш ва амир даврида юқори мансабдагиларнинг аскарлар билан қўпол муомала қилиб келганлиги каби ҳолларга барҳам бериш зарур, деб ҳисоблайди.

Европача усулда янги ташкил этиладиган армия учун ҳарбий ишни яхши билган бухороликлар йўқлиги сабабли рус армиясида хизмат қилган ва хизмат қилаётган мусулмон офицерлар таклиф қилиниши лозим. Ҳарбий ишнинг ҳам-

маси ҳарбий нозирликда марказлаштирилиши лозим.

Бухорода бутунлай тартибсиз ҳолга келиб қолган молия соҳасида лойиҳа амирнинг маблағларини умум давлат маблағларидан ажратиб қўйишни, солиқларни аниқ белгилаб қўйишни, бюджетни ҳар йили эълон қилиб туришни ва қайта ташкил этилган молия ишларини бошқармоқ учун молия нозирлиги таъсис этишни талаб қилади.

Ички ишлар соҳасида лойиҳа Бухорода қатъий маъмурий бўлиниш ўтказиш, ҳукумат томонидан пули тўлаб туриладиган маҳаллий маъмуриятлар таъсис этилиши ва бошқарув ишларининг марказлаштирилишини талаб қилади.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш лойиҳада жуда чекланган миқдордагина кўзда тутилади. Маъмуриятнинг қуйи ячейкалари бўлган оқсоқолларигина халқ томонидан сайлаб қўйилади.

Адлия (юстиция) органлари шариат қонунлари асосида ишлайди ва уламолар қўлида қолади. Адлия нозири айни вақтда «Қозикалон» ҳамдир. Шундай қилиб, одил суд аввалгича қолаверади ва унинг структурасигина тартибга солинади.

Бухорода алоқа йўлларини ривожлантирмоқ учун йўллар нозирлиги таъсис этилади, бу нозирлик айни вақтда, қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи саноатни ҳам идора қилади.

Ҳукуматнинг маориф соҳасидаги тадбирлари айнан қуйидагича баён қилинган: «Халқ орасида маърифат тарқатмоқ учун маориф нозирлиги таъсис этилади, унинг зиммасига ҳамма вилоятларда хазина ҳисобидан иккинчи босқич халқ мактаблари, олий ўқув юртлари очиш, шу мактабларга ўқитувчилар тайёрлаш, барча типдаги ҳамма мактаблар учун дастурлар ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни назорат қилиб туриш вазифаси юкланади.

Ҳаммага мактаблар очиш ҳуқуқи берилсин. Вақфлар нозирлиги қарамоғидаги мактаблардан ташқари бу масалада ҳеч қандай чеклашга йўл қўйилмасин.

Маориф нозирлиги имтиҳон комиссияси иштирок қилгани ҳолда, ўқишни тўла-тўқис тамомлаганларга ўқув юртларини битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома беради.

Нозирлар шўроси (совети) қуйидаги 10 нозирликдан иборат қилиб тузилади:

1. Ер ишлари нозирлиги.
2. Вақфлар нозирлиги.
3. Ҳарбий ишлар нозирлиги.
4. Молия нозирлиги.
5. Ички ишлар нозирлиги.
6. Адлия нозирлиги.
7. Милиция нозирлиги.
8. Йўллар, қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи саноат нозирлиги.

9. Маориф нозирлиги.

10. Ташқи ишлар нозирлиги.

Ҳар бир нозирнинг кенгашичи бўлади.

Бухороликлар орасидан мутахассислар етишиб чиққунга қадар кенгашичилик лавозимига Россия, Туркия ва Озарбайжондан таклиф қилинган ўқимишли, маданиятли мусулмонлардан тайинлаб қўйилади.

Россия ва бошқа чет эл давлатлари билан ташқи алоқа ишларини битта нозир олиб боради. Бу вазифа лавозими бўйича нозирлар Шўроси раиси зиммасига юкланади.

Юқорида баён қилинганлардан қўриниб турибдики, лойиҳа ҳамон монархияли давлатчилик доирасидан чиқмайди, парламентаризмни ҳатто тилга ҳам олмайди: нозирлар сайланиб қўйилиши ва халқ олдида жавобгар эканлиги лойиҳанинг бирор жойида айтиб ўтилмаган. Шу сабабли, бу лойиҳа ҳатто Бухоро шароитида ҳам талабга жавоб бермас эди. Шундан сўнг жадидлар революцион ёш бухороликлар Туркистон бюросининг дастурини ишлаб чиқиб, 1920 йилда эълон қилдилар. Бу дастур Бухорода ҳақиқатдан халқ ҳокимиятчилиги даврини очиб беради. Юқорида қайд қилинган мазкур лойиҳа амирликнинг ўзбошимчилигига нисбатан олға қўйилган катта қадамдир.

Лойиҳанинг катта камчилиги шундан иборатки, Фитрат ўнг қанотнинг аччиғини келтирмайин, деб катта хатога йўл қўйди. У ҳатто республика керак, деган талабни ҳам лойиҳанинг ҳеч бир жойида аниқ ва равшан қилиб айтмади. Бу эса кечириб бўлмайдиган хато эди, албатта. Ҳатто, ўнгларнинг боши бўлган Абдувоҳид Бурхонов ҳам мамлакатни республика усулида идора қилиш зарур, деган гапларни айтган эди.

Мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, лойиҳа катта аҳамиятга молик эди, лойиҳа ташкилотнинг, шунингдек, янги Марказий Комитетнинг ўз олдига қўйган мақсадлари билан аҳолини таништирди. Бундан ташқари, динбузарлар деб тўнкалган айбни ёш бухороликлар устидан олиб ташлади, бу эса аҳоли орасидаги барча табақаларнинг жадидизмга муносабати учун катта аҳамиятга эга бўлди.

ИЗОҲЛАР:

1. Мулки хирож — солиқ олинадиган ер.
2. Кафсан — Маҳаллий қишлоқ маъмурияти (амин, оқсоқол ва бошқалар) фойдасига деҳқонлардан олинадиган солиқ.
3. Атаяти — садақа.
4. Ускуна пули — турли дарахтлар учун тўланадиган пул.
5. Чўп пули — яйловлардан фойдаланганлик учун олинадиган солиқ.
6. Оқсоқол — қишлоқ жамоасининг бошлиғи.

Мажид ҲАСАНИЙ,
филология фанлари номзоди, доцент.

БУХГАЛТЕРИЯДА МАҲСУЛОТЛАР ҲИСОБИ

(ЕКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БУХГАЛТЕРИЯ ИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ)



Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг турли шакллари кенг қўлланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳисобида ҳам ўзгаришлар қилишни талаб қилмоқда. Маълумки, илгари қишлоқ хўжалиги корхоналарида маҳсулотнинг асосий қисмини бригадалар етиштирар эди. Ҳозирги кунда бригадалар билан биргаликда, ижаранинг турли шакллари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш бўлинмалари мавжуд бўлиб, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш бўлинмалари сонининг ва улар чиқараётган маҳсулотлар ҳажмининг ошиши ҳисоб ишларида ҳам қатор қийинчиликларни вужўдга келтирди. Бу, энг аввало етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини юритишда яққол сезилмоқда. Чунки битта хўжаликда 100 га яқин, баъзан эса ундан ҳам кўпроқ ишлаб чиқариш бўлинмаларининг мавжудлиги бухгалтерияда маҳсулотлар ҳисобини юритишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномани давр талабига асосланиб такомиллаштириш керак бўлиб қолди.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги ҳозир амал қилаётган йўриқномага мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳисобга олиш учун бухгалтерия ҳисобининг счетлар режасида куйидаги счетлар тайинланган.

10-«Уруғ ва ем-хашаклар», 40-«Тайёр маҳсулотлар», 05-«Материаллар» счетининг «Қайта ишлаш учун четга берилган хом ашё; маҳсулот ва материаллар» субсчета. Демак, барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоби учун учта счет тайинланган. Хўжаликнинг ўзида қолдириладиган маҳсулотлар (уруғ ва ем-хашаклар) 10-счета, сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар 40-счета ва четга қайта ишлашга берилган маҳсулотлар 05-счетага «Қайта ишлаш учун четга берилган хом-ашё, маҳсулот ва материаллар» субсчетада учётга олиниши лозим.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ, агар маҳсулотлар йиғиб олишдан олдин уларнинг қайси мақсадлар учун фойдаланиши аниқ белгиланган бўлса, хўжаликнинг ўз эҳтиёжлари учун қолдириладиган қисмига эса 40-счета дебеланиши ва 20-«Асосий ишлаб чиқариш» счетининг «Ўсимликчилик» ва «Чорвачилик» суб-

счетлари кредитланиши зарур. Бизнингча, йўриқномада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг киримга олиш жараёнининг бухгалтерия ҳисоби счетларида акс эттириш тўғрисидаги кўрсатмасининг ўзи мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, ҳар бир хўжалик қанча маҳсулот ишлаб чиқариши ва уларни қайси мақсадлар учун фойдаланиши йил бошидаёқ белгиланган бўлади. Лекин амалдаги кўпчилик давлат ва жамоа хўжаликлари маҳсулотларни киримга олганда, асосан ушбу маҳсулотларнинг товарлилик даражасини ҳисобга олган ҳолда счетларда акс эттиришади. Агар маҳсулотларнинг товарлилик даражаси паст бўлса, демак маҳсулотлар кўпроқ хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланилади. Табиийки, уларни 10-счетада учётга олинади. Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси юқори бўлса, бундай маҳ-

Нуриддин Жўраев 1984 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Айти пайтда Ф. Хўжаев номидаги Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида «Бухгалтерия ҳисоби ва корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили» кафедрасининг ассистенти. Иқтисод фаилари номзоди.

сулотларнинг 40-счётда акс эттирилади. Масалан, техника экинларидан ва чорвачиликдан олинган баъзи маҳсулотлар (жун, сут ва ҳ. к)нинг товарлилик даражаси юқори бўлганлиги учун ҳам 40-счётга олинади.

Ушбу хўжалик жараёнларининг юқоридагидек акс эттирилишининг сабаби йўриқномадаги кўрсатмаларни амалда қўллаш имконияти чекланганлиги билан ҳам боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, йўриқномадаги маҳсулотларнинг кирими ва улар сарфини акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоби счётларини ишлаб чиқиш, ушбу маҳсулотлар тушуми ва сарфининг қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

— Қишлоқ хўжалигида маҳсулотларнинг бир неча ой мобайнида тушиши;

— Айрим маҳсулотларнинг хўжаликда сақланмасдан бевосита истеъмолчиларга сотилиши ва топширилиши;

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турларини йиғиб олингандан сўнг қуриштириш, саралаш ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнининг давоми бўлган технологик ишларнинг бажарилишини талаб қилиши;

— Маҳсулотларнинг хўжаликда қолдириладиган ва сотиладиган қисмининг бир жойда сақланиши;

— Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бирваракайига бир неча мақсадлар учун сарфланиши;

— Маҳсулотлар хўжаликнинг ўзида ёки шартнома асосида бошқа корхоналарда қайта ишланиши;

— Маҳсулот айрим турларининг хўжалик эҳтиёжи учун қолдирилиши ва етиштирилган маҳсулотларнинг тўлиғича четга сотилиши.

Фикримизча, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учетини ташкил қилишда уларнинг юқорида қайд қилинган ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун йиғиб олинган заҳоти хўжалик омборларида сақланмасдан, тўғридан-тўғри истеъмолчиларга жўнатиладиган маҳсулотларни 40-«Тайёр маҳсулотлар» счётида акс эттирмасдан, тўғридан-тўғри 46-счётнинг дебетида ва 20-счётнинг 1 ва 2-субсчётларининг кредитига ёзиш зарур.

Агар ушбу жараёнларда 40-

счёт иштирок этмаса, етиштирилган маҳсулотларни тўла даромадга олиш устидан ўрнатилган назорат кучсизланмайдими, деган савол туғилиши ҳам табиий. Аммо амалиётда бухгалтерлар томонидан маҳсулотлар кирими ва улар сарфининг ҳаракатини назорат қилишни таҳлил қиладиган бўлсак, бевосита хўжаликда сақламасдан, тўғридан-тўғри истеъмолчиларга топшираётган маҳсулотларни 40-счётда акс эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлади. Чунки, бригадалар, звено бошлиқлари ва бошқа шахслар томонидан маҳсулотларни даромадга олиш учун асос бўлувчи ва уларнинг тегишли жойларга топширилганлигини исботловчи ҳужжатларни бухгалтерияга топширилганидан сўнг ушбу ҳужжатларнинг бухгалтерлар томонидан ҳар бир бўлинмалар учун алоҳида тузиладиган «Йиғиб олинган маҳсулот ва уларнинг ҳаракат реестри»да умумлаштирилади. Реестр маълумотларига асосан 05-счётнинг дебетида йиғиб олинган маҳсулот шартнома бўйича четга қайта ишлаш учун берилганда ва 40-счётнинг дебетида эса маҳсулотлар хўжаликнинг ўзига тегишли моддий жавобгар шахсларга топширилгани ёзилади. 46-счётнинг дебетида эса маҳсулотлар сотилгани ёки хўжаликнинг ўзида қайта ишлаш учун шахсларга топширилгани ёзилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу ерда бухгалтерия ходимлари ой мобайнида йиғиб олинган маҳсулотлар ва уларнинг сарфини бевосита назорат қилиш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳам реестр маълумотларига асосланиб, хўжаликда сақланмасдан бевосита истеъмолчиларга сотилаётган ва хўжаликда қайта ишлашга берилаётган маҳсулотларни 40-счётда акс эттирмасдан, тўғридан-тўғри 46-счётнинг дебетида ёзиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳар бир ишлаб чиқариш бўлиминининг етиштирган маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни нафақат реестрдан, балки 20-счётнинг кредитидан олиш мумкинлиги ҳам кўриниб турибди.

Юқорида таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларни ўз хўжалигида қайта ишлаш имконияти бўлмаганда уларни шартнома асосида бошқа корхоналарга қайта ишлаш учун беради.

Бизнингча, хўжаликлар ўз маҳсулотларини қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берилганда содир бўладиган хўжалик жараёнларини бухгалтерия счётларида акс эттириш тўғрисидаги йўриқнома кўрсатмалари ҳам тузатиш ва тўлдиришни талаб қилади.

Йўриқномада, шартнома бўйича четга маҳсулотларни қайта ишлаш учун берилганда қандай бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштириш юқорида ҳам таъкидланади, яъни 05-счёт, кредит 40-счёт. Шунингдек, йўриқномада, четда қайта ишлашдан олинган маҳсулот қиймати қўшилади деб кўрсатилган. Лекин йўриқномада четга шартнома бўйича маҳсулотни қайта ишлаш учун берилганда маҳсулотларни ташитиш, ортиш, тушириш, ҳар хил материаллар сарфи, қайта ишлаш корхонасига тўланган хизмат ҳақи ва шу каби харажатларни акс эттирувчи хўжалик жараёнлари содир бўладики, уларни бухгалтерия ҳисобининг қайси счётларида учётга олиш тўғрисида ҳеч қандай кўрсатма йўқ.

Шунинг учун хўжаликлар ушбу жараёнларни 05-счётда учётга олишга мажбур бўлмоқда. 05-счётга эса мазмун жихатидан инвентар счёт бўлиб, ушбу жараёнларни ҳисобга олиш учун тайинланмаган.

Шартнома асосида маҳсулотларни қайта ишлаш учун четга берилганда, уларни худди хўжаликнинг ўзида қайта ишлашда қўлланиладиган ҳисоб услубини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун фақат 20—3 «Сафоат ишлаб чиқариши» субсчётида алоҳида «Четга шартнома бўйича қайта ишланаётган маҳсулотлар» аналитик счётини очиш, қилинган барча харажатлар ва олинган маҳсулотларни шу счётда акс эттириш лозим.

Бизнингча, бу таклифлар қишлоқ хўжалик корхоналарининг амалий фаолиятида қўлланса, нафақат бухгалтерия ҳисобидаги чалкашликларга барҳам беради, балки бухгалтерия ходимларининг ҳисоб ишлари ҳам қисқаради, бухгалтерия счётларида ёзувларнинг такрорланишига йўл қўймайди ва бухгалтерия ҳисобининг маълумот бериш даражасини оширади.

Нуриддин ЖУРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ИЖАРА

(ёки ижара пудратининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти)

Мустақил жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиёти шароитига ўтиши Агросаноат комплекси ходимлари олдида ҳам кўпгина муаммоларни юзага келтирмоқдаки, бу муаммоларни ҳал қилмай туриб, қишлоқ хўжалик шароитида юксак мувоффақиятларга эришиб бўлмайди. Ана шундай муаммолардан бири бу ижара пудратини кенг жорий қилишдир. Чунки, бошланғич меҳнат жамоаларида меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор шакллари жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш ва тақсимот жараёнида юзага келаётган янги иқтисодий муносабатлар ҳар бир давлат хўжалиги ва жамоа хўжаликларида иш юришни пухта, ҳисоб-китоб асосида олиб борилишини объектив заруриятга айлантириб қўймоқдаки, бу ҳол хўжалик ҳисобидан, ижара ва ижара пудратидан амалда кенг фойдаланишни тақозо этади.

Даставвал ижара ва ижара пудрати қишлоқ хўжалигида янгича ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг истиқболли йўли эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур, ваҳоланки, ҳар бир ишловчининг меҳнатга ва унинг самарасига манфаатдорлик ҳиссиётларини кучайтиради.

Иқтисодий ва илмий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижара пудрати асосан кам даромадли ва қолоқ хўжаликларда жорий қилинмоқда, бу эса қисқа муддат ичида хўжаликни тиклашга амалий ёрдам бермоқда. Масалан, ижара пудратидан фойдаланиш натижасида хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 20-30 фоизга, меҳнат унумдорлиги эса 1,5-2,0 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Модомики, шундай экан, ижаранинг ўзи нима? Унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти қандай? деган савол туғилади. Бизнинг фикримизча ижара ишлаб чиқариш муносабатларининг шундай турини, ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида келишилган шартнома асосида ер ва техникани, биноларни, иншоотларни ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини маълум муддатга, маълум ҳақ эвазига меҳнаткаш ихтиёрига ишлатиш учун беришдир.

Ҳар қандай иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш албатта ҳуқуқий асос замида амалга ошиши керак. Шу муносабат билан ижара ва ижара пудрати ҳам ўзининг ҳуқуқий асосига яъни давлат қонунига эгадир.

Ижарада — ижара шартномаси муҳим роль ўйнайди. Яъни ижарага берувчи билан ижарачининг муносабатини тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат ижара шартномасидир. Бундай шартнома ихтиёрий

равишда томонларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги асосида тузилиши керак.

Ижара шартномасида ижарага берилаётган мулкнинг таркиби ва қиймати, ижара ҳақининг миқдори, ижара муддати, ижарага олинган мулкни тўла тиклаш ва ремонт қилиш юзасидан томонларнинг вазифалари тақсимланиши, ижарачининг шартнома шартларига мувофиқ равишда мулкдан фойдаланиш мажбуриятлари, ижарачининг ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш ва шартнома тўхтатилгандан кейин мулкни шартномада кўзда тутилган ҳолатда ижарачиларга қайтариш учун жавобгарлиги ва бошқа муҳим шартлар кўзда тутилади. Ижарага олинган мулкнинг қиймати шартномада ана шу мулкни ижарага бериш пайтида амалда қанчалик эскирганлиги ҳисобга олиниб, ушбу мулкка берилган баҳодан келиб чиқиб, аниқланади. Ижарага топширилаётган мулкнинг келгусида қанча хизмат қилиш муддати томонларнинг келишувига асосан белгиланади.

Ижара шартномасига доир бурчларни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун, жумладан шартномани бир томонлама ўзгартирганлик ва бекор қилганлик учун томонлар Ўзбекистон жумҳурияти қонунларида ҳамда шартномада белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўладилар.

Ижара ҳақи ижарага олинган мулкдан ижтимоий зарур даражада фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган фойда (даромаднинг бир қисмини) ижара процентини ўз ичига олади, ижара проценти шартномага мувофиқ одатда банк процентидан кам бўлмаслиги керак.

Ижара ҳақи ижарага олинган мулкнинг ижарага топшириш вақтидаги қийматидан амортизация ажратмаларини ўз ичига олади. Ижара ҳақи ижарага олинаётган бутун мулк учун яхлит ёки ҳар бир объект юзасидан алоҳида-алоҳида натура, пул ёки аралаш шаклларда белгилаб қўйилиши мумкин.

Мулкни ижарага бериш ана шу мулкка эгалик ҳуқуқларини топширишни билдирмайди. Ижарачи ижарага олинган мулкдан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва олган даромадлари унинг мулки ҳисобланади.

Бундан ташқари, ижара пудрати тўғрисидаги низомда ижарачи ижарага олинган мулкни тўла ёки қисман сотиб олиш шартлари тартиби ва муддатлари ижара шартномасида белгиланади.

Ижарачи ижара шартномасига мувофиқ ўз хўжалик фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайди ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда олинган даромадни мустақил тасарруф этади.

Ижара шартнома мажбуриятларини бажариш доирасидан ташқарида ижарачи ўз хўжалик фаолиятида тўла эркин ҳисобланади.

Шартнома муддати тугагандан сўнг ижарачи шартномани қайтадан янгилаш ҳуқуқига эга.

Ижарачининг мулки фақат давлат арбитражи

1. Ўзбекистон жумҳуриятининг «Ижара тўғрисидаги низоми» «Совет Ўзбекистони» газетаси 1990 йил 3 январь.

ёки суди қарори билан ижарачидан тортиб олинishi мумкин. Ижарачи коллектив ижара пудрати шартномасига мувофиқ, шартномада кўзда тутилган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва корхонага бериш ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа корхоналар ёхуд фуқораларга сотиш вазифасини ўз зиммасига олади.

Ижара пудратига ўтган жамоа бюджет, банк ва юқори органлар билан ҳисоб-китобларни умуман корхона фаолиятининг натижаларига қараб белгиланган тартибда амалга оширади. Ижарачи коллектив ижара пудрати шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларни ҳисобга олиб ишлаб чиқариш дастурини мустақил равишда тузадилар ва хўжалик юритишнинг провард натижалари учун иқтисодий жиҳатдан бутун масъулиятни, жавобгарликни ўз зиммаларига олдилар. Ижара пудрати шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун томонларнинг масъулиятлари белгилаб қўйилади.

Агар кундалик матбуот саҳифаларига назар ташласак, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг истиқболли шакллари жорий этиш борасида жумҳуриятнинг юқори ташкилотлари амалга ошираётган ишлар муайян ижобий натижалар бераётгалиги таъкидланади. Муаллифлар меҳнатни ташкил этишнинг хилма-хил шакллари, бригада, звено, якка тартибда ва оилавий пудрат ҳамда ижара ва ижара пудратининг фақат афзалликларига алоҳида эътибор бермоқдалар ҳолос. Ваҳоланки, бу ишда кўплаб қийинчиликлар, камчиликлар ва англашилмовчиликлар ҳам мавжуд.

Ижара тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий кенгаши махсус қонун қабул қилган, бироқ уни амалда қўллаш тартиби, усули ва воситалари ҳалигача мукамал ишлаб чиқилмаган.

Вилоят давлат ва жамоа хўжаликларига ижара ва ижара пудратига ўтиб ишлаётган якка, оилавий, бригада пудратининг натижаларини илмий-иқтисодий таҳлил қилиш бизни айрим фикрлар ва мулоҳазаларимизни баён этишга ундамоқда.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, (оилавий, якка тартибдаги) бригада ва ижара пудратларини кенг жорий этиш мақсадида энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан янги ташкилий иқтисодий асосда қуриш зарурки, бунда ишлаб чиқариш муносабатлари олди-сотди, ер ва бошқа асосий ишлаб чиқариш воситаларини ижарачиларга узоқ муддатга ёки муддатсиз фойдаланишга бериш принциплари заминда йўлга қўйилади. Бизнинг фикримизча, ижаранинг муддатига катта эътибор бериш керак, чунки деҳқон ижарага олган ер ва асосий ишлаб чиқариш воситаларига ўз мулкидек муносабатда бўлсин. Бундан пудратчи ҳам, хўжалик ҳам ютади.

Агар ижара шартномаси қисқа муддатга тузилдиган бўлса, деҳқон ерининг унумдорлигини оширишга қизиқмайди, техникани авайлаб асрамайди, қисқаси мenden кетгунча, эгасига етгунча, қабилида иш тутайди.

Ерларни ва асосий ишлаб чиқариш воситаларини 1—2 йил ёки 5 йилга эмас, балки узоқ муддатга (20—50 йилга) ижарага берилганда, деҳқон ижарага олинган ерда ҳақиқий хўжайинлик ҳиссиётига эга бўлади. У бугунги кунни ёки эртанги кунни эмас,

балки узоқ келгусини, истиқболини ўйлаб иш тутайди.

Ерлар узоқ муддатга ижарачига берилгач деҳқон ернинг унумдорлигини оширишга, ҳосилдорлигини кўпайтиришга, минерал ва химиявий ўғитларни нормада ерга солишга, ерни семиртиришга ва шу ерда нима экиш керак эканлигини жуда яхши билиб меҳнат қилади.

Асосий ишлаб чиқариш воситаларини (техникаларини) ҳам узоқ муддатга фойдаланишга бериш ва аста-секин ижарачиларга сотиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ижарачилар самарали ишлашлари учун қишлоқ хўжалик техникалари етишмайди. Лекин 1989 йилнинг ўзида нормативдан ташқари 20 мингта гилдиракли тракторлар ҳисобдан чиқарилди. Биздаги норматив эса америкалик фермерлардаги нормативлардан бутунлай фарқ қилади. У ерда комбайн ва тракторлар 15, 17, 20 йил ишлайди. Бизда эс норматив 8—10 йил. Кўпгина ижарачилар ёки деҳқон хўжалигини юритишга қарор қилган кишилар қандай иш тутишаётганлигига бир назар ташласак, антиқа бир ҳолатни кузатиш мумкин. Улар, айниқса, механизаторлар ҳисобдан чиқариб ташлаган тракторларни олиб ремонт қилиб, улардан фойдаланмоқдалар.

Ижара муносабатлари шартнома шартларига асосланган ҳолда икки турга бўлинади.

Биринчи тур — бунда ер, асосий ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариш дастурини тузиш, юргизишни ижарачилар ўз зиммаларига оладилар. Ижаранинг бу тури — эркин ижара юритиш усулидир.

Иккинчи тури — бунда ер ва асосий ишлаб чиқариш воситалари ижарага берувчининг ишлаб чиқариш программасига асосан ишлатилади. Ижаранинг бу тури — мақсадли ижара усулидир.

Кўпгина мутахассисларнинг ва бизнинг фикримизча, ижаранинг биринчи туридан фойдаланиш иккинчи турига қараганда иқтисодий самарадорлиги анча юқори, чунки бу турда ижарачи ижарага олган ерига, ишлаб чиқариш воситаларига ҳақиқий эгаллик қиладилар. Белгиланган ижара ҳақини тўлаб, ижарага олинган ерга ўзлари учун фойда келтирадиган ўсимлик турларини экадилар ва олинган маҳсулотни келишиб олинган нархлар асосида сотадилар. Бундан кўриниб турибдики, эркин ижара юритиш усули ижарачига қатор афзалликлар ва мустақиллик беради экан.

Ижара ва ижара пудратининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ифодалаб шунини айтишимиз мумкинки, ижара коллективларида эгасизликка барҳам берилади ва ходимларнинг масъулияти оширилади, шахсий ижтимоий манфаатлар узвий қўшиб олиб борилади. Бу ерда кишиларнинг меҳнати яхшироқ ташкил этилган, уларнинг ўз касблар даражаларини оширишдан, турдош касбларни эгаллашдан моддий манфаатдорлиги кучайиб боради, коллектив жавобгарлик ҳиссиёти ошади. Булар эса ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашни таъминлайди. Бу эса деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириб, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга олиб келади ва ниҳоят, энг муҳим, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш жараёнида тубдан янги, ҳақиқий иқтисодий муносабатлар шаклланиб, тобора янги босқичга кўтарилади.

Азамат ХУРРАМОВ.
Қарши деҳқончилик-иқтисодиёт
институтини катта ўқитувчиси.

НУРЛИ ЙЎЛ

(Ёки Ўзбекистоннинг тараққиёт йўллари
хақида)



Халқимизнинг узоқ йиллар мобайнидаги орзу-ниятлари амалга ошиб, жумҳуриятимизнинг мустақиллиги эълон қилинганига ҳам бир йил тўлди. Бу воқеа, бозор иқтисодиётига ўтиш даври билан бир вақтга тўғри келди. Икки тасодифий воқелик олдимизга қатор муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Ҳозирда олиб бораётган ишларимиз ва кўраётган чора-тадбирларимиз, ана шу муаммоларни биров бўлсада бартараф этиб, Ўзбекистон иқтисодиётини бозор хўжалигига тайёрлаш учун хизмат қилиши шубҳасиздир.

Айни кунда жумҳуриятимизнинг кўпчилиги аҳолиси учма-уч турмуш кечираётганлиги ва уларнинг даромади жуда кам бўлганлиги, ижтимоий ривожланиш даражаси пастлиги, бунинг устига Ўзбекистонда ишсизлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай

аҳволнинг келиб чиқиш сабаблари «собиқ тузумнинг» бағрида вужудга келди. Фидокорона қилинган меҳнатга иш ҳақи кам миқдорда тўланди. Уша тузумнинг оқибатлари эса ҳар бир қадамимизда сунъий тўсиқларни келтириб чиқармоқда. Уларни бартараф этиш жуда қийин кечаётир.

Ҳа, биз баландпарвоз сўзларга учдик, уни миямиз-

Абдуманнон Ҳайитов 1962 йил Яккабоғ районида туғилган.

1990 йилда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини тугатиб, кундузги бўлим аспирантурасига ўқишга кирган. Ҳаёт, ижтимоият, иқтисод ҳақида мушоҳада қилишни ёқтиради.

ИҚТИСОД ВА ТАБИАТ

ЭКОЛОГИК ФОЖЕАНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

(ёки Хоразм қишлоқ хўжалигида биологик усулда маҳсулот
етиштириш муаммолари хусусида)



Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда экологик муаммолар; ер, сув, ҳаво, умуман атроф муҳитнинг ифлосланиши ўлкамиз аҳолиси учун фожеага айланиб бораёпти. Бундай экологик муаммоларнинг келиб чиқишига асосан инсон соғлиғига жиддий зарар етказаяётган химикатларнинг қишлоқ хўжалигида кўплаб ишлатилишидир. Бу химикатларни қишлоқ хўжалигимизда қай даражада кўп ишлатилаётганини биргина Хоразм вилояти миқёсида таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак ўлкамиз табиати, аҳолиси нақадар улкан хавф билан юзма-юз турганлигига амин бўламиз.

Хоразм вилояти миқёсида олиб борган кўп йиллик кузатишларимиз шунни кўрсатдики, вилоят қишлоқ хўжалигида 1967—1982 йиллар мобайнида 20052 тоннадан ортиқ ўта захарли, ярим емирилиш даври 40 йилдан ҳам ортиқ бўл-

ган ДДТ қуқунидан ишлатилган. Захарлилиги ундан қолишмайдиغان ГХЦГ қуқунидан эса 1967—1989 йиллар да-

Баҳодир РЎЗМАТОВ 1955 йилда Хоразм вилоятида туғилган. 1978 йилда Тошкент давлат университетининг амалий математика ва механика факультетини тамомлаган. Сўнгра Москва давлат университетининг «Иқтисодни таҳлил қилишнинг математик усуллари» кафедрасида аспирантурада ўқиди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат комитети қошидаги иқтисодиёт илмий тадқиқот институтининг Хоразм филиали бошлиғи бўлиб ишлаётди.

га сингириб, кўкрак кериб келдик. Собик Иттифок-далик давримизда, керак бўлса «қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини шаҳарлар билан тенглаштирамиз» деган асосий шиор, бизни оғир, серташвиш кунларга етказиб бораётганлигини кеч агладик.

Режалаштиришдаги догматик ва марказлаштирилган усулимиз амаллаб кун кечирадиган деҳқонни ҳам ўз касби — деҳқончиликни ташлашга мажбур қилди. У эрталабдан кечгача меҳнат қилса-ю, топган пули ейдиган нонига етмаса, қанақасига ўз касбига меҳр қўйиши мумкин.

Деҳқоннинг меҳнатига яраша қадрланиши учун жуда кўп сунъий тўсиқлар қўйилганди. Булардан энг асосийси режа-топшириқларнинг юқоридан белгиланганлигидир. Бошқарувнинг мана шу услуби ҳаётда кўплаб номутаносибликларни келтириб чиқарди. Бу усулнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилгани сабабли, деҳқонлар энг аввало, ўз меҳнати билан етиштирган маҳсулотини ўзи сотиш ҳуқуқидан маҳрум этилди, иккинчидан, деҳқонлар кадр-қиммати топталди, қолаверса уларнинг ҳақ-ҳуқуқи тенгсизлик исканжасида бадном этилди.

Жумҳуриятимиз асосий бойликлари — олтин, пахта, қоракўл, ипак ва бошқа маҳсулотлари хом-ашё сифатида четга ташиб кетилди. Масалан, пахтанинг 70—80 фоизи, асосан Болтиқбўйи жумҳуриятлари ва Россия Федерациясининг бир қанча шаҳарлари корхоналарида қайта ишловдан ўтказиларди. Тайёр маҳсулотни сотиш ва фойда олиш фақат уларнинг ихтиёрига тушарди. Пахта етиштирган асл деҳқонни эса қуруқ гаплар-у, ваъдалар билан алдаб кели-

нарди. Жами маҳсулотларни хом-ашё сифатида чекка ўлкаларга олиб чиқиб кетилиши Ўзбекистоннинг тараққиёти ва келажак истиқболининг ривожланиш йўлида, қатор тўсиқларни келтириб чиқарди. Буларни қуйидагича санаш мумкин:

— кишилар меҳнатига яраша ҳақ тўланмаганлиги;

— қишлоқ иқтисодий ривожлантиришга умуман эътибор берилмаганлиги;

— аҳолининг ижтимоий аҳволи, маданий турмуш даражаси энг ночор аҳволга тушиб қолганлиги;

— қишлоқ жойларда ишсизлар сонининг чексиз кўпайиши;

— қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш учун чора-тадбирлар умуман ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқалардир.

Бозор иқтисодиётига маълум босқичлар орқали ўтиш, бу табиийдир. Ана шу босқичма-босқич ўтишда аҳолини, айниқса унинг камбағал қисмини ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифалардан биридир. Шунинг учун мутахассислар бозор иқтисодиёти одимларини сезгирлик билан кузатиб, унинг шафқатсиз пойи остига меҳнаткаш инсон тушиб қолмаслигини таъминламоқчиликлари даркор.

Бозор иқтисодиётини четлаб ўтиб бўлмайди. Жумҳуриятда бозор қонуниятларининг қандай кечишини кузатишимиз, унинг салбий ва ижобий томонларини ҳам кўра олишимиз зарур.

Бозор нимаси билан бизни ўзига жалб этапти? Биринчидан, бозор товар-пул муносабатларига асосланган жамиятнинг энг зарурий таркибий қисмидир. Аммо биз узок йиллар давомида уни инкор этиш-

вомида воҳа қишлоқ хўжалигида (асосан, пахтачиликда) 70166 тоннадан зиёд қўлланилган. Булар яқин кунларгача воҳа қишлоқ хўжалигида қўлланилиб келинган 50 тадан зиёд турли хил оғуларнинг фақат иккитаси, холос.

60-йиллардан бошлаб уюштирилган вилоят қишлоқ хўжалигини химиялаштириш — бу Хоразм фожеасидир. Унинг мудҳиш саҳифалари авлодлар ҳаётида яна ҳам яққол кўринаверади. Унинг баъзи бир оқибатлари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятида — ер, замин ўта заҳарланган, атроф-муҳит булганган. Ҳатто қумлар ҳам ўз бағрида ажал сақламоқда, чунки унга заҳарли моддалар сақланган идишлар, шу моддаларнинг ўзи ҳам кўмилган. Кейинги даврда медицина кўригидан ўтказилган Орол бўйи аҳолисининг 70 фоизи у ёки бу хасталик билан оғриётгани маълум бўлди. Хоразм вилоятидаги 3 ёшли болаларнинг 90 фоизидан кўпи камқонли, 70 фоизи гипотрофия, 60 фоизида рахит касаллиги борлиги, аёлларнинг 70 фоизи камқонли (анимия) касаллигига мубтало эканлиги маълум бўлди.

Химиялаштиришда масъулиятсизлик шу даражага бориб етган эдики, бир марта қўлида ушлаган кишининг 15 йиллик умрига завол бўладиган ДДТ куқунига тўлдирилган дока халтачалари билан 70-йиллар бошида ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам ҳеч қандай ҳимоя воситасиз эгат оралаб пахтага ишлов бериш учун курашга сафарбар қилинарди. Хоразмда минерал ўғитлар ишлатилмасдан бурун оргоно-биологик, яъни маҳаллий ўғитлар ёрдамида самарали деҳқончилик олиб борилган. Биргина бугдой ҳосили бўйича Хоразм вилояти Голландия, Бельгия, Англия каби қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатлар даражасида бўлган. Бу пайтлари Россияда 10 ц/га атрофида

бугдой ҳосилига эришилган эди. Октябрь инқилобидан аввал воҳадан йилига юз минглаб пуд беда уруғи чет элларга чиқарилган. Унинг харидорлари асосан Германия, Италия, Америка каби давлатлар бўлишган. У жаҳон бозорида юқори сифатлилиги билан ажралиб турган. Бундай сифат Хоразмда етиштирилган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тегишли бўлган.

1935 йилгача органик азот билан минерал азот орасидаги нисбат 1:0 каби бўлган бўлса, 1990 йилда вилоят қишлоқ хўжалигида органик азот билан минерал азот орасидаги нисбат 1:4,73 каби бўлган. Ҳолбуки, бундай ўғитларнинг азотлари орасида 1:3 муносабати бўлса, юқори сифатли ҳосил олиш мумкин бўлар экан. 1990 йилда воҳа қишлоқ хўжалигида 150 минг центнерга яқин соф минерал азот ортиқча қўлланилган. Бу ерда яна бир нарсани эслатиб ўтиш ўринлидир. Вилоятда 90 та жамоа ва 2 та давлат хўжалигида пахтачилик билан шугулланилади. Уларда ҳаммаси бўлиб 70 мингтача қорамол бўлиб, далага чиқарилиши мумкин бўлган маҳаллий ўғитлар азоти тахминан 21 минг центнер атрофида бўлади. Юқорида келтирилган хўжаликларда барча минерал ўғитларнинг 90 фоизи ишлатилади ва азотлар нисбати 1:18 бўлади. Биз бунда шахсий хўжаликлардаги чорва молларини ҳисобга киритмадик. Сабаби, вилоятда тарқоқ ҳолдаги деҳқон хўжаликлари тугатилгач ва айниқса 1987 йилдан пахтачиликда оила пудратига ўтилгач, шахсий хўжаликларда ўғитлар кам тўплангани ҳолда улар жамоа ерларига тобора кам тушмоқда. Биз бунда битта хўжалик жамоасида олиб борган кузатувларимизга асосландик.

Воҳада маҳаллий ўғитлар тайёрлашнинг ўзига хос усуллари бўлган. Молхоналарда тўшама сифатида қум, лойка

га, ўрнини юқоридан берилаётган кўрсатмалар тарзидаги режа топшириқлар билан қоплашга уриниб келдик. Иккинчидан бозор эҳтиёж ва таклифни, ижтимоий зарурий меҳнат ҳамда нарх-навони белгилаб беради. Бозор ким яхши ишлаганини ва кимнинг меҳнати талабга жавоб бермаслигини ҳолис баҳолай олади.

Бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида икки ижтимоий муаммо вужудга келади.

1. Аҳолининг бой-камбағалга айланиши, яъни табақаланиши.

2. Ишсизликнинг келиб чиқиши.

Аҳолининг табақаланиши бозор учун табиийдир. Табақаланиш маълум доирада сақланади, бу ерда ижтимоий хатар бўлмайди. Ишлаб чиқариш корхоналари даромадларининг маълум бир қисмини умумий социал фондларига ўтказадилар ва ундан кам таъминланган аҳоли қатламига берилади. Шу билан бирга ҳайр-эҳсон фондлари уюштирилади, бу усул билан ҳам иқтисодий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари ишсиз қолган кишиларни ҳимоя қилиш ва нафақа тўлаш муаммолари учун давлат ва корхона томонидан маблағ тўланади. Ҳозирда корхоналарнинг даромадларининг уч фоизини ишсизликни бар-тараф этиш мақсадида, меҳнат биржаларига ўтказилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг илк босқичларига аста-секинлик билан йўл олинмоқда. Лекин биз бозор иқтисодининг ҳақиқий даврига тезроқ ўтиш учун, мавжуд билим ва имкониятларимизни жорий этишимиз зарур деб ўйлайман.

Юқоридаги фикрларга асосланиб баъзи бир муло-

ҳазаларни келтиришимиз мумкин:

Виринчидан, бозор иқтисодиётининг ўтиш даврида давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун махсус дастур ишлаб чиқиш зарур. Собиқ Иттифоқдалик вақтимизда, социал соҳага кам эътибор берилди. Уй-жой муаммоси қисман ҳал бўлишига қарамасдан, аҳоли бинокорлик материаллари билан таъминланиши, болалар боғчалари ва замонавий мактаб бинолари қуриш ва бошқа муаммоларни ўзaro боғлаб турадиган дастур ишлаб чиқиш лозим.

Иккинчидан, ижтимоий хизматнинг мақбул шакллари ва уларнинг амалда қўлланиш тартиби шаҳар, қишлоқ доирасида белгиланиши зарур. Жумҳуриятда тўпланган ижобий тажриба асосида хизмат кўрсатишни оталиққа олиш ҳўжаликлар томонидан қишлоқ меҳнат фахрийлари учун уйлар ва дам олиш масканлари қуриш; уйга бориб ёрдам кўрсатиш бўғинларини ташкил этиш сингари шакллари тавсия этиш мумкин.

Учинчидан, мулкнинг яккаҳокимлигига барҳам бериш керак. Иқтисодий инқирознинг ҳам асосий сабаби — ягона яккаҳокимлиқдadir. Бу яккаҳокимлиқ эгасизликка олиб келди. Эгасизлик халқ ҳўжалигининг деярли барча соҳаларини қамраб олганди. У эса кишиларда ишлаб чиқаришга нисбатан бегоналашувига, ўз касб-ҳунарига бўлган тўғма ихлоснинг, шахсий ташаббуснинг сўнишига олиб келди.

Тўртинчидан, аҳолининг пул даромадларини индексациялаштириш механизмини ишлаб чиқиш зарурдир. Юдди мана шу муаммони тақсимот тизими зиммасига юклатиш керак. Тирикчилик минимумини аниқлагандан кейин, ҳуқуқий нормативлар

сунинг чўкиндилари ишлатилган. Ҳар 5 та мол бошига кунига бир тоннагача тўшама солинган ва ҳосил бўлган гўн ҳафтасига икки марта йиғиштириб олинган. Экинларни алмашлаб экишнинг ҳам йиллар тажрибасида сигнал пахта — жўхори, пахта — қовун, беда — жўхори, беда — қовун, жўхори — кишки бугдой каби кўринишлари бўлган.

Вилоят қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликда ҳозирги кундаги сарф-харажатлар билан эришган ютуқларимизни олдинги кўрсаткичлар билан қиёслаб кўриб, воҳода юзага келган вазиятни баҳолаб, боши берк кўчага кириб қолганимизга гувоҳ бўламыз. Масалан: 1986—1990 йиллардаги пахта толаси ҳосили (10 центнергача) 1961—1965 йилларда олинган пахта ҳосили даражасида (10,4 центнергача) турибди. 1976 йилларга келиб тарқоқ деҳқон ҳўжаликлари тугатилиши билан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишида фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам кескин орқага кетиши рўй берди.

Вилоят қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида вужудга келган иқтисодий, экологик инқироздан чиқишнинг бирдан-бир йўли, маҳсулот етиштиришда орғано-биологик усулга ўтишдир. Бу айниқса такрорланмас табиати, қишлоқларидаги микроклими бузилган, ўрмон, кўкламзор, тоғ, дам олиш масканлари бўлмаган, ичимлик сувлари ҳам булганган, экологияси ҳалокатли ҳисобланган Оролбўйи минтақасига кирувчи Хоразм вилояти учун ҳаёт ва момот масаласидир. Фикримизнинг исботи сифатида қўйидагиларни мисол келтиришни лозим деб топдик. 1990 йилда 1000 кишига ўртача 12,8 га бог, узумзорлар, экин майдони тўғри келган (Қорақалпоғистонни ҳисобга олмаганда —

у ерда 1000 кишига атиги 4,4 га), бу жумҳурият бўйича энг паст кўрсаткичдир. Бу рақам Наманган вилоятидаги рақамдан қарийб 2 марта камдир. Энди атроф-муҳит кўрсаткичларини, қишлоқ ҳўжалик экинларини бу ерда яшаётганлар талабларига мувофиқлаштириб, азотли минерал ўғит, захарли кимёвий моддаларни жуда кам қўллаган ҳолда, баъзиларидан умуман воз кечиб, сифатли ва етарли маҳсулот етиштириш йўллари кун тартибида туриши керакдир. Экин майдонларини ерли халқ талабларига мослаштириш тўғрисида гап кетар экан, битта чекиниш қиламыз, ҳисоб-китобимизга кўра 2000 йилга бориб Хоразмдаги аҳоли сони 1430 мингга етар экан, шундан тахминан 1030 минг киши қишлоқ жойларида истиқомат қилади, қишлоқ аҳолисининг уй-жойга, асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш учун 124 минг гектар атрофида суғориладиган ер зарур.

Бундан ташқари баъзи соҳаларда кам ҳосилдорлик ҳам ютуғимиз гарови бўлишини назардан қочирмаслик муҳимдир. Масалан, кўп миқдордаги минерал азотли ўғит таъсирида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш даврида, кам ўғит ишлатилиб етиштирилган маҳсулотга қараганда 1,5 мартадан зиёд йўқотилад экан.

Вилоят пахтачилигида ўтказилган бир қанча тажрибалар натижасини математик умумлаштиришлар шунини кўрсатдики, совуқ тушгунча териб олинадиган пахта ҳосили (яъни юқори сифатли ҳосил) миқдори улуши билан, ишлатиладиган минерал азот ўғити ўртасида жуда ҳам аниқ тескари боғланиш бор экан, — ўғит миқдорининг ошиши умумий ҳосилни маълум бир даражача оширгани ҳолда сифатли ҳосил улущини узлуксиз камайтирар экан. Сифатли маҳсулот етказиш ва орғано-биологик усулда деҳ-

асосларига таяниб, аҳолига бериладиган ёрдамни қайтадан кўриб чиқиш, айрим ижтимоий-истеъмол фондларига тўловларини тартибга солиб туриш ва бу тўловларнинг энг кам миқдорини тирикчилик минимумига ҳамда иш ўлчами билан мувофиқ бўлишига эришиш зарур.

Бешинчидан, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда янги солиқ тизими яратиш зарурдир. Кўпчилик ўзбек оилаларида, ўртача 5 киши яшайди. Жон бошига ўртача даромадлар эса жуда оздир. Шунинг учун солиқларнинг барча турлари бўйича кам даромадли оилаларга энгилликлар берилиши учун давлат томонидан чора-тадбирлар кўрилиши лозим.

Олтинчидан, қишлоқ жойларда майда ҳунармандчилик ва қайта ишлайдиган саноат корхоналарини барпо этиш зарур. Фақат қишлоқ хўжалик вазирлиги тизимининг ўзида 7 мингдан кўпроқ цех ва корхоналар ишлаб турибди. Шулардан 100 дан кўпроги 1991 йилда ташкил қилинган. Шундай бўлсада қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотни сотиш учун сарсон-саргардонликда кўп вақтларини сарфлашмоқда. Айрим полиз маҳсулотларини сақлаш имкониятлари умуман етарли даражада эмас. Агар қишлоқ хўжалик кичик корхоналарини ана шу маҳсулот етиштирилган жойнинг ўзида ташкил этилса, бир қанча ишсиз одамлар иш билан таъминланади ва қолаверса ўша жойдаги аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишга имкон яратилади.

Еттинчидан, жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва чет эл инвести-

циясининг кириб келиши учун йўл очиб бериш лозим деб ўйлайман. Чет эл инвестициясини киритишдан асосий мақсад бозор ҳолатини яхшилаш, аниқроғи истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш, сўнгра жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни айта ишлаш натижасида жаҳон бозорига рақобатга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқиш амалга оширилади. Чет эл капитали қишлоқ хўжалигига киритилаётган пайтда ҳар ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишни ташкил этиш лозим.

Бошқарувнинг иқтисодий усулига ўтиш, самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, корхоналарга мустақиллик, эркинлик бериш ва хусусий бозор муносабатларига ўтиш учун дастлабки ҳаракатлар бошлаб юборилгани боис юқорида ўз таклифи ва мулоҳазаларимни баён этдим. Эндиликда биз жаҳон миқёсида иш юритишни, ишбилармонликни, ташаббускорликни, қолаверса, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган савдо-сотик, тижорат ишларини ўрналишимиз лозим. Ана шундагина, бозор иқтисодиётидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлган аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш ва ишсизлик масаласини биров бўлсада ҳал этишга имкон яратган бўламиз. Биз мустақиллик йўлига илк қутлуғ қадамларни қўйдик. Имоним комилки, бу йўлимиз раво ва манзил нурлидир.

Абдуманнон ҲАИТОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг «Меҳнат иқтисоди ва социология» кафедраси аспиранти.

қончилик қилиш мақсадлари ўзаро мос тушар экан. Тўлақонли маҳсулот етиштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида гап кетганида яна битта муҳим агротехник тадбирни таъкидлаш зарурдир — бу ҳам бўлса ўсимликларни сунвий чанглатишдир, айтайлик асаларилар ёрдамида, турли минтақаларда пахтачиликда ўтказиладиган тажрибалар шунини кўрсатадики, бундай тадбир қўлланилганда пахта ҳосили 3—5 ц/га, тола чиқиши 4—18 фоизга кўлаяди, тола узунлиги 2,3 ммгача ошади. Бир тонна пахта хом-ашёси билан тупроқдан 50 кг азот моддаси чиқиб кетишини ҳисобга олсак, бу тадбир 15—25 кг/га минерал азот ўғити исроф бўлишининг олдини олади ва шу билан биргаликда меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлашга, озиқ-овқат таъминотиغا сон ва сифат жиҳатдан таъсир қилади. Чет эл (масалан, Америка, Италия) маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалик экинларини асалари билан чанглатишдан кўриладиган фойда шу соҳанинг бевосита маҳсулотларини сотишдан келадиган фойдадан 10 мартадан зиёдрок экан.

Хоразм деҳқончилигини ривожлантириш хусусида гап кетар экан, 1983 йилдан кейин, яъни Туямуён сув омбори қурилиб битказилиб ишга тушгандан кейин воҳа ерларининг ҳосилдорлигида яна битта жиддий йўқотиш бўлганини айтиб ўтиш лозим. Бу йўқотиш далаларга тиниқ сув оқизиш натижасида бўлмоқда.

Миср халқининг фаровонлигига Нил дарёсининг лойқа суви сабаб бўлганидай, Қуйи Амударё ерларининг унумдорлиги ҳам шу удкан дарёнинг лойқа суви туфайли эди. Тажриба ва илмий кузатишлар (масалан, П. Н. Михайлов)нинг натижаларига кўра лойқа сув билан ерларнинг шўрини ювиш, экинларни сугориш вақтида йилга ҳар

гектарига ўртача 40 тонна чўкинди, шу жумладан 250 кг гумус, 1000 гк/гача калий моддаси тушган. Ариқ, каналларни тозалашда ҳосил бўлган озиқ моддаларга бой чўкинди далаларга ўғит ва чорвачиликда энг асосий дўшма сифатида қўлланилган. Бу ҳол ҳам Амударёнинг қуйи оқимида органик азот ва чорвачиликнинг аҳамияти яна ҳам ортганини кўрсатади. Шуларни ҳисобга олиб:

1) Вилоятнинг маълум бир ҳудудларида тоза, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ўрғанадиган тажриба ва ишлаб чиқариш далалари ташкил этилса.

2) Бу майдонларда ишлаб чиқариш маълум бир ҳуқуқий асосларда, маълум бир режалар асосида олиб борилиб, унинг маблағлари давлат ва шу ерда етиштирилиб сотилган маҳсулот қийматидан ташкил топса. Бу маҳсулотлар оммавий экспертиза — текширув рекламаси билан юқори нархларда сотилиши ҳамма маҳсулот етиштирувчиларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзига ўтишларини тезлаштиради.

Натижада фан билан тажриба ўртасида ҳаётний, ҳақиқий боғланиш юзага келади.

Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан қишлоқ хўжалик ўқув юртлари талабалари, мутахассислари учун назарий билимларини ўз шароитларида билимини мустақамлайдиган тажриба майдони юзага келади, фан, назария деҳқоннинг ҳозирги ўринли танбеҳидан қўтилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда янги усулга ўтиш Амударёнинг қуйи оқими, хусусан Хоразм аҳолисининг яшаш ҳақ-ҳуқуқини ва авлодлар келажагини таъминлашда қўйилган энг асосий қадам бўлади.

Баҳоидир РЎЗМАТОВ,
иқтисод фанлари номзоди.



ЭНЕРГЕТИКА МУАММОСИ ВА АТРОФ-МУҲИТ

Ҳозирги замон кишисининг ҳаёти ва фаолиятида, фан ҳамда техника ривожланишида энергетиканинг аҳамияти гоят каттадир. Саноат, қишлоқ хўжалиги, шунингдек фан ва маданиятнинг бундан кейинги равнақи ҳам энергетиканинг қай даражадаги тараққиётига боғлиқ. Бугунги кунда мамлакат саноати, транспорти, қишлоқ хўжалигининг энергия билан қанчалик таъмин этилганлиги шу мамлакатнинг иқтисодий ва маънавий тараққиёт даражасини яққол акс эттирувчи кўрсаткичдир.

Энергетиканинг қаттиқ (кўмир), суюқ (нефть), газ-симон (газ) табиий манбаалари келгуси асрда тугайдиган кўринади. Энергия танглиги хавфи ёқилғи ва энергиянинг табиий ўрнини самарали боса оладиган ҳамда атроф-муҳитни мумкин қадар камроқ ифлослантирувчи янги-янги турларини излашга ундамоқда. Шуни назарда тутиш керакки, бутун дунёда сарф этиладиган энергиянинг 5/4 қисми ёқилғининг запаслари янгидан ҳосил қилинмасдан сарфланади. Аҳолининг сони ортиб бориш билан унинг энергияга бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради. Бу қадар энергия ҳосил қилиш учун эса жуда катта миқдорда хом ашё керак. Лекин, уларнинг запаслари чекланган ва энергетик ресурслар ҳар бир мамлакат территориясида турлича тақсимланган. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда қарасак, Ўзбекистон ҳам ўзини энергетик ресурслар билан тўлиқ таъминлай олмайди, жумладан: газ билан тўлиқ, кўмир

билан 50 фоиз, нефть билан эса 20-25 фоизгина ўз-ўзини таъминлай олади, энергетик ресурсларнинг қолган қисми бошқа республикалардан олинар эди. Бугунги мустақиллик шароитида эса, нефть ва кўмирни бошқа республикалардан жаҳон бозори нарҳида сотиб олишга тўғри келади.

Ҳозирги кунда бутун жаҳонда ўртача энергия ресурсларидан фойдаланиш йилига ҳар бир киши бошига 1,8 (шартли ёқилғи миқдори)га тўғри келади. Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида ўртача 2 ш.ё.м., Ўзбекистонда эса 1 ш.ё.м.га тўғри келади. Кўриниб турибдики, кўрсаткичлар унчалик кўнгилдагидек эмас.

Хўш, республикамиз бугунги қандай энергетик кўрсаткичларга эга. Аҳолининг сони 22 млидан ошиб кетди. Электростанциялар қуввати 11 млн.квт бўлиб, умумий электроэнергия ишлаб чиқариш 50 млрд. квт/соатдан ортиқроқ. Ўзбекистонда 1991 йилга келиб электростанциялар қувватини 14 млн кВтга, умумий электроэнергия ишлаб чиқаришни эса 60,6 млрд. квт/соатга етказиш кўзда тутилган эди. Аммо энергоблокларнинг кўпгина қисмлари фалокатлар натижасида ишдан чиққанлиги ва эскирганлиги туфайли улар аллақачон алмаштиришга муҳтож эканлигини назарда тутсак, бундай кўрсаткичларга эришиш ҳозирги иқтисодий танглик шароитида анча оғир иш эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистонда электр энергияси гидро-станциялар (ГЭС) ва иссиқлик электростанциялари (ТЭС) томонидан ишлаб чиқилади. Қазиб чиқариладиган ёқилғининг тахминан 3/1 қисми сарф бўлади ва мазкур районидаги атроф-муҳитга ҳам, биосферанинг умумий ҳолатига ҳам катта зарар етказилади.

Иссиқлик станцияларида ёқилғининг ёниши жараёнида катта миқдорда карбонад ангидрид (СО) гази, сув буглари, азот, олтингугурт оксидлари, кул чиқиндилари ҳосил бўладики, бу ажралиб чиққан

Мавлуда Бўриева Бухорода туғилган. Бухоро давлат педагогика институтининг физика-техника факультетини тамомлаган.

Ҳозирги кунда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспиранти. Энергетика ва экология масалалари устида амалий изланишлар олиб бормоқда.

моддалар тирик табиатнинг бутун жабҳасига ёмон таъсир ўтказиши.

Айниқса, борлиқнинг СО гази билан ортиқча ифлосланиши қуёшдан келаётган инфрақизил нурларни ўзига сингдириб олади, бундай ҳодиса фанда «парник эффекти» деб ном олган бўлиб, иқлимни қўшимча равишда иситишига олиб келадики, бунинг натижасида табиатдаги мувозанат бузилиши мумкин. Бундан ташқари ёмғир томчиларида азот ва олтингургурт оксидларининг эриши туфайли кислотали ёмғирлар ҳосил бўлади-ки, бу ҳодиса энг муҳим экологик хавф ҳисобланади. Агар 2000-йилгача инсониятни электр энергияси билан таъминлаш учун кўмир, мазут, газда ишлайдиган иссиқлик электростанциялари қурилаверса, борлиққа ҳар йили 600 млн. тонна олтингургурт гази, 250 млн. тонна кул чиқариб ташланади-ки, бу биосфера учун катта кулфатдир. Яна шуни таъкидлаш кераки, замонавий ўртача қувватга эга бўлган иссиқлик электростанцияси жуда катта миқдорда, яъни суткасига 50 минг тоннагача ёқилғи, 120 м³ сув талаб қилади. Шу билан бирга жуда катта миқдорда майдон ҳам керак бўладики, бу майдоннинг аксарият қисми ёқилғи ва чиқиндиларни сақлаш учун ишлатилади.

Энергиянинг қолган қисми гидроэлектрстанциялар (ГЭС) томонидан ишлаб чиқарилади. Яна бир мулоҳаза. Республикамизда ГЭСлар энергетик график бўйича эмас, вегетацион даврларда сув ҳўжалиги вазирлигининг графиги бўйича ишлайди. 3-4 ой давомида пахтани суғориш учун сарфланади, бу даврда ГЭСлар деярли ишламайди. Уларнинг вазифаси иссиқлик электрстанциялари зиммасига тушади. Бу эса, яна ёқилғи муаммосига келиб тақалади. Яна шуни таъкидлаш кераки, кейинги йилларда Орол денгизининг кундан-кунга қуриб бориши, дарёларда сув оқимининг пасайиши ҳам гидроэлектрстанцияларнинг иш тартибига таъсир кўрсатади. Масалан, республикамиздаги энг катта гидроэлектрстанциялардан ҳисобланган Чорвоқ ГЭСи 40 фоиз вақтда тўлиқ қувват билан ишлайди, холос.

Кўриниб туридики, республикамиз энергетикасининг аҳволи унчалик яхши эмас. Аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги, табиийки энергияга бўлган эҳтиёжни ошираверади.

Вужудга келган вазият иқтисодий арзон ва экологик жиҳатдан тоза бўлган энергия манбаларини излаб топиш муаммосини ўртага ташламоқда.

Хўш, бундай ҳолатдан чиқиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Янги электрстанциялар қуриш керакми? Иссиқлик ёки атом электрстанцияси?

Ўрта Осиё, жумладан республикамиз сейсмик жиҳатдан актив зонада жойдалиги, олимлар ҳозирги кунда ер қимирлаши ва унинг кучини олдиндан айта олмасликларини ҳисобга олсак, республикамизда атом электрстанцияларининг қувватига умид боғлаш мумкин эмас.

Унда республиканинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қандай қондирса бўлади? Бизнинг фикримизча, эътиборни энергиянинг ноанъанавий манбаига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Шамол ва қуёш энергиялари ана шундай арзон ва экологик жиҳатдан тоза электр манбаи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда энергиянинг бу турларидан кенг фойдаланилмоқда. Қуввати 100 кВт бўлган биринчи шамол электрстанцияси 1931 йил Қримда қурилган эди. Албатта, шамолнинг тўла қувватидан фойдаланиш мумкин бўлмаса-да, унинг юздан бир

қисмидан фойдаланишнинг ўзигина 10 та катта сув электрстанциясининг қувватига тенг бўлган қувватни беради. Шамол қуввати деярли ҳамма жойда мавжуд. Уни ишлаб чиқариш ва ташиш шарт эмас. Доимий кучли шамол эсадиган жойларда шамолдвигетелини ўрнатишнинг ўзи кифоядир. Ўзбекистонда шундай жойлар борки, масалан, Бекобод минтақаси, Фарғона вилоятининг Хўжакент қўлларига доимий шамоллар бўлиб туради. Шамолнинг тезлиги баъзида 40 м/сек.га етади. Бу эса бу ерларда катта қувватли шамол станциялари қуриш имконияти борлигини кўрсатадику Республикамизда қуввати 7,5 минг кВт бўлган шамол энергетик қурилмаларини қуриш кўзда тутилган. Бу ишни амалга оширишда республикамизда мавжуд Тошкент тайёрасозлик заводи, кабель, авиаремонт, электродвигател, электротехника заводи ва ишлаб чиқариш бирлашмалари ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон илмий жиҳатдан қулай тасарруфда жойлашганлиги учун бу ерда қуёш радиациясидан кенг фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда Фарангистон, Олмония, Япония, Италия, Испанияда қуёш электрстанциялари (СЭС) муваффақиятли ишлаб турибди. Қримда эса қуввати 5000 кВт бўлган қуёш станцияси ишламоқда. Қуввати 10000 кВт бўлган қуёш станциясини қуришни яқин кунларда бошлаш кўзда тутилган. Қуёш станцияларида фотоэлементлар ёрдамида қуёш энергияси тўппадан-тўғри электр энергиясига айлантирилади. Бундай станцияларни қуриш иқтисодий жиҳатдан қимматроқ бўлсада, атроф-муҳит учун зарарсиздир. Республикамизда Амударё бўйида қувватли қуёш станциясини қуриш кўзда тутилмоқда.

Қуёш энергиясидан кенг миқёсда фойдаланиш шунчаки хаёл эмас. Ҳозирги кунда қуёш энергиясидан уйлари иситишда, қудуқлардан сув тортиб чиқаришда, меваларни қуриштишда, гелиотеплицаларда ўсимликларни ўстиришда, хлорелла ўстиришда ва ҳатто одамларни даволашда фойдаланилмоқда. 2 йил олдин Паркентда «Қуёш» илмий металлургия комплекси ишга туширилган эди. Бу ерда 3500°C гача температура ҳосил қилиш мумкин. Худди мана шу ерда энг қийин эрийдиган металллар эритилади ва тоза, қимматбаҳо металллар олинади. Бу ишларнинг ҳаммаси ҳеч қандай экологик йўқотишсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон шароитида қурама (гибрид) станцияларини қуриш имконияти бор, яъни, бунда қуёш қурилмаси иссиқлик станцияси билан биргаликда ишлайди. Шуни таъкидлаш кераки, бу қурама станция иккита станциянинг механик бирлашмаси бўлмай, балки бунда қуёш парогенераторида алоҳида ва иссиқлик қозонида алоҳида ишлаб чиқарилади. Қурилманинг қолган қисмлари эса алоҳида бўлинади. Шунинг учун ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш арзонроқ бўлади. Қурама станциясида қуёшли кунларда иссиқлик станцияси камроқ қувват билан ишлайди, булутли кунларда эса қувватини оширади. Бу эса умумий иш соатини 2000-3000 ўрнига 6000-7000 соатга етказиш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, табиат бизга инъом этган қувват манбааларидан самарали фойдалансак нафақат бугуннинг, балки эртанинг ҳам энергетик эҳтиёжларини қондирган бўлаемиз.

Мавлуда БҮРИЕВА,
Низомий номли Тошкент давлат
педагогика институти аспиранти.

ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ— ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Турли миллат ва элатларнинг азалий маскани бўлиб келган мустақил жумҳуриятимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётини жаҳоннинг илғор мамлакатлари даражасига кўтаришнинг энг муҳим шarti — миллатлараро муносабатлар маданиятида туб бурилиш ясашидир. Ўз навбатида миллатлараро муносабатлар маданиятини эса ўтмишдан, Совет империясидан мерос бўлиб қолган турли муаммоларни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ.

Миллатлараро муносабатлар маданиятини ҳозирги

ҳолатига тўғри баҳо бермоқ учун Совет ҳокимияти йилларида бу борада йўл қўйилган ҳаётлар, бузилишлар, муаммолар мажмуасини тўла тасаввур этиш лозим. Неча ўн йилликлар давомида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, давлатга оид ҳуқуқий, экологик ва демографик, дин, тарих, тилни ривожлантириш, миллий кадриятларни асраб қолиш каби муаммолар бири иккинчиси билан чирмашиб, чигал тугун ҳосил қилди. Қўп йиллар давомида бу тугун катталашиб, газак олиб кетди. Айниқса, миллатларнинг миллий эҳтиёжларига, хусусият-

ИҚТИСОД ВА ТЕХНОЛОГИЯ

ИЛМИЙ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

(ЕКИ УНИНГ ЯНГИ ШАРОИТДАГИ РОЛИ ХУСУСИДА)

Туб сиёсий-иқтисодий ўзгаришлар бораётган ҳозирги пайтда, илмий-техника тараққиёти (ИТТ), унинг ютуқларидан фойдаланиш, ривожлантириш масалалари кам тилга олинадиган бўлиб қолди.

Бу ҳол хўжалик ислоҳоти катта қийинчиликлар билан бораётган ва ҳатто ИТТ ни жадаллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ҳам бу муаммоларни ҳал эта олмаётгани билан изоҳланади. Ҳолбуки, мазкур муаммо теран иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш асосидагина ўз ечимини топиши мумкин. Иқтисодиётнинг давлатлашувдан холи қилиниши, мулк ва хўжалик юритиш шакллари хилма-хиллиги, энг муҳими бозор муносабатларига ўтиш шундай ўзгаришлар жумласидандир.

Фақат бозор иқтисодиёти шароитидагина ИТТ нинг жадаллашувини таъминлаш мумкинлигига жаҳон амалиёти ишончли далолат беради. Фан ва техника ютуқларини амалда қўллаш вазифаси улардан ишлаб чиқаришда фойдаланишнинг янада мукамал шакллари эгаллишини талаб қилади. Булар қаторида техника тараққиётининг муҳим йўналишлари бўйича мақсадли комплекс илмий-техник дас-

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ 1963 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида тугилган. 1988 йили Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар Академияси иқтисод институтининг аспирантурасида таҳсил кўраётди.



ларига лоқайдлик билан қараш, миллий манфаатнинг ижтимоий муаммоларининг ҳал этилмаслиги одамлар қалбида оғир асорат қолдириб, ранж-алам туйғуларини вужудга келтирди, ҳатто миллатлараро қуроли тўқнашувларга олиб келди. Иқтисодиётнинг ўта марказлаштирилиши оқибатида ишчи ва деҳқон яратган асосий фойда давлат ҳаётида тўплана борди. Шубҳасиз, бундай ҳол унитар давлатнинг иқтисодий қудратини оширди. Айниқса ҳарбий потенциалларимиз йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди. Марказлаштирилган иқтисод Улуғ Ватан урушидан кейинги беш йилликларда харобага айланган мамлакатни тиклашда катта роль ўйнади. Бироқ иқтисоднинг марказлаштирилишининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши ижтимоий адолат принципларининг бузилишига сабаб бўлди. Табиийки, бундай ҳолатнинг йилдан-йилга чуқур илдиз ота бориши кўп миллатли собиқ СССРнинг турли регионлари, республикалардаги аҳолининг ижтимоий фаоллигига салбий таъсир эта бошлади. Чунки, собиқ СССР ҳудудида фаолият кўрсатган турли миллат ва элатга мансуб ишчи ва деҳқон пешона тери билан яратган ижтимоий фойданинг 91,5 фоизи давлат хазинасига тушиб, унинг ўзига 8,5 фоизгина қолди, холос. Унитар давлат саксонинчи йилларнинг охирида бир килограмм пахта учун пахта етиштирувчи республикалардаги деҳқонларга ўртача 50 тийин тўлаб, ўзи 60 сўм фойда ола бошлади. Пахтакор эса терган бир килограмм пахтаси учун давлат ёки жамоа хўжалигидан кўпи билан 15—20 тийин ҳақ олаверди. Бу эса шўрлик деҳқон яратган ижтимоий фойданинг 0,5 фоизидан ҳам кам эди.

Уша йилларда давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини деҳқонлардан турли регионлардан турлича нархларда сотиб оларди. Масалан, 1986 йилда ук-

раиналик ва белоруссиялик боғбонлар етиштирган олмаларнинг ҳар тоннасини давлатга 530—610 сўмдан, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон боғбонлари ва кавказликлар 370—550 сўмдан сотган бўлсалар, ўзбекистонлик деҳқонлар 350 сўмдан сотардилар. Ўзбекистон пиллакорларига бир килограмм пилла етиштиришга учун давлат олти сўм тўлади, РСФСР, Молдавия, Украина ва Қозоғистон пиллакорлари эса 24,7 сўмдан олдилар. Турган гапки, бунақа адолатсизликлар турли миллат ва элатга мансуб собиқ СССР деҳқонларининг иззат-нафсига теғди.

Ўзбек пахтакорининг меҳнати энг оғир меҳнат турларидан биридир. Аммо бу меҳнат учун давлат арзимас ҳақ тўларди. Олимларнинг гувоҳлик қилишича, бир центнер ғалда етиштириш учун 1,6 соат иш вақти талаб этилади. Бир центнер пахта учун эса 37 соат меҳнат қилиш керак. Бошқача айтганимизда, пахта харид нархларининг ўсиш суръатлари бошқа турдаги маҳсулотларга белгиланган нархлардан орқада қолди. Чунончи, 1967—1986 йилларда мамлакатда доннинг таннархи 1,92 марта, харид нархи — 2,97 марта, қорамол гўштининг таннархи 2,3 марта, харид нархи — 3,17 марта оширилган. Айни вақтда пахтанинг таннархи 1,81 марта ўсгани ҳолда унинг баҳоси бор-йўғи 2,26 марта оширилган. Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, иқтисодиётнинг марказлаштирилиши ижтимоий адолат принципларининг бузилишига олиб келди. Бундай адолатсизлик, албатта, турли республикаларда яшовчи миллат ва элатларнинг миллий манфаатларининг камситилишига сабаб бўлди.

Иқтисодиётнинг марказлаштирилиши Урта Осиё, хусусан Ўзбекистон халқ хўжалигининг бир томонлама ривожланишига, айниқса пахтачиликка бўлган эътиборни ҳаддан ортиқ кучайишига сабаб бўлди.

турлар ишлаб чиқилишини, давлат топшириқлари сирасига янги техника ва технологиянинг ўзлаштириш масалалари киритилишини, тармоқлардаги, жумладан фанга кўп муҳтож ишлаб чиқаришдаги илмий-техник потенциал бошқаруви ва ривож тасомиллашувини санаб ўтиш мумкин. Бироқ, булар фан ва техникага доир харажатлар мувофиқ равишда оширилишини талаб қилади.

Масалан, бошқа ривожланган мамлакатларда, жумладан 1971-89 йилларда Швецияда илмий тадқиқот, тажриба ва конструкторлик ишлари учун харажатлар ялпи ижтимоий маҳсулотда 1,5 фоиздан 3 фоизгача ёки 135 млрд. кронга қадар ўсди. 1987 йилда саноат ИТТларига 20,4 млрд. крон ёки Швециядаги бутун йиллик илмий-тадқиқот харажатларининг 65 фоизи сарфланди. Японияда эса илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларига мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш учун ҳар бир корхона сотган маҳсулот ҳажмидан 6 фоизгача маблағ ажратилади. Уларда ИТТКИ давлат томонидан (айниқса, асосий фанлар) ва хусусий компаниялар, фирмалар ва бошқалар томонидан маблағ билан таъминланади. Ўзбекистонда 1989 йили фанга 72,9 млн. сўм ёки яратилган миллий даромаднинг 0,3 фоизи сарфланган. Бошқа мамлакатларга қиёсан бу миқдор жуда кам. Бироқ бизда ри-

вожланган мамлакатларникига ўхшаш иқтисодиётни яратиш лозим. Амалда мавжуд иқтисодиётда эса бозор иқтисодиёти қонунларидан умуман фарқли йўсинда ривожланаётган маҳкамавийлик устунликка эга.

Бозор шароитида вазирликнинг роли ўзгариши зарур. Уларнинг бирлашма ва корхоналар ҳаётига аралашуви тўхтатилиши ҳамда илмий-техник тараққиёт штаблари ролининг бажарувчиларига айлантирилиши лозим. Бироқ, бизнингча, бу ниятни амалга оширишнинг ютуқ учун катта имкониятлари йўқ. Тармоқ — ишлаб чиқариш вазирликлари табиатан консервативдир, шу боисдан улар умуман тугатилиши шарт. Зеро, бу илмий-техник ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги тўсиқлардан бирига кескин равишда барҳам берган бўларди.

Ер ҳақидаги, ер ижараси ва муносабатлари, яғни солиқ тизими ҳақидаги қонун ҳужжатлари мулк муносабатларининг қайта тузилиши билан узвий боғлиқдир. Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг туб стратегик вазифаларини ақс эттирувчи ушбу ҳужжатларнинг барчаси тадбиқ қилинса, ИТТ ни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсификациялаш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорликни юксалтириш мақсадларида ИТТ ютуқларидан фойдаланиш учун мислсиз имкониятлар

Бошқачароқ қилиб айтганимизда, пахта монокульту-раси вужудга келди.

Пахта монокультурасининг вужудга келиши узоқ тарихга эга бўлиб, у ўтган асрнинг иккинчи ярмида чор Россиясининг амалдорлари томонидан асос соли-ниб, бизнинг замонамизда эса унитар давлат амал-дорлари томонидан муваффақият билан давом этти-рилди. Маълумки, 1860 йилнинг бошларида Амери-кадаги фуқаролар уруши туфайли Россия пахта тап-қислигига дуч келди. Уша йиллари пахтанинг асосий қисми Россияга Америкадан келтириларди. Ана шундай таққисликдан қутулмоқ учун Россия ўзи босиб олган Туркистон ерларида етиштирилган пах-тани ташиб кетишни йилдан-йилга кучайтираверди. Чунончи, 1840 йилдаги ҳисоб-китобларга қараганда, Туркистонда етиштирилган пахтанинг 30,6 фоизи ташиб кетилган бўлса, 1862 йилда 80 фоизи, 1863 йилда эса 83,3 фоизи ташиб кетилди. Асримизнинг бошида Туркистон ерларида пахта майдонларини кенгайтириш ҳам узлуксиз давом этди. 1900 йилга келиб Туркистонда пахта етиштириладиган май-донлар 234,3 танобдан 533,7 танобга етди. Россияга пахта ташиб кетиш 5 миллион пуддан 18,5 миллион пудга кўпайди. Агар 1900 йилда Россия пахтага бўл-ган эҳтиёжининг 32,6 фоизини Туркистонда етишти-рилган ҳосил эвазига қоплаган бўлса, 1913 йилда бу кўрсаткич 54,9 фоизни ташкил этди. 1936 йилга ке-либ республика давлатга бир миллион тонна пахта етказиб берди. Пахтага сажда қилиш ҳам ўша ўтти-зинчи йиллардан қолган меросдир. Худди ўша 1930 йилда биринчи марта ўзбек зиёлилари пахта йиғим теримига сафарбар қилиндилар.⁷ Ана ўша кезлардан бери республикада туғилган бола пахта деб кўзини очди. Бутун авлод пахтага сизиниц, пахтани урул-лаш руҳида тарбияланди. Хуллас, унитар давлат

амалга оширган «пахта мустақиллиги» концепция-си ўзбек халқининг қўл оёғини пахтага боғлаб қўй-ди. Охир-оқибатда «оқ олтин» ижодкорлари маъна-вий қашшоқлик ижодкорларига, экологик таназзул, демографик фожиа яратувчиларига айланиб қолди-лар.

Саксонинчи йилнинг охирига келиб республика-мизда 2 миллион гектарга яқин майдонга чигит экил-ди. Баъзи районларда ғўза учун ажратилган майдон-лар деҳқончилик қилинадиган ҳудуднинг 70—75 фоизини ташкил этди.

Қишлоқда сугориладиган ерларнинг асосий қисми пахтазорларга айлантирилиши натижасида ўзбек деҳқонлари ўз томорқаларидан ҳам ажралиб қолди-лар. Қишлоқларда томорқа учун ажратилган ерлар 6—7 сотихга тушиб қолди.

Қишлоқда ҳамманинг диққат эътибори пахтага қа-ратилгани учун чорва яйловлари ҳам узлуксиз ка-майиб борди. Мол боқадиган яйловлар йўқлиги учун қишлоқ хонадонларидаги молларнинг сони кескин камайиб кетди. 1989 йилда қишлоқ хонадонларининг 40 фоизда қорамол, 65 фоизда қўй-қўзи боқилмас-ди, 20 фоиз аҳоли эса умуман чорва молига эга эмас эди.⁸ Кейинги йигирма йил ичида Ўзбекистонда 1 млн. 600 минг гектар сугориладиган ер очилган бўлса, янги ўзлаштирилган Қарши, Сурхондарё, Шеробод, Жиззах каби массивларда элнинг подаси боқиладиган жой кескин камайиб кетди.

Бу ҳам ўша иқтисодийнинг марказлаштирилиши сиёсатининг оқибатларидан бири эди.

Шунга қарамай республикада саксонинчи йил-ларнинг охирида ялпи озиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 40 фоизи, жумладан картошканинг 31, по-лизининг 46, сабазавотнинг 44 фоизи шахсий томор-қаларда етиштирилди. Ғўштнинг 49, сутнинг 64

юзага чиқиши мумкин.

Тадқиқотлар ва ишлаймалар цикли қанчалик қис-қа бўлса, ИТТнинг ишлаб чиқаришга таъсири ҳам шунчалик аҳамиятли бўлади; фан-техника ютуқла-рининг ҳаётга жорий қилиниши янада тезлашади, ушлаб чиқариш воситаларининг техник-иқтисодий даражаси юксалади, ватанимизнинг энг яхши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган техника салмоғи янада ортади.

ИТТ ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг янги йўналишларини юзага келтиради. Замонавий автоматлаштириш воситаларининг, дастурий бошқарувли дастгоҳларнинг, автопат линия-лар, саноат роботлари ва бошқаларнинг қўлланиши иқтисодий интенсификациясига ёрдам беради. Зеро, бунда моддийлашган ва жонли меҳнат тежалиб, бир қисм ходимлар ишдан озод бўлиб қолади. Хусусан, 1990 йили Самарқанд музлатгичлар заводида янги техника жорий этилиши бўйича 19 та тадбир тадбиқ этилиб, 588 минг сўмлик иқтисодий самара олинган. Лифтсозлик заводида эса янги техника жорий бўли-ши ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириши бў-йича 36 та тадбир тадбиқ этилган, ҳамда 500 минг сўмлик иқтисодий самара олишга эришилган.

1990 йили республика бўйича 34 та янги намуна-даги машина, ускуна, аппарат ва қурилмалар, ав-

томатлашув воситалари ўзлаштирилган.

Ишлаб чиқаришнинг автоматлашувида фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши ёрқин намоён бўлади. Илмий тафаккур машиналарнинг автоматик тизимида мужассамлашар экан, шу тафак-кур ижодкоридан — инсондан ажралади ва муста-қил ишлаб чиқарувчи куч сифатида фаолият кўр-сатади.

Бирок, ишлаб чиқаришни автоматлаштиришга бўлган мавжуд ёндашув бу борадаги ишлар янада яхшиланиши зарурлигини кўрсатади. Хусусан, авто-матлашган тизимларнинг жорийланишига бўлган турлича ёндошув кўпинча шумга олиб келадики, автоматлашган ишлаб чиқаришнинг, уни бошқариш-нинг технологик тайёргарлиги тизими яратилгани ҳолда автоматлашган лойиҳа тизими барпо этилмай-ди. Еки аксинча, ишлаб чиқаришга технологик тай-ёргарлиги билан автоматлашган лойиҳалаш тазими ишлаб чиқилган, лекин автоматик ишлаб чиқаришни бошқарув тизими мавжуд эмас. Бундай тизимлардан ҳар бирининг дастурий ва ахборот таъминотида муво-фиқлаштирилмаган номуносиб электрон-ҳисоблаш ускуналарида амал қилиш ҳоллари ҳам кам эмас.

Юқорида айтилган четга чиқишлар бартагаф этил-гандагина, ИТТ иқтисодий интенсификациясига йўл очади.

фоизи ҳам шахсий хўжаликлар ҳиссасига тўғри келди. Улар жамоат секторига қараганда икки ҳисса кўп, ҳар юз бош сигирдан 115 та бузоқ, шунча совлиқдан 115 тадан кўзи олишди. Жамоат секторидан эса ҳар гектар ердан ўртача 2067 сўмлик маҳсулот олинди. Асосан қўл меҳнатига таянган томорқа хўжаликларидан бу кўрсаткич 12 минг сўмдан ортди. Жамоа ва давлат хўжаликларининг баъзи раҳбарлари дўппи тор келиб қолганида худди ана шундай шахсий хўжаликлар ва томорқалардан келиб чиқадиган маҳсулотларга кўз олайтира бошладилар. Деҳқоннинг ичиб турган сутини, еб турган гўштини, тухумини, дастурхонидаги мева-сабзавотини ҳам давлатга топширишга даъват этишди. «Ўз ихтиёри билан» маҳсулот топширмаганларга турли йўллар билан тазйиқ ўтказилди.

Амалга оширилган нотўғри иқтисодий сиёсат, яъни иқтисодиётнинг зўр бериб маркашлаштирилиши окиматида меҳнатқашларнинг даромади йилдан-йилга камайиб борди. Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи саксонинчи йилларнинг охирига келиб Иттифоқ кўрсаткичларидан 20, Эстониядан 35, РСФСРдан 27, Латвиядан 23, Литвадан 20 фоизга, деҳқонларимизнинг ойлик меҳнатига тўланган иш ҳақи ўрта ҳисобда Иттифоқ кўрсаткичидан 29, Эстониядан 22, Латвиядан 75, Литвадан 57, РСФСРдан 53, Қозоғистондан 42 фоиз кам эди. Республикамиз аҳолисининг деярли ярми кам ойлик оладиган кишилар сафида эди.

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 1 сентябрь.

² «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил, 18 август.

Ҳозирги босқичда ИТТ ютуқларидан иқтисодиёт интенсификацияси мақсадларида самарали фойдаланиш ҳаётий заруриятга айланди, зеро экстенсив амал ҳисобидан ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари чиқаришни кенгайтириш имкониятлари тугалланиб қолди.

Фан вазифаларига янги, вақт талаблари асосида ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ишлаб чиқаришнинг фан томон кескин бурилиши талаблари орқали қараш зарур. Шу мавқелардан турган ҳолда фан-техника ва ишлаб чиқаришни бириктирувчи барча бўғинлар таҳлил этилиши, мустақамланиши шарт. Бу босқичдан давлат илмий-техник сиёсатини ўтказиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда республикадаги илмий потенциалдан самарали фойдаланиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқаси механизмини шакллантириш, патент-лицензия ва илмий ахборот фаолиятини такомиллаштириш, халқаро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти 1992 йил 18 февралда «Фан ва техника бўйича Ўзбекистон давлат комитетини (Ўзбекистон республикаси ФТДКни) тузиш тўғрисида» фармон чиқарди. Фармоннинг ўз вақтида чиқарилганлиги аён. Хусусан, 1981—1985 йилларда республикамизда 46 та янги намунадаги машина, ускуна, аппаратлар ва автомат-

Ўрта Осиё Республикаларида, айниқса Ўзбекистонда иқтисодий инқироз йилдан-йилга кескинлашиб, одамларнинг тирикчиликлари кундан-кунга оғирлашиб бораётган, бозордаги нархлар узлуксиз кўтарилаётган бир пайтда баъзи бировлар мамлакатнинг турли регионларида «иқтисодий тенглашув» содир бўлди, одамлар тўқ-фаровон ҳаёт кечирмоқдалар, ҳамма ёқда мўл-кўлчилик деб лоф ура бошладилар. Ана шундай хомхаёллар асосида яратилган назарий мушоҳадалар амалиётда чалқаликларга олиб келди. Иқтисодиётимизнинг реал ҳолати илмий-публицистик адабиётда ўз аксини топмади. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини, одамларнинг қувонч ва ташвишларидан узоқ бўлган бундай назарий башоратлар иқтисодий тараққиётимизга ҳам халақит берди. Мамлакатнинг турли регионларида иқтисодиётнинг ўсиш даражаси нотўғрилигича қолаверди.

Хуллас, кўп миллатли ҳар қандай мустақил давлат шароитида миллатлараро муносабатлар маданиятида туб бурилиш ясамоқ, уни сифатий янги босқичга кўтармоқ учун, энг аввало оёқ-ости қилинган ижтимоий адолат принциплари ва нормаларини зудлик билан тикламоқ даркор. Ҳар бир миллат ва элнинг ўзига хос миллий эҳтиёжларини қондириш, қайси миллатга ёки элатга мансублигидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама мустақамлаш учун барча имкониятларни яратиш бериш даркор. Бошқача айтганимизда, ҳар бир миллат ёки элат ўз тақдирини ўзи белгилаши зарур.

Санжар ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академиясининг И. Мўминов номи
фалсафа ва ҳуқуқ институти
тадқиқотчиси.

лашув воситалари яратилган бўлса, 1986—1990 йилларда мазкур кўрсаткич 40 тани ташкил этди, бу эса 20 фоизга камдир.

Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларидан фойдаланишнинг иқтисодий самараси 1989 йили 1985 йилдагига нисбатан 32 фоизга қисқарди ва 213,4 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, ҳар бир ихтиро ўртача олганда бир-иккита корхонада қўлланилади. Ихтиролардан фойдаланишнинг иқтисодий самараси айтарли катта эмас, ишлаб чиқаришга жорийланган юқори самарали ихтиролар салмоғи кам.

Муҳим иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга муваффақиятли эришиш учун зарур шароитларни яратиш йўлида ИТТ ни кескин жадаллаштириш, ИТТнинг юқори самарадорлигини таъминлаш республикамизда чет эл тажрибаси ўрганилиши ва ёйилиши талаб қилмоқда.

Чет элдаги ижобий тажрибани ўрганиш ва миллий фан тараққиётини кўтариш республика иқтисодиётининг ривожланиши учун моддий замин ярата олиши мумкин.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси
иқтисод институти аспиранти.

МАҲСУЛДОР ЗАМИН

(ёки бозор иқтисодиётида экин
майдонларидан фойдаланиш)



Жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришиши меҳнаткаш халқимизга чексиз имкониятлар яратиб, жаҳонда ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши учун кенг йўл очиб беради. Лекин ана шу мустақилликни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш, мустақамлаш бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ бўлиб, бу — иқтисодиётнинг программасини, «моделни» ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда, бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг «моделни» белгилаб олиш ёки қабул қилиш, ишлаб чиқиш учун барча иқтисодчи олимларнинг ишларини, фикрларини умумлаштирмоқ лозимдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш халқ хўжалигини бошқариш механизмининг, бозор иқтисодиётининг механизмининг яратиш ҳамда шу механизмнинг ишлаши учун шарт-шароитлар туғдиришни тақозо этади.

Маълумки, республикамизда миллий бойлик ҳам, миллий даромаднинг ишлаб чиқарилиши, яратилиши ҳам асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси ер ҳисобланди. Шу сабабли биз қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларига эътиборни қаратмоғимиз лозим. «Ери тўқнинг эли тўқ» деган халқ мақолини эслатиб ўтган ҳолда, жумҳуриятимиздаги қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва назорат қилиш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири деб ҳисоблаймиз. Ана шу тадбирларни ҳал қилиш учун Президент кенгаши қошида махсус комитет ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Бу комитетга ерлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий ишлар олиб бораётган иқтисодчи олимларни бирлаштириш лозим.

Она еримиз бебаҳо бойлик, ундан халқимизнинг манфаатини кўзлаб фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада шунини таъкидлаш керакки, қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланишда экин майдонларининг структураси — тизмасини қайта кўриб чиқиш лозим, чунки республикамиз мустақилликни қўлга киритганга қадар тузилган ва Иттифоқ манфаатини амалга ошириш учун ерлардан хўжасизларча фойдаланилган. Оқибат-натигада, ерларнинг унумдорлиги пасайиб, заҳарланиб, қишлоқ хўжалигига яроқсиз ҳолатга келтирилди. Пахта якка-ҳоқимлигининг натижасида жумҳуриятимизнинг бебаҳо сув ресурслари ҳам интенсифик эксплуатация қилинган. Бунинг натижасида табиатнинг заҳарланиши, Оролнинг қуриши, ерости сув ресурсларидан

нонўғри фойдаланиш каби табиатга ва жамиятга зид бўлган тадбирлар қўлланилиб келинган. Ана шуларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий муҳитини инқирозга олиб келди.

Олимларнинг келтирган маълумотларига қараганда, ривожланган мамлакатларда фан-техника ютуқларини қишлоқ хўжалигида қўллаш натижасида ҳар бир гектар ердан бизга нисбатан 35—37 мартаба кўп даромад олинаётган экан. Бундай кўрсаткичлар бизнинг жумҳуриятимизнинг ери, тупроғи, сув ресурслари ва меҳнат ресурсларидан ҳеч қандай афзаллиги йўқ бўлган мамлакатларда амалга ошмоқда. 1990 йил маълумотлари шунини кўрсатадики, жумҳуриятимиз жами экин майдонлари 4194,2 минг га, шундан 1008,1 минг гектарига дон экинлари экилган, бунинг ҳам асосий қисми суғорилмайдиган ерларга тўғри келади. Доннинг ўртача ҳар гектаридан ҳосилдорлик 20,2 центнер, яъни ҳосилдорлик 2038,2 минг тойнани ташкил этган. Бу кўрсаткич республика аҳолисининг жон бошига ўртача 100 килограммдан тўғри келади. Илмий асосланган талабга биноан ҳар бир кишига дон маҳсулотлари 800—1000 килограммдан иборат бўлиши керак. (Ўзбекистон халқ хўжалиги стат тўплами 1991 йил). Демак республикамиз бўйича энг камида 10—12 тонна дон ишлаб чиқилиши лозим (норма икки марта камайтирилганда). Бунинг учун пахта экин майдонини 45—50 фоизга тушириш, суғориладиган экин майдони тизмасида дон экинлари салмогини ошириш лозим. Маълумки, суғориладиган ерларнинг гектаридан 60—70 центнер дон ҳосили олиш мумкин. Ҳозирги даврда Польшада ҳар гектар ердан 140—150 центнергача ҳосил олинмоқда. Ўзимизда ҳам ҳар гектардан 100—200 центнер ҳосил олишга эришиш мумкин. Шу билан бир қаторда бизда дон экиладиган майдонлардан йилига 2—3 марта ҳосил олиш мумкин.

Пахта толасининг жаҳон бозоридаги баҳосини, унинг бир килограммига 15—20 килограмм дон берилишини, ҳозирги долларб даврда республикамиз иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолиш, тиклаш учун «дон қарамлигидан» чиқариш нақадар қимматли эканлигини илгар сурмоқчиман.

Президентнинг 1990—1991 йилларда қишлоқ аҳо-

Равшан Қаршиев 1938 йилда туғилган. 1965 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Номзодлик илмий иши «Қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида эди.

Ҳозирда Р. Қаршиев Самарқанд кооператив институтининг «Иқтисодий назария» кафедрасида доцент.

лисига дон маҳсулотларини бериш тўғрисидаги фармони ҳар бир деҳқон оиласини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш гаровини берди. Бундан буён ҳар бир деҳқон хонадонига энг камида 3—4 тоннадан дон олишига эришишни таъминлаш, жумҳуриятда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни енгишга олиб келади ва ҳозирги даврда республикада муаммо бўлиб турган донни сақлаш масаласини ҳал этишни қисман енгишга олиб келади.

Пахта экин майдонининг қисқартирилиши, биринчидан жуда қимматли сув ресурсларини тежашга, иккинчидан, ҳар гектар пахта экин майдонига кўпроқ меҳнат, капитал сарф қилиб интенсив ишлаб чиқаришини жорий қилишга, ҳосилдорликни 2—3 марта кўтариллишига олиб келади. Бундан ташқари табиатимизни сақлашга, жумҳуриятимизнинг боғ-бўстонга айланишига омил бўлади. Республикаимиз меҳнаткашлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан доимий таъминланади, уларнинг соғлиги мустаҳкамланади. Қўшимча чорва тўйимли озуқа билан таъминланади.

Сабзавот-мева, полиз экинлари ва уларни етиштириш муаммоси, асосан шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун жумҳуриятимизда кичик механизацияни қўллаш учун давлат томонидан ҳар томонлама ёрдам берилиши зарур. Майда деҳқон хўжаликларини моддий-маънавий рағбатлантириш, уларга ўтказиладиган «солиқлар сиёсати»ни тўғри белгилаш, хўжаликларини тиклаш учун имтиёзлар бериш ҳозирги даврда деҳқон ва шахсий хўжаликларни бозор иқтисодиётига ўтишдаги мавқеини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ишлаб чиқариш фойзаларининг замонавийлашуви, ишлаб чиқариш технологияси такомиллашуви ва малакали кадрларнинг етарли бўлиши бозор иқтисодиётига ўтишдаги мавқеини мустаҳкамлашга олиб келади.

Ишлаб чиқариш фойзаларининг замонавийлашуви, ишлаб чиқариш технологияси такомиллашуви ва малакали кадрларнинг етарли бўлиши бозор иқтисодиётига ўтишни осонлаштиради.

Маълумки, жумҳурият корхоналарида ишлаб турган дастгоҳлар, ишлаб чиқариш машина ва қуруллар асосан Россиядан келтирилган ва улар ҳозирги замон талабига жавоб беролмайди. Шу сабабли ишлаб чиқариш технологиясини асосан ривожланган мамлакатлардан сотиб олиш ва жорий қилишда барча имкониятларни ишга солмоқ лозим. Келгусида жумҳуриятимизда тараққиётни таъминлаш учун сановат машинасозлиги, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электроника, микробиология ва халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларни жумҳурият Президенти қошидаги кенгаш ўз назоратига олмоғи лозим. Кенгашни эса иқтисодчи олимлар билан тўлдирмоқ даркор. Ҳозирги даврда республикамиздаги ишбилармонлар, тadbиркорлар, колхоз раислари, завод ва фабрика директорлари томонидан ҳозирги замон чет эл технологиясини сотиб олиб, ўрнатилган ва ишга тушираётган кишиларни, жамоларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир.

Жумҳуриятимизда иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг яна бир зарур томони ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришдир. Маълумки, мамлакатимизда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш асосан собиқ иттифоқ манфаатини кўзлаган ҳолда амалга ошган. Эндиликда, жумҳуриятимиз мустақил

бўлган шароитда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масаласини зудлик билан кўриб чиқмоқ лозим. Мавжуд ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масаласини зудлик билан кўриб чиқмоқ лозим. Мавжуд ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш натижасида жумҳуриятда жуда катта миқдордаги хом ашё, ёқилғи, энергия, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаб қолиш мумкин. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришга ҳозирги даврда диққат-этиборни қаратмоқ зарур. Пахта толасини жумҳуриятнинг ўзида юқори сифат билан ишлаб чиқарадиган йирик комбинатларни тезликда қуриб тугаллаш, ишлаб турганларини тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш муҳимдир. Бундай корхоналарни жумҳуриятимизда энг камида 10—12 тага етказиш ва улар ўртасида рақобат курашини вужудга келтириш жумҳуриятда энгил саноатнинг тараққиётини таъминлайди ва бу ўз мавқеига эга бўлиши учун замин тайёрлайди.

Маълумки, жумҳуриятимиз ишлаб чиқариш кучларининг асосий қисми ишчи кучидир. Жумҳуриятимиздаги аҳолининг 20,7 миллиондан 12,4 миллиони қишлоқларда, 8,3 миллиони шаҳарларда яшайди.

Малакали маҳаллий кадрларни тайёрлаш ва уларни ишлаб чиқаришдаги салмоғи ўсиб боришини таъминлаш зарур, бу жумҳуриятда иқтисодий мустақилликни таъминлашда асосий замин бўлади.

Жумҳуриятимизнинг жаҳон бозорига чиқиши объектив заруратдир. Лекин жаҳон бозорига чиқиш билан бир қаторда ўзининг ички бозорини вужудга келтириш ва уни мустаҳкамлаш иқтисодий мустақилликнинг замани бўлиб, жаҳон бозори рақобатига бардош берадиган даражада ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва юқори меҳнат унумдорлигига эришиш муаммоси иқтисодий тараққиётнинг асосларидан биридир. Агар жумҳуриятимиз ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштира олмаса, юқори меҳнат унумдорлигини барча соҳаларда кўтари олмаса, биз жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига қарам бўлиб қолишимиз, ёки хом ашё базасига айланиб қолишимиз хавфи мавжуддир.

Халқаро ижтимоий меҳнат тақсимоли қонунининг талаби жаҳон бозорида ҳар бир давлат маҳсулотларини кам харажат қилиб, ўта сифатли маҳсулот ишлаб чиқишдан иборат. Бу ҳар бир корхона жамоаси, раҳбарияти тежамкорлик асосида иш юритишини, уддабурон, тadbиркор бўлишини талаб этади. Шу билан бир қаторда жаҳон бозорида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айирбошлаш жараёнини ташкил этиш, бошқаришни ҳам амалга ошириш учун малакали маҳаллий кадрлар тайёрлаш, ёш иқтисодчи олимларни шундай ишларга сафарбар қилиш каби муаммоларни ечиш ҳозирги давр талабларидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, жаҳон бозорига чиқиш республикамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг самарали айирбошлашидан иборатгина бўлиб қолмасдан, жаҳон халқларининг барча соҳаларидаги тараққиётнинг натижаларини халқимиз фаровонлиги учун самарали фойдаланиш, шу асосда 3—5 йил ичида тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилиш учун замин яратишдан иборатдир.

Равшан ҚАРШИЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.



ИҚТИСОД ВА ТИББИЁТ




КАТТА ШИФОХОНАНИНГ КАТТА ТАШВИШЛАРИ

Ростини айтсам, бош муҳарриримиз топшириғи билан пойтахтимиздаги 1-клиник шифохонасига йўл олар эканман, бу мавзуда нимани ҳам ёзишим мумкин, ахир қайси касалхонага борсангиз ҳам аҳвол бир хилда, яъни беморларнинг даволаниш шароитидан нолиши-ю, шифокорларнинг дори-дармонларнинг етишмаслиги, моддий базанинг ночорлиги ҳақида ҳасрат

қилишидан бошқа нимани ҳам эшитардингиз, деган фикр миямда гужгон ўйнарди. Аммо, трамвай бекатида тушиб кўзланган манзилга яқинлашганимда ўша хаёллар мени бир-бир тарк эта бошлади. Қаршимда кўп қаватли мухташам бино қад ростлаб турар эди.

Дарвозадан кирар эканман, дастлаб қоровулга дуч кел-

дим. Табиийки, салом-алиқдан сўнг у кишидан шифохона бош врачини қаердан топишим мумкинлигини сўрадим. У киши барибир бош врачни қабулхонадан топа олмаслигимни айтди. Ва қўшиб қўйдилар: — Муродин ака бундай пайтда даволаш бўлинмаларини айланиб юрадилар. Агар қабулхонада бироз кутиб турсангиз, келиб қолиши мумкин.



Бош врач келгунга қадар мен ҳам чор-атрофни кўздан кечириб турдим. Тўғриси айтсам, бунақа йирик даволаш масканини бошқа бирон ерда кўрганлигимни эслай олмаман. Гапнинг очиги, бу ерда сиз ўзингизни гўёки мўъжазгина шаҳарчага тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Шу орада бош врач — тиббиёт фанлари номзоди Муродин Қодировнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар. Саломлашиб мени қабулхонага таклиф қилди.

Суҳбатимиз мобайнида Муродин ака шифохонада кейинги пайтларда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб гапира бошлади. Пойтахтимизнинг энг қадимги ҳудудларидан бўлмиш Шайхонтоҳур районида жойлашган, Тошкент шаҳри бўйича энг тўнғич даволаш маскани сифатида танилган бу клиника бугунги кунда шу районнинг 250 минг аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Қолаверса, бир вақтлар ночор аҳволда бўлган бу шифохонанинг бугунгидай чирой очишида, унинг ҳудудида янги янги биоларнинг қад ростлаши, кўп ихтисосликлар бўйича фаолият юргизаётган касалхонада ўринлар сони 140 тадан 1110 тагача кўпайиши, унда кўплаб даволаниш бўлимларининг очилиши диққатга сазовар эди.

— Муродин Холматович, маълумки, биринчи шаҳар шифохонаси пойтахтимиздаги энг кекса ва энг йирик даволаш масканларидан бири, айтингчи, сиз раҳбарлик қилаётган бу йирик касалхонада неча хил беморлар ўзига даво топади?

— Шу қунгача собиқ Иттифоқимиз, хусусан Республика-миз тиббиётининг асосий йўналишларидан бири — бу ихтисосланган, яъни маълум бир касалликка ёки касаллик гуруҳига мўлжалланган соҳаларни ривожлантириш ва мукамаллаштиришдан, шу со-

ҳаларга мўлжалланган бўлим ва бўлималарни ташкил этиб ривожлантиришдан иборатдир. Ҳолбуки, шундай экан бизнинг 1-шаҳар клиник касалхонамиз маъмурияти, ходимлари, профессор домларимиз ҳам бу соҳада соғлиқни сақлаш бош бошқармаси кўмагида кўзга кўринарли ютуқларга эришмоқдалар. Ҳозирги кунда касалхонамизда 16 тур касаллик йўналишига мўлжалланган 25 бўлимимиз мавжуд бўлиб, булардан юрак-томир хасталиклари реанимацияси, куйган беморлар бўлими, кундузги даволашни шифохонаси кабилари охириги 2 йил мобайнида ташкил этилиб, халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Биз бундан кейин ҳам шу олган йўналишимизни давом эттириб ва мукамаллаштириш ниятида-миз.

— Жумҳуриятимиз ўз мустақиллигини эълон қилди. Аммо мустақиллик осонгина амалга ошадиган нарса эмас. Бу айниқса, халқ хўжалиги иқтисодиётида яққол кўзга ташланмоқда. Ана шундай бир шароитда шифохоналаримиз ҳам кўпгина қийинчиликларга дуч келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айтингчи шифохонангизда ана шу муаммолар қандай ҳал қилинапти, камчиликлар қандай бартарф этилапти?

— Ўзбекистонимизнинг охириги 70 йил мобайнидаги энг кўзга кўринарли ютуқларидан бири — бу мустақил Ўзбекистон Республикасининг эълон қилинишидир. Албатта мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмадиган, амалга ошириладиган жараён эмас. Унинг ўзига яраша жуда қийин, кўп қиррали муаммолари, ечилиши талаб этадиган масалалари кўп. Худди шундан муаммо, қийинчиликлар, ҳар бир корхона муассасада бўлганидек, бизнинг касалхонамизда ҳам мавжуд. Булардан асосийлари молия-пул таъминоти, дори-дармон таъминоти, беморларни

кийим-кечак билан, тўшак анжомлари билан таъминлаш масалаларидир. Ҳозирги бозор иқтисодиётиги тушунган ҳолда, тақчил молиявий жараёнида касалхонамиз раҳбарияти, ходимларимиз, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Шайхонтоҳур райони ҳокимиятининг яқиндан кўрсатётган ёрдами билан ҳамда тежамкорлик, давлат мулкига кўз қорачиғидек муносабатда бўлиш туйғуси натижасида бу қийинчиликларни озми-кўпми енгиб келмоқдамиз. Бу борада сезиларли ёрдамни йирик корхоналар билан хўжалик қелишувлари тузишимиз, «Шифокор маслаҳати» поликлиникамизда ишдан бўш вақтларида етук мутахассисларимиз, медицина асбоб-ускуналаримиз ёрдамида пуллик тиббий хизмат кўрсатётганимиз натижа бермоқда. Ҳозирги кунда 10 га яқин йирик корхона ва хўжаликлар билан шундай битимлар тузганмиз.

— Кейинги пайтларда жумҳуриятимизнинг барча шифохоналарида дори-дармонлар танқислиги юз бераптики, бу ҳол тиббиёт ходимларимизни баъзи бир касалликлар олдида ожиз бўлиб қолишига сабаб бўлапти. Сизнинг фикрингизча, бундай кўнгилсиз ҳолни қандай ҳал қилса бўлади?

— Дори-дармон танқислиги тиббиёт корхоналари, хусусан шифокорларимиз иш натижаси учун жуда катта қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Лекин раҳбар, ходим ишбилармон бўлса, тежамкор бўлса, ҳар бир дорини ўз ўрнида ишлатадиган бўлса, бу қийинчиликларни ҳам маълум миқдорда енгса бўлади.

Чунончи, бизнинг касалхонамизда бошқа даволаш муассасаларидан фарқли ўларок, ҳозирги тақчил вақтда ҳам беморларимиз айтарли даражада дори танқислигини сезаётганлари йўқ. Бунинг сабаби дорихонамиз ритмик равишда, ўз вақтида мавжуд бор

дори-дармонларни етказа билаяпти, бўлимларимизда ҳам ҳар бир беморнинг дори-дармон бўйича кўрсатмалари қаттиқ назоратга олинган. Биз ҳаёт тақозоси билан дорисиз даволаш муаммоларини ташкил этиш йўналишини мукамаллаштирамоқдамиз, булардан: шифобахш гиёҳлар билан даволаш, игна санчиш муолажаси, кўп қиррали физиотерапия муолажалари ҳамда лазер нури билан даволаш кабиларни санаб ўтиш лозим. Буларнинг барчаси бизнинг касалхонамизда мавжуд, беморларимиз ундан баҳраманд.

— Касаллик миллат танламайди, дейдилар. Гарчи собиқ Иттифоқ тарқалиб кетган бўлса-да, бу соҳа ҳам бошқа жумҳуриятлар тиббиёт соҳаси билан алоқаси узилган, деган гап эмас. Унда доимо ўқиш, изланиш, қўшни жумҳуриятлар, чет давлатлар тиббиёт ходимлари билан доимо ҳамкорлик қилиб, ишлашни талаб этади. Бу борада сизлар қандай ишларни олиб бораёпсизлар?

— Жуда ўринли савол. Тиббиёт соҳаси фақат ва фақат кун сайин олиб бориладиган изланиш, фан ва техника янгиликларини ҳаётга тадбиқ этиш, ўз соҳаси бўйича барча тиббиёт ходимлари ва илм аҳли билан доимо ҳамкорлик қилиш билангина олдинга ривожланиб боради.

Фақат бизнинг касалхонамизда шифокорлар малакасини ошириш олийгоҳи билан ҳамкорликда 9 та докторлик диссертацияси ҳимояланди, 4 та тиббий қўлёзма, 23 та методик қўлланма, 7 та авторлик гувоҳномаси, қабул қилинди. Фақат охириги 2 йилнинг ўзида касалхонамизда 34 та янги даволаш — диагностика муолажалари ўрганилди ва ҳаётга тадбиқ этилди. Буларнинг барчаси тинимсиз изланишлар, ўзга шаҳар ва республикалар (ҳозирда мустақил давлатлар) билан узвий ҳамкорлик натижасидир. Ҳозирги кунда касалхо-

намиз даволаш-диагностика муаммолари борасида мустақил давлатлар ҳамкорлигининг кўпгина йирик тиббий муассасалари ва олийгоҳлари билан ҳамкорликда иш юритмоқда, шулар жумласидан, Москва, Нижний Новгород, Санкт-Петербург, Харьков, Киев, Олма-ота шаҳарларини ҳамда Скоросовский номли, иммунология, тажриба-хирургия марказлари ва бошқа олийгоҳларни санаб ўтишимиз мумкин.

— Касалхонангизда яна қандай касаллик турларини даволаш йўлга қўйилипти?

— Юқорида айтиб ўтганимдек, бизнинг 1-шаҳар клиник касалхонамиз кўп ўринлик ва муҳими, кўп йўналишлик касалхонадир. Бу шу жиҳатдан ҳам қулайки, аксарият беморларимиз барча йўналишдаги шифокор маслаҳатини, керакли текширув ва даволаш муолажаларини шу касалхонанинг ўзида тўла-тўғис, мукамал олиши мумкин. Сабabi — бизда кўп йўналишлик тиббиёт муассасаси ташкил этилган. Келгусидаги режаларимиздан қуйидагиларини айтиб ўтишни лозим тоғман. Аввало, 15—20 ўринли кундузги даволанадиган шифохона — бу албатта беморлар учун ҳам, биз тиббиёт ходимлари учун ҳам республикамизда ягона бўлган ўткир заҳарланган беморлар реанимацияси бўлимини кенгайтириб, ёш болалар учун алоҳида бўлинмалар ташкил этмоқчимиз: Чунки бўлимнинг номи ўзи айтиб турибди — бу ҳаёт тақозоси. Бундан ташқари, янги хўжалик иқтисодиётига ёндашган ҳолда, хўжалик ҳисобидаги янги бир бўлим барча керакли шарт-шароитларни яратган ҳолда ташкил этиш ниятимиз бор.

— Беморларга шифохонада ҳамма шароитлар мавжудми (озиқ-овқат, ўринлар, кийим-кечак)?

— Касалхонага даво истаб, нажот излаб келган беморларнинг тезда оёққа туриб, со-

ғайиб ўз оиласи бағрига, ўз ишига қайтишидаги омиллардан бири, — касалхонада беморлар учун керакли шарт-шароитларнинг қай даражада мукамал ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир. Бу жиҳатдан бизнинг касалхонада талайгина ташкилий ишлар бажарилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш маданияти савияси талаб даражасига етказилиш йўналишидадир. Соғлиқни сақлаш бошқармаси кўрсатмаси асосида 1992 йили бўлинмаларимиздан 90 та ўрин қисқартирилди, янги 1993 йил бошида яна ўринлар сонини қисқартириш ҳаракатидамиз — ҳар бир беморхонада 4-5 ўринлик жой ташкил қилишга эришсак, бу бизнинг маррама. Шу 2 йилнинг ўзида 20 дан ортиқ даволаш бўлинмаларида буткул таъмирлаш ишлари бажарилди, иситиш, сув таъминоти қисмлари янгиланди. — бу билан бевосита беморларимиз баҳри-дили очилиб, ўз уйига яқин шароитда даволаниш имкониятлари яратилди. Таъмирланган бўлимлар иложи борича, имкониятимизга қараб керакли кийим-кечак, асбоб-анжомлар билан таъминланди. Озиқ-овқат масаласига келсак, муаммолар барча оилалар олдида турган муаммолар даражасида, ҳар қалай ҳозиргача беморларимиздан танбеҳ олаётганимиз йўқ, имкониятларимиз борича, хасталик турига мос келадиган, миллий кўникмаларни ҳисобга олган ҳолда парҳез таомлари тайёрлашга ҳаракат қилмоқдамиз.

— Сухбатингиз учун раҳмат Муродин ака.

Сухбатни «Ҳаёт ва иқтисод» журналининг махсус мухбири Саидмурод РАҲИМОВ ёзиб олди.

Суратларда: Шифохона бош врач Муродин Қодиров ва касалхона ҳаётидан лавқалар.

Валентин КАВЕЛИН тасвирлари.

ҲОЗИР ИМКОНИЯТ БОР?

«Хурматли муҳарририят! «Ҳаёт ва иқтисод» Ўзбекистонда ягона иқтисодий журнал бўлганлиги қувончли ҳолдир. Мен бу нашрнинг ҳар бир сонини сотиб олиб, қизиқиб ўқийман. Аммо бу йил журналнинг 3-, 4-сонларини сотиб ололмадим. Сизлардан илтимос, шу сонларни менга юборсангиз, пулини нақд тўлардим. Салом билан Ғ. Ҳакимбеков».
Андижон вилояти, Олгинкўл райони».

Шу мазмундаги хатлар муҳарририятимизга кўплаб келади. «Ҳаёт ва иқтисод» республикамизда ягона иқтисодий журнал бўлгани, албатта қувонарли ҳол. Унинг устига журнал ўқувчиларининг кўплиги яна бир яхшилик. Таҳририятимиз жуда кўп муштарийлар билан мактуб орқали узвий алоқа боғлаган. Жумҳуриятимиздаги йирик олимлар журнал саҳифаларининг мазмундор бўлишини таъминлаб келаяптилар. Шунга қарамай баъзи муштарийлар томонидан кичкина лоқайдлик содир этилмоқда. Улар ўз олдидаридаги оддий имкониятдан ҳам фойдалана

олишмаяпти. Мана ҳозир газета-журналларга обуна бўлиш мавсуми бошланган. Журналимизнинг обуна нархи жумҳуриятдаги аксарият нашрларнинг обуна нархидан анча арзон. Бугунги кунда ҳар бир касб эгасига ишбилармон бўлиш даврий зарурият бўлиб қолмоқда. Қўйингчи, маркетинг, биржа, брокер сингари замонавий атамаларнинг моҳиятини билмаслик — фикрий қашшоқлик ҳисобланиб қолди.

Жамиятимизда ҳамма соҳа иқтисодиёт билан юзма-юз келаётган экан, «Ҳаёт ва иқтисод» журнаliga обуна бўлиш Сизларга ортиқчалик қилмаса керак деб ўйлаймиз. Қолаверса, журналга сотувдан кўра, почта хизмати орқали эга бўлган афзалроқ шекилли.

Хурматли муштарий! Журналимизнинг бир йиллик обуна баҳоси — 123 сўму 60 тийин, Битта сон обуначига 10 сўму 30 тийин, сотувда 15 сўм.

Бизнинг индекси: 75481.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700000, Х. Сулаймонова кўчаси, 29.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ПУЛИМНИ ҚАЧОН ОЛАМАН?

Мен Жиззах вилояти Арнасой районидаги Бобо Файзиев номли 16-давлат хўжалигида механизатор бўлиб ишлайман. 1985—1989 йиллар мобайнида хўжалигимиз ишлаб чиқаришида қатнашган бўлишимга қарамай, бу давр учун меҳнат ҳақимни ололмаяпман. Давлат хўжалигимиз раҳбарлари, ҳисоб-китоб бўлимидагиларга бир неча марта ёзма ва оғзаки талаб қилиб борсам ҳам натижа бўлмаяпти. Бу даврлар учун ишлаб топган пулим миқдори эса 4245 сўмни ташкил этиши керак. Мана уч йилдан ошаяптики бу пулдан бир сўминини ҳам қўлимга олганим йўқ.

*Уроқбой МИРЖОНОВ,
механизатор, Арнасой район, Янгибўстон
посёлқаси, Ленин кўчаси, 9-уй, 6-хонадон*

ТАҲРИРИЯТДАН: Жиззах вилояти, Арнасой райони ҳамда Бобо Файзиев номидаги давлат хўжалиги раҳбарлари! Юқорида хўжалигингиз аъзоси У. Миржоновнинг дардли мактубини ўқидингиз. Кишини ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳар бир раҳбар ходимнинг ҳақли ва маънавий бурчи эканлиги аниқ. Шу сабабли жамоангиз механизатори У. Миржоновнинг муаммосини ҳал қилиб беришни сизлардан сўраб, натижасини хат орқали кутиб қоламиз.

Пиллачилик

(Ёки уни қайта қуриш ҳақида)

Мустақил жумҳуриятимизнинг иқтисодиди пахтачилик, чорвачилик, галлачилик қатори пиллачилик ҳам йирик тармоқлардан биридир. Бозор иқтисодиёти муносабатига ўтиш пиллачилик соҳасини ҳам қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Барча соҳада бўлгани каби, пиллачиликда ҳам, сифатли уруғ мўл ҳосил гаровидир. Вилоятимизда 3 та ипак қурғи уруғи тайёрлайдиган завод мавжуд. Лекин учовида ҳам тайёрланаётган уруғларнинг сифати, яъни жонланган ипак қурғиларнинг ҳаётчанлиги бир хил эмас.

Бундан ташқари, ипак қурғи зогларини тақсимлашда хўжаликларнинг талаби эътиборга олинмаётган. Уруғ заводлари ипак қурғи уруғининг жонланishi фоизи 90 фоиздан ортиқ бўлса, ҳар бир ортиқ фоизи учун хўжаликлардан уруғнинг нархидан ортиқча пул олади. Лекин, хўжаликларда ипак қурғи уруғи жонланганда, белгиланган нормадаги ипак қурғи жонланмаётган. Натижада уруғ заводи билан хўжаликлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бунинг асосий сабаби: хўжалик билан уруғ заводи ўртасида воситачилик қилаётган район бош пиллахоначисининг қонуний шартномаси йўқ. Шуларни ҳисобга олиб, ипак қурғи уруғларини юқоридан тақсимлаш эмас, балки шартнома асосида бош пиллахоначалар ўзининг ҳудудидаги хўжаликларни сифатли уруғ билан таъминлаши лозим. Шартномада уруғ заводи белгиланган жонланishi фоизини таъминлашса, камини ўзи қоплаши кўрсатилиши зарур.

Уруғ заводи сифатсиз уруғ тайёрлар экан, у ўз харидорини йўқотган бўлади. Заводнинг маҳсулоти соғилмай қолади. Оқибатда молиявий зарар кўрган завод янги имкониятларни қидиришга мажбур бўлади. Районимизда ипак қурғи миқдори хўжаликларнинг талабига мувофиқ режалаштирилмоқда. Юқоридан режалаштиришга чек қўйилган. Лекин шунга қарамай, районимизнинг кўпчилиги хўжаликларидида туг дарахтининг етишмаслиги ҳоллари рўй бермоқда. Кўзатишлар шунки кўрсатмоқдаки, пиллакор томонидан ўзига бириктирилган туг дарахтларига эътибор йўқ, барзини тежаб-тергаб фойдаланиши учун тақсимлаб берилди. Жамоя хўжалиги билан пиллакор ўртасида шартнома тузилди. Шартномада пиллакорга бириктирилган туг дарахтларининг парвартирилиши яхшилаб, баргини кўнай-тириши ва баргдан тежаб-тергаб фойдаланиши зарурлиги ўқтирилди. Агар пиллакорга керак бўлиб қолса, хўжаликка пулини тўлаб олади. Шартномада хўжалик пиллакорни оҳақ, ёқилги билан таъминлаши ва қайси нав бўйича неча килограмм пилла берси қанча даромад олиши қайд қилинган. Шартномада пиллакор икки йил режадаги пиллани бермаса туг дарахтлари ундан гортиб олиниб, бошқа хонадонга берилиши қайд қилинган. Бу эса ўз самарасини бермоқда. Чунки пиллакор туг дарахтларини сугорятган, тагини юмшатаётган, ўғитлаётган. Баргдан тежаб-тергаб

фойдаланаётган. Ана шу тадбирлар туфайли Ильич номли жамоя хўжалиги бу йил 59696 килограмм пилла топириб, режани 122 фоизга бажаришга эришдилар. Ёки 1990 йилга нисбатан 5 тонна кўп пилла тайёрладилар.

Тайёрланадиган пилланинг сифати кўп жиҳатдан ипак қурғи қўйиладиган дастага боғлиқ. Лекин ҳар кв метр ер ҳисобда турган бир шароитда пиллакорларимизга томорқаларига райҳон ва ёвойи супурги экиш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг ўрнига бир неча йил фойдаланиши мумкин бўлган сунъий даста тайёрлаш вақти етди, деб ўйлаймиз.

Пилла — бебаҳо бойлигимиз. Унинг ҳар бир миққолини ҳам исроф қилиб бўлмайди. Шунинг учун уни ташишда пластмасса яшиклардан фойдаланиши керак. Зеро, бундай, яшиклар енгил, чиройли ва ихчам. Бизнинг Марҳамат районимизда 2 та пиллахоноа бўлиб, 7 хўжаликдан 374 тонна пилла қабул қилади. Марказда жойлашган Марҳамат пиллахоноаси 4 та хўжаликдан пилла қабул қилади. Уртача бир кунда 400-450 пиллакор ўз пилласини топиради. Топириладиган маҳсулотнинг сифатини битта лаборант белгилайди ва шунга асосан хўжаликларга пул тўланади. Натижанда пилланинг набини белгилашда хаҳоликка йўл қўйилмоқда. Бу эса пиллакор меҳнатининг тўғри баҳоланмаслигига олиб келмоқда. Тўғри, лабораториянинг 7-8 та сараловчилари бор. Лекин улар мавсумий ишчилардир. Уларнинг саралаганини лаборант қайтадан кўриб чиқиши зарур. Лекин лаборант бунга мутлоқо ўлгурмайди, аммо юқори ташкилотлар буни ҳеч ҳам ўйламаётдилар.

Ҳаммамизга маълумки, қурғ боқишда ва барг тайёрлашда фақат оғир қўл меҳнати қилинмоқда. Бунинг устига пиллани териб топиригандан сўнг пилладан бўшаган ўйлари, хоналарни тозалаш, оқлаб одам яшаш ҳолига келтириш лозим. Бунинг учун қилинган харажатларни қоплаши ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаётган.

Район бош пиллахоноаси хўжаликлардан пиллани қабул қилиб, гумбагини ўлдириб, қуригиб ва саралаб енгил саноат корхоналарига етказиб беради. Лекин пиллани енгил саноат корхоналарига топиришда ва уни баҳолашда ҳам кўп муаммолар келиб чиқаяпти. Топириладиган 50-60 тонна ёки 3,5—4 миллион сўмлик пиллани намуна учун олинган икки қоп, яъни 60 килограмм пилла баҳолайди. Шунинг учун оларман ва сотарман бир-бирини алдаш пайида бўлади. Сотарман намуна учун олинадиган пиллани қуруқроқ ва сифатли жойидан, оларман эса намроқ ва сифатсиз жойидан намуна олишга ҳаракат қилади. Оқибатда икки ўртада «жанг» кетади. Ким эпчил ва ишбилармон бўлса ютиб чиқаверади. Оқибатда у ёки бу томон 500-600 минг сўм зарар кўриши мумкин. Пиллани топириб олгунга қадар қанча асаббузарлик келиб чиқади. Шунинг учун ипак қурғини уруғидан ипакли газлама тайёрлашунгача бўлган ишларни бажарадиган корхоналарни битта вазирликка бириктириши зарур. Ёки пилла тайёрловчи хўжаликлар пиллаларни қуригиб, енгил саноат корхоналарига ўзлари топиришини ўйлаб кўриш вақти келди.

Нўлдошали МАҚСУДОВ,
Андижон вилояти, Марҳамат райони бош
пиллакорхоначисининг етакчи агрономи.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ

Иқтисодий ислоҳот — иқтисодий ҳаётнинг янги тартибга солиниши, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва қўллаб-қувватланиши. Иқтисодий ислоҳотнинг асосий мақсади — иқтисодий ҳаётнинг самардорлигини ошириш, иқтисодий ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ҳаётнинг янги тартибга солиниши, янги иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши ва қўллаб-қувватланиши.

ЎТИШ ДАВРИ МУАММОЛАРИ

(ЕКИ БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИДАГИ ЕЧИМТА- ЛАБ ВАЗИФАЛАР)

Хар қандай маррага эришишнинг ўз босқичи ва жараёни бўлади. Бозор иқтисодиёти муносабатларида яшаб, фаолият кўрсатиш иқтисодиётимизнинг марраларидан биридир. Мана шундай иқтисодий шароитларга эришишнинг ўз босқичлари ҳам бор албатта.

Булардан энг муҳими товар ва хизматлар бозорини шакллантиришдир. Бунда гап товар ва хизматларни танлаш имконияти мавжуд бўлган ҳақиқий озор тўғрисида кетади. Бундай имконият инсон эҳтиёжларининг жуда кенг турларини ҳисобга олишга қодир бўлган ишлаб чиқарувчи кучлар ривожлангандагина содир бўлиши мумкин.

Иккинчи муаммо молиявий ресурслар бозорини, аввало қимматли қоғозлар (акция, облигация ва ҳоказо) бозорини вужудга келтиришдир. Республикада қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришнинг муҳим омили — миллий пул бирлигини вужудга келтириш ва унинг эркин айланишини таъминлаш ҳисобланади. Тўла қийматли, эркин айланадиган миллий пул бирлигига ўтишнинг муҳим шарт-шароитлари ўз навбатида товар ва хизматлар бозорини шакллантириш, бюджет танқислигига барҳам бериш ва солиқ сиёсатини зарур системага солишни тақозо қилади.

Учинчи муаммо иш кучи бозорини вужудга келтириш ва тартибга солишдир. Бу бизнинг шароитда энг қийин ва нозик масала бўлиб, уни ҳал қилиш ишсизликнинг ижтимоий таркибини, унинг ўзгаришини ва янги шароитда давлатнинг иш билан бандлик сиёсатининг ўлчамларини аниқлашнинг талаб қилади. Чунки бизда яқин кунгача ижтимоий фойдали меҳнатда (ҳатто уй-рўзгор ишларида) қатнашиш тўлиқ иш билан бандликка эришиш сифатида тасаввур қилинди. Неча юз минглаб кишилар ишламади, ҳеч қандай расмий даромадга эга бўлмади, лекин иш билан банд деб ҳисобланди. Бозор иқтисо-

дий шароитда ким ўзининг меҳнатига даромад олса ва солиқ тўласа иш билан банд деб ҳисобланади.

Кейинги муаммо мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ бўлиб, шу асосда соҳибкорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари ҳам ҳал қилинади. Бунда мулкчиликнинг анъанавий шакллари (давлат, кооператив) билан бирга, сўзсиз, хусусий мулкчилик ҳам қарор топиши кўзда тутилади. Хусусий мулкчиликнинг бошқа шакллари билан мавжуд бўлиши инкор этмайди, балки улар билан бирга ва ўзаро рақобатга киришиб, ижтимоий алоқаларнинг табиий шакли сифатида мавжуд бўлади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ва ролига янгидан ёндашув навбатдаги муаммонинг мазмунини ташкил қилади. Ўрни давлатнинг иқтисодиётга тўғридан-тўғри аралашishi, аста-секин, билвосита тартибга солиш билан тўлдирилиши ва алмаштирилиши зарур.

Давлатнинг қонун чиқарувчилик вазифаси жамиятнинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлайдиган қонуларнинг фақат мазмунини эмас, балки уларнинг амалиётга тадбиқ қилиш механизмини ҳам ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу осон иш бўлмай, унинг мураккаблиги ҳозирги даврда ишлаб чиқиладиган қўллаб қонуларнинг ҳаётда ўз ўрнини тополмай, қоғозда қолиб кетаётганлигида ҳам кўринади. Бундай ҳол кўп жиҳатдан давлатнинг қонун чиқарувчилик фаолиятининг паст даражадалиги билан изоҳланади. Даврнинг талабини ҳисобга олмаслик ҳақиқатдан четлашиб, жамият ривожланиш даражасининг акс этмаслиги чиқарилиётган қонуларнинг умумий камчилигидир. Давлатнинг соҳибкорлик вазифаси давлат капиталининг у ёки бу корхонада қатнашиши, унинг манфаатини бошқа шакл ва усуллар билан таъминлаш орқали намоён бўлади. Ҳозирги даврда республикада давлат мулки тўлиқ ус-

тушликка эга бўлиб, истиқболда унинг ҳиссасини 30—40 фоизга тушириш ва кўплаб давлат корхоналарини акционерлаштириш кўзда тутилади. Давлатга асосан умуммиллий аҳамиятга эга бўлган корхоналар (темир йўллар, электрэнергетика, саноатнинг қазиб олувчи ва қайта ишловчи айрим тармоқлари ва шу қабилар) тегишли бўлади.

Давлатнинг халқро фаолияти давлат қонунчилиги билан тартибга солинади. Аввало бу ерда гап божхонавий тартибга солиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни лицензиялаш тўғрисида кетади. Бунда мамлакатнинг эҳтиёжларини ҳамда ўзгарувчи халқро вазиятни ўз вақтида сезиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда қарама-қарши ёндошувларнинг мослашуви рўй берса, марказий иқтисодий ва сиёсий ҳокимият функциялари бир қисмининг ўрта ва қуйи звеноларига ўтиши билан маълум даражада иқтисодиётга бағишланади.

Бундай микро иқтисодиёт даражасидаги муаммолар етарли даражада мураккаб бўлиб, улар жамият миқёсида ҳал қилинишни талаб қилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш, умуммиллий харақтердаги муаммолар билан бирга, микроиқтисодиёт, яъни корхоналар даражасидаги муаммолар ечишни ҳам кўзда тутати.

Корхона — бу халқ хўжалигининг бошланғич ячeyкаси. Бевосита корхонада моддий бойликлар ва хизматлар яратилади. Шу сабабли корхона иқтисоди, уларнинг ўзаро ва марказ билан, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари билан ўзаро алоқаси бозорга ўтиш даври назарни ва практикасининг диққат объекти бўлиши зарур.

Корхоналарни давлатлаштиришдан қайтариш жараёнида энг мураккаб иш, нафақат давлатдан ажратишнинг шакл ва усулларини аниқлаш (акционерлаштириш, ижарага бериш, хусусийлаштириш ва ҳ. к), балки корхоналарнинг республика ва маҳаллий бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари механизмини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу билан бирга «марказ — корхона» ўзаро муносабатлари механизмини ишлаб чиқиш дастлаб тасаввурда тўғилганидек осон иш эмас. Ўз-ўзидан аёнки, ўнлаб йиллар давомида марказнинг кўрсатмалари қонун сифатида қабул қилиниб, корхонанинг бутун иқтисодий ҳаёти марказий ҳокимиятнинг ижозати асосига қурилган, унинг ташаббуси амалда ҳамма вақт жазоланиб келинган. Даромадни корхона фойдасига ўзгартириш осон иш эмас эди. Бунда қутилгандан анча кўпроқ муаммолар келиб чиқади. Уларнинг асосийлари: бошқариш кадрлари, моддий-техника таъминоти муаммолари, ишлаб чиқаришдаги монополия билан боғлиқ муаммолардир.

Айрим мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳар қандай ишнинг муваффақияти 85—95 фоиз кадрлар тайёрлаш даражасига боғлиқ. Бу ерда асосий роль бошқариш кадрларига тегишли. Аввало гап бошқарувчиларнинг ишлаш қобилиятига тааллуқли. Чунки биринчидан, мустақиллик шароитида фақат раҳбарнинг ўзи қарор қабул қилиши зарур, иккинчидан, зарур шароитда ўзининг қўл остидагиларининг ташаббусини қўллаш лозим ва учинчидан, бозор шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш унинг сотилишига кафолат бермайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида корхоналар ўртасида ўзаро муносабатларнинг янги характери шаклланиб боради. Ўзаро манфаатли ва ўзаро фойдали принципларга асосланган мустақил алоқалар ўр-

натилади. Бу нормал иқтисодий муносабатлардир. Аммо бизнинг республика шароитида бундай муносабатларни ўрнатиш осон иш эмас. Биринчидан, ҳар доим корхоналар учун танлаш имконияти йўқ, иккинчидан, маълум кафолатлар учун (давлат буюртмаси ва ҳ. к) марказ ҳокимияти ҳозирча зарур. Давлатлаштириш ва монополлаштиришдан қайтиш сиёсати кучайиб бориши, бозор структурасининг шаклланиши жараёнида, корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тобора барқарор бўлиб, иккала томон учун ҳам танлаш имконияти кенгайиб боради.

Корхоналар билан банклар ўртасидаги муносабатлар аста-секин ўзгаради. Банкларнинг яқин вақтгача иқтисодиётда муҳим роль ўйнамаганлиги жуда муҳим муаммо. Мустақилликка эга бўлмаганлиги сабабли, банклар кредитларни тасарруфга ололмасди, ваҳоланки, буни кредит ташкилоти сифатида банкларнинг ўз статуси тақозо қилади. Масалан, кредитлар тўловга қобилиятсизлиги олдиндан аниқ бўлган корхоналар учун ҳам берилаверади. Кўпинча кредит сиёсатида буйруқбозлик усулидан фойдаланилди, юқоридаги раҳбарлар кредитнинг таъминланганлигини ҳисобга олмасдан, уни бериш тўғрисида буйруқ берди.

Ҳозирги даврда республика учун мутлақо янги банк системаси шаклланди. Унинг элементи сифатида мустақил, ўз-ўзини қоплаш асосида фаолият олиб борувчи кредит сиёсатини синиси (банкروت бўлиш)гача хатар бўлган тижорат банклари вужудга келмоқда. Ҳозир банклар корхоналарга минг бир хавф-хатар билан кредит берадилар. Шу сабабли кредит беришдан олдин улар мижозларининг иқтисодий ва молиявий аҳволини аниқ тасаввур қилишлари зарур.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхонанинг давлат бюджети билан янги муносабатлари шаклланди. Корхона молиялаштиришнинг манбалари жиддий ўзгаради: бюджетдан молиялаштириш (қайтаришсиз) ўрнига, маблағлар тобора кўпроқ кредит сифатида келиб тушади (қайтаришли, тўловли ва муддатли). Энди корхона пулни қарзга олар экан, уни вақтида қайтариш, фойдаланганлик учун фоиз тўлашни ҳам ўйлайди. Бундан ўзаро муносабатлар шароитида суғурта ташкилотлари учун бутунлай янги роль вужудга келади. Давлат суғуртаси билан бирга янги суғуртавий компаниялар пайдо бўлиб, банклар каби, ўзларининг тижорат таҳликада ишлайди. Агар таҳлика (хавф-хатар) даражаси юқори бўлса, банк ўзини суғурта компанияси зиммасига юклаб, корхонага кредитни кафолатлашни тавсия қилади. Шу тариқа икки томонлама назорат қилинади, банк ва суғуртавий компания биргаликда корхонанинг тўловга қобилиятлигини баҳолайди, кредитнинг мақсадлилигини ўрганади ва кейин қарор қабул қилади. Агар суғурта компанияси таҳликали тижорат ишини суғурта қилишдан бош тортса, кредит бериш ёки бермасликни банк ўзи ҳал қилади.

Тошболта ЖўРАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Тошкент давлат иқтисодиёт
дорилфунунининг доценти,

Феруза ҒАНИХУЖАЕВА,
иқтисод фанлари номзоди,
Тошкент автомобиль йўллари
институтининг доценти.

ХОРИЖДА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ

(ЕКИ БУ ХИЗМАТНИНГ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ

ЭТИЛИШИ ХУСУСИДА)

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган бир қатор давлатларда (Германия, АҚШ, Франция) аудиторлик хизмати тўғрисидаги қонунчиликка биноан аудиторлик фирмаларининг мустақиллиги, ҳуқуқий қафолатлар ва ҳаракат доираси белгилаб қўйилган.

Мустақиллик тушунчасида аудитор ташкилий тизимлар томонидан чиқарилган акцияларни сотиб олиши мумкин эмаслиги, шунингдек шартнома асосида пуллик хизмат кўрсатувчи ҳуқуқий шахснинг молиявий-хўжалик фаолиятига бошқаларнинг аралашмаслиги шарти тушунилади.

Аудиторлик фирмасининг ходими унга тафтиш учун рухсат берувчи сертификатга эга бўлиб, бу ҳужжат унинг шахсий жавобгарлигини ва шахсий муҳрга эга бўлишини таъминлайди. Аудитор хизмат сирини сақлаши, барча қонунқоидаларга риоя қилмоғи, шунингдек тўплаган маълумотлардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги лозим. Зарурат туғилганда айрим масалалар юзасидан аудиторлик фирмасининг умумий йўналишига эмас, балки фақат унинг бошқарув ҳайъатига хабар бериш ҳуқуқига эга.

Бир қанча мамлакатларнинг амалдаги қонунчилигида (Франция, Германия, Англия ва бошқалар) аудиторларга қўйидаги талаблар қўйилади: 1. Олий маълумотли бўлиши; 2. Амалий иш стажы, жумладан аудит соҳасида 3—5 йил ишлаган бўлиши; 3. Аудиторлик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, ҳуқуқ бўйича ёзма ва оғзаки имтиҳонлар топшириши лозим бўлади. Масалан, Германияда аудиторлик унвонига даъвогар олти нозорат иши ёзиб топшириши лозим: булардан иккитаси — аудиторлик фаолияти бўйича, иккитаси — фирманинг иқтисоди бўйича, биттаси хўжалик ҳуқуқи бўйича ва ниҳоят олтинчиси — солиқ ҳуқуқидан иборат. Имти-

ҳонларни топшира олмаган мутахассисга яна бир марта ўзини қайта синаб кўришга имконият берилади.

Даъвогар олти баллик системада, тўрт балл жамғара олса, унга аудиторлик фирмаси бошқарув ҳайъати томонидан аввал номзод, кейин кузатув кенгаши вакили сифатида аудиторлик қилишга рухсат берилади.

Аудиторлик фирмалари қатнашчиларнинг қўшган пай бадаллари ҳисобига ташкил этилади. Агар аудитор фирмаларни текширув чоғида хатоликка йўл қўйса, бунинг учун тўланадиган жарималарни қоплай оладиган даражадаги суғурта жамғармаси ташкил этилиши лозим. Масалан Германияда аудиторлик хизмати фирмаларида суғурта тўловлари жамғармаси суммаси 500 мингдан 10 млн. немис маркаси-гача тенг.

Германия, Франция, Англия, АҚШ ва бошқа давлатларда аудиторлик фирмалари фаолиятини Аудиторлик палатаси назорат қилиб боради. Бу орган мустақил бўлиб, аудиторлик фирмаларининг очиқ матбуотда эълон қилинадиган йиллик ҳисоботлари ва баланслари асосида текширишлар ўтказиб, аудиторларнинг фаолияти тўғрисида қарор қабул қилади. Аудиторлик фирмаси текшириш сифати учун шахсий жавобгарликни ўз устига олганлиги тўғрисида томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатилган шартномани мижозлар билан бирга имзолайди. Касбий, ахлоқ нуқтаи-назаридан аудитор ўзи текшираётган фирма, корхоналарга кўрсатма бериши таъқиқланади, у фақат маслаҳат бериши мумкин бўлиб, мижозларнинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга кўмаклаша олади.

Мижоз аудиторга текшириш учун йиллик баланс формаси тақдим қилади, бу ҳисобот шаклига аудиторнинг имзо ва муҳри қўйилгач, матбуотда эълон қилинади. Бир қатор мамла-

катлар амалиёти шуни кўрсатадики, аудиторлар томонидан фирма баланси текширилади-ганда, улар бошқарув (менеджментлик) ҳисоби-га аралаштирилмайди (масалан, Францияда), ёки фақат молиявий ҳисоботнигина эмас, қол-ганларини ҳам текшириш ҳуқуқига эгадирлар (масалан АҚШда). Бироқ, хоҳ молиявий, хоҳ бошқарув ҳисоби юритилиши бўлсин, бухгалтерия ҳисоби томонидан йиғилиб, сўнгра маълум тартибга солинган маълумотлар аудит учун манба бўлиб ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, айрим мамлакатларда бухгалтерия ҳисобига марказлаштирилган раҳбарлик қилинмайди (Германияда). Ягона счетлар режаси ҳам йўқ. Бундай шароитда аудит бўйича қонуний актларга алоҳида эътибор берилди ва шу асосда аудитор томонидан тузиладиган ҳисоботга талаблар қўйилди. Аудиторнинг ҳисоботида фирма билан тузилган шартноманинг шартлари, фирмадаги кузатувчилар кенгашининг текширув ўтказиш тўғрисидаги қайдлари бўлиши лозим. Йиллик баланс тузишдан аввал кўпчилик мамлакатда инвентаризация ўтказиш йўли билан маблағларнинг мавжудлиги, бутлиги ва яроқлилиги текшириб кўрилади. Масалан, Германияда тижорат йили ва календарь йили бир-бирига мос келади, шунинг учун йил якунига уч ойгача қолган муддатда инвентаризация ўтказиш ва баланс тузишга киришиш лозимлиги белгилаб қўйилган. Бунда ҳамма моддий қийматликлар битта-лаб текширилмасдан, балки репрезентатив танлов усуллари қўлланилади. Бунда 1000 та позиция мавжуд бўлса, шундан 100 таси текширишга жалб этилади. Мабодо, шу 100 та позициядан 5% четга чиқиш аниқланса, қолган позицияларга ҳам шу ҳажмда тузатиш киритилади.

Агар шартномада белгиланган бўлса, йиллик баланс тузишдан олдин фирмадаги тўлиқ инвентаризацияга аудитор ҳам жалб этилиши мумкин. Бунда асосий воситаларга очилган картотеканинг барча карточкалари миқдорий ва қиймат жиҳатдан текширилиб, улар ҳақиқий воситалар билан солиштириб чиқилади. Шунингдек, ҳар қандай ҳолда ҳам пул маблағлари, моддий қийматликлар ва ҳисоб-китоблар тўла инвентаризацияга тортилади. Агар инвентаризация ўтказилмаган бўлса, бу ҳолат бухгалтерия ҳисобини олиб бориши тўғрисидаги қонун бузилганлигини билдиради. Бу ҳақда аудитор ўз ҳисоботига ёзиб қўяди.

Хорижий давлатларда ҳам баланс формасининг икки томони мавжуд бўлади:

1. Актив балансининг бу томонида фирма мулкнинг ҳолати акс этирилади.

2. Пассив балансининг бу томонида капиталнинг пайдо бўлиши, яъни молиялаштириш манбалари кўрсатилади.

Германия фирмаларининг бухгалтерлик баланси структурасида балансининг активи қуйи-

даги бўлимлардан иборат:

А. Асосий фондлар (Асосий капитал).

Бу бўлимда фирманинг қиймати ёки бойлиги акс этирилади, бундан ташқари патент, лицензия, концессиялар, аввалдан тўлаб қўйилган пул бадаллари ҳам маълум бир муддатга бўлган ҳолатда акс этирилади. Шу бўлимда моддий ва молиявий капитал қўйилмалар ҳам моддаларга бўлинган ҳолда ҳисобга олиб борилди. Буларга ер майдонлари, машиналар, техник ускуналар, буюртма асосида тайёрланаётган ускуналарнинг қиймати, бошқа концернлар фаолиятида қатнашиш харажатлари, асосий воситалар бўйича қимматбаҳо қоғозлар ва бошқа қарзлар киритилади.

В. Айланма фонд (Айланма капитал).

Бу бўлимда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, концерннинг бошқа концерндаги қарзлари юзасидан даъволари, қимматбаҳо қоғозлари, чеклар, кассадаги нақд пуллари, почта ва кредит муассасаларидаги пул маблағлари ҳисобга олиб борилди.

С. Ҳисобот даврлари ўртасидаги харажатларни ҳисобга олишни чекловчи моддалар.

Балансининг пассив томонида:

А бўлим — Ҳусусий капитал.

В бўлим — Резерв фондига ажратмалар ва мажбуриятлар.

С бўлим — Ҳисобот даврлари ўртасидаги харажатларни ҳисобга олишни чекловчи моддалар деб номланади.

Аудитор ҳисоботларни текширганда балансининг иловасини ҳам чуқур таҳлил қилиб, барча текшириш натижаларини хулоса тарзида аудиторлик фирмаси бошқаруви ҳайъатига топширади.

Бу хулосада текширувчи фирманинг даромадлари ва харажатлари калькуляциясига, айниқса чет эл валютаси ҳисобидаги мажбуриятларга катта эътибор беради. Аудиторнинг кўрсатган камчиликлари эълон қилиниши, нотўғри хулосалари эса қонун ва солиқ солиш тартибига мос равишда тузатилиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига ўтиш ва ҳар хил мулкчилик шакллариининг пайдо бўлиши муносабати билан бизнинг мустақил республикамизда ҳам аудиторлик хизмати жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилмоғи лозим. Бу эса мавжуд назорат ва тафтиш органлари ишини такомиллаштиради, улардаги бир неча ўн йиллик ижобий тажрибалардан оқилона фойдаланиш яхши самара бериши муқаррардир.

Баходир ҲАСАНОВ.

Тошкент молия институти бухгалтерия ҳисоботи ва назорат кафедраси ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди.

Абдумўмин ТИЛОВОВ.

«Ҳаёт ва иқтисод» журнали муҳбири.

УСТҚУРМА ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ



**БОЙЛАР СИЕСАТГА ТАЪСИР КЎРСАТАДИМИ?
МИЛЛИЙ ПУЛ ҚАЧОН ЯРАТИЛАДИ?
ИШ ҲАҚИ ВА НАРХ-НАВО ҲАҚИДА
СОЦИАЛИЗМИ Е КАПИТАЛИЗМ? ИККАЛАСИ ҲАМ!**

I

Маълумки, устқурманинг асосий таркибий қисми ҳисобланган сиёсат иқтисодиётнинг муҳим қисми бўлиши шубҳасиз. Халқимизда «олдин иқтисод, кейин сиёсат» деган ибора ишлатилади. Бу фикр маълум маънода тўғри. Яъни, кўп бойликка эга бўлган кишилар давлат сиёсати таъсир кўрсатадилар, ҳатто уни белгилайдилар. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти устқурманинг ўзгаришига олиб келади. Лекин устқурманинг фаол ролини ҳам камситиш ярамайди. Устқурма ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти қилиши билан ўзгариб такомиллаштирилиб борилмаса, у тараққиётга тўсқин бўлиб қолади.

Шифокорлар ҳар қандай касални даволашдан олдин, уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, кейингина муолажа усулларини белгилайдилар. Ҳозирги иқтисодий соҳадаги қийинчиликларнинг, иқтисодий таназулнинг асосий сабаби — устқурманинг заифлашганлиги, таъсир кучининг сусайганлиги, амалдаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилувчи давлат муассасалари ишидаги йўл қўйилиб келинаётган камчиликларнинг кучайганлигидир. Корхоналар иқтисодий мустақилликка эришиш

билан қаноатланмай, амалда сиёсий мустақилликка ҳам эришдилар, корхона раҳбарларининг иш услубига қонунларнинг таъсири сусайди. Ҳар бир корхона раҳбари ўзбилармончиликка, бартер усули деб аталган иш услубига ўтиб олди. Режали ишлаш издан чиқди, режа ва битимларни бажармаган корхона раҳбарлари ҳеч қандай жазога тортилмадилар. Бир корхонадаги нотўғри иш бошқа корхоналарга ҳам тезда ёйилди, бутун мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Чунки, собиқ Иттифоқ жумҳуриятларидаги ишлаб чиқариш корхоналари бир-бирлари билан бевосита боғланган ҳолда ишлашлари мумкин эди, холос. Бундай вазиятдан, айниқса, иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантирмаган, ўзида ҳамма ишлаб чиқариш тармоқларини вужудга келтирмаган жумҳуриятлар зарар кўрдилар. Демак, иқтисодий тангликка олиб келган сабаблар асосан юқорининг йўл қўйган хато ва камчиликларидан келиб чиқди. Чунки, меҳнатқаш халқ одатдагидек, меҳнат қилишдан бўйин тоблаган эмас, у ишламоқда.

Жумҳуриятимиз мустақилликни эълон қилган дастлабки кунлардан бошлаб биринчи навбатда иқтисодий мустақилликни тўла таъминлаш, жумҳуриятимиз бо-

зорини четдан келган чайқовчилардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистоннинг миллий пулини чиқариш, собиқ Иттифоқ пулини ҳам муомалада амал қилишини таъминлаш лозим эди.

Энг муҳим тадбир, кўпгина товарлар баҳосини 1990 йилги даражада миллий ўлчов билан ўзгартирмаслик, собиқ Иттифоқ пули билан эса, миллий мустақил давлатлар ҳамкорлиги мамлакатларидаги баҳолар миқёсида ўзгартириб бориш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўзбекистон пулининг чиқарилиши муносабати билан иш ҳақини шу пул билан тўлаш, аҳолининг Жамғарма банклардаги собиқ Иттифоқ пули ҳисобидаги қўйилган пулларини, қийматга эга бўлган қоғозларни миллий пул миқдорига тенглаштириб қўйилиши, бошқа жумҳуриятларга боришни истаган кишиларга миллий пулни истаганларича собиқ Иттифоқ пулига алмаштириб беришни таъминлаш жумҳуриятимизда баҳо ва пул муомаласи мувозанатини осонлик билан амалга ошириш имкониятини берган бўлур эди. Бу тадбир биринчидан, жумҳуриятимиз иқтисодиётини барқарорлаштириб чайқовчиликнинг олдини олса, иккинчидан купон жорий қилишга олиб келмас эди.

Маълумки, пул тўхтовсиз қадрсизланиб бормоқда. Натижада аҳоли ўз пулини Жамғарма банкларида сақлашдан кўра, ўз аҳтиёжидан ортиқ бўлган кўп

товарларни сотиб олишга, кўп ҳолларда чайқовчилик фаолиятига сарф қилмоқда.

II

Жумҳуриятимиз мустақил янги жамият қуришга киришди. Бозор иқтисодиёти ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш бўйича эълон қилинган ҳужжатлар асосан умумий мавзуга эга: аниқ ва қатъий фикрлар айтилган эмас. Бу ҳужжатларда иқтисодиётни капиталистик йўлдан ривожлантириш мўлжалланган. Лекин жумҳуриятимизда капиталистик йўлдан бориш имконияти борми ёки йўқми, деган масалага эътибор берилиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, капиталистик давлатларда иқтисодий изчил ривожланишнинг асосий омилларидан бири — мустақам устқурманинг шаклланишидир. Жумҳуриятимизда бундай устқурмани вужудга келтириш учун қатъий тадбирлар қўлланилаётган эмас. Яъни, амалда мавжуд бўлган қонунларнинг тўла бажарилишини таъминловчи услуб (механизм) ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодиётга оид мақолаларда бозор муносабатларига ўтишнинг аҳамияти фақат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишдан иборат, деб баҳоламоқда. Унинг йўналишини белгилашда тўла илмий асосланмаган, мужмал, тахминий фикрлар айтилмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг оқибатлари, қийинчиликлари ва уларни баргафати этиш йўллари диққат эътибордан четда қолмоқда. Биринчи навбатда, бозор иқтисодиётига ўтиш учун аҳоли тайёрий-йўқми, деган масала муҳокама қилинмади, бу ўз навбатида кўнгилсиз воқеаларга олиб келди. 1992 йил, 16-17 январдаги талабалар шаҳарчасидаги тартибсизликларнинг асосий сабабчиси — купонларнинг ўз вақтида берилмаганлигига олиб келган омил — устқурма ролининг бўшашиб кетганлиги, қонун-тартибот ишларига тўла амал қилинмаганлиги, демократияга кенг йўл очилмаганлигидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ниҳоятда тадбиркорлик билан, ҳар томонлама ўйлаб амалга оширилиши, бу масалада мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар дастурлари кўчира қилинмаслиги лозим. Шунини таъкидлаш керакки, Рос-

сия Федерацияси, Украина, Белорусь ва бошқа Европа давлатларида яшовчи халқлардан Ўрта Осиёнинг миллий аҳолиси урфодатлари, дунёқарашлари жиҳатидан катта фарқ қилади. Жумладан, Ўзбекистонда яшовчи миллий халқлар вакиллари даромадларининг ҳаммасини сарфламайдилар, улар қанчалик иқтисодий қийин шароитда яшамасинлар, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун кўп миқдорда пул ва ҳар хил истеъмол буюмлар жамғарадилар. Ишлаб чиқариш ва баҳони режалаштиришда бу хусусият эътиборга олинishi керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий шартларидан бири — иш ҳақининг пастки чегараси ва товарлар баҳосининг юқори даражасини қатъий белгилашдир. Лекин баҳонинг юқори чегараси аҳоли реал даромадларига мувофиқ ҳолда, ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг маълум даражада фойда олишига мувофиқлаштириб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Аҳолининг ўртача иш ҳақи ва реал даромадларини давлат бюджетидан олинандиган иш ҳақи ҳисобидан аниқлаш муҳим. Чунки, бюджетдан олинандиган иш ҳақи тез ўзгармайди ва у ҳақиқий даромаднинг ифодалайди. Раҳбарлар ва ходимлар, оддий меҳнатқашларнинг ўртача иш ҳақи айрим-айрим аниқланиши керак. Шунини таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда кишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатқашларнинг ўртача иш ҳақи бошқа соҳалар ходимлари иш ҳақига нисбатан жуда паст.

Агар баҳолар чегараланмаса, ишлаб чиқарувчи сунъий равишда кўп миқдорда фойда олиб, унинг меҳнат унумдорлигини оширишга қизиқиши сусаяди. Тижорат билан шуғулланувчилар ҳам юқори баҳолар ёрдамида текин фойда миқдорини ошириб борадилар.

Халқ истеъмоли товарлари баҳосини туширишнинг ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири халқ истеъмоли товарлари савдосини такомиллаштиришдир. Гап шундаки, ҳозирги кунда жумҳуриятимизда акционерлик «Савдо» («Ўзбексавдо») уюшмаси ва «Ўзбекбирлашув»нинг жумҳурият, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва кишлоқлар миқёсида йирик тармоқлари

ва шохобчалари мавжуд. Бозор иқтисодига ўтиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида, чакана нархларни тушириш ва жуда катта миқдордаги олиб сотарлар армиясини камайтириш талаб қилади. Ана шу мақсадда давлат акционерлик «Савдо» уюшмаси ва матлубот жамиятлари савдо муассасаларини тугатиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбир авж олиб кетган чайқовчиликнинг илдизига болта уриш имкониятини беради. Савдо иши билан эса, асосан ишлаб чиқарувчи корхона шуғулланса ана шу мақсадга эришилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида савдо бўлими ташкил қилиниб, ана шу бўлимлар орқали ҳар бир шаҳар ва туманда, кишлоқларда ўз товарларини сотадиган дўконларига эга бўлишлари керак. Бу тадбир ҳам етарли даражада ижобий натижа бермаслиги мумкин. Чайқовчиликнинг олдини олишнинг муҳим йўли, шаҳарлар, туманлар, кишлоқларда аҳоли томонидан ташкил қилинадиган савдо кооперативларидир. Бундай кооперативларда ишлайдиган савдо ходимлари шаҳарларда маҳаллий аҳолиси томонидан, давлат ва жамоа хўжаликларига шу хўжаликлар аҳолиси томонидан сайланиши ва улар олдида ҳисоб бериши керак. Бунда биринчидан, корхона сифатли, харидорталаб товар ишлаб чиқаришга бевосита киришади. Иккинчидан, бозор иқтисодиёти барометрини бевосита ўзи кузатади. Аҳоли савдо муассасалари сифатсиз товарларни корхонага қайтариб беради, олишдан бош тортади. Сотилмаган товарлар учун кўрилган зарар бевосита корхона зиммасига тушади. Сифатсиз ёки яроқсиз товарларнинг нархларини арзонлаштириш ёки ҳисобдан чиқариш бўйича кўрилган зарар ҳисобланиши статистик маълумот сифатида эълон қилиниши зарур. Учинчидан, ишлаб чиқариш ва савдодан келадиган фойданинг катта қисми олибсотарлар ва чайқовчилар ихтиёрига эмас, балки корхона фондига келиб тушади ва у ишлаб чиқарувчилар турмушини янада яхшилаш ва корхона ишлаб чиқаришини фан-техниканинг янги ютуқлари асосида кенгайтириш имконияти яратилади. Тўртинчидан, энг муҳими, ҳозирги шароитда аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашиб боришига сабаб ишлаб чиқариш-

нинг маълум даражада камайгани билан бир қаторда, жуда кўп миқдордаги халқ истеъмоли ва пул маблағларининг савдо ходимлари томонидан тўплаб қўйилганлигидир. Бу масалага ҳозирги кунда етарли даражада эътибор берилиши зарур.

Чет элдан сотиб олинadиган товарларни давлат ташқи савдо муассасасининг махсус бўлимлари ҳар бир вилоят, шаҳар, туман савдо муассасаларига аҳоли сонини эътиборга олиб, қатъий баҳолар белгилаган ҳолда тақсимлаши керак. Бу тадбир ишлаб чиқариш тартибсизлигига олиб келган бартер усулини йўқ қилиш билан амалга оширилиши, иқтисодий инқироздан чиқиш учун муҳим тадбирлардан бири бўлиши мумкин. Гап шундаки, ҳар бир соноат қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар, муассасалар жумҳуриятимизда ёки чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (масалан, Сибирь ёғочини) сотиб олмоқчи бўлса, у ташқи савдо вазирлигининг маҳаллий (вилоят) филиалига ёки вилоятдаги давлат таъминоти муассасасига буюртма бериши керак. Чунки, жумҳуриятимиз корхонаси чет эл корхонаси билан брокерлик шартномаси тузса-ю, маълум сабабларни важ қилиб у корхона шартномани бажармаса, унда корхонамиз шикоятини чет эл давлати тингламайди; бундай шикоятлар оз бўлмаслиги мумкин. Агар жумҳуриятимизнинг махсус муассасаси бу иш билан бевосита шуғулланadиган бўлса, у чет давлатнинг тегишли муассасаларига ёки раҳбарларига давлат номидан мурожаат қилиб, маълум натижаларга эришиши мумкин. Ташқи иқтисодий алоқалар билан давлатнинг махсус муассасалари ёки Ташқи савдо вазирлиги шуғулланса, бу халқроқ чайқовчиликнинг олдини олади ва иқтисодий барқарорликка олиб келади.

Иқтисодий танглиқдан чиқишнинг йўллари билан яна бири бошқариш муассасалари ходимлари сонини қисқартиришдир. Тўғри, сиёсий бошқариш ходимлари сони бирмунча қисқартирилди. Лекин иқтисодиётни бошқариш билан шуғулланувчи вазирликлар, бошқармалар, трестлар ишини ислоҳ қилиш юзлаб, минглаб қоғозни «қоралаш» билан шуғулланувчи, иш самараси сезиларли бўлмаган ходимларни қисқартириш ишида сезиларли

тадбирлар қўлланилаётгани йўқ. Бошқариш ходимлари сонини қисқартиришнинг муҳим омилларидан бири, улар ишида механизация ва автоматика воситаларидан кенг фойдаланишдир. Афсуски, бу ишда ҳам туб ўзгаришлар бўлаётгани йўқ.

Иқтисодий бошқариш соҳаси ходимлари сонини қисқартириш — ишлаб чиқариш устидан давлат назоратини сусайтириш, деган фикр эмас. Аксинча, ишлаб чиқариш ва тижорат устидан қатъий давлат назорати ўрнатилмаса, бу ишлаб чиқариш тартибсизлигига ва вақти-вақти билан тақрорлаб турадиган инқирозларнинг бўлиб туришига олиб келиши муқаррар.

Айрим соҳалар — машинасозлик, самолётсозлик, ҳарбий қурол-аслаҳалар ишлаб чиқариш ва шунга ўхшашлар билан фақат давлат шуғулланиши бу соҳаларни ривожлантириш бўйича махсус дастур ва режалар тузиб, уларнинг бажарилишини, таъминлаш қутилган натижалар беради.

Корхона фаолияти устидан давлатнинг доимий назорати, тўлиқ статистик маълумотга эга бўлиш, банк орқали ёки корхона молиявий ҳолатини тафтиш қилиш йўли билан аниқ қиймат маълумотларига эга бўлиш иш ҳақи, солиқларни тўлашни тартибга солишда асосий омил бўлади. Шу билан бирга, аниқланган маълумотлар асосида корхона ишини яхшилашда давлатнинг кўрсатмалари, буюртмалари муҳим бўлади. Чунки, аниқ статистик маълумотларга эга бўлмай туриб аниқ режа тузиб бўлмайди, ҳар хил иқтисодий тадбирларни амалга ошириш қийинлашади. Шунга қайд қилиш керакки, ривожланган капиталистик мамлакатларда статистика ишлари юқори даражада такомиллаштирилган.

Ҳар қандай иқтисодга, жумладан бозор иқтисодига ўтишнинг энг муҳим тадбирларидан бири, юқорида қайд қилинганидек, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Бозор иқтисоди шароитида ишсизликнинг кўпайиши муқаррар. Бундай вазиятдан фойдаланиб, хусусий корхоналар эгалари ишчи ва хизматчиларга тўла иш ҳақи тўламаслиги, уларга нисбатан ноқонуний муносабатларда бўлиши мумкин. Бундай ҳолларга чек қўйиш мақсадида корхона маъ-

мурияти фаолияти билан давлатнинг махсус муассасалари ёки махсус тузилиб, доимий ишлайдиган комиссиялар шуғулланиши керак. Бундай комиссиялар таркибида ҳуқуқшунослар, соғлом фикрли халқ ноиблари бўлса, улар аҳоли ишончини оқлаши мумкин.

Демак, бозор иқтисодига ўтишда жумҳуриятимиз асосан ўрта йўлни, яъни социализм ва капитализм афзалликларидан фойдаланadиган ривожланиш йўлини танлаши зарур. Бу муаммони ечишда ривожланган капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий соҳалардаги прогрессив ютуқларидан синчковлик билан фойдаланишимиз керак. Шунга алоҳида таъкидлашимиз керакки, биз капиталистик мамлакатлардан асосан ишлаб чиқаришни хусусийлаштириш йўли билан унинг самарадорлигини ошириш йўлини ўрганишимиз ва ўзимизда амалга оширишимиз зарур. Бирор капиталистик мамлакатнинг ривожланиш йўлини тўла қабул қилмасдан, ўрта ривожланиш йўлини танлашнинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, узоқ йиллар социализм тузумида яшаб келган халқларнинг руҳий табиатини дарҳол ўзгартириб бўлмайди, бу ниҳоятда муҳим масала. Аҳолини янги тузум ишлаб чиқариш муносабатларига ўргатиш ва кўниктириш аста-секинлик билан, шошилмай амалга оширилиши керак. Акс ҳолда, иқтисодий қийинчиликларнинг сабабини бозор муносабатларига ўтишдан, деб билиб халқнинг норозилиги кучайиши мумкин. Бундай вазиятни Россия федерацияси мисолида кўриб турибмиз.

Шундай қилиб, ҳозирги даврнинг муаммолари хилма-хил, уларни ҳар томонлама ўрганиш, илмий фикрлаш ва жонли мушоҳада қилиш йўли билан ҳал қилиш — давр талаби. Шулардан энг муҳими, устқурма билан шуғулланувчи давлат институтлари ишини қайта кўриб чиқиб, заифлашган давлат машинаси таъсир кучини жонлантиришнинг шошилмач чоралари кўрилмаса, сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий инқироздан чиқиш имконияти бўлмайди.

Рўзиқул ДИЛМУРОДОВ,
Қарши политехникумининг
катта ўқитувчиси,
иқтисод фанлари номзоди.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Ҳурматли президент!

Мустақил давлатнинг мустақил қадамлари учун ҳар бир фуқаронинг эркин, мустақил фикри зарур. Кишилик оламининг, шу қаторда жамиятнинг ривожини эркин фикрлаш ва шу фикр, ғояни айтишдан иборатдир. Шу кунгача биз ҳар доим бир хил қолиғда ўйлар ва сўзлар эдик. Нима учун фикрлар хилма-хиллиги, ғайритабиий ўйлар, тасодифий ўйлар орқали масалани, муаммони ҳал этиш мумкин эмас? Шундан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаронинг ҳолис, бегараз маслаҳати-ю юрак дарди давлат бошқаришда асқотади, деб ўйлаган ҳолда ўз фикрларимни билдирмоқчиман.

1) Қадимий туркий давлатлар тарихидан маълумки, бир қонуният даври мавжуд бўлган. Бу — туркий давлатларнинг бирлашиш ва тарқалиш давридир. Ҳозирги райт, айниқса Ўрта Осиёда туркий халқларнинг тарқалиш даврига тўғри келади. Барча тўсиқларни енгиб, Ўрта Осиёлик туркийларга ягона чегара, ягона армия, ягона гул бирлигини яратиш зарур. Бу бош мақсад бўлиб қолиши даркор.

2) Давлат бошлиғи ҳақ ва ноҳақни вақтида аниқлаб, адолат билан иш тутмоғи лозим. Халқ манфаати йўлига ғов бўлувчиларга нисбатан курашувчан, ўз манфаатига нисбатан ғоят доно ва эҳтиёткор бўлмоғи зарур.

3) Эътиқоди мустаҳкам, меҳр-шафқат ва оқибат кундалик дастури бўлмоғи даркор. Халқни маърифат йўлига чорлаш, дунёвий илмларнинг барча соҳаларини юксак даражада эгаллаш учун барча имкониятларни сафарбар этиш керак. Мамлакатни обод этувчи илмлар чўққисини эгаллаш йўлида бор имкониятларни ишга солишдан чўчимаслик керак. Шу билан бирга узоқ келажак авлодларимизнинг ризқ-рўзи, манфаатини кўзда тутиб, мамлакат бошига турли тасодифан тушадиган фожеаларни назарда тутиб, мумкин қадар бойлик захирасини барро этиш лозим.

4) Давлатни бошқаришда ҳар бир соҳадан энг билимдон, халқ манфаатини устун қўядиган 5 нафардан кишиларни танлаб, улар ўз соҳалари бўйича давлат дастурини ишлаб чиқмоқлари керак. Шу тариқа ишлаб чиқилган дастур халққа матбуот, ойнаи жаҳон, радио тўлқинлари орқали эълон қилиниб, кенг муҳокамага қўйилиши керак. Кадрлар тайёрлаш жараёнида шахсларнинг насл-насабини, хулқ-атворини, соғлигини чуқур ўрганиб, сўнг амал курсисига ўтказиш лозим.

Мирсаид НУРҶОНОВ,
республика маънавий маданият
тарғибот маркази раҳбари.



Мен «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман. Чунки, ойноманинг ҳар бир сонисида ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида кўндаланг бўлаётган муаммолар тўғри ёритилмоқда. Менга шу йилнинг 6-сонисида иқтисодчи Муҳиддин Маматхонов қаламига мансуб «Аудит назоратнинг янги тури» мақоласида юритилган фикрлар жуда маъқул бўлди. Муаллиф жуда тўғри фикрларни ўртага ташлаган. Чунки, ҳаммамизга аёнки, ҳозирги бозор иқтисоди даврида республикамизнинг ўзининг ҳисобот назорати тўғрисида қонуни бўлиши керак. Умуман айтганда жумҳуриятимизда кечаётган иқтисодий жараён бухгалтерия ҳисобот ишларини ҳам қайтадан кўриб чиқишни ва замонавий ҳисоб-китоб ишларини жорий қилишни тақозо этади. Шунинг учун сизлардан илтимос, ана шу соҳада иқтисодчиларимиз мақолаларини мунтазам бериб бора-сангизлар. Салом билан мухлисингиз.

Давлат ЖУМАБОВ,
Урганч шаҳар,
1-май кўчаси, 42-уй.

Ассалому алайкум «Ҳаёт ва иқтисод» журнали ходимлари! Мен яқинда ойномада эълон қилинган (1992 йил 4-сон) «Ҳаёт тақозоси» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Гапнинг очиғини айтганда, ҳақиқатан ҳам бизнинг Ўзбекистон шароитида солиқлар ҳақида тушунча бера оладиган, уни илмий асослаб берадиган бирон бир ойнома, рўзнома ёки бирон бир ташкилот йўқлигига амин бўлдим. Бўлса ҳам уларнинг бизлар (қуйи звено)га юбораётган қўлланма(инструкция)лари етиб келмаяпти.

Бозор иқтисоди шароитида, янги-янги қўшма корхоналар, фермерчилик, пудрагчилик, хусусий корхоналар кўпаяётган бир шароитда солиқлар ҳақида тушунчаларимиз шаклланмаганлиги жуда ачинарлидир. Агар республикамиз иқтисодини ёритувчи бирдан-бир «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасида тўлиқ ва илмий асосланган солиқлар тизими ҳақида мақолалар бериб борилса айни муддао бўлар эди.

Сизлардан илтимос, ойномангиз мундарижасидан ана шу соҳага ҳам кўпроқ ўрин берсангизлар. Салом билан бир гуруҳ журналхонлар номидан:

Абдурашид АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой райони, Хўжасоат қишлоғи.

УРУШ ВА ЭКОЛОГИЯ

- ИНСОНИЯТ НЕЧА ЙИЛ ТИНЧ ЯШАГАН?
- ТҮРТ АСРДА 75 МЛН. ГА ЯҚИН ҚУРБОН.
- ЯДРО ҚУРОЛЛАРИ ҚАЕРДА СИНАЛАДИ?
- АМЕРИКАНИНГ ҲИНДИ-ХИТОЙГА ЮРИШИ ОҚИБАТЛАРИ.
- ҚУЕШ НУРЛАРИ КУЧСИЗЛАНГАНДА ЕКИ КУЛ ЗАРРАСИНИНГ ЗАРАРИ.
- ТИКЛАНИШ ОРОЛИ — ИНҚИРОЗ ОРОЛИ.

Табиатни инсон ҳар хил воситалар билан топтади. Бу топташлардан бири жамиятдаги қуроли тўқнашувлардир. Урушсиз, жангу жадалсиз яшаган даврлар ҳам бўлганми, деган савол туғилиши табиий. Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашларича, ер юзида охириги 5500 йилдан атиги 292 йилигина тинчлик билан, яъни урушларсиз ўтган, қолганлари эса нафақат инсониятга, балки табиатга ҳам кўпгина талофат келтирган урушлар билан ўтган экан. Жаҳон халқлари 20 000 тага яқин катта-кичик қонли тўқнашувлар, урушларнинг гувоҳи бўлган.

XVII асрдаги урушларда 3,3 млн. киши, XVIII асрдаги урушларда 5,4 млн. киши ва XIX асрдаги урушларда 5,5 млн. киши қурбон бўлди. Иккинчи жаҳон уруши 60 млн.дан ортиқ кишининг ёстигини қуритди. Бу фақат ҳалок бўлганлар рақами. Бу ерда яна экология ва табиатга етказилган зиёнлар қанча?

Урушлар ўчоги гуркираб ривожланган сари қурооллар ҳам мукаммаллашиб борди. 40-йилларда ядро қурооллари яратилиб, синаб кўрила бошланди. Худди шу пайтда биосферанинг ҳамма компонентлари: жонли ва жонсиз борлиққа шикаст етказила бошлади.

50-йиллар бошида Америка Қўшма Штати вакиллари Тинч океандаги Бикини оролида ўзларининг ядро қуроолларини синаб кўридилар. Бу оролдаги ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан ному нишон қолмади. 60-йилларга келиб оролдаги биологик ҳаётни изга тушириш учун бир гуруҳ, табиатшунос олимлар юборилди аммо уларнинг барча меҳнат, уринишлари зое кетди.

Америкалик олимлар томонидан атом бомбалари синаб кўрила бошлангандан сўнг бошқа мамлакатлар ҳам бу қурол устида ўйлай бошладилар. 1949 йил биринчи совет атом бомбаси кашф этилди ва синаб кўрилди. 1953 йилда — водород бомбаси, 1955 йилда термоядро қуроолининг ўрнини босувчи қурол — заряд яратилди.

1 мегатоннага эга бўлган ядро бомбасининг портлашдан, тахминан, 1000 кв. км. ҳудуд (летал ҳудудга, яъни инсониятни буткул ҳалокатга дучор қиладиган зона) ҳалокатга учрайди. Бу ҳудудда нурланиш бир суткада 600 ва ундан юқори бэрга тенг бўлади. (Бир суткада 400 бэр нурланиш жонли мавжудотнинг 50 фоиз ўлимига олиб келади, бир суткада 100 бэр билан нурланиш эса одамни нурланиш касаллигига чалинтиради). Инсон учун радио-

актив моддаларнинг рухсат этиладиган чегарадаги меъёри бир йилда 5 бэрни тақозо этади. Бундан ортиқ радиация нурланиши тирик организмнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Нейтрон бомбасининг ижодкорлари, бу бомбанинг катта афзаллиги қилиб, унинг одамларни нобуд қилиши, аммо атроф-муҳитга зиён етмаслигини кўрсатишади. Аслида эса бу қурол ёрдамида табиат ресурсларини асраш эмас, балки аҳоли жуда зич бўлган жойларда моддий бойликларни бус-бутунлигича сақлаб қолиш мақсадлари ётади. Нейтрон бомбасининг биологик таъсири бошқа бомбалардан анча юқори ва у ҳам портлатилганда атроф-муҳит нурланади.

Агар биз урушларни ҳавбат билан ўрганадиган бўлсак, уларнинг экологик оқибатларини ҳар хиллигини тез пайқаймиз. Энг олдинги урушлар натижасида қуруқликдаги қишлоқ хўжалик экосистемалари (агроэкосистемалар) кўп талофат кўрган бўлса, кейинги урушларда ўрмон экосистемалари ва сув экосистемаларига беқиёс талофатлар етказилган. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг индейларга (1865—1898 йиллар) қарши урушида чорага, суғориладиган ерларга ва озиқ-овқат запасларига экологик талофатлар етказилган. Иккинчи Япон-Хитой уруши (1937—1945 йиллар) пайтида Сарик дарёсидаги Хуанькоу дарё тўғони портлатилиб, икки шаҳар сув остида қолган, 4 минг қишлоқ ўз маҳсулоти ва барча аҳолиси билан нобуд бўлган. Агар биринчи жаҳон урушида Франциядаги 1,5 фоиз ўрмон йўқотилган бўлса, иккинчи жаҳон урушида бу 4 фоизни ташкил этган.

Америка Қўшма Штатлари 1964 йилдан бошлаб Ҳинди-хитойга қарши уруш бошлади. Фақатгина 1975 йилга келиб Вьетнам халқи галаба қозонди. Ўз моҳиятига кўра, бу уруш нафақат инсониятга, балки табиатга ҳам қаратилган бўлиб, олдиндан фикрлаб, тайёрланиб бошланган комплекс характерли экологик уруш эди. Ўсимлик ва ҳайвонот оламига нафақат кучли химикатлар орқали, балки кучли механизмлар орқали ҳужум қилинган эди, ҳатто Пентагон «Римли плуг» дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошира бошлаган эди. Мазкур дастур бўйича 33 тоннали 200 та оғир бульдозерлар ўзларидаги маҳсус қайчилар орқали ҳар хил қалинликдаги дарахтлар билан қопланган ўрмонларни йўқ қилиб юборар эдилар. Бундай бульдозерлар 325 минг гектарли тропик ўрмонни бир неча йилдаёқ йўқ қилиб юборди. Каучук плантациялари ҳам 75 метрли қалин занжир уланган икки трактор ёрдамида пайҳон этилди.

Жанубий Вьетнамдаги «Рэнч хэнд» операциясида америкаликлар томонидан 15 хил кимёвий бирикмалар ва тавсияномалар (бу тавсияномаларда агроэкосистемалардаги маданий ўсимликларни ва дарахт-буталарни кимёвий йўл билан йўқотиш учун қўлланадиган тез таъсир этувчи кимёвий моддаларни ишлатиш кўрсатилган эди) синаб, ишлатиб кўрилди. Натижада, мангрова ўрмонларининг 500 минг гектари, чангал ўрмонларининг 4 млн. гектарга яқини, ўрмон текисликларининг 100 минг гектарга яқини бутунлай йўқ қилиб ташланади. Ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетган мангрова ўрмонларининг ўрнида лойсимон ботқоқ сақланиб турибди.

Табийки, ўсимликлар оламига етказилган бу катта офатдан ҳайвонот олами ҳам бенасиб қолмаган. Фақатгина 150 турга мансуб қушлардан 18 турига яқини сақланиб қолган. Ҳашоратлар, сув ва қуруқликда яшовчи жониворлар деярли йўқ бўлиб кетишган. Сув экосистемаларида эса балиқлар сони бутунлай камайиб кетди. Вьетнамлик мутахассислар фикрича, яқин орадаги 100 йил ичида ҳам ўрмон экосистемаларини олдинги ҳолига келтириш мумкин эмас. Тропик ўсимликлар орасидан минг турга мансуб ўсимлик йўқотилган, ҳатто инсон ёрдами билан ҳам ўсимлик ва ҳайвонот оламини олдинги ҳолига келтириш мумкинлиги амри маҳол.

Вьетнамдаги экологик ҳолат кескин бузилиб, тупроқнинг кислоталиги ва эрозияси ошиб кетди. Унинг оптимал зичлиги оғир тракторлар таъсирида йўқолиб, тупроқ микро-организмлари бутунлай ҳалок бўлди. Юқорида айтиб ўтилган кимёвий моддалардан 2 млн. киши жафо кўрган. Шулардан 3,5 минг киши ўша заҳоти ҳалок бўлишган. Тирек қолганлар эса умр бўйи ирсий, қон, жигар ва марказий нерв системаси касалликларига чалиндилар.

1991 йил февраль ойда Ироқ-Қувайт уруши бошланди. Юқоридаги урушлар каби бу уруш ҳам биосферанинг кўп параметрларини салбий ўзгаришларга дучор қилди. Уруш ҳаракатлари оқибатида Форс кўрфазидидаги 600 га нефть қудуқлари ёндириб юборилди. Бундай катта ёнғинни тўхташиш ишлари олиб борилди. Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, ҳар куни ҳавога 22000 тоннадан 50000 тоннагача ёнғин кули чиқиб кетди. Ҳавога тарқалаётган бу кул зарраларининг тақдирини нима бўлади? — деган савол қўйилиши табиий. Калифорния дорилфунунининг К. Саган ва Р. Турко раҳбарлигидаги гуруҳлари бу тугуннинг 2 хил ҳаракат ҳолати бўлишини тахмин қилмадилар. Агар бу кул зарралари тропосферадан (яъни 12 км дан юқорига) кўтарилиб, планета ҳаво ҳароратига таъсир кўрсатмай шамол орқали ерга тарқалади, кейинроқ ер қобиғига қўнади. Агар бу зарралар тропосферадан кўтарилиб стратосферага тушса, унда аҳвол ўзгача тус олади. Стратосферада шамол ғарбдан шарққа томон соатига 50 км тезликда эсади. Шу сабабли кул зарралари кўп ойлар давомида қуёш нурларини кучсизлантириб, Ер атрофида қолади.

Ёнғин баландлиги олов ҳисобидан 150—200 метрни, кул ва туффон баландлиги 1 км ни ташкил этган. Нефть ёнғини манбалари биргалликда марказий ёнғин қуюнини ҳосил қилиб, кул зарраларининг тропосферадан кўтарилиб кетиш хавфи бор. Р. Турко таъкидлашича, зарралар 25 км, юқорига кўтарилиш қудратига эга. Компьютерли моделлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, худди шундай ҳодиса рўй берган тақдирда, тугун, кул булутлари 4,5 млн. километр майдонни эгаллайди. Бу эса қуёш энергиясининг ерга тушиш микдорини 20 фоизга камайтириб юборади. Бу нарса катта экологик талофатдан дарак беради. Бу борада Ҳиндистон айниқса кўп зарар кўради, чунки Қувайтдан стратосфера шамолнинг марказий оқими ўтадиган томонда — Ҳиндистон жойлашган. Ҳароратнинг пасайиши ҳар галги мавсумий муссон ёмғирларини ёғмаслигига сабаб бўлади. Натижада, қуруқчилик ва очлик рўй беради.

Худди шундай ҳол бўлиши мумкинлигини Британия метеорологик хизматчилари ҳам таъкидлашмоқда.

Демак, уруш оқибатида рўй берган нефть қудуқларининг портлатилиб юборилиши на фақат сув, балки қуруқликдаги экосистемаларга ҳам, қисқа қилиб айтганда комплексли салбий таъсир қилади. Сув юзасининг нефть билан қопланиши сув ўтларининг фаолиятига, сув жониворлар оммасининг қирилишларига сабаб бўлади.

Тинч даврда нефть манбаларидан нефтни олиш ва бошқа жойларга етказиш натижасида ҳам океан, денгиз сувлари нефть билан ифлосланган. Ҳозирги пайтда ҳар хил манбалардан йил давомида 6 млн. тоннагача нефть гидросферага келиб тушмоқда. Шундан роппа-роса ярмиси нефть манбалари ва уларни ташиш вақтида гидросферага тушади.

Кўрфазда рўй берган нефть ёнғинининг экологик талофотини кўз олдимишга келтириш жуда мушкул. XX асдаги урушлар фақат инсониятга, унинг келажагига раҳна солибгина қолмай, балки табиатга, ернинг ҳаёт мавжуд бўлган қобиғига қаратилган бўлиб, экосистемаларнинг биологик,

физик, кимёвий параметрларига салбий таъсир қиладиган урушлардир.

Дунё миқёсида ишлаб чиқарилган ядровий қирғин қуроллари ва барча портловчи моддалар қуввати 18000 мега-тоннани ташкил этади. Бу биосферани бир марта эмас, бир неча марта қайта-қайта йўқ қилиб юбориши мумкин.

УРУШЛАР ВА ҲАРБИЙ НИЗОЛАРДАН КЎРИЛГАН ЗАРАРЛАРНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ

Урушлар ва ҳарбий низола	Ҳарбий кучлар ва фуқаролик аҳолисининг йўқотилиши	Моддий зарарлар
Биринчи жаҳон уруши	10 млн. га яқин киши ўлдирилган. 20 млн. киши жароҳатланган	260—360 млрд. доллар.
Иккинчи жаҳон уруши	60 млн. дан кўпроқ киши ўлган. 90 млн. киши жароҳатланган	3300—4000 млрд. доллар
1945—1983 йиллардаги ҳарбий низола (150-дан кўпроқ)	10 млн. дан кўпроқ киши ўлган ва жароҳатланган	Бир неча юз млрд. доллар; қуролланиш пой-гаси учун харажатлар 75000 млрд. доллар
1991 йил Ироқ-Қувайт уруши		200 млрд. доллар. Бу урушда ҳар бир кунги харажатлар тахминан 0,5 дан 2 млрд. долларни ташкил этади.

Иккинчи жаҳон уруши давридаги портлашлар оқибатида 350 млн. м³ чанг-қум ҳавога кўтарилган, сувга чўктирилган танкерлардан 5,5 млн. тонна нефть тўқилган. Шу даврда (собик) СССРда 20 млн. гектар ўрмонлар, 505 минг гектар боғлар, 153 минг гектар узумзорлар кесилган ва пайҳон қилинган.

Аслида она табиатнинг ҳар бир қарич ери азиз, тупроғи олтинга тенгдир. Аммо бу замин узра, бу азиз тупроқ узра нафақат қонли жанглар, балки сифат жиҳатдан хилма-хил бўлган қуроллар ҳам бетиним синовдан ўтказилади. Бунга мисол қилиб Орол денгизини кўрсатишимиз мумкин. Орол экосистемасининг марказида Тикланиш ороли бор, бу оролни «Орол—Осиё—Қозоғистон» кўмитасининг раиси, ёзувчи Мухтор Шаханов «Инқироз ороли» деб атади. Чунки, бу тикланиш оролида кейинги 40 йил давомида бактериологик қуроллар синовдан ўтказиб келинар экан.

Планетамиз миқёсида айна пайтда қуролланиш учун минутига 1,5 миллион доллардан кўпроқ, ҳафтасига 15,4 миллиард долларга яқин, бир йилда эса 800 миллиард доллар атрофида маблағ сарфланади.

Жаҳон халқлари олдидаги вазифаларнинг энг асосийси оламда тинчликни сақлаш, Инсониятнинг ўз уйи — Она табиатга нисбатан маъсулиятини оширишдир. Токи, заманимизда ўсимликларнинг ҳам, жониворларнинг ҳам, сув-ҳаво, тупроғимизнинг ҳам ҳеч бир зарраси жафо кўрмасин!

Ҳакима САЛОМОВА,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг доценти,
фалсафа фанлари номзоди.

Насим АЛИМОВ,
шу институтнинг иқтисодий назарий кафедраси катта ўқитувчиси.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ

Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз озиқ-овқат саноати олдида бир қатор муаммолар йиғилган бўлиб, уларнинг ечими бошқа жумҳуриятларнинг иқтисодий муносабатларда туган ҳолатларига борлиқ бўлиб қолмоқда. Кўпгина саноат корхоналари хом-ашё етишмаслигидан ўз фаолиятларини бошқа йўналишга буриш, ёки хом-ашё келишини кутишга мажбур бўляптилар. Шу вақтгача озиқ-овқат саноатимиз аҳоли эҳтиёжини қондириш учун жуда зарур бўлган қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар ишлаб чиқаришда кенг ишлатиладиган маза берувчи органик кислоталарни, пектин моддасини ва ранг берувчи моддаларнинг асосий қисмини бошқа жумҳуриятлардан олар эди.

Кўп йиллик илмий-тадқиқот ишларимиз натижаси, юқорида кўрсатилган моддаларни жумҳуриятимизнинг консерва ва виночилик саноатида ишлатиладиган хом-ашёни фойдаланилмай, чиқиндига чиқариладиган қисмидан олиш мумкинлигини кўрсатди.

Коньяк тайёрлаш учун зарур бўлган спирт одатда винодан тортиб олинади. Жумҳуриятимизнинг бундай спиртта бўлган эҳтиёжи асосан Испания, Франция, Югославия ва Моллавия каби мамлакатлардан экспорт ҳисобига қондириляпти, маҳаллий спирт тайёрлаш салмоғи эса имкониятларимиз даражасидан бир неча баробар паст. Узумчилик яхши ривожланган бизнинг жумҳуриятимизда коньяк спиртига бўлган эҳтиёжимизни маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобига тўла қондириш имконияти бор. Агар ҳозиргача коньяк спирти олиш йилига 3 млн. декалитр деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулоти ҳосил қилган бўлса, уни 15 млн. декалитрга етказиш учун хом-ашё ва ишлаб чиқариш қувватлари етарли. Деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулоти таркибида органик кислоталар (лимон, вино, сут ва бошқалар), минерал моддалар, полифенол борлигини аниқлади. Таркибида бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда ишлатилиши мумкин бўлган қимматбаҳо моддалар бўлишига қарамадан деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулотини шу кунгача ишлатмасдан чиқинди сифатида ташлаб юбориларди. Ишлатилмаслик сабабларидан бири уни сақлаганда тез бузилиш ва яроқсиз ҳолга келишидир. Эндиликда эса уни консервалаб йил давомида ишлатиш учун имконият яратилди. Деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулотини соғлом ва қанд касали билан касалланган кишиларга мўлжалланган мармелад ва ичимликлар, ҳамда олма туриpidан эритиб олинган пектин моддасини ишлатиб мармелад пастила, желе ишлаб чиқаришда асосий ҳам ашё сифатида қўлланилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосий хужжат ҳисобланган техник шартлар ишлаб чиқилган (узум ичимликлари «Булунғур», «Хушбўй», «Эрмон», «Нафис») ва тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланган.

Шу билан бирга деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулотини озиқ-овқат ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлигига соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳам рухсат этган.

Ўзбекистон жумҳуриятида ҳаммаси бўлиб йилига 55 минг т. олма шарбатга қайта ишланади, ундан ҳосил бўлган ҳўл турупи 22 минг т. ни, қуритилгани эса 5,5 минг т. ни ташкил этади. Ҳозирги вақтда олма турупи қисман чорва молларига озуқа сифатида, қолган қисми эса ўғит сифатида ишлатилади. Олма шарбати ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқинди — олма турупи таркибида ўта ноёб ҳисобланган пектин моддаси бор. Қуритилган олма турупида ўртача 11,5 пектин моддаси борлигини ҳисобга олсак, жумҳуриятимиз бўйича йилига 630 т. пектин моддасини турли хил қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ишлатиш мумкин. Қуритилган олма турупини маълум шароитда қайта ишлаб пектин эритмасини олиб, мармелад ишлаб чиқарилганда, маҳсулотни сифати юқори бўлиши кўрсатилади. Бу усул ўта тежамли ва қулай бўлиши билан ҳам ўзига хосдир. «Ширавор» мармеладига техник шартлар тайёрланган бўлиб, тегишли ташкилот томонидан тасдиқланган. Юқорида кўрсатилган хом-ашёлар, яъни деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулоти ва эриган пектин моддаси иштирокида ишлаб чиқарилган яхна ичимликлар ва мармелад-пастила маҳсулотлари таннархи арзонлашиши билан бирга ўзининг сифат кўрсаткичлари билан ҳам эътиборга сазовордир. Бу маҳсулотлар стандарт талабларига тўла жавоб беради, баъзи кўрсаткичлари бўйича, хусусан биологик қиммати жиҳатидан устунлиги аниқланган. Кўрсатилган хом-ашёларни озиқ-овқат ишлаб чиқаришга қўллаш маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга яна четдан келтириладиган камёб лимон кислотасининг ва пектин моддасининг ўрнини босади, концентрланган узум шарбати тежаллади, атроф муҳит ифлосланиши камаяди ва йиллик иқтисодий самара Ўзбекистон бўйича 200,8 млн. сўмни ташкил этади. Саноатга ва кичик корхоналарга тавсия сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин. Коньяк-вино маҳсулотларини деалкоғоллаш ва олма шарбати ишлаб чиқариш мавсумий бўлиб, уларни ишлаб чиқариш мавсумида деалкоғолланган коньяк-вино маҳсулоти ва қуритилган олма турупини тайёрлаб ҳамлаб олиб йил давомида турли хил қандолат ва ичимлик товарларини ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида ишлатиш мумкин. Бу янгиликларни саноатга ва кичик корхоналарга тадбиқ қилишда олимлар ўз ҳиссаларини қўшишга тайёрдирлар.

Шукрулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Рихсеной ЗИЯМУҲАМЕДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
дорилфунуни доцентлари.

ИҚТИСОД ҲИСОБ- КИТОБДАН БОШЛАНАДИ



Бозор иқтисодиёти муносабати билан бухгалтерия ишларини олиб боришда айрим ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда. Бундай ўзгаришларга бухгалтерия счётлари режасидаги ва бухгалтерия балансидаги янгиликларни айтиб ўтиш мумкин. Бизга маълумки, ҳозирги вақтда АСКга қарашли корхоналарда собиқ СССР Давлат Агросаноат комитетининг 31 декабрь 1985 йил № 1020 сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган ҳисобот режаси қўлланилмоқда. Аммо бу счётлар давлат мулкчилиги устун бўлган, давлат буюртмасига катта аҳамият берилган ишлаб чиқариш учун ҳосидир. Юқоридаги ҳисобот режаси бозор иқтисодиётида вужудга келаётган турли мулк ва ҳўжалик формалари, қимматбаҳо қоғозлар, номоддий активлар, акция, вексель операцияларини тўлиғича акс эттира олмайди. Шулардан келиб чиқиб ҳисобот режасига ўзгартиришлар киритиш зарурияти туғилмоқда.

Ана шундай мақсадни амалга ошириш учун Россия жумҳурияти тезлик билан ишга киришди. Мазкур счётлар режаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти трансмиллий корпорация маркази томонидан экспертизадан ўтказилган ва маъқуллангандир. Бу ҳисобот режа бозор муносабатлари амал қилаётган бир қанча мамлакатларда қўлланилаёпти ва яхши натижалар бермоқда. Бу ҳисобот режасини барча турдаги корхона ва ташкилотларда қўллаш мумкин. Бундан фақатгина бюджет ташкилотлари ва банклар мустаснодир. Бу ҳисобот режаси собиқ СССР Молия Министрлигининг 1 ноябрь 1991 йил № 56 буйруғи билан тасдиқланган. Бу Россия жумҳуриятида ҳам қонунлаштирилиб, 1992 йилдан бошлаб ишлатилмоқда.

Янги ҳисоботлар режасини давлатимиз корхоналарида қўллашнинг бир қанча мураккаб томонлари мавжуд. Биринчи навбатда биз етарли нусхада ҳисобот режаларининг қўлланмаларини ишлаб чиқишимиз керак. Ҳисобот режасидан фойдаланиш корхонанинг ташаббусига, корхона бухгалтерия аппаратининг изланишларига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари янги

ҳисобот режасини олимлар ва катта тажрибага эга бўлган мутахассислар билан мустақил жумҳуриятимиз миллий ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олиб уни мослаштириш лозим бўлади. Бу соҳада Самарқанд қишлоқ ҳўжалик олийгоҳининг бухгалтерия ҳисоби ва корхоналар фаолияти таҳлили кафедрасида профессор Нурулла Санаев раҳбарлигида яхши ишлар амалга оширилмоқда. Янги ҳисобот режасини давлатимиз миллий хусусиятларини ҳисобга олиб Ўзбекистон молия вазирлиги, қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва бошқа мутасадди ходимлар семинар кенгашини ташкил қилиб, уни норматив акт даражасида тавсия қилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бозор муносабатларига мос бўлган ўзгаришлардан яна бири бу бухгалтерия баланси таркиби (моддалари)нинг қўшилишидир. Бухгалтерия баланси тўғрисида журналнинг 1991 йил IX сонидан берилган Н. С. Санаевнинг фикрлари диққатга сазовордир. Мақолада айтилганидек, баланс корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида ахборот беради, тўлов қобилиятини билдиради. Корхонанинг тўлов қобилиятига қараб бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга чидамли ёки чидамсизлигини аниқлаш мумкин. Бизга маълумки олдин қўлланилиб келинган балансининг VI та моддаси мавжуд бўлиб, қуйидаги формага эга эди.

Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг бозор муносабатларига ўтиши бухгалтерия ҳисоботини жаҳон стандартларига асосан олиб боришни объектив шарт қилиб қўяди.

Шундай қилиб, бухгалтер иқтисодчи ходимлар олдида бозор иқтисодиёти учун мос бўлган бухгалтерия ишларини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ қилиш вазифаси турибди. Чунки бозор иқтисодиёти аниқ ҳисоб-китобни талаб қиладиган жараёндир.

Зафар ТУХТАМИШЕВ,
Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги
олийгоҳи иқтисод факультети
IV курс толиби.

КИЧИК КОРХОНАЛАР ВА БОЗОР



Тарихий 73 йиллик ривожланиш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама ривожланиб келди. Саноат ишлаб чиқариш салмоғи бўйича жумҳуриятимиз яхши ривожланмаган, мавжуд саноатнинг катта қисмини эса яъни 70 фоизини ишлаб чиқаришнинг «А» бўлими ташкил қилади. (Масалан: Чкалов «Авиасозлик» бирлашмаси, Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи ва кўпгина химиявий заводлар). Ишлаб чиқаришнинг «Б» бўлими эса умумий саноат ишлаб чиқаришда 30 фоизни ташкил қилади.

Маълумки ишлаб чиқариш воситаларини яратувчи корхоналар катта ҳажмда қурилган бўлиб, уларнинг фаолияти ҳозирда бошқа жумҳуриятлар билан тузиладиган таъминот бўйича шартномаларга боғлиқ. Натижада ҳозирги пайтда улар ўз фаолиятини юритиш, мавжуд конъюнктурага мослашиш борасида бир қанча қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар. Ишлаб чиқаришнинг «Б» бўлими, яъни истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг яхши ривожланмаганлиги эса истеъмол бозорида салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозир истеъмол бозори тўйинмаган ҳолатда. Истеъмол товарларни четдан келтириш эса уларнинг таннархининг ошиб кетишига, истеъмол товарлар нархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Умумий қилиб айтганда жумҳуриятимизда иқтисодий муаммо шундан

иборатки — бу ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш ва ишсизлик муаммосини ҳал қилишдир. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозорини тўйинтириш муаммосини ҳал этади.

Ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтиш билан кичик ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ташаббуси кучаймоқда. Айниқса кичик корхоналарни кўплаб қуриш бозор конъюктурасига мосланувчан ишлаб чиқаришни юзага келтириш гаровидир. Ҳозирда биз ишлаб чиқаришни яхши ривожлантиришимиз лозим, чунки у бозорнинг асосини ташкил қилади. Бундан ташқари бозорни ташкил қилиш учун унга олиб чиқадиган товаримиз бўлиши керак. Агар бозорнинг асоси бўлган ишлаб чиқариш яхши ривожланса, бозор инфраструктураси ўз-ўзидан ташкил топади. Шу борада кичик корхоналарнинг аҳамияти каттадир. Кичик корхоналарнинг афзаллиги шундан иборатки, улар бозор конъюктурасига тез мосланувчан бўлиб, талабнинг кичкинагина ўзгаришига ҳам ҳозиржавоб бўлиб туради.

Иккинчидан: кичик корхоналарда бошқарув харажатлари камаяди. Бошқарув аппарати ҳажми кичик бўлиб, бошқарув ишларини бевосита ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг эгалари бажаради. Профессионал бошқарувчилар (менежерлар)ни тутиб туришнинг ҳожати йўқ. Учунчидан: кичик корхоналар қурилиши ва ташкил топиши билан ижтимоий

ишлаб чиқариш миқёсида меҳнат тақсимоти кучаяди. Ихтисослашув кенгайиб товарлар тури кўпаяди. Ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги муносабатлар чуқурлашиб, рақобат кенгайди. Жамият миқёсида муносабатлар товарларни айирбошлаш орқалигина юзага келади. Бу эса бозор муносабатларининг асосини ташкил қилади. Йирик корхоналарнинг қурилиши эса корхона ичидаги меҳнат тақсимотининг кучайишига имкон бериб, бу ерда кишилар ўртасидаги муносабатлар товар айирбошлаш орқали эмас, балки тажриба айирбошлаш орқали юзага келади.

Кичик корхоналарнинг юқоридаги афзалликларидан фойдаланиш учун катта имкониятларимиз мавжуд. Кичик корхоналарни қишлоқ хўжалик секторида ташкил қилишнинг аҳамияти каттадир. Бу аграр сектор катта қисмини ташкил қилган Ўзбекис-

Раҳматилла Фозилов 1971 йил Қашқадарё вилоятининг Қамаш районидан туғилган. 1988 йил Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг ҳисоб-иқтисод факультетига ўқишга кирди. Айни пайтда мазкур факультетнинг 4-курсидан таҳсил олаётган.

Раҳматилла дорилфунунда таълим олиш билан бирга жумҳуриятимизда кечаётган бозор муносабатларини синчковлик билан кузатиб боришга ҳаракат қилади. Қўйидаги мақола ҳам ана шу илмий изланишлар маҳсули.

тон учун айниқса аҳамиятли. Ҳозирда Ўзбекистонда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисми хом ашё сифатида четга сотилмоқда. Қишлоқ хўжалик соҳасида кичик корхоналарни қуриш билан бу хом ашё ва маҳсулотларни қайта ишлаб тайёр маҳсулот ҳолига келтириш мумкин. Буни амалга ошириш билан бир томондан жамоа хўжаликларини даромади ошса, иккинчи томондан истеъмол бозорни тўйинтириш мумкин, четга хом ашё эмас, балки тайёр маҳсулотлар чиқариш имкони туғилар эди.

Тўртинчидан: қишлоқ хўжалик соҳасида кичик корхоналарни қуриш ишсизлик муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Маълумки, жумҳуриятимиз аҳолиснинг 60 фоизи қишлоқларда яшайди. Бу аҳолининг кўпчилиги иш билан таъминланмаган. Бундан ташқари аҳолининг мавсумий ишсиз қолиши ҳисобига ишсизлар сони ортиб туради. Кичик корхоналарни қишлоқ хўжаликда қуриш билан доимий ва мавсумий ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Қишлоқ аҳолиснинг маълум қисмини санонатга жалб қилиб, уларнинг иқтисодий ва техник билимларини ошириш имкони туғилади. Бу эса келажакда қутилаётган аҳолининг техник билимсизлиги натижасида юзага келадиган ишсизликнинг олдини олиш мумкин. Чунки рақобатга асосланган бозорда корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришга илғор техникани жалб қилишга ҳаракат қиладди. Бу техникани ишлатиш учун эса техник-жиҳатдан билимли ишчилар зарур бўлади.

Бешинчидан: маълумки агросаноат комплекслари санонат билан қишлоқ хўжаликни боғловчи тармоқдир. Агросаноат комплекслари ишлаб чиқариш технологияси ва табиат биологиясининг бирлигидан ташкил топган. Аммо ҳозирда АСҚларнинг жумҳуриятимиз миқёсида самарадорлиги паст. Бунга асосий сабаб АСҚда табиат биологиясидан ишлаб чиқариш технологиясининг салмоғи пастлигидир. Шу сабаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом ашё сифатида четга чиқарилмоқда. Кичик корхоналарни кўплаб қуриш билан АСҚни мустақкамлаб, унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Натижада АСҚлари истеъмол бо-

зорни қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тайёрланган неъматлар билан тўйинтиришга ҳаракат қиладди.

Олтинчидан, кичик корхоналарни қишлоқ хўжаликда кўплаб қуриш билан қишлоқ аҳолиснинг маданий ҳаётини яхшилашга эришиш мумкин. Бу тадбирларни амалга ошириш баъзи мутахассисларни тайёрловчи билим юртларни шаҳар марказларидан бевосита қишлоқларга кўчириш билан боғлиқ. Қишлоқларда ишлаб чиқариш инфраструктураси ривожланади.

Шунинг учун қишлоқ хўжалик тармоғида кичик корхоналар қуришнинг ички имкониятларини қидириб топишимиз лозим. Ички имкониятларни топиш шундан иборатки, аввало жамоат ва давлат хўжаликларининг ташқи савдосига (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бевосита алмаштириш борасидаги) давлат томонидан иқтисодий рицаглар билан таъсир кўрсатилиши лозимки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта) «тойота», «видеомагнитофон»га эмас, балки хом ашёни қайта ишловчи техника воситаларга алмаштирилиши лозим. Имкониятларнинг яна бири шундан иборатки чет эл инвестициясини бевосита кичик корхоналар қуришга жалб этиш лозим. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида ерни хусусий мулк қилиб бериш учун ер етмайди деган баҳоналар мавжуд. Эҳтимол бу ҳақдир. Кичик корхоналар ёрдамида буни ҳал қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида кичик корхоналар қуриш билан қишлоқ аҳолиснинг маълум қисмини санонатга жалб этган ҳолда, қолган аҳоли ўртасида ерни (оилавий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда ернинг маълум қисмини бепул бериб қолган қисмини сотиш орқали) хусусий мулк қилиб бериш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак жумҳуриятимизда аввало товар ишлаб чиқаришни кенгайтиришимиз лозим. Товарларсиз олди-соттини ташкил қилиш мумкин эмас. Аввало истеъмол бозорни тўйинтирмоғимиз лозим. Чунки бу бозор жамиятнинг асосий ишлаб чиқаришини юритувчи, ишчи кучини такрор яратувчи воситадир.

Раҳматилла ФОЗИЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
дорилфунуни 4-курс толиби.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Тошкентда Туркия савдо палатаси қошида ташкил этилган Турк-Америка ишбилармонлар уюшмаси вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда республикадаги кўпгина вазирликлар, концерн, фирма ва қўшма корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Туркиялик ва ўзбекистонлик ишбилармонлар қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳамкорлик ва савдо-сотикни йўлга қўйиш юзасидан келишиб олдилар.

● Андижон вилоятидаги Асака шаҳри билан ХХР Шинжон — Уйғур мухтор районидаги Ерканд шаҳри аҳли ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйдилар.

Яқинда хитойлик меҳмонлар асакаликлар ҳузурига ташриф буюрдилар, саноат корхоналари, шифохона ва мактабларни бориб кўрдилар. Асакада қандолат, гилам, бўёқ ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисида келишиб олдилар. Хитойликлар ана шу қўшма корхоналар учун замонавий машина-ускуналар жўнатишни ваъда қилдилар.

● Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси кимёгарлари тақчил ишқор, карбид, итакон кислотасини ҳамкорлик асосида Хитойдан ола бошлади. Булар эвазига навоийликлар Хитойга минерал ўғитлар, аммиак селитраси жўнатишмоқда. Ишқор мазкур корхонада асосан захарли чиқинди сувларни тозалашда, атроф-муҳит мусавфолигини таъминлашда ишлатилади.

● Қорақалпоғистон ва КХДР ўртасида туз қазиб олиш ва уни ишлаш ҳамда цемент ишлаб чиқариш бўйича ўзаро ҳамкорлик бошланди. Келгусида бу ерда чинни идишлар ишлаб чиқарадиган ҳамкорликдаги корхона очилади.

● Хонқа районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида 60 ўрилли қишлоқ шифохонаси фойдаланишга топширилди.

● Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти ҳамда Туркиядаги шу соҳадаги тегишли ўқув юртлари эндиликда ҳамкорлик қила бошладилар. Келишувга мувофиқ икки мамлакатдаги ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари бир-бирларига ўз билимларини намойиш этадилар.

(Газета ва журналлардан олинди.)

СЕРОБЧИЛИК БЎЛСИН, ДЕЙМАН!

«Мен, Ҳамиджон Иброҳимов, 41 ёшдаман. Бешта фарзандим бор. Дастлаб қишлоқ хўжалиги техникумини, сўнгра Москвадаги ветеринария Академиясини тугатганман. Мен кўп йиллик меҳнат, билим ва тажрибаларим асосида ўзимча иқтисодий дастур туздим. Бу дастур, ҳисоб-китобим бўйича, иқтисодиётимизга бир неча юз миллионлаб фойда келтиради. Ва шу билан аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашни бир қадар йўлга қўяди, деб ўйлайман. Ҳозир дастлабки мулоҳазаларимни йўлламоқдаман. Агар маъқул келса, қолганлари билан ҳам ўртоқлашишга тайёрман.

Дастлаб ойнома ҳақида. «Ҳаёт ва иқтисод» ойномаси Ўзбекистон иқтисодиётининг янги истиқболларга эришишида ўзининг фойдали тавсиялари билан ёрдам беради, деган умиддаман. Ўзбекистон жумҳурияти мустақиллик муносабати билан, ўзининг мустақил иқтисодий режаларини тузиши, марказ мерос қолдирган иқтисодий режалардан узил-кесил воз кечиши керак. Ўзбекистон ўзининг янги иқтисодий режасида ҳар қандай хўжасизликларга, исрофгарчиликларга кескин барҳам бериши ва ресурслардан оқилона фойдаланиши зарур. Мен иқтисодиётимиз бемор аҳволда эканини биламан. Беморни даволаш қандай бўлаяпти? Ўзбекистонда ишлаб чиқариш манбаларини, чорвачиликни, кичикроқ корхоналарни шахсий мулкчиликка бериш ўрнига, савдо тармоғи, маиший хизмат корхоналари хусусийлаштирилмоқда. Хусусийлаштирилган корхоналар зиммасига фойдани маҳсулот нархини ошириш ҳисобига эмас, балки маҳсулот тури ва миқдорини ошириш ҳисобига кўпайтириш вазифаси юклатилиши зарур. Хом-ашё нархи ва унга сарф қилинган меҳнат ҳақи даромади 2—3 йил назорат остида бўлиши керак. Бу усул халқ даромади билан эҳтиёжи тенглашишига олиб келар эди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирда халқимиз истеъмол қилаётган гўшт маҳсулотларининг 60—70 фоизи яқка хўжаликларда етиштирилаётгани ҳолда, уларга давлат томонидан озуқа сотиш учун бозор ва магазинлар

йўқ, деса бўлади. Борлари ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва имтиёзли қарияларга сотилмоқда. Бу ҳам эҳтиёжга яраша эмас. Ўзбекистон иқтисодиётининг тез ва қисқа муддатда ривож топиши учун иқтисодий зарар келтираётган жамоа хўжаликлари, парранда фабрикалари хусусийлаштирилиши ва халқимиз талаб ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, қорамол ва қўй гўшти етиштиришга ихтисослаштирилиши зарур, деб биламан. Мен бу билан қуйидаги фактларни назарда тутмоқдаман. Бундан бир неча йил муқаддам собиқ Иттифоқ ўзини саводсизларча тузган иқтисодий режасида қисқа муддатда СССР халқини парранда гўшти ва тухум билан тўла таъмин этамиз, деган шиорлар остида Иттифоқ бўйича бир неча юзга яқин йирик парранда фабрикалари қурилиб ишга туширилди. Шу жумладан, Ўзбекистон жумҳуриятида ҳам бир неча ўнлаб парранда фабрикалари қурилди. Лекин улар етиштираётган парранда маҳсулотлари жуда қимматга тушаётганини ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмас эди. Келтирилаётган зарар эса дотация бериш билан қопланар эди. Ҳар бир товуқ гўшти ва 10—12 дона тухум учун 70 килограмм омухта ем сарф этилган. Ваҳоланки, бир кило мол гўшти учун 10—15 кг, омухта ем сарф этилса кифоя. Жумҳуриятимизда сарф этилаётган озуқа ресурслари ёрдамида халқимизни гўшт маҳсулотлари билан тўла-тўқис таъмин этса бўлади. Бунинг учун жумҳуриятда мавжуд парранда фабрикаларини 50 фоизгача «музлатиб», унга сарф этилаётган омухта ем ресурсларини мол, қўй гўшти етиштиришга жалб этиш даркордир. Яна қуйидагиларни айтиб ўтиш жоизки, парранда фабрикаларида етиштирилаётган парранда гўшти 50—60 фоизгача 2—3 категорияда тайёрланмоқда. Улар калла почаси ажратилмаган ҳолда тайёрланишини инobatга олинса, истеъмолга чиқарилган парранда гўштининг 10—12 фоизи чиқиндига чиқиб кетади. Мана шундан кўриниб турибдики, 10—12 фоиз аслида йўқ, истеъмол қилинмайди. Ундан ташқари, парранда гўштининг тўйимлилиги мол ва қўй гўштига

нисбатан 2 баробар кам ҳисобланади. Мен таклиф этардимки, паррандачиликни 50 фоиз тўхтатиб туриш натижасида тежалган омухта ёмни кичик фермер хўжаликлари, яъни 5—4 тадан мол боқаётган якка хўжаликларга савдо қилинса жуда катта иқтисодий ютуққа эришилган бўлар эди. Чунки, бундай якка хўжаликлар озукани жуда катта тежамкорлик билан ишлатишади. Мен шундай хўжаликларнинг жуда кўпида бўлганман.

Ғўзапоянинг майдаси 1—1,5 соат сувда ивителиб, сўнг иссиқ сувда яна бир бор ювилиб, сўнг омухта ем билан аралаштирилса қорамол ёки қўй ҳеч бир чиқиндисиз истеъмол қилади. Бу эса якка хўжаликларда ҳайвон озукасидан ҳеч бир чиқиндисиз, исрофгарчиликларга йўл қўймаган ҳолда фойдаланишни кўрсатади.

Фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғри бўлаётими? Ҳозирги фермерларимиз қўлига 100 бошлаб қорамол, қўй ва 2—3 гектарлаб ер бериб қўйилган. Бу ҳолда фермер қўй-молга қарайдими ёки ердан ҳосил оладими? Биздаги мавжуд техника, шарт-шароитлар билан чет эллардаги сингари йирик фермер хўжаликларини яратиш ҳозирча мумкин эмас. Мажбуран яратилганда ҳам колхоз-совхоздаги сингари ёки ундан ҳам ёмон натижаларга эришиш мумкин, холос. Чунки, 50—100 йиллар мобайнида ривожланган давлатдаги фермерлар босиб ўтган йўлни биз 1—2 йилда босиб ўтишимиз мумкин эмас, яъни халқимиз мақоли билан айтганда, чумчуқ қарғанинг юришини қиламан, деб оёғи қайрилиши мумкин. Бизда фермер хўжаликларини яратиш, кўзланган натижаларга эришиш учун мавжуд озукани ресурсларини бозорларда, очиқ савдода сотишни ташкил этиш, кичик фермер хўжаликларига молхоналарни замонавий қилиб қуришга ёрдам бериш, 15—20 бош қорамол боқиш учун мўлжалланган молхоналар қуриб, ҳақини 20—30 йил давомида бериш шarti билан фермерларга сотиш зарур. Чорва озукалари етиштирувчи ва савдо қилувчи деҳқон хўжаликларини яратиш ва уларни ер билан таъмин этиш, озукани маҳсулотлари билан савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратиб бериш керак. Уларга техника, кичик тракторлар харид қилишда кредитлар берилиши керак. Мана шундай шароитда фермер хўжаликлари шаклланади.

Энди фермер хўжаликларининг иқтисодий фойдаси тўғрисида тўхталсак:

1. Кичик фермер хўжаликлари ташкил этилса, уйдаги ишламаётган аёлларимизнинг 50—60 фоизи ва ундан ортиғи иш билан таъмин этилади;

2. Ишчи кучи ва уларга кетаётган маблағ тежаллади;

3. Чорва озукаси тежамкорлик билан сарфланади. Иккиламчи озукалардан ҳам (ғўза пўчоғи, ғўзапоя) унумли фойдаланилади;

4. Аҳолининг маълум бир қисми ўзларини чорва маҳсулотлари билан таъмин этишади;

5. Чорвачиликда ишлатилаётган техника, транспорт ва бошқаларнинг ишлаши, яъни фойдаланиш муддати икки баробарга кўпаяди;

6. Чорва моллари орасида тарқаладиган касалликлардан талофат жуда ҳам оз бўлади. Чунки, шахсий мулк бўлгани учун эътибор кучли бўлиши турган гап;

7. Чорва ҳайвонларидан олинган маҳсулотларнинг санитария ҳолатлари ва сифати ҳам юқори бўлиши таъмин этилади ва жавобгарлиги фермер зиммасида бўлади;

8. Фермерларда ҳисоб-китобчи, иқтисодчи, зоотехник ва қатор идора ходимларига зарурият бўлмайди. Бу эса ортиқча ишчи кучини фойдали томонга буришда катта роль ўйнайди.

Мен фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни истеъмол бозорида ўзлари савдо қилишларига йўл очиб берилишини зарур, деб ҳисоблардим. Мана шундагина истеъмол бозорида нарх-наво барқарорлиги таъмин этилиши мумкин, нарх-навони эса фермерларнинг ўзлари белгилашлари зарур бўлади.

Ўзбекистон иқтисодини тез юксалтиришда хорижий давлатлардан иш юритувчиларни, ишбилармонларни Ўзбекистонга икки томонлама келишилган ҳолда ишга таклиф этиш зарур. Улар ўзлари билан бирга капиталларини ҳам олиб келишлари ва бу капитал қўшма корхоналар тузишга сарф қилиниши ёки реконструкция ишларига жалб этилиши лозим бўлади. Чет эл мутахассисларини Ўзбекистонга ишга таклиф этиш билан бирга, уларга мавжуд ташкилот ёки хўжаликлар меҳнат интизомини ўрнатишларига ҳам кенг йўл берилиши керак ва уларнинг меҳнатни ташкил этишдаги интизом қонунидаги яхши жиҳатларини танлаб олиб, жорий қилишимиз зарур бўлади. Бу юридик қонун билан муҳофаза этилиши керак. Биз четдан мутахассисларни ёлламай туриб, уларнинг инвестицияларини сарфласак, барибир келгусида яхши натижаларга эришимиз қийин бўлади, чунки бизда меҳнат интизомининг бўшлиғи туфайли маҳсулот сифати эски ҳолича давом этаверади. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун биринчи ўринда унинг иқтисодини кўтариш керак. Президентимиз Ислам Каримов билан ҳамжиҳатликда фойдали иқтисодий фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўрганиб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши зарур. Чунки, иқтисодиётимизнинг ривож топишида илғор мамлакатларнинг ҳозирги тараққий этган жойидан эмас, уларнинг бошланғич ривожланиш шаклидан нусха олиш зарур бўлади. Бу мулоҳазаларни ёзишдан мақсад юртимизда тўкинчилик бўлсин, дейман.

Ҳамид ИБРОҲИМОВ.
Наманган вилояти, Совет райони,
Нуробод мазеи, Машғал кўча, 4-уй.

ҲОКИМ ҚОНУНДАН УСТУНМИ?

(ёки Нишон районидаги «ўзига хос» иш юритиш
услуги ҳақида)

Одам боласи умр йўлларида не-не паст-баландликларни кўрмайди дейсиз. Ҳар кимнинг феълү атвори, дунёқарashi, иқтидори турлича бўлгани каби ҳаёт манзаралари ҳам бир хил эмас. Биров ўз умрини эзгу ишларга бағишлаб номи эл ичра танилса, яна кимдир дунёдан шундоқ ўтиб кетади.

«Фалончи воҳасида таниқли одам» деб таъриф беришади баъзиларга. Шу гапнинг ўзида сўз юритилаётган кишининг бутун бўй-басти намоён бўлади. Демак, у ибратли хислатлари билан, муттасил меҳнати билан эл-юртга танилган. Ҳа, машҳур бўлиш осонмас. Машҳурлик тошини кўтариб юриш эса ундан ҳам қийин.

Ҳайитмурод Фармонов ҳам нафақат Қашқадарёда, балки бутун Ўзбекистонга танилган кишилардан. Бу одам катта хўжалик рўзгорини маҳорат билан бошқариб, номи рўзномалар саҳифалари аро кўчганида кўпчилиكنинг назарига тушди. КПСС съездаларига вакил бўлиб, сурати чоп этилганда бир ҳамкасбим шундай деганди: қаранг, раҳбар бўлган совхози Усмон Юсупов номида экан, ўзлари ҳам, ишлари ҳам Усмон отани эслатади-я! Вилоят миқёсидаги катта бир йиғинда Ҳайитмурод Фармонов мақтовни шундай таърифланганди: халқнинг ичидан чиққан бу одам ҳамиша ўз эли дарди билан яшайди, хўжаликда энг кичик маърақа ҳам Фармоновсиз ўтмайди. Самимий айтилган бу сўзлардан бошқалар ҳам завқлангани эсимда. Яхшини яхши дейиш керак-да. Шу тариқа Ҳайитмурод ака Нишон район партия комитетига биринчи котиб бўлди. Номзоди Ўзбекистон халқ депутатлигига қўйилганда муқобил, сайловда яна бир синовдан ўтди: сайловчиларнинг кўпчилиги Ҳ. Фармонов номзоди учун овоз берди. Раҳбарнинг йўлбошчилик хислатлари тан олинганига яна бир мисол: 1992 йилда депутатлар у кишини район ҳокимлигига сайлашди. Халқ депутатининг республика парламентида ҳам ўз ўрни бор. Олий Кенгаш комитет йиғилишларида кўпни кўрган бу одамга: «Оқсоқол, сиз нима дейсиз?» деб мурожаат қилиб туришади.

Ҳа, Ҳайитмурод ака ана шундай одам. Айтадиган гаплари ҳам, қиладиган ишлари ҳам вазмин, салмоқли. Агар у киши билан суҳбатлашсангиз роҳатланасиз. Мен мулоқотда бўлганман бу одам билан.

Иккита гап билан рўпарасидаги одамни сеҳрлаб қўяди.

Бундай кишиларнинг эл-юртга кўп нафи тегиши керак. Шунинг учун уларни авайлаб-асраш лозим. Авайлаб-асраш дедикми? Кимдан, нимадан? Энг аввало... ўзларидан. Токи йиллар мобайнида тўпланган обрў арзимас қадам билан тўкилиб кетмасин. Токи салмоқдор сўзлаш оҳанги калондимоғликка айланмасин. Изчил ишлаш одати кек сақлаш ва ўч олишга туташмасин. Оталарча йўл-йўриқ бериш усули дағдаға ва таҳдидга ўтиб кетмасин. Бу гаплар нечун деб сўрарсиз? Мен Ҳайитмурод Фармоновни негадир Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» асаридаги Қаландаровга ўхшатгим келади. Чиндан ҳам мураккаб сиймо.

Раҳбарнинг фаолиятига энг аввало кадрлар билан ишлаш жиҳатига қараб баҳо берилади. Хўш, Нишонда кадрлар билан ишлаш қай аҳволда? Бу саволга бир тарафлама жавоб бериб бўлмайди. Зотан, райондаги ҳамма манфий томонларни кўр-кўрона биринчи раҳбарга тақайвериш инсофдан эмас. Лекин Нишонда Фармоновнинг фармонбардор услуги муқим ўрнанишини ҳеч ким инкор этолмайди. Ахир чоратрофда машҳур ҳоким саналса, кўксига депутатлик нишони ярақласа, вилоят мажлисларининг тўри у кишиники бўлса. Эгаллаган мавқеи мустаҳкамлигига комил ишонч ҳосил қилган одам ўзидан қуйи турувчи кимсаларнинг ақли билан ҳисоблашсинми? Ўз билгани билган, албатта. Мен муқобил сайловда рақиб раҳбар бўлган совхоз бошқа районга ўтиб кетганлигига Ҳ. Фармонов сабабчи демоқчи эмасман. Ёки раҳбарликнинг 3—4 йилида 3, 4, 5-совхозларда, район матлубот жамиятида, район ижроия комитетида етакчи кадрларнинг 2—3 бор алмашинуви ҳаётий жараён деб баҳолашимиз мумкин. Келинг, яхшиси, бошқа бир хўжалик раҳбарига нисбатан оқсоқолнинг муносабати хусусида гапириб берайлик, ўшанда ҳокимнинг қиёфаси тиникроқ намоён бўлади.

Мамаражаб Дўсиёров райондаги 1-совхозга олти йилдан буён директорлик қиларди. Бу совхоз Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши давлат комитети тизими таркибида. Мазкур комитет раҳбариятининг ёзма изоҳ беришича, М. Дўсиёров

фаолиятининг кейинги уч йилида хўжаликни анча кўтарган. 1990 йилда фойда 1 миллион 226 минг сўмга етган, рентабеллик даражаси 34 фоизни ташкил этган. Албатта, бу рақамлар улкан зафар, деб саналмасада, илгари зарардан боши чиқмаган хўжалик учун катта гап эди. Аммо район каттасига М. Дўсиёров негадир ёқмай қолган. Шундай қилиб 1991 йилнинг февраль ойида совхозга шошилиш тафтишчилар юборилди. Ахир бундан роппа-роса ўн ой мукаддам текширувчилар келиб, хўжаликни элак-элак қилишган, унинг натижасига кўра мутахассисларга (жумладан директорга ҳам) интизомий жазолар берилганди-ку? Бу савол жавобсиз қолаверди. Ахир каттанинг ўзи тикилгандан кейин муҳокамга ўрин бўлиши мумкинми? Гап тамом — вассалом!

Шундай қилиб М. Дўсиёров масаласи Нишон район кенгаши ҳайъатида кўриб чиқилди. Директорлик вазифасига нолойиқ деб топилсин, деган қарор 25 февраль куни қабул қилинган бўлса, эртаси куни «Қарши қўриқ совхозлар» трести идорасига район раҳбариятидан фатво олиб келган Х. Аллажонов янги директорликка тайинланганлик ҳақида буйруқ сўраб келди. Йе, буйруқни трест берадию, кадрни бошқа биров ҳал қиладими? Бундай ҳолларда нима қилиш керак? Таомилга кўра аввалги директорни ишдан бўшатиш, янгисини тайинлаш хусусида республика давлат комитетига тақдимнома ёзилади. Бунинг учун эса асос керак. Худди шу асос дея трест махсус комиссия тузди. Ҳали комиссия у ерга бормасдан иккита савол тузилганди. Аввало нега бинойидек ишлаб турган директор вазифасига нолойиқ деб топилди? Агар ростдан ҳам камчиликлар жиддий бўлса, совхознинг собиқ бош иқтисодчиси Х. Аллажонов нега жавоб бериши ўрнига директорликка тавсия этилапти?

Аммо юқоридан келган комиссия ишига Ҳ. Фармонов тўсқинлик қилди. Чунки иш унинг истагига зид кета бошлаганди. Район раҳбари ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмай, «Бугундан бошлаб Аллажонов директор, омин, оллоҳу акбар, ҳаммага жавоб», дея барига яқун ясади, шу тариқа комиссия ишини... таъқиқлади. Комиссиянинг гапи бўғзида қолди. Таркибига вилоят вакили ҳам кирган мутахассислар район тузган комиссия натижалари нотўғри эканлигини айтишмоқчи эди. Район кенгаши ҳайъатининг қарорида совхоз марказий қўргонда газлаштириш ишлари амалга ошмасдан келмоқда, дейилганди. Комиссия 236 та хонадоннинг 103 тасига оқар газ ўтказилганини аниқлади. Яна бир гап: трест йўллаган комиссиянинг ишини кузатган район вакили Т. Ҳазратқулов район кенгаши ҳайъати учун тайёрланган маълумотлари тасдиқланмаётганини кўргач, одамлардан тушунтириш хати олиш ва бухгалтерия ҳужжатларини кўришда иштирок этишдан бош тортади. Минг афсуски, бир тарафлама тайёрланган маълумотлар асосида қабул қилинган район кенгаши ҳайъати қарорини Ҳ. Фармонов совхоз ишчиларига... кўчада ҳижжалаб ўқиб берган. Бу одамларни маълум даражада чалғитган албатта.

Қизиқ, «Қарши қўриқ совхозлар» трести район кенгаши ҳайъатининг қарорига қўшилмаса, Ўзбекистон сув хўжалиги қурилиш давлат комитети директорини алмаштиришга жиддий сабаб йўқ деса? Буёғи қандоғ бўлди?

Бу саволга Ҳ. Фармонов шундай жавоб қилади: — Трестни тугатиб юбориш керак, Тошкентдаги давлат комитети эса тайёрга хўжайин бўлиб олган.

Мақсад совхоздан пул олиш. Биз депутатлар бунақа идораларни йўқотиш бўйича таклиф киритамиз.

Ана холос. Ҳокимнинг хоҳиш-истагига тўсиқ бўлган жами катта — кичик идораларни тугатиб юбориш керак экан-да. Лекин ҳар ҳолда ҳозирча шундай трест ва комитет бор эканми, улар билан ҳисоблашиш керак чоғи.

Хўш, М. Дўсиёров додини кимга айтсин? У ишсиз қолгандан сўнг кўп идораларга бош урди. Асосан шундай жавоб олди: Сизга нисбатан нотўғри қарор қабул қилишган бўлса судга боринг. Сўнгги сўзни суд айтади. Ҳуқуқий давлат қонунчилигига ишонган М. Дўсиёров худди шундай қилди.

Вазифасидан ноҳақ бўшатишга давоси билан Жарқўрғон район халқ судига (хोलислик учун қўшни Сурхондарё вилояти танланди) мурожаат қилганди. 1992 йил 14 апрелида М. Дўсиёровни директорлик лавозимига тиклаш ва унинг ноилож проғули учун 3 580 сўм ундириш ҳақида халқ суди қарор қабул қилди. Район ҳокимлиги эса суд қарорини рад этиб (?) қўя қолди. Сурхондарё вилоят суди эса назорат тартибидега ёзилган аризани кўриб чиқиб, шу йил 4 июнда Жарқўрғон район халқ суди қарорини ўзгартиришсиз қолдирди ва уни дарҳол ижро этишни уқдирди. Суднинг сўнгги сўзига амал қилган «Қарши қўриқ совхозлар» трести 1992 йил 12 июнда М. Дўсиёровни қайта лавозимига тиклаш ва вақтинчалик директорлик вазифасини бажариб турган Х. Аллажоновни Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари 41-моддаси 6-бандига кўра вазифасидан озод қилиш ҳақида буйруқ чиқарди.

Демак, ҳақ жойида қарор топибди-да, дейишингиз мумкин. Йўқ, унчалик эмас. Тўғри Х. Аллажонов вазифасидан озод этилди, лекин район ҳокимияти суд қарорига амал қилиб эмас, балки бу кишининг айрим ҳийла-найрангларида қўлга тушганлиги учун алмаштиришга мажбур бўлди. (бу ҳақда бор гапни ҳуқуқ-тартибот идораларида айтишар). Аммо район раҳбарияти учун суд қарори ҳам, унга кўра трест чиқарган буйруқ ҳам писанд эмас. Гўё қонунлар жаңгини эслатади. У ҳолда Нишон район ҳокимлигининг ўз қонунини бормикан, деган савол туғилади.

Сўзимиз якунида Мамаражаб Дўсиёров ҳақида бир оғиз гап. Юқорида воқеаларни баён этиш орқали биз бу киши хатолардан ҳоли, фариштадек бегуноҳ деган фикрни тақиштирмоқчи эмасмиз. Албатта, директорлик фаолиятида анча-мунча камчиликларга йўл қўйганлиги табиий. Лекин бунинг учун сал олдин интизомий чора олган. Яхшиси, шу масала билан ўз вақтида шуғулланган Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон халқ депутати Холмурод Раҳмоновнинг фикрига қулоқ осайлик. Биз бу кишига шундай савол бердик:

— Айтингчи, М. Дўсиёровнинг ишсиз сарсон бўлиб юриши хизматига ярашами ёки ноҳақлик туфайлими?

— Мен хизматига яраша дея олмайман, — деди Ҳ. Раҳмонов. Сўнг қўшиб қўйди. — Ҳайитмурод Фармонов муросага бориши керак эди.

Мана, Нишон районида рўй бераётган воқеалардан бир шингилни эшитдингиз. Уйлаймизки, бой ҳаётий тажриба соҳиби Ҳайитмурод Фармонов айтилган гапларга баҳо беришда иззат-нафсини эмас, ҳақиқат тарозисини мезон қилиб олади.

Шухрат ЖАББОРОВ.

«Муштум» журналининг бош муҳаррир ўринбосари.

(«Ҳаёт ва иқтисод» учун махсус ёзилган.)

«БУ МУҲИТДАН ТЎЙДИМ»

(ЕШ ЎЗБЕК ИҚТИСОДЧИСИ НЕГА ОТИЛГАН ЭДИ?)

НКВД томонидан ҳибсга олинган ва олинishi шарт бўлган кишиларнинг шахсиятлари ҳамда яшаш жойлари (маҳаллалари) схемаси куйидаги тартибда тайёрланган эди. Бу чизмадаги кишилар рўйхати қисқартириб берилмоқда. Ўйлаймизки, хатга тушганлар авлодлари ҳам ўз қўлларидаги маълумотлар билан бу саъй-ҳаракатга, савоб ишга шерик бўладилар.

ШАЙХОНТОҲУР РАЙОНИ БЎЙИЧА:

исми ва фамилияси	маҳалласи	келиб чиқиши
Абдуваҳоб Муродов	Эгарчи	Ўқитувчи-аграном
Ҳамид Ғуломов	Қатортерак	Савдо ходими
Салимхон Тиллахонов	Девонбеги	Ўқитувчи
Саид Ғафурий	Лангар	Ўқитувчи
Тангриқул Ҳожи	Раис кўча	Ўқитувчи
Шокиржон Раҳимий	Чироқчи	Ўқитувчи
Саид Камолхон домла	Ғишт кўприк	Ўқитувчи
Абдулла Қодирий	Самарқанд дарбоза	Езувчи
Ғози Юнус	Охунгузар	Езувчи
Элбек	Қалдирғоч	Ўқитувчи
Чўлпон	Қалдирғоч	Шоир...

Биз ушбу рўйхатни тўлалигича келтирмадик. Бу қатгорилик схемаси бўйича жами 160 та зиёли, ҳақиқий инсонлар, ўзбекнинг ўткир фикрли дарғалари ҳибсга олинган, 90 фоизи отиб ташланган эди.

Ўша мудҳиш кунларнинг бирида, аниқроғи 1930 йил июнида «одинокка»да Лазиз Азиззодини тергов хонасига олиб чиқадилар. Ундан ўзи ҳақидаги маълумотларни ёздириб олишдан кўра, унга руҳий таъсир кўрсатиб туриб Салимхон Тиллахонов ҳамда Мунаввар қори хусусидаги маълумотнамо олиш зарур эди...

— Азиззода, сен аксилинқилобчи, Советларнинг ашаддий душмани Салимхон билан Мунаввар қори ҳақида билганларингни ёзиб бер, улар қандай унсурулар эди, — масалани қатъий қўйди Агидуллин.

Лазиз ака Советларга қарши аксилинқилобий, буржуа миллатчилик ташкилотининг 137 та аъзоси ҳақида гапирар экан, Салимхон ака ва Мунаввар қорига алоҳида, кенг маълумот беради (ўша иш, 4-жилд, 701-70 бетлар):

— Салимхон Тиллахонов ўзининг ўта фаолиги, ўз иши ва миллатига эътиқодлилиги, вазифага берилганлиги каби сифатлари жиҳатидан Мунаввар қоридан сира қолишмайди. Бироқ, унинг ҳиссиётлари Мунаввар қориникидан юқо-

ри туради, ўткир фикрли инсон... Мунаввар қори эса аксилинқилобий ташкилотнинг ягона раҳбари; ниҳоятда ўткир фикрли, бақувват идеолог, оммани бир ишга тўла сафарбар қила олиш, керак бўлса, уларни илҳомлантира олувчи қобилиятга эга бўлган стратегик куч; ўта муғамбир дипломат. Айтишим мумкинки, унга тенг келадиган куч ва тафаккур соҳиби йўқ. Унинг фикри доимо ҳиссиётдан кучлироқ. Чунки, ўз хатти-ҳаракатида у жуда кам хато қилади. (ўша иш, 4-жилд, 708-бет).

Тўпланган материаллар отувга ҳукм қилиш шарт бўлганлар учун етарли эмаслиги учун, уни сўроқ материаллари билан тўлдириш керак эди. Бунинг учун маҳбусни Москванинг ўлим дўзаххонаси — Бутирка турмасига олиб бориш лозим эди.

Салимхон Тиллахонов худди мана шундай қўйга солинди — у Бутирка турмасига олиб кетилди.

БУТИРКА ВА ҚАДРИЯТ

Тақдирни қарангки, Тошкент қамоқхонасида сўроқ қилган бераҳм, беибо терговчи Агидуллин олиб борган тергов методи ҳолва бўлиб чиқди: бу ерда муштумзўрлик ва газандаликда ном чиқарган ўта совуқ, одам қўрғасидаги махлуқ Павлов фамилияли терговчи Салимхон ака «иши» ни янада пухталаш мақсадида қамоқда ётган Ғулом Икромовни тергов хонасига чақирди. Бу нарса 1930 йилнинг 28 июнь кўни содир бўлди. Терговчи Павлов Ғ. Икромовни сўроққа тутишдан олдин уни «огоҳлантирди», саволларга фақат «қуллуқ» билан жавоб қилишга келишиб олинди.

Павловнинг «М. Қаримов квартирасида кимлар тўпланишиди ва қандай мақсадда?», «Миллий истиқлол» ташкилоти тўғрисида С. Тиллахонов нимадани айтди?», деган ғаламислик руҳидаги саволига Ғ. Икромов ваъдага биноан жавоб қила бошлади:

— 1927 йилда Мирхалил Қаримов квартирасида мен, Мирхалил ва Салимхон Тиллахонов бўлдик. Шунда Тиллахонов «Миллий истиқлол» ташкилоти тузилиши керак, бу Фарғона билан ҳам боғланиши лозим, тузган ташкилотимиз туб моҳияти билан миллатни ҳимоя қилиши керак, бунинг учун одамларни, фуқароларни бирлаштириш шарт», деб айтди.

— Сиз «Миллий истиқлол» миллатчилик ташкилотида бўлганмисиз?

— Ҳа, бу ташкилотнинг аъзосиман.

— Айтинг-чи, «Миллий истиқлол» аксилинқилобий эди-ми?

— Ҳа, миллий-аксилинқилобий эди...

— Айтинг-чи, Обид Саидовнинг ўлдирилиши тўғрисида С. Тиллахонов, М. Қаримов ва Сиз орангизда қандай гаплар бўлган эди?..

(Яқуни. Аввали 5-, 6-сонларда.)



— Йўқ, бундай гап бўлган эмас. Аммо кўшимча қилишим мумкин-ки, Салимхон Тиллахонов менга «Сен ва биз Марказий аксилинқилобий ташкилот «Учлиги» ва унинг «Миллий истиқлол» буржуа миллатчилик ташкилотининг аъзосимиз», деб айтди. Бу гапни у Мирхалил Каримовнинг уйида, унинг иштирокида айтди. (Уша иш, 6-жилд, 78-бет).

Орадан 15 кун ўтгач, яъни 13 июль куни Павлов Салимхон акани тергов хонасига олиб чиқди ва такрор сўроқ қила бошлади.

Маҳбус ўта мадорсиз эди, бундай бемаъни ҳаётдан мутлақо норозилиги унинг сўлгин юзидан кўриниб турарди. У тақдирига тан берар экан, Шўро ҳокимияти ва унинг ҳомийлари — раҳбарларига лаънатлар ўқирди. Бутирка турмаси ва у ердаги ваҳшийлар кўлидан соғ, омон қутилиб кетишига ақли етмаган жасоратли инсон бор ҳақиқатни тик туриб айтади. Куни кеча ҳам бор ҳақиқатни, ўша 20 ва 30-йилларда қизил босқинчиларни тўнтариб ташлаш, мустақил жумҳурият бўлиб яшаш, озодликка чиқиш орсизда миллий истиқлолчи, аксилинқилобчи жасоратли зиёлиларимиз тузган яширин «Миллий истиқлол», «Миллий иттиҳод», «Ботир гапчилар», «Гап», «Чигатой гурунги» каби ташкилотлар раҳбарлари ва уларнинг фаол аъзолари фаолияти, олиб борилган ҳалол ва тўғри ишлари «қилинмади, бундай ташкилот йўқ», дея қўрқоқлик билан бўяб кўрсатиларди. Аслида эса бундай озодлик ва мустақилликка чиқиш учун босқинчиларга зарба берган ва бераётган ташкилотлар мавжуд эди.

Салимхон ака қийноқлар азобида, «сиёсий айбдор» сифатида анча дард тортди. Охириги вақтларда у ҳеч нарсадан қўрқмайдиган жасоратга эга бўлди. Қўшимча терговда Павлов унинг қўлига қалам ва қоғоз тутқазиб, ундан қилган «жиноят» хусусида мажбуран, «дўқ-пўписа» билан янгидан кўрғазма ёзиб беришни талаб қилганда терговчига тик қараб, «фақат мажбур қилма, кўполлигингни ташла, бу муҳитдан, жонимдан тўйдим! Илтимос қил, ёзиб бераман», дея ёзишга тутинди:

«1927 ёки 1928 йилларнинг бошлари бўлса керак, мен аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг Наманган бўлими аъзоси Усмон Акрамов билан учрашим керак эди. Бу ишни Мунаввар қори топширган эди. Шундан сўнг Усмон билан икки-уч марта учрашдим. Уша йили мен унинг илтимосига кўра ташкилотнинг ўзим тузган молия режасини бир саҳифали қоғозга лўнда қилиб, ўз қўлим билан ёзиб бердим. Асадулла Хўжахоновга режани кўчириб олишни буюрдим. Ушбу ҳужжат Шўро ҳукумати томони ходимлари қўлига тушса иш чатоқ бўлишини, бу нарса мутлақо махфийлиги ҳақида писанда қилдим. А. Хўжахонов бу даврда аксилинқилобий «Учлик»нинг аъзоси эмас эди. У фақат оддий миллатчилик ташкилотининг аъзоси эди...

Мен ташкилотнинг Наманган бўлимига молиявий режа, иқтисодий омиллар ҳақида ихчам маълумот бергач, ташкилот кишиларидан аъзолик бадалларини йиғишни, йирилган пулларни жамғариб қўйишни, бу ишни дастлаб ташкилот раҳбарлари бошлаб беришлари лозимлиги ҳақида кўрғазма бердим...

Тўпланган маблағларни сарфлаш тартиби қуйидагича эди: 25 фоизини ҳозирнинг ўзида, қолган қисмини фақат Самарқанднинг — Мунаввар қорининг рухсати билан сарфлаш лозим эди.

1928 йилда Наманган ташкилотига Ҳожи бобо орқали хат бериб юбордим. Хатда ташкилотнинг Наманган бўлимининг иқтисодий ечимини, қилиниши лозим бўлган ишлари битилган эди. Хатни ўз қўлим билан ёздим...» (Уша иш, 6-жилд, 230—235-бетлар).

Бундай маълумотларни қўлга киргизган терговчининг иши янада юришиб кетди. С. Тиллахонов раҳбар бўлган иқтисодчилар етиштирувчи курсда «содир бўлган» молиявий бузилишлар, кадрлар тайёрлашдаги миллатчилик руҳи ҳақида 1929 йил 23 февраль куни «Правда Востока» газетасида редакциянинг таққидий мақола босилган эди. Мақола зудлик билан Москвага келтирилиб, Салимхон ака қораланаётган мазкур «иш»нинг 16-жилди, 31-саҳифасига тикиб қўйилди.

Шундай қилиб тергов юмалоқ-ёстиқ қилинди. Бутиркада инсон қадрияти бир умр топталди.

ГПУ КОЛЛЕГИЯСИНING ҚАРОРИ

1931 йил, 25 апрель. Давлат сиёсий бошқармаси коллегияси мажлиси НКВД қароргоҳининг муз янглиг совуқ ва таъмирланмаган гариб мажлисхонасида иш бошлади. Бу ерда ўтирган қонунбузарлар махбусларни кутишмоқда. Отиладиганларнинг ҳар бири икки соқчи назоратида судга олиб кирилмоқда. Дастлаб 15 гуноҳкор етаклаб кирилди.

Ун беш киши тақдирини бор-йўғи бир соат давом этган суд жараёни ҳал қилди: ҳеч бўлмаганда охириги сўз, талаб ва истақларни ҳам айтишдан маҳрум бўлган, ҳаёт билан хайрлашаётган буюк зиёлиларимиз отувга ҳукм қилинди. Булар Мунаввар қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов, Ғулум Икромов, Мирхалил Каримов, Асадулла Хўжахонов, Абдуллабек Мусахонов, Нажмиддин Мираҳмедов каби миллатсевар, миллатпарвар кишилар эди. Ҳа отув!.. Шикоятга ўрин йўқ!

Уша куни суднинг бир ярим соат давом этган иккинчи жараёнида Абдуваҳоб Муродий, Ғафуржон Мусахонов, Абдуллаҳўжа Ғафуров, Ашурвали Зоҳидий, Лутфулла Алимов, Хайридинхон Аълам Шарифхўжаевлар отув жазосидан қолдирилиб, уларнинг ҳар бирига 10 йилдан қаттиқ режим билан жазо белгиланди.

Лазиз Азиззода, Шорасул Зуннун, Саид Ғафурий, Усмон Акрамий, Убайдулла Сулаймонов, Шоқобул Камолов, Ёқуб Омонов, Муҳиддин қори Ашуров каби 26 кишининг ҳар бирини 10 йилдан муддатга қамоқ жазосига (Россиянинг шимолӣ ўлкаларида) ҳукм этдилар.

Жалил Саъдиев, Файзулла Усмонов, Карим Ортиқбоев, Иброҳим Толипов, Абдулла Қаҳҳор (ёзувчи) каби 19 киши 5 йилдан, Комилжон Қосимов, Воси Қаюмов, Толибжон Охунжонов, Мухтор Муҳаммадиев каби 14 бегуноҳнинг ҳар бири 3 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. (Уша иш, 18-жилд, 107-11 бетлар).

Хуллас, икки ярим соат давом этган суд жараёнида жами 87 киши (уларнинг орасида Салимхон Тиллахонов ҳам бор) сиёсий маҳбус — гуноҳкор сифатида ҳукм этилди.

Ҳа, Шўро тузуми, социалистик демократия муҳити бедодликларидан тўйган пок қалбли, истиқлол — мустақиллик йўлида ҳеч нарсадан қайтмаган атоқли иқтисодчи, катта педагог, маориф ташкилотчиси Салимхон Тиллахонов ўғли 34 ёшида отилиб кетди.

Узининг сўзи билан айтганда, у «янги тузум» адолатсизликларидан, қийноқларидан, бу мудҳиш муҳитдан тўйган эди.

Исломжон ТУРСУНОВ,
педагогика фанлари номзоди.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари номзоди.

МИС СИМЛАР ТИЛСИМИ

(Еки Ўрта Осиё кабель заводи
«Чинор» ижара корхонаси хусусида)



Биз — мухбирлар, бирон бир мавзуда мақола ёзмоқчи бўлсак, унинг тоғ каби юксак чўққисини ёки чуқур жар баробар тубини ёритишга ошиқамиз. Яъни, гоҳ мақтаб осмонга чиқариб қўямиз, гоҳ ерга шунақанги «зарб» билан урамизки, уни энг ёруғ тубанликдан ҳам топиб бўлмайди. Ўртадаги ораликлар эса ёзилмай қолаверади...

Шу маънода мен қўлимга қалам олар эканман, Тошкентдаги Ўрта Осиё кабель заводининг «ўртача» корхонаси ҳақида ёзишга жазм этдим.

Хабардор кишиларга маълумки, 80-йиллар бошида кабель заводи бошқа йирик корхоналар қатори анча таназзулга учраган эди. Ишлаб чиқариш режалари гўёки бажарилган бўлса-да, четга чиқарилган тайёр маҳсулот сифатсизлиги сабабидан тез-тез орқасига қайтиб келарди. Бу аҳвол ишлаб чиқариш усули ва уни бошқаришнинг эскирганидан дарак берарди.

Ҳозирги «Чинор» ижара корхонаси ҳам иқтисодий ва маънавий инқирозни бошдан кечирарди. 1989 йилнинг охирида мазкур корхона ижара пудрати усулида ишлашга ўтди. Унга катта умидлар билан «Чинор» деган ном қўйилди.

«Чинор» ижара корхонаси ёрдамчи хўжалик бўлиб, кабель заводининг буюртмаларига асосан фаолият юргизади.

Бу ерда кабелни ўраш учун темир ва ёғочли ғалтаклар, бруе, паддон, крепешь, обшивка ҳамда таъмирлаш воситалари тайёрланади. Асосий иш темир ва ёғочли ғалтаклар ясашдир. Авваллари фонд бўйича иш олиб берилганда, кўпинча хом ашё етишмаслик ҳоллари юз берарди. (Айни вақтда исроф бўлиб ётган хом ашёлар ҳам йўқ эмасди!) Ишчиларнинг ўз вазифаларига нисбатан лоқайдлиги натижасида қаракат ҳам ўлда-жўлда силжирди. Бугунги, ижара усулидаги корхонада эса иш бирон соат тўхтаб қолгани йўқ. Хом ашё қаерлардан бўлса ҳам етказилиб берилаяпти, минг машаққатлар эвазига бўлса-да, қидириб топилаёпти.

— Ахир маошни бекорга олмаяпмиз-да, — дейди «Чинор»нинг бош муҳандиси Жуманазар Солиров. — Бизда доим иш авжида бўлиб туриши керак. Бунинг учун темир, ёғоч каби маҳсулотлар ортиги билан сақланган бўлиши

Нодир АЛИМОВ 1971 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат Дорилфунунининг филология куллиётига 1988 йилда ўқишга кирган. Журналистик фаолиятини «Ленин учқуни» рўзномасида бошлаган. Ҳозирги кунда журнализмнинг адабий ходими бўлиб ишламоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Яқинда мустақил Ўзбекистонимиз Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкнинг аъзолигига қабул қилинди.

● «Инак йўли» инновация тижорат банки ходимлари бозор иқтисодиёти мушкул аҳволга солаётган корхона ва хўжаликларни қўллаб юборишга бел боғлашди. Бу саҳоватпешалар Олмалик гилам фабрикасига хом ашё харид қилиш учун 15 миллион сўм пул ҳада этишганди. Тошкент метрополитенининг янги линияси учун ҳам 15 миллион сўмга вагонлар сотиб олиб беришди. Яқинда улар Қибрай районидаги насли буқалар етказиш корхонасига ҳам анча маблағ билан ёрдам берди.

● Ўзбекистонда ҳайдовчилик гувоҳномасига янги талон жорий этилди.

● Яқинда Янгйердаги «Голодно-степстрой» қурилиш-деҳқончилик саноати бирлашмаси тижоратчилари ўзларининг маданият саройида халқаро тижорат ярмаркасини ташкил этдилар. Унга ҳамдўстлик мамлакатларининг йирик-йирик савдо, саноат шаҳарларининг вакиллари ва чет элдаги бир қанча сармоядорлар таклиф этилди. Бу ерда кўплаб ташкилотлар ўртасида анчагина битим тузилди.

● Шовот районидаги «Партия XIX съезди» жамоа хўжалигида шиша идишлар ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда. Иллага юз миллион донга ярим, бир ва икки литр ҳажмидаги шиша идишлар чиқаришга мўлжалланган завод қурилиши йил охирида якунланиши мўлжалланмоқда.

Завод ишга тушгач, 600 дан зиёд киши иш билан таъминланади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини қўшимча қийматдан бюджетга солиқ тўлашдан озод қилиш тўғрисида фармон берди.

● Самарқандда ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концерни иш бошлади. Таъсис анжуманида «Самарқанд» деб ном берилган бу янги тузилманинг низоми тасдиқланди, ташкилот кенгаши раҳбарлари сайланди. Келгусида бу концерн ташқи бозорга чиқиш, ўз банкига эга бўлиш ва сугурта уюшмаси ташкил этиш ниятида.

● Екутистоннинг «Саха омуко» миллий ҳаракати ёқут оиласида кўпхотилилик анъанасини тиклаш таклифини республика жамоатчилик мухоғамасига қўйди. Мазкур таклиф

муаллифларининг фикрича, кўп хотинликсиз ёқутларнинг оиласини тиклаш, миллатнинг мустақкам пойдеворини қўйиш, айниқса, болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган қадимий анъана, удумларни тирилтириш ҳақида гап-сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. («Оила ва жамият»дан).

● Париж банкларининг бирида Бухоро амирлигининг 180 миллион олтин франк ҳажмидаги хазинаси сақланмоқда. Афғонистонда муҳожирликда яшаган амир Саид Олимхон 1928 йил ана шу бойликни қайтариб олиш учун мурожаат этганда, Париж ҳукумати: «Пуллар Бухоро халқи талаб қилсагина қайтарилиши мумкин», — дея жавоб берган. Ҳозир нима дейишаркан?!!

● Она юртида яшашни неча йиллардан бери орзу қилиб келган ҳамюртларимиздан бири — Амир Олимхоннинг куёви Бухорога келди. Энди у шу ерда яшашни мақсад қилиб қўйди. «Қайнотамиз Бухоро озод бўлгач, инқилобчилар вайрон қилган асори атиқаларни таъмирлаш учун пул ва сийат қилиб қолдирган эдилар. Пулни Бухоро саодати учун сарфламоқчимиз», — дейди амирнинг куёви.

дозим. Биз Украина ва Россиянинг бир қатор корхоналари билан шартномалар тузиб қўйганмиз. Масалан шу кунгача Хабаровск, Красноярск каби бир қатор ўлкалардан ёғоч-тахта келтирдик. Бу эса бизнинг фаолият манбаидир. Корхона Украинадаги металлургия заводи билан 900 тонна металл учун шартнома тузиб қўйган. Бу корхона учун 10 миллион сўмлик маҳсулот сотиб олиш дегани. Эвазига украиналик завод «биз»дан 4 миллион сўмлик кабель маҳсулоти сотиб олмақчи. Бугунги кунда ушбу битимнинг 70—80 фоиз билиб қолди, ҳисоб.

«Ташқари»га қадам ташлаш суръати анча тезкордир. Масалан, Олтой ўлкасининг Барнаул шаҳридаги «Сталь-конструкция» корхонаси билан биргаликда қўшма корхона очилди. Олтой ўлкасида қарор топган бу қўшма корхонанинг номи «Дўстлик» деб ўзбекча ном билан аталди. «Дўстлик» ўрмон қонида жойлашгани учун «Чинор»га ёғоч галтаклар етказиб беради.

Инсон аъзоларини қон томирисиз тасаввур қилиб бўлмаганидан, ҳар қандай сановатни ҳам кабель маҳсулотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, кабелни сановатнинг қон томири билан қиёслаш мумкин.

Шу маънода харидорларнинг завод маҳсулотига бўлган «иштаҳаси» ҳақида ортиқча гапириб ўтириш жоиз эмас. Урта Осиё кабель заводидан чиқадиган маҳсулотларга нафақат жумҳуриятимиз, балки Иттифоқ ва чет эл мамлакатларининг корхоналари ҳам «озиқланади». Завод АҚШ, Хитой, Гонконг давлатлари билан алоқалар боғлаган.

— Шу билан бирга кабелни галтаксиз ҳам тасаввур қилиб бўлмайди,— дейди «Чинор» ёрдамчи корхонасининг директор муовини Карим Исмамухамедов.— Биз галтак тайёрлаш учун йилига 20 минг кубометр ёғоч ишлатамиз. Корхонамиз бундан ташқари ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятини яхши йўлга қўйган. Даромаддан тушаётган маблағ ҳисобига ишчиларимизни моддий рағбатлантириб турибмиз. Уй-жой қураётганларга ёғоч-тахта, ойна келтириб бердик. Оиласи учун керакки шаклар шакр билан таъминладик. Буларнинг ҳаммаси ишчиларимизнинг кайфиятига гайрат ва иродасига таъсири катта.

«Чинор» ижара корхонасида 160 дан зиёд ишчи ишлайди. Уларнинг асосий қисми ёшларни ташкил қилади. Еш бўлганда ҳам, иш тажрибаси етарли бўлган, шижоатли

ёшлардир. Бўлмаса ишлаб чиқариш даражаси бу қадар юқори бўлармиди?!

Балки бўларди, балки йўқ. Чунки ишлаб чиқариш даражаси юқорилигининг яна бир кичик сабаби бор. Корхонада хом ашёга бўлган муносабат тубдан ўзгарган. Маҳсулотлар иложи борича иқтисод қилиб ишлатилади, чиқиндилардан қўшимча маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилмоқда. «Чинор»чилар ишлаб чиқаришнинг бундай унумли усулини чиқиндисиз ишлаш деб тушунадилар. Бундай усулда ишлаш малакаси эса — кишиларда эндиэнди шаклланаёпти.

Ишбилармоннинг қўлига қанча кўп пул тушса, у шунча ишбилармон бўла бошлайди. Қўшимча даромадлар йўлини ахтарди. Бу билан ишлаб чиқариш турлари кенгайди. Аҳоли турмуши фаровонлашиб боради. «Чинор» корхонасида шу кунларда тўртта участка иш олиб бораёпти. Корхона ўз қошида яна бир қўшимча цех очмоқчи. Хуллас, ишлар авжида.

Оёққа мустақкам туриб олаётган кабель заводининг бу каби ёрдамчи хўжаликлари бир қанча. «Тулпор», «Наврўз», «Асос» кабилар шулар жумласидан. Улар заводнинг фақатгина «ёрдамчи», «дастёр» хўжаликларигина холос. Шунга қарамай, уларда бугунги кунда энг муҳим ҳолат ҳисобланган корхоналар мустақиллиги мавжуд.

Ишчиларни тартиб-интизомга қақариш каби сийқали гаплар ҳам корхона учун ёт бўлиб кетган. Ижара пудратидан ишлаётганлар «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган нақлга амал қиладилар.

Биз эса ҳозирча чиройли ибораларни ишлатишдан ўзимизни тийайлик. Мустақил Ўзбекистонимизнинг баркамолликка эришишига ҳали вақт бор. Токи ҳар бир корхона, ҳар бир цех ва ҳар битта ишчи-хизматчининг бажараётган ижодий меҳнати юртимизнинг томирига қон бўлиб тушмас экан, биз иш устида изланаверишимиз, изланаверишимиз даркор.

Урта Осиё заводидан қайтар эканман, мисимлар тилсими шундан иборат эканлигини англагандай бўлдим.

Нодир АЛИМОВ.

«Ҳаёт ва иқтисод»

журналининг махсус муҳбири

Кувё Асадулло Толибининг Саид Олимхон қизи (Солиҳа)дан тўрт ўғил, тўрт қизи бор.

● Собиқ СССР Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раислигига сайланган ўзбекистонлик ёзувчи Темур Пўлатовдан РИА ахборот агентлиги тўхмати учун кечирим сўради. Чунки ушбу агентлик Темур Пўлатовга тўхмат қилганди. Илгарироқ марказий рўзномалар хабар қилганидек, Юрий Черниченко бошлик бир гуруҳ рус ёзувчилари ўзбошимчилик билан ундан ҳокимиятни тортиб олган эди. Бунинг устига, РИА агентлиги бутун оламга гўё Темур Пўлатов мансабидан фойдаланиб, бир ярим ой ичида 9 миллион сўмни «еб юборган», деб жар солганди. Шукрки, бу ҳам тўхмат бўлиб чиқди.

● Яқинда Первоуральск шаҳар суди галати қарор чиқарди. Бу қарорга асосан шаҳар ҳокимияти Навотруб заводи устаси А. Сумцовга 1 миллион 313 минг сўм тўлаш керак. Чунки, ўтган йили А. Сумцовнинг янгигина «Волга» машинасини ширкат гаражидан номаълум кимсалар ўғирлаб кетишганди. На машинани, на ўғирларни милиция тополмади. Шундан сўнг, А. Сумцов судга мурожаат этди. Агар вилоят суди ҳам ушбу қарорни маъқулласа, жабрланувчи миллионга эга бўлади.

● Тошкентга Вашингтондан Бутунжаҳон банкнинг бир гуруҳи ташриф буюрди. Уларнинг ниютлари пойтахтимизда ушбу банкнинг ҳудудий ваколатхонасини очиб эди. Ана шу ваколатхона Урта Осиёдаги барча жумҳуриятлар билан ўзаро алоқада бўлади.

● Тошкентда биринчи бор қонуний равишда қошида болалар астрологик мактаби бўлган марказ рўйхатдан ўтказилди.

● Илгарилари якшанба кuni бирор нарса харид қилиш илинжида кўчага чиқсангиз, сановат моллари, кийим-кечак, пойафзал каби дўконларнинг ёпиқлиги учун қийналардингиз. Эндликда бу муаммо ҳам ҳал этилди. Яқиндан бошлаб бундай дўконлар ҳордиқ куллари ҳам хизматингизда бўла бошлади. Уларнинг сотувчилари ҳафтанинг душанба кuni дам олади.

● Япониянинг бутун дунёга танилган энг йирик савдо корпорацияларидан бири бўлиш «Мицун буссан» ходимлари яқин орада ўзларининг ваколатхоналарини Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг шаҳарларида ҳам очмоқчи. Улар Екатеринбург ва Тошкент шаҳарларида очилди.

Бу тўғрида ушбу компаниянинг Токидаги штаб-квартирасидаги ИТАР-ТААС муҳбирига хабар беришди.

● Навоийлик ҳуқуқни ҳимоя қилиш пособлари яқинда хуфи корхонани фоз этдилар. У ерда... 300 га яқин тошбақа парварииш қилинаётган экан. Яширин «фабрика» эгалари ҳар бир бош тошбақани 2 доллардан сотишни мўлжаллашаётган экан. Афсус, миси чиқиб қолди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Абдуғаниевич Каримов «Озодлик» ва «Америка овози» радиостанциялари раҳбарлари вакиллари қабул қилди. Президентимиз Ислому Каримов Ўзбекистонда «Америка овози» радиостанциясининг марказини очишни таклиф қилди. Таклиф бажонидил қабул этилди.

● Табиий офат туғайли Сурхондарё вилояти деҳқончилик сановати комплекси хўжаликлари ҳаммаси бўлиб 175 миллион сўмдан кўпроқ зиён кўрдилар.

● Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси миллий олимпия қўмитаси устави рўйхатдан ўтказилди.

● Ўлкамизга ташриф буюрган Россиянинг «Ивтекс» концерни вакиллари билан ҳамюртларимиз ўзаро шартнома туздилар. Унга мувофиқ Россиядан тикув машиналари, ёғоч-тахталар, газмоллар келтирилади. Биздан эса вагон-вагон пахта толаси, мева-чевалар юборилади.

ЎҚИЙМИЗ, ЎРГАНАМИЗ

КОМПЬЮТЕР— ТАРАКҚИЁТ КАЛИТИ



Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасини компьютерлаштирмай туриб, ҳозир биз орзу қилаётган ривожланишни тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, жуда кўп чет давлатларда мутахассис тайёрлаш компьютерни ўргатишдан бошланади. Ҳатто, талабалар иқтидорини аниқлаш ва уларнинг лаёқатини ўрганиб чиқишда ҳам компьютерлардан фойдаланилади. Бу борада бизда ҳам билимини аниқлаш учун саволлар воситасида синаб кўриш усули — ТЕСТ ёрдам бериши мумкин деб ўйлайман.

Ўзбекистонда хўжалик юретишнинг ўзига хос усули аввало кадрларнинг малакали бўлишларини тақозо қилмоқда. Ҳозирги даврда кадр, биринчидан ўз соҳасининг билимдони, иккинчидан шу кунги талаблардан келиб чиқиб, компьютер бўйича саводхон ҳам бўлиши керак. Дарҳақиқат, кейинги ўн йилликни ҳақиқий компьютер инқилоби даври деб ҳисобласак, мутлақо муболаға бўлмайди. Чунки, шу йилларда бутун дунёда, чунончи, жумҳуриятимизда бир неча минглаб шахсий ЭҲМлар ишлаб чиқилди. Бу машиналарни қўллаш анча оммавийлашган Ғарбий Европа, Япония, АҚШ каби иқтисодий ривожланган давлатларда «Компьютер — ҳар бир ишчи ўрнига» шиори аллақачон ўртага қўйилган ва деярли амалга ошмоқда.

АҚШда 1984 йилдаёқ 18 миллион донна шахсий ЭҲМ бўлиб, шундан 4,8 миллион доннаси уй шароитида қўлланилган. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида ўта ривожланган давлатларда ҳар бир бошқарувчига 1,2 тадан компьютер ёки терминал тўғри келди. Украина Фанлар Академияси фалсафа илмгоҳи олимларининг тадқиқоти шуни кўрсатдики, информатика ютуқларини тадбиқ қилишда ҳамдўстлик давлатлари жаҳон бўйича 62 ўринда туради.

Хўш, жумҳуриятимиз бозор иқтисодиёти сиёсатини юргизаётган шу кунда бу муҳим соҳада аҳволи-

миз қандай? Биринчидан, шунини айтиш жоизки, компьютерлар гарчанд ўқув жараёнларига кириб келаётган бўлса ҳам, лекин ҳали кенг оммалашгани йўқ. Иккинчидан халқ хўжалигида ишлаб турган мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам замонавий техникани ўз фаолиятларида қўллашни ўйламаптилар. Учинчидан, янги техниканинг нархи анча баланд бўлганлиги учун ташкилотлар, ўқув юртлари уни сотиб олишга ошиқмаяптилар.

Олий ўқув юртларининг ЭҲМ пульти олдида биргина ишчи ўрнига 100 дан ортиқ талаба тўғри келмоқда. Мактабларнинг ҳам деярли ҳаммаси компьютерлаштирилмади. Расмий маълумотларга кўра ҳозир 4,5 минггага яқин компьютер мактабларга ўрнатилган. Агар жумҳуриятда салкам 9000 та мактаб борлигини назарда тутсак, бу кўрсаткичдан қониқиб бўлмайди.

Жумҳуриятимизда бу масалага мустақил ёндошиш керак деб ҳисоблаймиз, албатта. Агар компьютер ишлаб чиқарувчи йирик «Ал-Хоразмий» заводини ҳисобга олсак, бу масаланинг ечими жуда жўндек туюлади. Бундан ташқари, Тошкентнинг ўзида бир неча ўрта заводлар ҳам ЭҲМлар ишлаб чиқариш билан банд. Бироқ, бу заводлар турли маркадаги машиналарни ишлаб чиқармоқда. Четдан сотиб олинётган машиналарнинг хили ўндан ортиб кетди. «Хўш, энди нима қилиш керак?» деган ҳақли савол

Бахтиёр Каримов 1960 йилда Тошкентда туғилган. Тошкент Политехника институтининг «Амалий математика» ихтисосини 1982 йилда тугатган. 1984 йилдан бошлаб ўрта мактабда математика ва информатикадан дарс бериб келмоқда. У 1991 йилги Ўзбекистон Ешлар Иттифоқининг педагогика бўйича мукофоти соҳиби ҳамдир.

туғилмоқда. Четдагиси қиммат, ўзимизда ишлаб чиқарилганининг очиги, сифати паст. Маълумки, сифати паст машиналарни халқ таълимида қўллаш биз кўзлаган мақсадга олиб келмайди. Бизнингча, Тошкентдаги «Ал-Хоразмий» заводини «Ай-би-эм» асосида ишлаб чиқаришга мослаштириш даркор. Маълумки, бу туркумдаги машиналар энг машҳур ва энг сигналдир. Мен бу таклифни қўйишимдан мақсад — қуйидагилар:

Биринчидан, турли марказдаги машиналарни ўқув юртларига қўявериш билан компьютерли таълимдаги ягоналик йўқолади. Программа таъминоти ҳам бир хиллик бўлмагач, анча қимматга тушиб кетади.

Иккинчидан, «Ай-би-эм» машиналари жаҳон қолипидаги энг кўп тарқалган машинадир. Чет элга, хусусан, Туркияга ўқишга бораётган ёшлар хорижда шундай машиналарга дуч келадилар.

Учинчидан, юқорида тилга олинган машҳур фирманинг жаҳондаги турли давлатларда қўшма фирмалари бўлиб, бу маҳсулотлар ҳозир бошқа машиналарга нисбатан арзонроқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу корхонанинг шохобчаларидан бирини Тошкентда очиш даркор. Бу машиналарнинг ўта афзаллиги яна шундаки, уни таълимнинг барча муассасаларида — боғчадан то олий мактабгача қўллаш мумкин. Ҳаттоки, тўғма ногирон болалар ҳам ҳисобга олиниб, ёрдамчи мактабларда қўллашнинг имкони ҳам бор.

Жумҳуриятимизда электроника ва радиотехника саноатини тез ривожлантириш давр талаби. Бу тармоқдаги барча заводлар илгари иттифоқ тасарруфида эди. Назаримда улар ҳозир иқтисодимиз учун «уйқудаги малика»га айланганга ўхшайдилар. Уларни тезда «уйғотиш», миллий кадрлар билан таъминлаш керак. Мустақиллик шарофати билан валюта тушумларини ҳуда-беҳудага сарфлавериш ҳам иқтисодиётимизга путур еткази. Ўзимизнинг имкониятларни чеглаб, хориждан компьютерларни харид қилишни кўзлаш масаланинг умумий ечими эмас. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, жумҳуриятимизда иш юритиш ўзбек тилида олиб борилгани учун «У», «Қ», «Ғ», «Х», «Е» ҳарфлари йўқ компьютерлар бизга иш бермай қўйиши мумкин. Биз иқтисодиётни бошқариш учун, соф ўзбек тилидаги ана шу тугмалар бўлиши шарт.

Агар шу ечимлар амалга ошса, муаммонинг бир қисми ҳал бўлган бўлар эди. Муаммо шундан иборатки, компьютерларнинг программали таъминотининг жумҳурият эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга ошириш лозим. Бунинг маъноси шуки, конкрет компьютерларни маълум соҳага қўллаш учун ўзбек тилида яратилган программаларни ишлаб чиқариш керак. Бу иқтисодимиз ривожланишига «киши билмас» даражада таъсир этиши мумкин. Масалан, АҚШда фақатгина программа маҳсулотларини қўллашнинг ўзи 1985 йилдаги мамлакат миллий даромадининг (саккиз) фоизини ташкил этган. Бу фойдани келтирувчи асосий манбалардан бири юксак даражадаги бошқариш системалари бўлса, иккинчиси катта ҳажмдаги матнларни тайёрлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларни машина зиммасига юклагандан келади. Ҳозирнинг ўзидаёқ компьютер матнни мутахассисларга ўхшаб тез қайта ишлашда, тегишли тузатишлар киритишда муҳаририятларга бебаҳо ёрдамчига айланмоқда. Бу билан «анқонинг уруғи» бўлиб бораётган қоғоз тежалганини айтмайсизми? Ҳадемай ўзбек журналистлари ҳам компьютерлар билан ишлай олишлари лозим бўлади.

Бу ерда гап шундаки, ходим қоғозга босувчи машинани компьютер билан алмаштириш, машинкада қоғозга босиш ўрнига матнни махсус программа — матн муҳаррири ёрдамида компьютерга киритиши зарур.

Бунинг учун барча ўқув юртларига, малака ошириш илмгоҳларига, компьютерга эга бўлган ташкилотлар, хусусий шахсларга қуйидаги программани етказиб бериш зарур деб ўйлайман:

- ўзбек тилида матн муҳаррири;
- ўзбек тилида чизмалар муҳаррири;
- ўзбек тилида маълумотлар банки;
- ўзбек тилида ўқув машғулотлари;
- инглиз ва рус тилларининг изоҳли луғати.

Ушбу дастурларни жуда кўп нусхада имтиёзли қисқартириш керак. Акс ҳолда янги информацияларнинг иқтисодий самараси кечикади.

Бу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Биз ўзаро ахборот алмашинув, ахборот узатиш масалаларини ҳам кўриб чиқишимиз даркор. Зеро ҳозирги фан ва техника тараққиёти, савдо-сотик, транспортни бусиз тасаввур этиб бўлмайди. Агар шахсий компьютерларнинг модели орқали оддий телефон тармоғига уланса, у бошқа ҳар қандай масофадаги компьютерлар билан ахборот алмашиши мумкин. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, Канада, АҚШ, Англия олий ва ўрта мактаблари ана шундай дарс, ахборот алмашинуви имкониятига эга. Келажакда туркий давлатлар ҳам ана шундай дарс алмашинуви ташкил этсалар ажаб эмас.

Бизда кибернетика соҳасидаги илмий кучлар ҳам, моддий заҳира ҳам бисёр. Жумҳуриятда кейинги йилларда кибернетика соҳасида минглаб етук мутахассислар тайёрланди. Компьютерлар учун зарур хом ашё ва рангли металллар ўз еримиздан чиқаяпти. Шундай экан, бу соҳада жаҳон маданиятидан орқада қолишимиз асло мумкин эмас. Шунинг учун қуйидаги кечиктириб бўлмас тадбирларни биринчи навбатда кўриш зарур.

1. Жумҳурият вилоятларида компьютерларни соловчи, дастурлар (программа) яратувчи қўшма корхона ёки кичик корхоналар очиш;
2. Барча илмий кучларни компьютерлар ишланмаларига йўналтириш;
3. Боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида зарурий — мажбурий компьютерли таълимни жорий этиш;
4. Корхоналар, муассасаларда малака ошириш курсларини очиб, у ерда янги информация технологияда ишлашни ўқитиш;
5. Янги технологияни қўллашга тушувчи ишчи гуруҳларига имтиёзлар бериш;
6. Илғор давлатлардаги тажрибаларни оддий муаллимлар, муҳандислар ўз кўзлари билан кўриб, тажриба алмашишларига имкон бериш.

Жадал иқтисодий, экологик ахборотларни ташкил этиш, омонат касса ва банк, савдодаги ахборотларни айирбошлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот ишларини амалга оширувчи марказлар, нашриёт, матбуот муҳарририятлари ахборот марказларига эга бўлишлари ва уларни замонавий янги технология билан таъминлаш керак. Ана шундагина Ўзбекистонимиз иқтисодида туб бурилишлар бўлиб, ҳар соҳада илғор давлатлар билан беллаша оламиз.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Тошкент шаҳар,
138-мактаб ўқитувчиси.

ЁШЛАРНИ ЖИНОЯТДАН ҚАЙТАРИШ ЛОЗИМ

(ёки уларни бу ҳолга олиб келган сабаб
ва шароитлар ҳақида)



Ёш авлод ўртасида учрайдиган ахлоқ нормалари ва принципларидан ҳар қандай чекинишларга, уларни бузишга уринишларга қарши курашда умуммеҳнаткашларнинг ва жумҳурият ёшларининг актив иштирок этишини таъминлаш ва шу билан бирга баъзи ёшлар томонидан содир этилган жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида улар орасида тарбиявий, сиёсий ва ғоявий ишларни янада такомиллаштириш ва кучайтириш керак. Ёшларни тарбиялашда ижобий натижаларга эришиш учун энг аввало ота билан она, бола тарбиясига алоқадор бўлган бошқа шахслар, мактаб-маориф ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини янада ошириш зарур.

Болаларнинг ҳуқуқий тартиб бузганлиги ва қонунсиз ҳаракатлари ёки содир этган жиноятлари учун биринчи навбатда она билан ота жуда қаттиқ азият чекади, азобланади, руҳан эзилади. Чунки, уларнинг фарзанд тарбиясида йўл қўйган хато ва камчиликлари оқибатда болаларнинг ҳуқуқий тартибни бузишларига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий тартибни бузиб, жиноят қилган шахслар

14 ёшдан жинойи жавобгарликка тортиладилар. Айрим жиноятлар учун, чунончи, давлат ва жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулкани ўғирлаш, одам ўлдириш, киши баданига оғир шикаст етказиш, хотин-қизларга нисбатан зўрлик ишлатиш, талончилик, босқинчилик йўли билан давлат ва жамоат ёки фуқароларнинг шахсий мулкани эгаллаб олиш, ашаддий безорилик каби жиноятлар учун 14 ёшга тўлгандан бошлаб жинойи жавобгарлик белгиланган.

14 ёшга тўлган шахс, биламизки, 7-синфда ўқиётган бўлиб, бошқа шахсларнинг мулкани ўғирлаш, талончилик ёки босқинчилик билан бировнинг мулкани эгаллаб олиш ёки кишининг баданига шикаст етказиш, жамоат тартибига нисбатан ҳурматсизлик қилиш, одам ўлдириш жиноят эканлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи органлар, педагоглар, руҳиятшунослар ва тиббиёт мутахассисларининг тегишли хулосаларига мувофиқ алоҳида жиноятлари учун жинойи жавобгарликини 14 ёшга тўлгандан бошлаб белгиланган. Вояга етмаганлар томонидан мулкий жиноятлар содир қилиниши, айрим оилалардаги мавжуд салбий ҳолатлар, катталарнинг ножўя ҳаракатлари таъсири натижасида келиб чиқмоқда. Баъзи ота-оналар ўз фарзандларини ниҳоятда эркалатиб, уларнинг истагидан ҳам ортиқроқ даражада маблағ билан таъминлайдилар, боланинг хоҳиш-иродасини сўзсиз бажарадилар.

Агар, бола ўқишга, фанни эгал-

лашга ёки бирор жойда меҳнатга ҳалол муносабатда бўлса, шубҳасиз, ҳеч қандай мулкий жиноятлар содир қилмаслиги мумкин. Айрим болалар мулкий жиҳатдан таъминланган бўлишларига қарамай, ҳеч қаерда ўқимай ёки ишламай, фақат она-отасининг ҳисобига яшашни афзал кўрадилар. Бу ҳолатга ота-она ҳам эътибор бермайди.

Вояга етмаганлар содир қиладиган (давлат, жамоат ва шахсий мулкка қарши жиноятлар) ўғирлик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик ва бошқа жиноятларга қарши самарали курашмоқ учун бу жиноятларни келтириб чиқараётган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Ёшлар орасида содир бўлаётган жиноятларнинг келиб чиқишига энг аввало баъзи ёшларимизнинг мустақил ҳаётга интилмамликлари сабаб бўлмоқда. Чунки, болалар 15-16 ёшга етганларида ўзларининг келгуси тақдирлари учун ўзлари қайғуришлари, ҳар қандай шароитда ҳам ножўя ҳаракатларга қарши кураш олиб боришлари керак. 14 ёшга тўлган бола ўғилми-қизми, барибир у—ўз ҳаракатининг оқибатини билади, англайди. Ҳуқуқий тартиб бузиш, турли жиноятларни содир қилиш ёки унга қарши кескин кураш олиб бориш вояга етмаган боланинг виждонига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ҳуқуқий тартибни бузувчи айрим енгил табиатли ёшлар, шубҳасиз, ўзларининг келгуси тақдирлари учун қизикмайдилар ёки унга беларво қарайдилар.

Анвар АЛЛАБЕРГАНОВ 1947 йили Тошкент Давлат Дорилфунининг юридик факультетини тамомлагач, шу даргоҳда ишлаб қолди. Ҳозир ҳам «Жиноят ва ҳуқуқ» кафедрасида дарс беради.

Еш авлодни аввало илмли бўлиш, меҳнатга садоқат, ўзаро дўстлик, биродарлик руҳида тарбия қилиш муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Ешларнинг ҳаммадан аввал меҳнатга тўғри муносабатда бўлишларига катта эътибор бериш керак.

Болаларни одобли, хушмуомала қилиб тарбиялаш ота-онанинг оиладаги энг муҳим бурчидир. Баъзи ота-оналар болалар ҳузурда ўзаро жанжаллашадилар, бўлмагур, ҳатто уятсиз сўзларни ҳам ишлатадилар. Шунинг эътиборини қилиб қарайлик: ота-онанинг ҳар бир ҳаракати болалар диққат билан кузатиб борадилар, ноҳақ қилиқлар болаларга тез таъсир қилади. Шунинг оқибатида болаларнинг маълум ёшга тўлгандан сўнг ҳуқуқий тартибни бузишларига ота-онанинг оиладаги ўринсиз ҳаракати сабабчи бўлиши мумкин. Айрим ота-оналар ўз фарзандларини ўта эркатлиб юборадилар, каттароқ бўлганида эсини топиб олади, деб нотўғри мулоҳаза қиладилар.

Жиноятчиликни камайтириш ва тугатишда аҳолининг, хусусан биринчи галда ешларнинг ҳуқуқий тарбияларини яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Келажакда чинакам юксак онгли фуқароларни етиштириш учун ҳозирдан вояга етмаганларнинг умумий тарбиясига, дастлаб оила ва мактабдаги таълим-тарбия ишига бутун диққат-эътиборни бермоғимиз керак. Еш авлодни яхшилаб чинақатириб, давлат қонун-қоидаларига ва ахлоқ нормаларига ҳурмат руҳида тарбиялаб етиштиришни таъминлаш жуда катта профилактик тадбирдир. Маълумки, асосий тарбия уяси — бу оила. Бу борада жамиятимиз ота-оналар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Зеро, боланинг кўзи оилада очилиб, онги оилада шаклланади. У атроф-муҳитни оилада таниб, яхши-ёмонни оилада ажрата бошлайди. Ота-онанинг сабр-тоқат билан ўз вазифаси ва тарбия сирларини билиб, педагогик билимларни эгаллаб иш олиб бориши болада ижтимоий фойдали тушунча ва яхши одатларни ривожлантиришда катта самаралар беради. Ана шу тарзда ота-она доимо кузатиб, кўча-кўйдаги салбий таъсирдан уни сақлаб бормоғи керак. Ҳатто, боланинг мактаб ва маҳалладаги ўртоқлари ким эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Агар оила ва мактабда тарбияга мустақкам пойдевор қўйилган бўлса, кўчадаги салбий таъсирларга берилиш ҳоллари ҳам камроқ учрайди. Афсуски, ҳали катталар орасида бола тарбиясига путур етказувчи кўнгилсиз вазиятлар кўп учрайди. Баъзан мактабда болага нотўғри баҳо қўйиш, ўринсиз мақташ ёки койиш, қўпол муомала, лаганбардорлик аломатлари ҳам учрайди.

Ўсмирлар биров таъсир кўрсатаётган бўлса, унга чекиш, ичиш ва бошқа ярамас одатларни ўргатаётган бўлса ҳам бунга кўпчилик аралашмайди, уни ёмон йўлдан қайтаришга уринмайди. «Бу менинг ишим эмас-ку», деб қарашади. Ваҳоланки, уларнинг заррли таъсири бошқаларга ҳам тез ўтиши мумкин.

Назоратсиз қолган ўсмирлар ёки ўқишни ташлаб кетиб, мактаб тарбиясидан маҳрум бўлган болалар ёмон шароитлар ва кўча «тарбиялари» таъсирида жиноят қилишга мойил бўладилар. Шу сабабли қонунчиликни мустақкамлаш ва ешлар тарбиясини яхшилашда уларнинг иш ва ўқишдан ташқари бўш вақтларини, дам олишни тўғри ташкил қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқий тартибни бузиш, жиноят содир қилишнинг кўпчилиги спиртли ичимлик ичиш ёки наркотик моддалар истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқаётганлиги маълум.

Ешлар орасида спиртли ичимлик истеъмол қилишга олиб борадиган турлича сабаблар бўлиб, булардан бири вояга етмаганларнинг ота-оналари ва катталар таъсиридир.

Вояга етмаганларни жиноятга жалб қилишнинг усул ва йўллари турлича бўлиб, булардан: алдаш, қизиқтириш, қўрқитиш, илтимос қилиш, ваъда бериш, бошқалардан ўч олишга даъват қилиш, қасос туйғусини кўзгатиш, ешларни «кечалар, ўтиришлар» ўтказиш билан спиртли ичимликлар ичириш асосида, қарзга пул бериб қайтариб олмаслик, қимор ўйнашга қизиқтириш ва бошқалардир. Болаларнинг бундай жинорий элементлар таъсирига берилмаслик учун уларнинг 12-16 ёшида назоратини кучайтириш зарур. Чунки, болалар шу даврда ҳар бир ишга, ҳодисага, воқеага қизиқувчанлик билан қарайдилар.

Ешлар орасида турли жиноятларни келтириб чиқарадиган са-

баб ва шароитларни ўрганиш, сўнгра тегишли чоралар белгилаш лозим. Бу масалани кенг ёритиш учун жамоатчиликнинг фикрини жалб этиш керак, чунки жамоатчилик ниҳоятда катта кучдир.

Нима учун ўқиш ёшида бўлган болалар ўқимай, ишлаш қобилиятига етган ўспирин ҳеч қерда ишламай, бошқалар ҳисобига яшашни афзал кўради? Ана шуларнинг ҳаммасини ўз вақтида аниқлаб, етарли ва лозим чораларни қўллаш ота-оналаримизнинг ва бошқа шу ишлар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг энг муҳим вазифаларидир. Боланинг ўқимай ёки ишламай юришига ота-оналар ҳам сабабчи. Бунга мисол қилиб яқинда бўлган воқеани айтиб ўтишим мумкин. 25 апрель кечаси соат ўн бирларда Чилонзордаги кўчаларнинг бирида иккита болани тутдик.

Улардан биттаси 10 ёшларда, иккинчи эса 13 ёшларда. Аниқланишича, улар назоратсиз болалар бўлиб, кечалари хоҳлаган ишларини қилиб юришар эканлар. Уша куни ҳам улар Чилонзор «Савдо маркази» ёнида жойлашган сув дўконини синдириб, 20 сўмча майда тангалар, 300 дона сақич ва бошқа нарсалар олганлар.

Болалардан «нима учун шу иш билан шуғулланасизлар?» — деб сўрасак, улар шундай жавоб беришди: «Ота-онамиз бизга қарашмайди, ўзлари куни билан ичиб-чекиб ўтиришади. Бизларнинг эса қорнимиз оч. Биз ҳам еб-ичишимиз керакми, ахир?»

Юқоридагилардан хулоса қилиб, баъзи мулоҳазаларни баён этаман:

1. Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқий тартибни бузувчиларга қарши курашмоқ учун уларнинг ота-оналари орасида ҳуқуқий тарбияни кенгроқ олиб бориш керак;

2. Ешларнинг мактабдан ташқари вақтда машғулотларини ташкил қилиш керак. Бунинг учун мактаблардаги турли тўғаракларни ривожлантириш лозим;

3. Ишламай, ўқимай юрган болаларни ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш зарур.

Ўйлаймизки, бу тадбирлар ўзининг ижобий натижасини беради.

Анвар АЛЛАБЕРГАНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари
номзоди, доцент.

ЗАМОН ЗАЙЛИНИ ТУШУНИБ...

«Ишлаб, маҳсулот чиқараяпмиз. Маош оляпмиз. Бола-чақа боқаяпмиз. Кайфиятимизга келсак... Ҳозирча ёзмай турганингиз маъқул биз ҳақда.»

Начора. Шаҳрихондан Худойберди Абдуллаев ва унинг «Зайли замон» корхонаси ҳақида ёзмайдиган бўлиб қайтдим. Мени дарвоза олдида тўрт ёшли ўғилчам кутиб олди.

— Ая, ўйинчоқ опкелдизми? (ҳар кунги савол)

— Дўкон берк экан, эртага опкеламаман болажон. (Ҳар кунги ёлғон наилож, болакай ҳозирги тақчил, қимматчилик кунларни тушунадими?!)

Хаёлимга боя «Зайли замон»да кўрган-эшитганларим лоп этиб урилади.

— Мана бу дастгоҳни агар Россиядан сотиб олсак камида 150 минг сўм кетарди. Биз эса, уни ўшандоғ дастгоҳ чизмаларига қараб, мутахассислар ёрдамида ўзимиз «ясаб» олдик. Ўн минг сўм кетди.

— Нима ишлаб чиқаради?

— Болалар ўйинчоқлари. Олти турдагисини. Арслонлар, маймунчалар ҳам чиқади. Уйдаги неварамга ўхшаш қизчалар учун қўғирчоқлар ҳам, — Худойберди ака тин олди. — Сизга айтсам 7 ўғлим, 2 қизим бор. Невараларим бир ҳовли бўлади тўпланса. Ҳаммаси ўйинчоқ сўрайди. Битта жангарироғи бор, на алдагани билди, на замонни тушунади. Аслида ўзбекман деганинг ҳаммаси болажон. Демак, ҳамма уйда бор маш-машалар. Лекин, бола барибир бола. Ота-она ҳам уни тушуниши керак. Мана шунақа ўйлар билан бошладик бу ишни. Насиб этса, ҳадемай «Зайли замон» деган ёрлик билан ўйинчоқлар чиқара бошлаймиз.

Ажаб эмас. Хаёлимдан ўзимча қувонаман. Ўғилчамни етаклаб кираман. «Аям келдилар». Саккиз ёшли қизчам пешвоз югуради.

«Аяжон, уйни ҳам, айвонни ҳам супуриб тозаладим. Идишларни ювдим».

«Пиёлаларни синдирди», — укаси гапга қўшилади.

«Тўртта холос. Секин юваётувдим, барибир қўлимдан тушиб синди».

— Бўпти, келган балога даф бўлсин, — овутаман дастёримни. Овутаману беихтиёр тўртта пиёланинг ҳозир қанча туриши фикримга ўралади. Яна «Зайли замон» дастгоҳларини эслайман. Худойберди ака уни бир бошдан тушунтирганди.

— Мана бу уччала дастгоҳда пиёла чиқарамиз. Ликончалар ҳам. Бир томоша қилинг.

Майда қумтошдек хомашё бир тарафдан кириб механизмлар ёрдамида бир тарафдан пиёла бўлиб чиқиб кетади. Ишчиларимиз ҳавосини олиб қолди.

— Худойберди ака, нима тақчил, нима элга манзур бўлса шуни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб яхши иш бошлабсизлар.

— Ҳа, пиёлаларимиз елимдан. Лекин корхонамиз бир куни кенгайиб, яхшиларини ҳам чиқариш фикримизда йўқ эмас.

Ажаб эмас... барибир ёзмайман-ку дейманда уй ишларига чалғийман. Ишим кўп ахир. Анча мунча йиртиқ-ямоқ ҳам қилишим керак. Ана, бир нечта пайпоқли иштончалар. Ҳозирги тилда калготкалар. Барининг пайпоқ қисми йиртиқ. Уларни қирқиб ташлаб, текисгина букиб қўйсам бас, оддий иштончалар ҳосил бўлади. Ҳар ҳолда болалар кийиб турса бўлади. Лекин резинабоғичи... Одатда боланинг кийими кўп ювилади, ювилган сари эса резина боғичлар ипга айлана бошлайди. Аввалги кунлар бўлса-ку, ҳар метрини саккиз тийиндан резинабоғич олиб келардим-да, янгилаб қўярдим. Лекин ҳозир... бу матоҳ камёб тахтига чиқиб олган. Ҳеч бир магазинда йўқ. (Ёлғончи бўлмаину, чайқовдан 10 метрини ўттиз-ўттиз беш сўмга топса бўлади). Тавба, нима бўлаяпти, яна хаёлим боя «Зайли замон»да кўрган эшитганларимга кетади-я.)

— Мана бу дастгоҳларда ҳозир анқонинг уруги бўлиб қолган резина боғич чиқарамиз. Фарғона водийсидаги бир нечта трикотаж фабрикалари жон деб олишаяпти биздан.

— Ранги қорами?

— Ҳа, лекин ўша сизу биз билган оқ тўқимали резинабоғичдан қолишмайди. Ўзиям уч марта пишираяпмиз хом ашёсини. Фақат бу қора резинани метрлаб чиқариб бўлмайди. Биз уни тайёр ўлчамлар билан чиқараяпмиз. Эллик олтами, қирқ саккизми, ўттизми, ҳамма ўлчами бор. Чеварлар буни шундоқ мато орасига қўядию чокини букиб қўя қолади. Энди-и, йўқдан кўра жонга малҳам бўлиб турсин дедик-да. Бориға барака.

Бориға барака... Идоралар ва мактаб ўқувчилари учун ҳисоб чўтлари, олти турдаги ранго ранг шаклли тароқлар, хорижниқини йўлда қолдирадиган пойабзал тагчармлари, пичоқсоплар, бундан ташқари турли корхоналар буюртмалари бўйича қопқоқлар, елим пробиркалар, турфа мурватлар... Хуллас бориға барака... деган ният билан 24 хил маҳсулот чиқаришади. Набижон Мамадиев, Маъруфжон Рустамов,

Овозбек Тожибоев, Улуғбек Абдиев, Баҳромжон Бозоров сингари 68 ишчини бирлаштирган бу қорхона. Ишчиларнинг айтишича, қорхонада қурилиш ишлари кўп олиб борилаёпти. Кераксиз бўлиб ётган ташландиқ бир ерда ҳозир иссиқхона пайдо бўлди. Йўлнинг нариги бетига қурилаётган бино катта чойхона, ошхона, яна бир жойда идишлар ишлаб чиқарадиган цех қуриляпти. Тарихий обидаларни таъмирлашда ишлатиладиган мошини ғишт, аҳоли уй жойларни қуришда ишлатиш учун пишиқ ғишт цехлари ҳам қурила бошланган.

Аслида, қорхона ташкил қилинган 1988 йилда бу ишларнинг умумрежаси бу қадар белгиланмаган эди. Замон зайли билан, эл нимага тақчиллик сезган бўлса Худойберди аканинг қорхонаси шу нарсани ишлаб чиқариш учун ҳаракат қилаверади. Қорхонанинг номини ҳам мана шу тарафларни ўйлаб туриб «Зайли замон» деб аташган бўлса ажаб эмас. 1992 йилда қарийб икки миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга бел боғлашибди.

Худойберди ака ғалати феълли одам. Майдагаплик, миждовликни жини суймайди. Шухрат-парастилик эса мутлақо феъллига ёт. Кўринишидан сокин, аммо дарёдил одам. Менга бу ҳақда Шаҳрихон тадбиркорлари касаба уюшмаси раиси Қудратилла Сайдуллаев айтганди. Рост экан. Дастлаб «ҳа, энди битта кичик қорхонада» деб қўйди. Астойдил қизиққанамизни билгач соддагина, мослаштирилган биноларга жойлашган цехларини бирма-бир кўрсатди. Ҳар бир дастгоҳни қандай топишгани, қандай ишлаши, нима маҳсулот чиқариши ҳақида батафсил тусунтирди. Унинг мана шу ҳолатиданоқ бу цехлар ишга тушиб маҳсулот бергунча Худойберди Абдуллаев не машаққатлар тортгани, бу

ердаги ҳар бир мурват унга шунинг учун қадрдон бўлиб қолганини англаш қийин бўлмади. Қорхонага экскурсиямиз тугаганда у шундай деди:

— Бизни жуда мақтаб ёзманг. Шунчаки, замон зайлини тушуниб фикрляймиз, ишляймиз, шу аснода бола чақа боқяймиз холос. Ёзай десангиз алоҳида хом ашё фондимиз йўқлигини, молиявий солиқларимиз қарийб етмиш фоизга етиб қолганини ва бундан кайфиятимиз зўр эмаслигини ёзинг.

— Ҳайрон бўлманг. Ҳисоблаб кўрайликми. Суғурта солиғи зарур. Пенсия фонди зарур, биламиз. Меҳнат биржаси учун ҳам уч фоиз тўлаяймиз. Меҳнат биржасининг ҳам мақсади эзгу, биламиз, бу ҳам зарур солиқ. Хуллас зарур солиқлар кўп. Лекин бу кўплик...

Худойберди аканинг «лекин» и бирдан «Яшаш учун кураш» деган иборага урилгандек бўлди. Яшаш учун кураш... Бу кураш ҳамиша адолат тарозисида бўлиб турса яхши. Солиқларнинг кўпу катталиги одамларни «яшаш учун кураш»нинг бошқа йўлларига ўргатиб қўймасмикин?!

Феъллари элсуяр Юсуф Ялангтўшга ўхшаб кетадиган (шундай ўхшашлик сездим) шаҳрихонлик Худойберди ака Абдуллаев ва унинг хусусий қорхонаси ҳақидаги мақолани қандоқ қоғозга туширганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Ёзмасликка хўп девдим, лекин бунга кенжабойимнинг ўйинчоқ сўрови, қизимнинг пиёла синдириши, мендан эскини эплаш маҳоратини кутган пайпоқли иштончалари сабаб бўлди.

Замира РҶЗИЕВА
журналист.

ҲАМ КУЛАСИЗ, ҲАМ КУЯСИЗ

ТОКИО ОСМОНИДА МЕҲМОНХОНА

Япониянинг «Симидзу» компанияси хабарига кўра 2020 йилда ердан 250 км. баландликда, узунлиги 240 метрли, 64 хонали, концерт зали, ресторан ва спорт саройларига эга бўлган меҳмонхона қуриб ишга туширилади.

Йўланма баҳоси ҳар бир кишига 176—211 миң доллардан тўғри келади (кўрқманг, йўл харажатлари ҳам шунинг ичида).

Япония осмонидаги меҳмонхонада дам олишни истайдиганлар ҳозирдан тайёргарликларини кўраверсинлар. Зора, бор-йўғи 64 хоналик меҳмонхонанинг битта хонаси улар хизматида бўлса...

ЯНА ЮҚОРИДА...

Яъни учинчи қаватда помидор пишиб етилди. Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳида машинистка бўлиб ишлаётган Галина Никифоровна Семидетко 70 ёшдан ошганида ўзининг ишбилармон агроном ҳам эканлигини исботламоқчи бўлди.

Оддий гул тувакка бир туп помидор экиб парвариш қилган Семидетко кўп қаватли уйда туришига қарамай, бир килограммдан ортиқ ҳосил олди. Бозор иқтисодиёти ҳар бир кишидан ишбилармон, ташаббускорликни талаб қилаётгани сир эмас-да, ахир.

Қолаверса, саҳоватли табиатимиз бор...

Иброҳим САЛОМОВ,
Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўқитувчиси,
иқтисод фанлари номзоди.

ҲАЛЛОЖ

Иброҳим Оғоҳ Чубукчу,
фалсафа фанлари доктори,
профессор (Туркия)

Абул Муғис ал-Ҳусайн бин Мансур ал-Байзавий ҳижрий 224, милодий 857 йилда Байзо яқинидаги Турда туғилди. Машҳур ислом мутасаввуфидир. Бобоси зардушт динига мансуб эди. Ешлиги сўфийлар орасида ўтди. Абул Ҳусайн ал-Нурийдан кўп нарса ўрганди. Уч бора Маккани зиёрат этиб, Ҳожи бўлди. Саёҳатни ёқтирди. Аҳводда, Исфаҳонда, Қумда, Хуросонда халққа тангри ишқи нималигини изоҳлаб, ваъзлар берди. Замонидаги улуг турк қўмондонларининг севгисини қозонди ва тарафидан Ҳимоя этилди. Бир ора исломиятни ёймоқ учун Ҳиндистону Кашмирга қадар бориб келди. Тангрига шу қадар яқинлик ҳис қилардики, ўзига азият беришларини ва ўлдирилганда баданини йўқ қилишларини атрофидагилардан сўраганиди. Унинг «Анал Ҳақ», яъни «Мен Ҳақман» сўзи кенг тарқалган. Шу боис Зоҳидия мазҳаби қозиси Ибн Довуднинг ва Мутазила олими Абу Али Жуббойнинг душманлигини қозонди. Шу билан бирга Ҳалложни Ҳимоя қилувчи ва севгувчи олимлар бор эди. Шафейи мазҳабига тааллуқли қози Ибн Сурайё Ҳалложни ҳурматларди. Айни чоғда ўз даврининг машҳур ҳарбийларидан бири Ҳусайн ибн Ҳамдон ва исёнкор ханбалийларнинг бошлиғи бўлган Ибнул Муътаз Ҳалложни Ҳимоя қилардилар.

Ҳанбалий исёни муваффақиятсизлик билан якун топгач, Ҳаллож Богдодни тарк этишга мажбур бўлди. Шунда уни Аҳводгача излаб бордилар. Ниҳоят, Ҳалложни Сузда тутиб қамоққа олишди. Ибн Сурайёнинг ва эски ҳомийси вазир Ҳомид Куннойнинг шафоати соясида ўлим жазоси ўрнига қамоққа олиш мақсадга мувофиқ топилди. Қамоққа олинганда Ҳалложнинг нуфузи янада ортиб кетди. Қамоқхонада яшагани саккиз йил давомида ибодат ва илм билан машғул бўлди.

Ҳалложнинг асосий асарлари қуйидагилардир:

1. Китоб ал-Аҳруф Мустаҳдаса ваъл-Азалия;
2. Китоб ал-Усул ваъл-Фуруъ;
3. Китоб Сирр ал-Олам ваъл-Маъбус;
4. Китоб ал-Адл ваъл-Тавҳид;
5. Китоб Мадҳ ан-Набий;
6. Китоб Илм ал-Бақо ваъл-Фано;
7. Китоб Ҳува-хува;
8. Китоб ат-Тавосин.

Бу асарлардан «Китоб ат-Тавосин»нинг турлича нашрлари бор. Француз тадқиқотчиси Лаис Массильон Ҳаллож фаолияти ҳақида кўп тадқиқ ишлари олиб борган.

Ҳаллож ҳақида замонасининг олимлари икки гуруҳга бўлинган эди. Бирлари унинг валий бўлганини айтсалар, иккинчилари Ҳалложнинг куфрга тушганини илгари сурадилар. Натижада халифа Муқтадир, Моликий қозиси Абу Умар Ҳамمودий чиқарган ўлим фатвоси кучга кирди. Ҳаллож даставвал қамчилаш, кейин вужудини парчалаш, калласини олиш,

сўнг ёқиш тарзи ила ҳижрий 309, милодий 922 йилда ўлдирилди. Ҳалложнинг тасаввуфий қарашлари орасида қуйидаги хусуслар диққатга сазовордир:

1. Тангри инсонга ҳулул этади, яъни инсоннинг ичига киради. Бошқача айтганда лоҳут носутга киради. Бу дегани илоҳий зот инсоний зотга кириши мумкин. Ҳалложнинг бу қараш догматикларнинг қарашларига зиддир.

Ҳалложга кўра, ҳулул лутфига ноил бўлмоқ учун инсоннинг кўнглини ёмонликлардан ва ҳар турли ҳою ҳаваслардан тозалаш керак.

Ҳалложнинг иккинчи қийматли қараш бундай: ҳазрат Муҳаммаднинг Ҳақиқати Нури қадимийдир. Унга кўра, ҳазрат Муҳаммаднинг икки сурати бордир: бири — азалий ва қадим бўлган Нурдир. Бу нур бутун борлиқлардан илгари бор эди. Иккинчиси эса, унинг Пайғамбар бўлиб кўрингани ва бизга келган суратидир. Бутун валийлар ва авлиёлар ҳазрат Муҳаммаднинг бу азалий нуридан файз оладилар. Унинг нуридан ҳам порлоқ нур йўқ. Бу нур йўқликдан олдин бор эди. Инсондан олдин бор эди. Валийлар ва Тангри элчилари бир денгиздай бўлган бу Нурдан ўз имконлари, ўз ўлчовлари даражасида фойдаланганлар. Бутун илмлар ҳазрат Муҳаммаднинг қадим бўлган бу нуридан вишиллаб отилиб турган томчилар кабидир.

Ҳаллож фикрича, бутун динларнинг мақсади бирдир. Ҳар нарса Тангрининг тақдири тақозоси билан бўлади. Янги туғилган бола диний жиҳатдан тарбияланишда ҳур эмасдир. Бола Тангрининг ёзган қисматига бўйин эгишга мажбурдир. Юксак Тангри бир инсонга қайси динни тақдир этган бўлса, пешонасига ёзилган шу динга мансуб бўлади. Шу ҳолга кўра, бутун динларнинг мақсади инсонни Тангрига яқинлаштирмоқдир. Яҳудий, христиан ё мусулмон кимсаларнинг мақсади Тангрига лойиқ бир банд хизматчи бўлмоқдир. Юксак Аллоҳ ўзгармас. Фақат унга қараб борувчи йўллар ўзгариши мумкин.

Мансур Ҳаллож ибодат ва риёзат билан Тангрига яқинлашишни истади. Ваъзан илоҳий файзга таянмаган тошқин ва англашилмас ифодалар қўлланади. Бу ифодаларнинг баъзиларини диний догмалар билан мувофиқлаштириш мумкин бўлмай қолади.

Ҳалложнинг дунё ҳирсларидан узоқ туришга интилгани, Тангри севгисини ёймоқ учун қўлидан келганча ҳаракат қилгани ва ўз даврасида жуда кўп инсонларда таъсир қолдиргани ҳақиқатдир. Ҳаллож ўлдирилгандан кейин ҳам талайгина мутасаввуфларга таъсир қилгандир. Буларнинг орасида Умар ибн ал-Фариди, Жалолиддин Румийни, Муҳиддин ибн Арабийни санашимиз мумкин.

Туркчадан Миразиз АЪЗАМ нашрга тайёрлаган.

«ШАЖАРАИ ТАРОКИМА»

(Туркий халқлар тарихи)

КУНХОННИНГ УКАЛАРИ ВА УҒИЛЛАРИГА ЖОЙ БЕРГАНИ ЗИКРИ

Энди ўн икки ўркада — чодирда ўтириб улуш олгон ким ва у улушни тақсимлагон ким, ташқарида отларни ушлаб тургон ким, онларни баён қилолинг (қилайлик).

Олти чодир тўрида Кунхон ўтирди. Барча элнинг яхшилари — улуғлари иттифоқ қилиб қўйнинг бошини, думбасини ва қовурғасини, биқинини Кунхоннинг олдига қўйдилар. Ким хон бўлса улуши шу бўлсин, дедилар.

Чодирнинг ички эшигида Орқилхўжа ўтирди. Қўйнинг тўшини уни олдига қўйиб, ким вазир бўлса улуши бўлсин, дедилар.

Биринчи чодирнинг ўнг томонида Кунхоннинг катта ўғли Қайини ўтирди, қўйнинг орқа ўнг оёғини унга бердилар. Баёт уни тўғради. Сурқи (Сурҳи) отларини тутиб турди.

Иккинчи чодирда Алқаулини ўтқизишди. Қўйнинг олд ўнг қўлини бердилар. Қораулини уни тўғради. Лоло жиловбардор бўлди.

Учинчи чодирда Ойхоннинг катта ўғли Езирни ўтқизишди. Қўйнинг ўнг ёнбошини унга беришди. Есир уни тўғради. Қуми жиловбардор бўлди. Ўн икки бўлак бўлди. Бу ўн иккитасидан туғилганларни юзлик, дедилар. Чунки, ҳар бир нарсани юзи сўнггидан, яъни сўнггилар билан ёруғ бўлади. (Масалан, аждодлар юзи авлодлар билан ёруғ бўлади). Ўғузхоннинг ном қўйган кишилари ва чўрилардан туғилган набиралари ҳам 24 киши эди. Барчасининг номларини юқорида айтиб ўтдик. Буларнинг барчаси (олтин туғли) уйнинг ташқарисидан жой олдилар. 12 си жиловбардорлик қилди. 12 си эшикбонлик қилди. Бу 24 дан таркаганларни Аймақ деб атадилар. Аймақнинг асли Умоқдир. Умоқ мўғул тилида бўлиб, маъноси Уруғ демакдир.

ЎҒУЗХОН НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИ МАЪНОСИ ҲАМДА ТАМҒА ВА ҚУШЛАРИНИНГ БАЕНИ

Қойиннинг маъноси «маҳкам» демоқ бўлиб, қуши эса шунқордир. Баётнинг маъноси «давлатли» бўлиб, қуши эса уккидир. Алқаулининг маъноси «мувофиқ» демакдир, қуши эса қуйканақдир. Қораулининг маъноси «ҳар қарерда ўтирса чодир билан ўтиргучи», демакдир. Қуши сорикўбакдир. Езирнинг маъноси «эллар оқсоқоли» демакдир, қуши турумтой. Есирнинг маъноси «олдига ҳар нима учраса, уни йиқит-

гучи» демакдир, қуши қирғай. Дударғанинг маъноси «тўгарак» демакдир, қуши — қизил қорчиғай. Давкарнинг маъноси «тўгарак, доира», қуши қузғундир. Ушорнинг маъноси «ишни илдам ишлагучи» демакдир, қуши оқ лочиндир. Қозиқнинг маъноси «Бўка» демак бўлур, қуши (сорижа) бургутдир. Бекдалининг маъноси — «сўзи ҳурматли, эшли» демак бўлур, қуши бақра. Қорқиннинг маъноси «ошли» демак бўлур, қуши сув бургутидир. (Бу сўзни тадқиқотчи А. Н. Кононов шундай ўқиган — М. М) Бойандурнинг маъноси «неъматли» демак бўлур, қуши — лочин. Бажнанинг маъноси «саъй (ҳаракат) қилувчи» демак бўлур, қуши ола туғноқ (тўғон)дир. Жовлидорнинг маъноси «номусли».

Тўртинчи чодирга Дудорғани ўтирғиздилар. Қўйнинг ўнг курагини беришди. Давкар уни тўғради. Мардижўй жиловбардор бўлди.

Бешинчи чодирда Ушорни ўтқазидилар. Қўйнинг ўнг қуймичини унга бердилар. Қазик уни тўғради. Тўримчи жиловбардор бўлди.

Олтинчи чодирга Бекдалини ўтирғиздилар. Қўйнинг ўнг яғринининг курагини унга беришди. Қорқин уни тўғради. Қорчиқ жиловбардор бўлди.

Биринчи чодирнинг чап томонидаги чодирга Кўкхоннинг катта ўғли Бояндирини ўтқаздилар. Унга қўйнинг чап қуймичини беришди. Бажна уни тўғради. Қозғурт жиловбардорлик қилди.

Иккинчи чодирнинг чап томонига Жовлидорни ўтқазидилар. Қўйнинг чап ёнбошини унга беришди. Чапани уни тўғради. Қанғли отларини тутди.

Учинчи чодирга Тоғхоннинг катта ўғли Солурни ўтқазидилар. Сўл ошиқли илигини унга беришди. Аймак уни тўғради. Қолоч жиловбардорлик қилди.

Тўртинчи чодирга Олайунутлини ўтқазидилар. Қўйнинг сўл қуймичини беришди. Уракир уни тўғради. Тикон жиловбардорлик қилди.

Бешинчи чодирга Тенгизхоннинг катта ўғли Экудорни ўтқазидилар. Қўйнинг олд чап қўлини беришди. Бекдўз уни тўғради. Қорлуқ жиловбардорлик қилди.

Олтинчи чодирга Авони ўтқазидилар. Қўйнинг чап ёнбошини беришди. Қануқ уни тўғради. Қипчоқ жиловбардорлик қилди.

ЎН ИККИ ЮЗЛИК, ИГИРМА ТҮРТ АЙМОҚ МАЪНОСИНИНГ ЗИКРИ

Туркманларнинг бурунги ўтган улуғларни, умрини маъракада ўтказган яхшилари

(улуғлари) дейдиларки: Ҳуззоннинг олти ўглининг никоҳидаги хотинлардан туғилган набиралар йигирма тўрт киши эди. Кунхон уларнинг ҳар иккисини бир чодирга ўтказди, демак бўлур, қуши — буғдойиқ. Жабани (Чапани)нинг маъноси — «баҳодир» демак бўлур, қуши — Ҳумой. Солурнинг маъноси «қиличли» демак бўлур, қуши — бургут. Аймарнинг маъноси «бойларнинг бойи» демак бўлур, қуши анхори (анжози). Ола йунутлининг маъноси — «Ола отли» демакдир, қуши яқолбой. Уркирининг маъноси — «яхши иш қилғувчи» демак, қуши — бойқу. Экудорнинг маъноси — «улуғ» демак, қуши — қарчиғай. Бекдўзнинг маъноси «хизматкор» демак, қуши — итолху. Авонинг маъноси — «балад мартабали» демакдир, қуши — туйғун. Қанглининг маъноси «азиз» демакдир, қуши — жўра қарчиғай.

ЎҒУЗ ЭЛИНИНГ АХДУ ПАЙМОНЛАРИ ЗИКРИ

Хон бошлиқ барча халқ ахду паймон қилдиларки, биттами, ўнтами, юзтами, қўй сўйсалар, унинг гўштини юқорида зикр қилинганидек тақсимлашга ва ҳар қайси ўз фарзандлари ҳамда навкарлари билан ейишликка.

Яна айтдиларки, бир киши гуноҳкор бўлса, хоҳ узоқда, хоҳ яқинда яшасин, у киши подшоҳ уруғидан ёки ўзганинг уруғидан бўлсин, подшоҳнинг одамлари у кишига жазо йўлламоқчи бўлсалар, ҳеч ким гуноҳкорни ҳимоя қилмасин. Хоннинг ака-укалари ва ўғиллари ҳам. Кимда-ким мендан паноҳ сўради, деб паноҳ берса, паноҳ берган киши подшонинг эшигига келтирилиб, орқа томонидан қилич билан иккига бўлиб ташлансин, токи эшитган ва кўрганларга ибрат бўлсин.

Яна Ҳуззон томонидан (наследан) ва ўғлонларидан бир кишини подшоҳ қилишга қарор қилишди. Икки кишини кўтармагайлар.

Ахдномани қоғозга битишиб, элнинг қариялари ва ёшларнинг яхшилари барчалари хатда номларини ёзиб, токи тирик эканмиз, ушбу айтилган сўзлардан қайтмаймиз, деб онт ичдилар. Агар биздан бўлган болалар ҳалолзода бўлсалар, бу ахдномани ўқиб, амал қилгайлар. Агар ҳаромзада бўлиб, юртни вайрон қилайлик десалар, бунга амал қилмагайлар, деб муҳрларини босиб, ахдномани Ҳуззоннинг хазинасига қўйдилар. Ҳуззон оламдан ўтганда Кунхон 70 ёшда эди. 70 йил отаси ўрнига ўтириб, адолат билан хонлик қилди.

КУНХОННИНГ КАТТА ЎҒЛИ ҚАЙНИНГ ХОН БЎЛГАНЛИГИНИ ЗИКРИ

Кунхон ўлганидан сўнг Ҳуззоннинг барча набиралари ва элнинг яхшилари йиғилиб, Қайини хон қилиб кўтардилар. У ҳам отасидек элга адолат қилиб, 23 йил подшолик қилиб, Ҳақ раҳматига кетди.

ДЕББОҚУЙИНИНГ ХОН БЎЛГАНЛИГИ ЗИКРИ

Қайихоннинг ўғиллари кўп эди. Бир ўғлига отаси Деббоқуйи, деб ном қўйган эди. Катта-кичик барча иттифоқ бўлиб, Деббоқуйини хон қилиб қўйдилар. Кунлардан бир кун хон халқдан сўрадики, ҳозир Ҳуззонни кўрган кишидан бирор киши борми? деб. Солур элида Улаш отли бир киши бор, дейишди. Хон киши юбориб Улашни келтириб, Ҳуззон хонлик қилган даврда қандай ишлар қилганини, дўстларига қандай мурувват қилиб, душманларга қандай муроа қилганлигини сўради. Улаш билганларини айтди. Сўнг хон улашга кўп инъомлар бериб, уйига жўнатди. Деббоқуйихоннинг катта беклари Ёзор элидан Олон ва Орлон, Давкор элидан Чекас, Бошибек ва Беғубек ва Бояндор элидан Қобилхўжа эдилар. Хон бир кун ов овлаб юриб отдан йиқилиб, ёнбош суюги сийиб, оламдан ўтди. Қўзиёеви отли ўғли бор эди. Уни подшоҳ қилиб кўтардилар. У ҳам 30 йил подшоҳлик қилиб нариги дунёга кетди. Қўзиёеви хон бўлган пайтда кенгаш беклари Аймар элидан Керунжук, Солур элидан Тобоқ эди. Ангашнинг ўғли Утахон ва унинг ўғли Қулсари вазир бўлдилар. Деббоқуйи уруғи 120 йил хонлик қилди.

ЎҒУЗ ЭЛИНИНГ ЮРТЛАРИ ВА УНДА НЕЧА ЙИЛ, ҚАНДАЙ ҲАЕТ КЕЧИР- ГАНИ, НИМА УЧУН ТУРКМАН ДЕБ НОМЛАНГАНИНИНГ БАЕНИ

Ҳуззондан тортиб то Қўзиёеви хонгача биз баён қилгандек турур. Энди худо хоҳласа, Энолхонни зикр қиламиз. Энолхоннинг замонидан то биз бу китобни битгунча айтилганларнинг ҳаммаси ишончлидир. Аммо Қўзиёеви хон билан Энолхон ўртасида неча йил ўтганини аниқ билмаймиз. Шундай бўлса-да оз-оз айтамыз. Тахминан, 4 минг йил турур. Шундан биламизки, Ҳуззон Қайумарс замонасида эди. Энолхоннинг вазир вакили Қойи халқидан Қўрқут ота эди...

Қайумарс билан Аббосийларнинг ораси 5000 йил эди. Қўзиёеви хон Ҳуззоннинг бешинчи авлоди турур. Мана энди ўзингиз ҳисоб қилинг. Қўзиёеви хон билан Қўрқут отанинг хони Энолхоннинг ораси неча йил бўлади? Биз бу айтилган 4 минг йилда ким хон бўлганини номма-ном, йилма-йил билмасак ҳам умумий ҳисоби шундан ўзга эмас. Ҳуззон элининг юртлари кун чиқиш томонда Иссиқкўл ва Олмалик, қибласи Сайрам ва Қорачиғ тоғи ҳамда Қозғурут тоғи ва Темур қозуғи, катта ва кичик тоғларда миснинг кони бўлур. Кун ботиш серсувининг охири Янгикент ва Қорақумдир. Ушбу айтилган ерларнинг ўрнида 4000 йил ва 5000 йил ўтирдилар. Қайси уруғи кўп бўлса ундан подшоҳ кўтардилар. Мундоқ Қойидан бир кишини подшоҳликка кўтаришди. Қойи уруғи ва Баёт уруғи ва яна беш-олти юз уруғлар унга қўшилишар эди. Яна Солурдан ҳам бир кишини подшоҳ сайлашар

эди. Солур ва Аймар уруғи ва яна бир неча юз уруғлар уларга қўшилишарди. Ва яна Езирдан бир кишини подшоҳ қилишарди. Езир уруғи ва яна бир неча оз уруғлар унга қўшилиб гоҳ олти-етти тўп бўлишарди. Гоҳида эса уч-тўрт тўп бўлишарди. Ва яна бир-бири билан уришиб, асирлар олишарди. Ўзларидан ортган асирларни Мовароуннаҳр бозорларида сотишарди. У вақтда Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳр подшоҳлари ва сипоҳлари барчаси Тотлардан эди. Улардан ўзга халқ йўқ эди. Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг отаси Собук-тегин Қойи халқидан эди. Собук-тегинни туркманлар асир олиб, савдогарга сотиб юборди. Яна Бужна уруғи ҳам ўзидан ҳоким кўтариб, Солур эли билан душман бўлиб юршар эдилар. Беш-олти авлоддан бери бу икки элнинг орасида душманлик бор эди. Бужна эли Солур элига ғолиб келарди. Шунинг учун Солур эли уларни Итбужна деб аташарди. Бужна элининг ҳокими Тоймадук лашкарлари билан келиб Солур элини чопиб, Қозоналпнинг онаси Ҳижоқлини асир олиб кетди. Уч йилдан сўнг Кадхудойи (Эра) Ангуш кўп мол билан одам юбориб, Ҳижоқлини қайтариб олди. Бу сўзларни айтишдан мақсад шуки, ғолиблар юртларни босиб олиб, мағлублар душмандан қочиб, Мовароуннаҳрга борар эдилар. Шундан сўнг туркманнинг кўпчилиги вилоятларга тарқалиб кетди. У вақтда туркманга яқин эллар Хитой, Қониқли (Қангли) ва Найман эллари эди.

Туркманнинг қолганини ҳам душманлари чопа бошлади. Туркманлар юртларини ташлаб, Сир сувининг этагига келиб, подшоҳларини Янгикентга ўтқизиб, ўзлари Сирнинг икки томони-га ёйилиб жойлашдилар. Ушбу жойларда ўн авлод ўтгунча ўтирдилар. Мовароуннаҳрга тушган бу туркманларни тожиклар Турк, дер эдилар. Беш-олти авлод ўтгандан сўнг об-ҳавонинг таъсири натижасида туркманларнинг юз тузилиши ўзгарди. Булардан келган савдогар ва асирлари кўрган тожиклар туркларга ўхшаган (туркмонанд) деб номлашди. Ерли халқ бу сўзни бузиб туркман, деб аташди.

ЭНАЛИЕВИНИНГ ХОН БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Қорахўжанинги ўғли Қўрқут ота бошлиқ Қойи эди. Ангушхўда ва Авашбонхўжа бошлиқ Солур эли ва барча Ўғуз эллари йиғилиб, Қойи элидан бўлган Эналиёвини унинг сўзидан чиқмади. Қўрқутотанинги кароматлари кўп эди. 295 йил умр кўрди. Уч подшоҳликка вазирлик қилди. Эналиёви етти йил подшоҳлик қилди. Унинг икки ўғли бўлиб, каттасининг номи Оли, кичигининг оти эса Дувойли Қойа эди. Эналиёвихон ўлар вақтида Дувайли Қойани ўрнига ўтқазиб кетди. Дувайли Қойа ҳам Қўрқут ота сўзига амал қиларди. Қўрқут отадан ташқари икки яқин беги бор эди. Вириси Бояндар элидан Бекдўс исмли, иккинчиси Эндар элидан Дунка отли эди. Дувайли Қойа кўп йиллар подшоҳлик

қилди. Ўғли йўқ эди. Узоқ умр топиб, оламдан ўтди.


ДУВАЙЛИ ҚОЯНИНГ ИНИСИ ЭРКИНИНГ ПОДШОҲ БЎЛГАНИ ВА ЎГЛИНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ БАЕНИ

Дувайли Қойанинги бир яқин иниси бор эди. Уни исми Эрки эди. У барчани ошга таклиф этди. Барча Ўғуз эли шу маросимга йиғилиб келдилар.

Қўрқут ота бошлиқ барча беклар сўрдиларки: Дувайлихоннинг хотинлардан биронтаси хомиладорми, деб. Бир доя хотин келиб: хоннинг бир хотини хомиладор эди, умидимиз борки, бола тезда дунёга келгай, деди. Бир неча кундан сўнг хонга ўлик оши бериб турганда, хонни ўғли дунёга келди, деган хушxabар келди. Эрки бошлиқ барча беклар суюнчи бердилар. Эрки халққа солиқ солдики, ҳар ким ҳимматига лойиқ тухфа келтирсин, деди. 400 йилки, 4000 кўй сўйдилар.

Ўғуз эли Қўрқут отага: бу болага ном қўйинг, деб айтдилар. Шунда у: бунинг оти Туманхон бўлсин, деи. Халқ айтдики: бундан яхшироқ ном қўйинг, деди. Қўрқут ота «бундан яхши от бўлмайти», деб жавоб қилди. Чунки, Дувайлихон ўлгандан кейин бизнинг юртни гўё туман қоплагандай зулмат бўлди. Шу вақтда дунёга келгани учун Туман исм қўйилди. Яна бир яхши ният билан Туман от қўйдимки, Туманли кун офтоб бўлур. Озгина туманли вақтни бу боланинги ёшлигига ўхшатиб, ундан кейинги офтобли кунни боланинги йигитлик даврига, отасининг тахтига ўтириб, давлатли ва узоқ умрли бўлишига ўхшатаман, деди. Барча халқ буни эшитиб, Қўрқут отага «офарин» деб, хушхол бўлишиб, Туманга кўп дуолар қилдилар. Ундан сўнг Қўрқут ота бошлиқ барча халқ Эркига: бир ой тўй қилдинг, ошинг тамом бўлмади, ҳовузларинг кўл сувидек кўп бўлди. Бугундан сўнг сени Кўл Эркижон дейилади. Туман ўзинини ўғлингидир. Оғанг Дувайли Қойанинги ўрнига ўтириб хонлик қил. Қачонки Туман йигит бўлса хонликни унга берасан, деб Кўл Эркини хон қилдилар. Кўл Эркихон халқи билан яхши муомалада бўлди. Туман йигит бўлди. Дувайли Қойахонга хизмат қилган кишилардан бири Туманга айтдики, подшоҳлик сенга отангдан мерос қолган эди. Барча халқ Кўл Эркихонни вақтинчалик, сен балоғатга етгунча подшоҳлик қилишга иттифоқ қилишган. Бу гапни Туман Кўл Эркихонга етказди. Кўл Эркихон бу сўзни эшитиб, Қўрқут ота билан маслаҳат қилиб, элнинг уруғларини чақириб, катта тўй қилди. Тўйда ўтирганларга Кўл Эркихон: — Эй халқим, подшоҳлик Туманнинг хаққи эканлигини барчангиз биласиз, шу пайтгача Туман ёш эди, мана энди у йигит бўлди, отасининг тахтини Туманга топшираман, — деди.

Нашрга тайёрловчи:
МАҲКАМ МАҲМУД



УЗОҚЛАШИБ БОРАР ДАРД

Наби Жалолiddин Андижонининг ёш, лекин иқтидорли шоирларидан. Дардчил йигит — юрт дарди, ишк дарди унинг юрагида. Шеърлари шунинг учун ҳам кўнгилга яқин. Унинг Сизга «айтар гаплари кўп». Бугунгиси фақат бир шингил, холос.

КУЗГИ НОЛА

Сенга айтар гапларим кўндир
Хазонларнинг ёр-ёри ичра,
Армонларнинг мазори ичра,
Қалдирғочим, дардларим кўндир,
Сенга айтар гапларим кўндир.

Сўлгин нигоҳ ичра
Сонсиз оёқлар,
Чалишиб, қоқилиб ўтар ҳар ёна.
Оёқлар бир ёну
Бош бир ён оқар,
Дунё майхонадир,
Дунё майхона!..

УЗОҚЛАШАР ДАРД

ЁСТИҚ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Икки ёстиқ —
Адашган жуфт бош,
Икки ёстиқ —
Саргайган ҳасрат.
Икки ёстиқ —
Гўлаётган бардош,
Икки бошни ётибди асраб...

Умр ели учар саросар,
Борар жойи охир аросат.
Севгим, дея йўллар қарасам,
Муҳаббатнинг қароси йўқдир,
Қалдирғочим, дардларим кўндир.

Баҳорнинг бағрида
эриётган қор,
олис-олисларга қочмиш у осмон,
қишқи соғинчлардан хотира — хумор,
мен отамга битмаган дoston
узоқлашиб борар,
узоқлашар дард.

Шифтни тешиб бораётир кўз...
Бешик узра
Осилган бир кўл.
Бўғизларда қоғиб қолган сўз
Кўтаргирмас бошни ёстиқдан.
Бешик узра осилган у кўл
Олис-олис доволли бир йўл...

«Муножот»га сингил наволар
Қалб қаъридан аста ҳаволар.
Бу фаслнинг асли саволлар —
Ечилмаган жумбоғи хўндир,
Қалдирғочим, гапларим кўндир.

Умр саҳросида пиёда йўлчи,
қорларни соғинмай,
демай осмонни,
қиёматга зор у
бардошим кўнчиб,
кўзлаб бормоқдаман тирик
дostonни.

ЁЛФИЗЛИК

Дунё мenden айрилиб қолди
Алам билан бир бор хўрсиниб.
Мен дунёдан, у мenden тонди,
Янги қабр ёриб кўксини.

Дунё мenden айрилиб қолди
Минг-минг йиллик янги қабрда.
Бошимдаги ҳаёллар толди,
Қип-яланғоч танзо сабрдан

Бу қабрда тирик мурдалар
Минг ажалга очади гардан.
Бунда дунё айрилди мenden,
Мен дунёга бегона дардман...

Капалакнинг сўнгги кўз ёши
Майсаларнинг лабидан тошиб,
Кузатади қонли кўёшни,
Вале, дунё кўзлари лўқдир,
Қалдирғочим, дардларим кўндир.

Санчиғи бор тунлари узун,
Видо айтган унлари узун.
Бир бор қучай баҳорнинг ўзин,
Кел, қалдирғоч, лабиндан ўндир,
Қалдирғочим, фасли куз бўпти!..

УМАР ҲАЙЁМ

Ой қамалиб ғариб ҳужрага,
Сузук кўзда жилва қилади.
Нигоҳ сўлгин,
Юрак ичра гар
Мастона ҳис ўксик кулади.

Дийдор яқин,
Ахир
узоқлашар дард!..

Наби Жалолiddин



Дунёда кўпга ажойиб, мўъжизали дарахт ва буталар борки, улардан маҳаллий халқ азалдан фойдаланиб келган. Ҳозирги иқтисодий қийин бўлган бир даврда ана шундай набобат олампдан фойдаланиш ва улар ҳақида маълумотга эга бўлиш фойдадан холи эмас. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида энергетика муаммосини ҳал этишга ёрдам берадиган янги манбаларни излаш давом этмоқда. Агар бундан 30 йил муқаддам «ёқилги» шарбати ажратиб чиқарувчи дарахт топилганлиги ҳақидаги хабар ҳар хил олди-қочди ишқивозларини қизиқтириши мумкин бўлса, бугунги кунда таркибида суяқ углеводород бўлган ўсимлик фақат ботаникларнинггина эмас, балки саноатчиларнинг ҳам эътиборини жалб қилади.

* * *

Яқинда Филиппин чағалзорларида шарбатига ёниб турган гугуртни яқинлаштириш билан бензин сингари алангаланадиган, ёнаётган мевалари узилиб тушиб, кўп вақт ерда ўчмай турадиган ёввойи дарахт топилди. Маҳаллий аҳоли «канга» деб атайдиган бу дарахтни «нефт дарахти» ҳам деб юритишади.

Маълум бўлишича, бу дарахтнинг мевалари таркибида оч кўкимтир рангда ёнадиган ёғ бор экан. Маҳаллий аҳоли қимматбаҳо керосин ўрнига илгаритдан унинг шарбатидан ёқилги сифатида фойдаланиб келган. Олимлар бу да-

ракт Бразилиянинг Конейфера дарахти оиласига мансублигини аниқладилар. Маҳаллий маъмурият «ўсимлик ёнилги»сини олиш мақсадида бу ўсимлик плантацияларини ташкил этиш режасини ишлаб чиқди.

* * *

Яқинда эълон қилинган бир мақолада хабар қилинишича, Врешия кишлоқ хўжалик олий билимгоҳи профессори Иджино Дзанутто Оронжерейда нефт дарахтини ўстиришга муяссар бўлди. «Нефт дарахти» ўзининг кўриниши билан арчага ўхшаб кетади. Олимнинг изоҳлашига қараганда, «Нефт дарахти» Танзания яримсахро минтақаларида ўсадиган ўсимликлардан унум олган бўлиб, у ўз таркибида жуда кўп миқдорда углеводларни сақлайди. Бу ўсимликдан олинадиган бензин тоза ва сифатлидир.

* * *

Хитой халқ республикаси Ҳайнон оролининг жанубида олимлар «Олими синдрома клабра» деган ажойиб дарахт турини аниқладилар. Бу ўсимлик ажратадиган суяқлик ёниши жиҳатидан нефтдан қолишмайди. Вояга етган дарахт балаандлиги 30 метргача бўлиб, 12—15 метр бўлганидаёқ ана шундай суяқлик чиқаради.

ЛАТИФАЛАР

Яқиндагина Истамбулга бориб келган жиянидан кекса аёл сўрабди:

— Хўш, қароғим, Истамбулда қандай янгиликлар бор? Ҳазилкаш жиян жавоб берибди:

— Худо ҳаққи, Истамбул ўша-ўша. Фақат янги удум ўйлаб топилди.

Кекса аёлларни ёш йигитларга, ёш қизларни эса бобом тенги мўйсафидларга берадиган бўлишибди.

Кекса аёлнинг бўйи етган қизи бу гапларни эшитиб хафа бўлибди: — Гапларингнинг бари ёлгон! — дебди у лоладек кизариб.

— Ҳой, тарбия кўрмаган, бирпас жим турсанг бўларди,— дебди онаси кизини жеркиб.— Наҳотки, сен ўзингни Истамбулда нималар юз бераётганини ҳозиргина ўша ердан келган одамдан ҳам яхшироқ биламан деб ўйласанг!..

Энвер исмли шоир кунлардан бир кун шаҳарга йўл олибди. Қараса аллақандай бир киши унинг шеърини ўқиб турганмиш. Одамлар бўлса, «Валли Энвер шоир!» дея уни олқишлар эмишлар.

Шоир шеър ўқийётган кишининг олдига бориб дебди:

— Агар сен Энвер шоирни кўрсанг, танийсанми?

— Энвер шоир ўзимманку, дебди ҳалиги киши пинагини бузмай.

Энвер бу жавобни эшитиб тошдай қотиб қолибди. Ўзига келгач, шундай дебди:— Э, худо, шеър ўғрилари борлигини-ку билардим, даргоҳингда шоир ўғрилари ҳам бор экан-да-а?

Жумҳурият газета ва журналларидан олинди.


Қуйида биз Шофирконлик ўқитувчи Анвар Ҳайитовнинг тузган бошқотирмасини сизларга ҳавола қилаёلمиз. Журналимизнинг келгуси сонларида бошқотирманинг тўлиқ жавобини эълон қиламиз.

БОШҚОТИРМА

Қуйида таърифлари баён этилган атамалар жавоби шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзилади.

1. Саноат маҳсулоти.
2. Оёқ кийими.
3. Халқнинг ишончли вакили.
4. Чорва молларининг тўдаси.
5. Атамаларнинг турли жойларда турлича ишлатилиши.
6. Узунлик ўлчов бирлиги.
7. Дурадгорлик асбоби.
8. Пахтадан олинадиган маҳсулот.
9. Фарбий Осиёдаги давлат.
10. Донли ўсимлик.
11. Ҳижрий йил ойи.
12. Африканин шимолий-шарқида жойлашган қадимий давлат.
13. Хушбўй хидли суяқлик.
14. Осиё билан Европа қитъасини ажратиб турадиган тоғ.
15. Юқори колорияли гўшт маҳсулоти олинадиган жонивор.
16. Материк.
17. Ширинлик.
18. Бангладеш пул бирлиги.
19. Дунёнинг тўрт томонидан бири.
20. Яйловдаги қўйлар сақланадиган жой.
21. Қадимий миллат.
22. Сўз ва гапларнинг тўғри ёзилиши.
23. Газлама.
24. Рўзгор буюми.
25. Ишчиларнинг меҳнати учун тўланадиган ҳақ.
26. Мева.
27. Жумҳуриятимиздаги эстрада гуруҳи.
28. Жумҳуриятимиздаги тоғ.
29. Ўсимлик.
30. Буюми катталаштириб кўрсатувчи асбоб.
31. Ер ости бойлиги.
32. Ҳиндистондаги дарё.
33. Ер унумдорлигини ошириш учун ишлатиладиган минерал ўғит.
34. Хизматга оид ҳужжат ва юридик актлар учун зарур расмият.
35. Материклар сонини кўрсатувчи натурал сон.
36. Гул.
37. Туркия пул бирлиги.
38. Ўсимликларнинг нафас олиш органи.
39. Одам ва юкни кўтариш учун биноларда ўрнатиладиган кўтариш машинаси.
40. Жумҳуриятимиздаги денгиз.

Анвар ҲАЙИТОВ.
Бухоро вилояти, Шофиркон райони, ўқитувчи.



МУНДАРИЖА:

ПРЕЗИДЕНТ — ВАТАН ТИМСОЛИ

О. ЕҚУБОВ «Ҳаво йўлларидаги мулоқот» БОЗОР ВИЛАН ЮЗМА-ЮЗ	2.
Н. ХУЖАЕВ «Иш билан бандлик» ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ЙУЛИДА	6.
А. АБДУҒАНИЕВ «Фермерчилик истиқболлари» ИҚТИСОД ВА ЖАМИЯТ	8.
Р. ҚОДИРОВ «Туркия танлаган йўл» МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	10.
Б. МАТКАРИМОВ «Бозор иқтисодиёти сари» ИҚТИСОД ВА НАРХ-НАВО	12.
Ҳ. ҲАМРОЕВ «Маркетингда баҳо сиёсати»	14.
Э. ТУХТАМИШЕВ. «Карвон йўллари» ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ	16.
С. РУСТАМОВ «Бекарор нархлар» ИҚТИСОД ВА ТАРИХ	17.
М. ҲАСАНИЙ «Фитратнинг «Ислохотлар лойиҳаси» хусусида» СУЗ — ЕШ ОЛИМЛАРГА	19.
М. ЖУРАЕВ «Бухгалтерияда маҳсулотлар ҳисоби»	24.
А. ХУРРАМОВ «Ижара»	26.
А. ҲАНИТОВ «Нурли йўл» ИҚТИСОД ВА ТАБИАТ	28.
Б. РУЗМАТОВ «Экологик фожеанинг илдизи қаерда?»	28.
Н. БУРИЕВА «Энергетика муаммоси ва атроф-муҳит»	32.
С. ЧОРИЕВ «Ижтимоий адолат — тараққиёт гарови»	34.
Т. ЭШНАЗАРОВ «Илмий техника тараққиёти» БОЗОР ВИЛАН ЮЗМА-ЮЗ	34.
Р. ҚАРШИЕВ «Маҳсулдор замин» ИҚТИСОД ВА ТИББИЕТ	38.
С. РАҲИМОВ «Катта шифохонанинг катта ташвишлари» ОБУНА-93	40.
«Ҳозир имконият бор!»	44.
ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР	
Й. МАҚСУДОВ, У. МИРЖОНОВ «Пиллачилик» ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ	45.
Т. ЖУРАЕВ, Ф. ҒАНИХУЖАЕВА «Утиш даври муаммолари»	46.
В. ҲАСАНОВ, А. ТИЛОВОВ «Хорижда аудиторлик хизмати» ИҚТИСОД ВА ЖАМИЯТ	48.
Р. ДИЛМУРОДОВ «Устқурма ва бозор иқтисодиёти»	50.
Д. ЖУМАБОВЕВ «Президентга мактублар» ИҚТИСОД ВА ТАБИАТ	53.
Ҳ. САЛОМОВА, Н. АЛИМОВ. «Уруш ва экология» БОЗОР ВИЛАН ЮЗМА-ЮЗ	54.
Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ, Р. ЗИЯМУҲАММЕДОВ «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» ТАЛАБА МУЛОҲАЗАСИ	56.
З. ТУХТАМИШЕВ «Иқтисод ҳисоб-китобдан бошланади»	57.
Р. ФОЗИЛОВ «Кичик корхоналар ва бозор» МУШТАРИЙ МУЛОҲАЗАСИ	58.
Ҳ. ИБРОҲИМОВ «Серобчилик бўлсин, дейман»	60.
А. ҒОЗИЕВ, Ч. РИЗАЕВ. «Солиқ муаммоси» ИҚТИСОДИМИЗ ТАМАЛ ТОШИНИ ҚУЙГАНЛАР	62.
Ҳ. УЗОҚОВ, И. ТУРСУНОВ «Бу муҳитдан тўйдим»	64.
Н. АЛИМОВ «Мис симлар тилсими» УҚИЙМИЗ-УРГАНАМИЗ	66.
Б. КАРИМОВ «Компьютер — тараққиёт калити» ИҚТИСОД ВА ҲУҚУҚ	68.
А. АЛЛАБЕРГАНОВ. «Ешларни жиноятдан қайтариш лозим»	70.
ИШБИЛАРМОН ҚИШИЛАР	
З. РУЗИЕВА «Замон зайлини тушуниб...»	72.
М. АЪЗАМ «Ҳаллож»	74.
ТЕРАН ТОМИРЛАРИМИЗ	
А. БАҲОДИРХОН «Шажараи тарокима» ИҚТИСОД ВА АДАБИЕТ	75.
Н. ЖАЛОЛИДДИН «Узоқлашиб бораётган дард» Дам олиш саҳифаси	78.
	79.

«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» — ежемесячный социально-экономический журнал Государственного комитета по прогнозированию и статистике кабинета министров при президенте республики Узбекистан (Госкомпрогнозстат).

Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700000 Х. Сулаймонова кўчаси, 29.



Телефонлар:

Бош муҳаррир — 39-11-25, бош муҳаррир ўринбосари — 39-11-26, масъул котиб (ўзбекча нашр) — 39-12-32, масъул котиб (русча нашр) — 39-12-35, бўлимлар; иқтисодий ислохот ва бозор муносабатлари (ўзбекча нашр) — 39-12-30, (русча нашр) — 39-12-34, халқ хўжалиги иқтисодиёти (ўзбекча нашр) — 39-12-34, (русча нашр) — 39-12-31, фан, маданият ва ижтимоий масалалар (ўзбекча нашр) — 39-12-30, (русча нашр) — 39-12-31, бухгалтерия — 39-12-33.



Бадий муҳаррир
Шухрат ИҶЛДОШЕВ



Мусахҳих
Хусан БЕКБЎТАЕВ



Босмахонага 21.09.92 й.да туширилди. Босишга 10.11.92 й.да рухсат этилди. Қоғоз ҳажми 84×108¹/₁₆. Нашриёт босмада нашр ҳажми 10,08. Буюртма № 1134. Баҳоси обуначиларга 3 сўм, сотувда 5 сўм.

Ойнома мустақил равишда 20237 нусхада нашр этилди.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган мақолалар, сурат ва фотосуратлар муаллифга қайтарилмайди. Журналдан олинган мақолаларга «Ҳаёт ва иқтисод» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент, 700000, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

Муқованинг биринчи бетига: Муқаддас Каъба.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Садир САЛИМОВ:
«Менежер»
Абдуҳалил РАЗЗОҚОВ:
«Осиё йўлбарси»
Зарифа МАҲАМАТҲОНОВА:
«Утиш даврида шаҳар бюджети»
Аббос НАВИХУЖАЕВ:
«Миллий ҳисоб тизмаси»
Ақром КАРИМОВ:
«Қўшма корхоналар»

ва бошқаларнинг қизиқарли мақолалари билан танишасиз.